



ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ
ОЛИМПИА
ҚЎМИТАСИ



7A.02
Э-81

Эркин ЭРНАЗАРОВ



207664
2023320

ОЛИМПИАДА —
ЖАҲОН СПОРТИ
БАЙРАМИ

85

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2008

O'zbekiston Davlat jismoniy tarbiya
Instituti
Abborot Resurs Markazi



Ўзининг тарбиявий аҳамияти, байрам маросимлари, санъати билан вужудга келган обрў-эътибори, буюк артистлар, олимлар, файласуфлар ва шоирлар ўз ҳиссасини қўшган алоҳида муҳит ҳамда спортга умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми деб қарашга имкон берадиган гўзал рамз бўлмаса, буларсиз олимпия ҳаракати, олимпия ўйинларининг ўзи ҳам ҳозиргидек ривожланмаган бўларди.

Ислом КАРИМОВ



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

**Р. Ж. Қурбонов, М. Қ. Бобоев, С. Р. Азимова, И. Т. Жураев,
А. Қ. Ҳамроқулов, Т. Т. Юнусов, Л. П. Югай**

Эрназаров, Эркин

Олимпиада — жаҳон спорти байрами / Таҳрир ҳайъати: Р. Ж. Қурбонов ва бошқ. — Т.: «Шарқ», 2008. — 224 б.

Ҳар тарафлама баркамоллик — юксак этиқод, чуқур билим ва жисмоний мукамалликка эга шахсни тарбиялашда спортнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистонда буюк келажак бунёдкорларини камолга етказишда, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш, руҳ ва жисм гузаллиги тимсоли бўлган олимпия қадриятларини кенг ёйишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

«Олимпиада — жаҳон спорти байрами» китоби туб мазмун-моҳиятини ҳам комил инсонни камол топтиришда спорт, олимпия ўйинлари, миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти, Олимпиадаларда инсоннинг чексиз имкониятларини намойиш этиб, миллионлаб ёшларни спорт билан фаол ва мунтазам шуғулланишга даъват этаётган чемпионлар ибрати ташкил этади.

Китоб таълим муассасалари ўқитувчилари, талаба ёшлар, мутахассислар, олимпия ҳаракати ва спорт билан қизиқувчи барча ўқувчиларга мўлжалланган.

ББК 75.1

ISBN 978-9943-00-308-8

КИРИШ

Ватанимизда Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб халқимиз маънавиятини юксалтириш, ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни, ақлий ва жисмоний уйғунликни мужассамлаштирадиган баркамол инсонни тарбиялашга биринчи даражали аҳамият бериб келинмоқда. Бу Ўзбекистонда маданият, таълим, спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг куламли туб ислохотларнинг бош мақсадига айланган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан давлатимизда энг биринчилар қатори «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Мамлакатимизда ХХІ асрнинг етук мутахассисларини тайёрлашга мўлжалланган кўркем, энг замонавий ахборот технологиялари, ўқув жиҳозлари билан таъминланган янги таълим муассасалари — умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, институт, университет ва академиялар барпо этилди ва этилмоқда.


Ўзбекистон буюк келажагининг бунёдкорлари — ҳар тарафлама баркамол ёшларни тарбиялашнинг энг муҳим воситаларидан ҳисобланган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Истиқлол йилларида мамлакатимизда олимпия ўринбосарлари спорт ўқув юр்தларининг яхлит тизими барпо этилди. Бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида Болалар спортни ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, уч босқичли — умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари талаба ёшларининг «Баркамол авлод», олий ўқув юр்தлари талабаларининг «Универсиада» оммавий спорт мусобақаларининг изчил йўлга қўйилиши жисмоний тарбия ва спортнинг кундалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин олишига, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда нафақат шаҳарлар ва туман марказлари, балки олисдаги қишлоқ жойларида ҳам йигит ва қизларимизнинг спорт билан мунтазам шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Улар нафақат жисмоний жиҳатдан чиниқиб, ўзларини бунёдкорлик фаолиятига тайёрламоқдалар, шу билан бир қаторда турли, энг нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, голиблик шоҳсупасига кўтарилмоқдалар ва бутун дунёга Ватанимиз довруғини ёймоқдалар.

«Ёшларимиз шарафига баланд кўтарилаётган Ўзбекистон байроғи, — деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, — минг-минглаб спорт ихлосмандлари, халқаро жамоатчилик томонидан қизгин олқишлар билан кутиб олинаётганлигининг ўзи шу юр்தда яшаётган ҳар қайси инсонга чексиз гурур ва ифтихор бахш этиши шубҳасиз».

Ҳақиқатан ҳам юр்தдошларимиз — олимпия ўйинлари голиблари ва совриндорлари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Лина Черязова, Артур Таймазов, Армен Багдасаров, Уткир Ҳайдаров, Баҳодир Султонов, Рустам Саидов, Сергей Михайлов, Карим Тўлаганов, жаҳон чемпионлари Рустам Қосимжонов, Абдулла Тангриев, Аббос Атоев, Светлана





Радзивил, ногиронлар ўртасида футбол бўйича миллий терма жамоа аъзолари, Осиё чемпионлари Миржалол Қосимов, Ирода Тўлаганова, Дилшод Мансуров ва кўплаб бошқаларнинг жаҳон спорт майдонларида намойиш этаётган ватанпарварликлари, юксак маҳоратлари, матонат ва иродалари мамлакатимиз халқи қалбини тоғдек кўтариб, беҳад мамнун этмоқда.

Улар, Президентимиз таърифи билан айтганда, Истиқлол тимсолларига айланди. Ватанимизнинг, халқимизнинг бу муносиб фарзандлари ўзларига муҳайё этилган барча шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, эл-юрт меҳр-муҳаббатидан руҳланиб, куч-қудрат олиб, жаҳон спорт майдонларида беқиёс истеъдодлари, энг юксак маҳоратлари, чексиз матонатларини намойиш қилиб, минглаб, миллионлаб тенгдошларига ўрнак бўлмоқдалар, уларни ўзлари каби спорт билан шуғулланишга, бўлажак чемпионлар сафларини тўлдиришга даъват этмоқдалар.

Ватанпарварлик, миллат фидойиси бўлиш, жасорат ва мардлик, ирода ва матонат, бақувватлик ва эпчиллик, маҳорат ва чаққонлик, тантилик ва ҳалоллик халқимизга хос энг олижаноб фазилатлардир. Бу хислатлар дастлабки маданий ёдгорликларимиз — «Авесто»да, халқ оғзаки ижоди — эртақ ва дostonларда мадҳ этилади. Миллий қаҳрамонларимиз — Алпомиш, Спитамен, Мангуберди ва бошқалар худди ана шундай фазилатли инсонлар эди.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур тузукларида миллатни, хусусан, лашкарни чиниқтиришнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади. Абу Али ибн Сино жисмоний машқлар, кураш, спортнинг бошқа турлари инсон саломатлигини мустаҳкамлашнинг асосий омили эканлигини қайта-қайта уқтирар эди. Алишер Навоий дostonларида юлдузларни беҳато нишонга оладиган Фарҳодлар маҳорати, довюрак ўғлонлар жасорати куйланган.

Кўҳна Юнонистонда тугилган олимпия ўйинларига ҳам туб моҳият жиҳатидан руҳ ва жисм мукамаллиги, гўзаллиги тантанаси, айни вақтда элатни, юртни жипслаштирадиган, тинчликка, биродарликка даъват этиладиган шодиёна сифатида қараларди. Шу боис замонавий олимпия ҳаракати асосчиси Пьер де Кубертен Францияда ёшлар тарбиясини мукаммаллаштириш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борар экан, қадимий юнонларнинг бу улкан спорт байрамлари фақат кучлилик, эпчиллик, чаққонлик синови бўлиб қолмасдан, энг асосийси инсонни ҳар томонлама камол топтиришнинг ниҳоятда муҳим воситаси эканлигини англаб етганди.

Антик давр олимпия ўйинларида атлетлар спорт майдонларида чинакамига энг кучли ва чапдаст эканликларини намойиш этиш учун ҳалол беллашишлари билан бирга, бу мусобақалар доирасида санъат — рассомлик ва ҳайкалтарошлик, мусиқа танловлари ўтказилар эди. Улар ғолиблари худди спортда бошқалардан устунликларини исбот этганлар каби Олимпиада чемпиони юксак шарафига муяссар бўлар эдилар. Шу боис ҳам

«олимпизм» дейилганда юксак маънавий ва мукаммал жисм уйғунлиги, спорт орқали баркамол шахсни тарбиялаш, жамият ҳаётига инсонпарварлик эзгу ғояларини сингдириш фалсафаси тушунилади.

Мустақиллик шарофати туфайлигина Ўзбекистон халқаро олимпия ҳаракатининг энг фаол аъзосига, олимпия ўйинларининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланди. Моҳир спортчиларимиз халқаро мусобақаларнинг энг олийси ҳисобланган бу Ўйинларда кўрсатаётган юксак натижалари билан жаҳон спорт ҳамжамияти таҳсинларига сазовор бўлмоқдалар.

Айниқса, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг олимпия ҳаракати, спортни ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Юртбошимизнинг Халқаро Олимпия Қўмитаси, Осиё Олимпия Кенгаши, Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси, Халқаро кураш федерациясининг олий нишонлари билан тақдирланиши айнан ана шунинг далолатидир.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда спортни ривожлантириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда асл олимпия қадриятлари — маънавий баркамоллик ва жисмоний гўзаллик, матонат ва ирода, ҳалоллик ва бағрикенглик, дўстлик ва биродарлик ғояларининг катта амалий аҳамиятини таъкидлайдилар.

Президентимиз ташаббуси билан 2008 йил — «Ёшлар йили» деб эълон қилиниб, қабул қилинган ва изчил амалга оширилаётган давлат дастурида юртимизда яшаётган ҳар бир ёшнинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқаришга биринчи даражали аҳамият берилган. Бу беқиёс ғамхўрликларга жавобан жаҳонда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган истеъдодли, моҳир, матонатли спортчиларимиз халқаро мусобақаларда, уларнинг энг олийси ҳисобланган олимпия ўйинларида янги-янги шонли галабаларни қўлга киритиб, Ўзбекистон шухратига шухрат қўшишлари, Ватанимиз номини бутун дунёда янада машҳур қилишлари шак-шубҳасиздир.


Мазкур китоб мазмун-моҳияти ҳам бевосита ушбу мақсад — олимпия ҳаракатининг инсоний камоллик, дўстлик, биродарлик ғоялари, курраи заминимиздаги энг маҳоратли, энг матонатли, энг кучли, энг чаққонларнинг ибрати орқали ватандошларимиз, биринчи навбатда, ёшларимизни соғлом турмуш тарзи, том маънода уйғун маънавий ва жисмоний гўзалликка интилишга рағбатлантиришдир. Ўзбекистонда «Ёшлар йили», Пекиндаги XXIX олимпия ўйинлари йилида чоп этилган ушбу китоб барча — антик даврдан бошлаб замонавий Олимпиадалар, шунингдек, Ўзбекистон спорти тарихи, жаҳон спорт байрами ҳақиқий қаҳрамонлари — чемпионлар ва совриндорлар, шу жумладан, ғолиб юртдошларимиз тўғрисида батафсил ҳикоя қилувчи давлат тилидаги дастлабки нашрдир.

ОЛИМПИАДА – ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ









ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ







207664

АНТИК ДАВР ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ



Ўзбекистон Davlat jismoniy tarbiya
Institutini
Axborot Resurs Markazi



МИНГ ЙИЛЛИК АНЪАНАЛАР

2008 йилда Пекинда навбатдаги Ёзги олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Хитой Халқ Республикаси пойтахтидаги бу кучлилик, эпчиллик, гўзаллик умумжаҳон байрами кўҳна Олимпиадалар ватани — Афинада 1896 йилда жаҳоннинг энг олий спорт мусобақалари яна ўтказила бошланганидан кейин йигирма тўққизинчиси бўлади. Замонавий олимпия ўйинлари ҳамда замонавий олимпия ҳаракати «иккинчи баҳори» янги тақвими варақлана бошланганига ҳам 110 йилдан кўпроқ вақт бўлди. Бу — оз эмас.

Бироқ ҳамма нарса таққосланганда ойдинлашади. Бундан бир минг олти юз ўн уч йил илгари — 394 йилда Рим императори Буюк Феодисий ўз салтанатида христианликни мажбурий жорий этаётганда олимпия ўйинларини қўп худоликлар байрами, деб уларни ман этиш тўғрисида фармон чиқариб, муқаддас Олимпия шаҳрига ўт қўйиб, ёндириб юборишга буйруқ берганида уларнинг **икки юз тўқсон учинчисини** (!) ўтказишга тайёргарлик кўриляётган эди. Ҳолбуки, бу ҳисоб ҳам барча олимпия ўйинларини қамраб олмаган.

Тарихчилар бизга қадар сақланиб қолган турли манбаларни, шу жумладан, юнон ривоятлари, ўша давр адиблари асарларини таҳлил этиш асосида энг кўҳна олимпия ўйинлари билан боғлиқ тўрт даврни ажратиш кўрсатадилар.

Биринчиси — *қаҳрамонлик даври* ҳисобланиб, ривоятларга кўра бу мусобақаларда маъбудлар, шоҳлар, афсонавий қаҳрамонлар ўзаро куч синашганлар. Гомернинг машҳур «Илиада»си худди шундан гувоҳлик беради. Унда ёзилишича, эмишки кўҳна Юнонистонда Троя урушининг буюк қаҳрамони, танасининг оёқ кифтидан бошқа бирор жойини тиг кесмас, ўқ олмас Ахилл (Ахиллес) ташкил этган ўйинларда от қўшилган аравалардаги пойгаларда Фракия шоҳи Диомед, Микен шоҳи Менелай (ривоятларга кўра Троя уруши унинг рафиқаси Елена ва давлати хазинаси Троя шаҳзодаси Парнас томонидан ўғирлаб кетилганлиги сабабли бошлан-

ган), Пилос шоҳи Нестор маррага биринчи бўлиб етиб келганлар. Троя уруши қаҳрамонларидан яна бири — Эвриалга мушт жангида тенг келадиганлар топилмаган. Гомер уларнинг ҳамда курашда барча рақибларининг курагини ерга теккизган шоҳ Аякс Телеманид, югуришда шамолдан-да тез еладиган Одиссей, найза улоқтиришда Юнонистоннинг энг қудратли шоҳларидан бири, юнон қўшинлари лашкарбошиси Агамемнон, камон отишда Одиссейнинг энг содиқ хизматкори Эвмей, бошқа маъбудлар, шоҳлар ва афсонавий қаҳрамонларнинг мислсиз бақувватлиги, чаққон ва эпчиллиги, бошқа фавқуллода фазилатларини мадҳ этади.

Олимпия ўйинларининг иккинчи — *афсонавий даври* шоҳ Кардиснинг ўғли Климен Девкалионнинг сув тошқинидан (ривоятларга кўра маъбудларнинг энг олийси Зевс хулқи номақбул «мис асри» одамларини жазолаш учун ер устини тўққиз кун давомида сувга бостирган, бунда фақат Прометейнинг ўғли, Фтия полиси ҳукмдори Девкалион ҳамда-унинг рафиқаси Пиррага ўзлари учун юборилган махсус кемада жон сақлаб қолишган) сўнг Гераклга бағишлаб ташкил этган умумэллин мусобақалари тўғрисидаги ривоятларга асосланади.

Кейинги *ярим афсонавий* — учинчи давр миллоддан аввалги IX асрга тўғри келиб, бунда олимпия ўйинлари Лифург ва Эфит томонидан ташкиллаштирилганлиги ҳақидаги ҳақиқий воқеалар афсоналарга уйқаш бўлиб кетган.

Ва ниҳоят олимлар миллоддан аввалги IV асрда *олимпиониклар* — умумэллин мусобақалари голиблари рўйхатини таҳлил этиш асосида ўша 292 та Олимпиаданинг биринчиси миллоддан аввалги 776 йилда бўлиб ўтган (олимпия ўйинлари голибларининг биринчи рўйхати худди шу йил тузилган) деган хулосага келганлар. Бу аниқ маълумотларга асосланган, илмий исботланган сана олимпия ўйинлари туғилган йил, деб эътироф этилади. Бу Олимпиаданинг *тарихий даври* ҳисобланади.

Инсониятнинг неча минг йилликлардан иборат тарихида жангу жадалларнинг ҳам, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётда рўй берган беқиёс ўзгаришларнинг ҳам санаб санабга етиб бўлмайди. Лекин кўп ҳолларда нима учун бу воқеалар эмас, балки бевосита олимпия ўйинлари кўҳна юнон, қолаверса, биргина унинг эмас, балки бутун дунё адибу файласуфлари, ҳайкалтарошу рассомларини ҳам, ҳозирги давр ижод аҳлини ҳам тўлқинлантириб, руҳлантириб келган, келди ва келмоқда?

Нега энг гўзал ҳайкалу рангасвирлар, шеъру дostonлар шоҳу саркардалардан ҳам кўп-

роқ спорт майдонлари қаҳрамонларини мадҳ этади?

Нима учун — мўъжизага даъво қиладиган, инсоният тафаккури энг сўнгги ютуқлари ишга солиниб уюштириладиган томошалар, сайиллар, фестиваллар беҳисоб бўлган бугунги кунда ҳам олимпия ўйинлари ҳали-ҳамон қурраи заминимиздаги деярли ҳаммани — ирқи, диний эътиқоди, миллати, қизиқишидан қатъи назар — миллиардлаб кишиларни ўзига ром этмоқда?

Бу саволларга жавобни, эҳтимол, олимпия ўйинларининг туб ва абадий қадриятларидан излаш ўринлидир.



Гоплитдром — қурол-аслаҳа билан югуриш мусобақалари.
Милoddan аввалги 470 йил.

КОМИЛ ИНСОН ОРЗУСИ

Инсон ҳамиша комилликка интилиб яшайди. Бунинг далили сифатида қояларда сақланиб қолган энг кўҳна тасвирлару қўлёзмалар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан истаганча мисоллар келтириш мумкин.

«Авесто»нинг ўнлаб асрлар ўз муҳрини қолдирган саҳифаларида Ахурамазда билан Анхрамайну ўртасидаги муросасиз кураш нафақат яхшилик ва эзгулик билан ёмонлик ва ёвузликнинг, маъқул хулқ билан номақбул хулқнинг, нурафшон ер усти билан зулмат ер ости кучларининг қарама-қаршилигидир. Бу, чуқурроқ мушоҳада юритилса, моҳият жиҳати бўйича комил инсон учун курашдир.

Яхшилик илоҳи Ахурамазда ер устида ҳамиша баҳор бўлиши, «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу амал» қарор топиши учун рақиби, ёвузлик тимсоли бўлган илоҳ Анхрамайнуга қарши туриши, англашимизча, ўша энг кўҳна давр аждодларимизнинг ҳам жисмонан бақувват, табиат офатларию ганимлар ҳужумларига бардош бера оладиган, шу билан бирга ўзида эзгу хислатларни мужассамлаштирган одам тўғрисидаги орзу-умидларининг ўзига хос ифодасидир.

Кўҳна манбалар Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) дарёлари ўртасидаги водийда, жумладан, от мусобақалари кенг тарқалганлигидан далолат беради. Бунга милоддан аввалги IV асрда бу ўлкага юришлари даврида македониялик Александр Македонский — Искандар Зулқарнайн ҳам шоҳид бўлган. Сўғдиёна ва Бақтрияда от пойгаси, улоқ билан бирга кураш, дорбозлик жуда оммалашган.

Маълумки, Доро ва Ксерексининг Юнонистонга ҳарбий юришларида суғдийлар, хоразмийлар, саклар ҳам қатнашганлар. Улар Эллада юртида олимпия ўйинлари, уларда ўтказиладиган мусобақалар, спорт иншоотлари билан танишганлар. Ватанларига қайтиб келгандан сўнг эса янги шаҳарлар барпо этаётганда юнонларникига ўхшаш стадион ва гимнасиялар ҳам қуришга ҳаракат қилганлар. Айни пайтда антик давр олимпия ўйинларидаги мусобақаларни маҳаллий шароитга мослаштириб, аҳоли ўртасида кенг ёя бошлаганлар. Юнон тарихчиси Геродотнинг гувоҳлиги худди шундан далолат беради: «Саклар... дунёдаги бача мерганлар орасида ўқни зое кетказмайдиган жуда моҳир мерганлар сифатида шўҳрат қозонган эдилар».

Энг эътиборлиси саклар ва хоразмийларнинг аёллари ҳам ҳарбий юришлар ва жангларда қатнашар, мардлик ва матонатда эркак жангчилардан қолишмасдилар. Буни милоддан аввалги II асрда Рим ёзувчиси Климент Александрийский куйидагича тасвирлайди: «Сак аёллари, худди қочиб кетаётгандек, айёрлик билан от устида эркаклардек орқага бурилиб ўқ узар эдилар». Юнон тарихчиси Диодор ҳам милоддан аввалги I асрда саклар ҳақида: «Бу қабиланинг аёллари мард бўладилар ва уруш хатарларини эркаклар билан баҳам кўрадилар», деб ёзиб қолдирган.

Кушон салтанати емирилиб, Хоразм, Фарғона, Шошда янги давлатлар вужудга келиши билан (милодий IV — V асрлар) нафақат ҳарбий юришлар, балки савдо-сотиқ мақсадлари учун ҳам чиниққан отлар ва чавандозлар кўплаб керак бўлди. Бу эса от мусобақалари, айниқса, пойга оммалашиб кетишига сабаб бўлди. Бундан ташқари турли ҳарбий ўйинлар, камондан ўқ узиш мусобақалари ҳам ўтказиларди. IX—X асрларда аввал «ғуйбожи», кейинчалик «чавгон» номи билан машҳур ўйин кенг тарқалди. Чавгонда чавандозлар икки гуруҳга бўлиниб, от устида қўлларидаги узун дастали маҳсус ёғоч болға (сулжон) билан тўпни катта майдоннинг икки томонига ўрнатилган дарвозаларга киритишга ҳаракат қилганлар.

Ана шу даврларда ўлкада от ўйинлари билан бирга шатранж ҳам машҳур бўлган. VI—VII асрларга таллуқли «Карнамак» тарихий романида асар қаҳрамонининг фазилатлари шундай ифодаланган: «...худонинг марҳамати билан у тўп ўйнаида, чавандозликда, шатранж ўйинида... ва бошқа санъатларда ҳаммадан кучли, ҳаммадан моҳир бўлган». Бу ерда спорт бежиз санъат, деб аталаётгани йўқ. Ўша давр мутафаккирлари инсон баркамоллигини жисмий ва руҳий фазилатлар мужассамлиги сифатида тасаввур қилганлар.

Буюк алломаимиз *Фаробий* ҳам «Фозил инсонлар шаҳри» элатни бирлаштирувчи давлат бўлибгина қолмасдан, энг аввало, бу ерда юқори маданиятли, қонунни ҳурмат қилувчи, ахлоқий камолотга эришган, яъни гўзал инсоний фазилатлари билан ажралиб турадиган фуқаролар аҳил ва иноқ яшайдиган, орзуланган жой эканлигига урғу берган.

Фозил инсонлардаги бу комиллик, улуғ ватандошимиз фикрича, аксарият ҳолларда туғма

эмас. Бу фазилатлар асосан одамлар ўсиб-улғайишлари жараёнида шаклланиб боради. Демак, ўз олдига ана шундай юксак мақсадни қўйган ҳар бир киши маънавий комилликка эришиш учун ўқиб-ўрганиши, фозиллар насиҳатларига амал қилиши, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиши учун эса доим машқ қилиб, чиниқиб бориши керак. Шундагина ҳам маънавий дунёси бой, билими мукамал, элпарвар, хулқи гўзал, ҳам кучли, эпчил, чаққон, жасур қиёфаси гўзал — руҳий ва жисмоний фазилатлари уйғун шахс камол топади.



Чавгон ўйини.

Комиллик орзуси халқ дostonларида ҳам, миллий қаҳрамонларимиз — *Спитамен, Тўмарис, Мангуберди* ва бошқалар тимсолида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.

«Не-не баҳодирларнинг елкасини ерга теккизган афсонавий Алпомиш, забардаст Фарҳод ҳақидаги ривоят дostonлар шунчаки афсона эмас, — деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислам Каримов, — халқ руҳининг, халқ мардлигининг тимсолидир... Бу қадимий замида

туғилиб-ўсиб, муборак номлари афсонаю дostonларга айланиб кетган Алп Эр Тўнга (Афросиёб), Алпомиш, Паҳлавон Маҳмуд сингари елкаси ерга тегмаган баҳодирлар кураш орқали ўзбек юртининг шонига-шон қўшганлар, донгини бутун оламга таратганлар».

Ҳақиқатан ҳам «Алпомиш» дostonини ўқир экансиз, халқ ижодиётининг бу ноёб намунасида миллий тарихимиздаги қаҳрамонлик воқеалари, таъбир жоиз бўлса, афсонавий либосда намойён бўлади. Алпомиш 7 ёшида 14 ботмон бирич — бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб «Алп» унвонига сазовор бўлади. «Алп» бугунги кунда бизнинг тушунчамиздаги паҳлавон, баҳодир, адл қомат маъносинигина ифодаламайди. Ўша кўҳна замонларда «Алп» — ҳокимият эгаси эди. Шу талқинда Алпомиш давлатчилигимиз тимсоли ҳамдир.

Дostonда Алпомиш ва унинг дўсти Қоражонларнинг фазилатлари сифатида уларнинг кучқуввати, паҳлавонлиги билан бирга юртпарварлиги, тантилиги, мардлиги ва жасурлиги куйланади. Ўзбек қизларининг довжураклиги эса Барчин қиёфасида ўз ифодасини топган. Барчин қўнғиротлик дугоналари билан юртдошларининг қалмоқ полвонлари билан курашини томоша қилар экан, Ҳакимбекка қарата айтганлари жуда ибратлидир:

*«Мардлар олишмайди, силтаб отади,
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади.
Мен ҳам энди бир олишиб кўрайин,
Ушласам қалмоқни нобуд этайин».*

Алпомишнинг Барчин қўйган шартларни бажаришдаги довжураклиги, паҳлавонлиги ва топқирлигида халқнинг ҳақиқий қаҳрамон ҳақидаги тасаввурлари гавдаланади. Хусусан, дostonдаги Алпомишнинг қалмоқ Кўкалдош алп билан курашиши ҳақидаги сатрларга эътибор беринг:

*«...Бир сўзни Алпомиш айтиб туради,
Аччиқлашиб бу Кўкалдош туради.
Чечиниб шул замон белини бўғиб,
Минордай бўп бу майдонга киради...
Чирпиб Кўкалдошни кўкка отади,
Анча ер ҳавога чиқиб кетади».*

XI асрда Абул Фазл Бейхакий ўзининг «Маъсуд тарихи»да «Мовароуннаҳр ва Хуросонда камондан отиш, кураш, тош кўтариш, чавгон, пойга кенг расм бўлган. Фазнавийлар даврида Нуштегин, Абу Тоҳир Симжурий, Ҳорун, Аҳмад, Бойтегин, Бектегиннинг номлари шу мусобақаларда чиққан. Саройда чавгондор лавозими жорий этилган бўлган. Маҳмуд Фазнавий саройида кейинчалик Термиз

ҳокими этиб тайинланган Бектегин чавгондор вазифасини бажарган», деб ёзади.

«Қобуснома»да ҳам чавгон ўйини алоҳида тилга олинади: «Чавгон ўйнаганда сусткашлик қилма, жўшқин ҳаракат қил, тўпни оломон ичига урма, марра (дарвоза) томон етказишга муваффақ бўл».

Буюк Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур «Тиб илми қонунлари»да «Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия эканлиги»ни таъкидлар экан, «бадантарбиянинг нозик ва енгил усуллари» қатори унинг кучли — «найза отиш, чавгон, ку-



Паҳлавон Маҳмуд.

раш, тош кўтариш, чавандозлик» каби ўша даврларда ҳам жуда оммалашган миллий спорт турлари билан шуғулланишнинг аҳамиятини батафсил таърифлаб берган. Умуман бу асар учинчи қисмининг 17 фаслдан иборат бутун иккинчи бўлими жисмоний тарбия масалаларига бағишланган.

Абу Али ибн Сино миллий спорт турларини шунчалик санаб ўтиб қолмасдан, уларга батафсил таърифлар берганлиги эътиборга моликдир:

«Курашнинг турлари ҳам бир нечадир. Улардан бири: икки курашувчининг ҳар бири ўз рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга курашувчи ўз рақибдан қўтилишининг чорасини

қилади. Иккинчиси эса, уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилади...

Бошқа тури: икки курашувчидан бири иккала қўли билан иккинчисини маҳкам қучоқлаб, ўзига тортади ва ёнга ағдаради, бу вақтда биринчи курашувчининг ўнг қўли остидан ўтиши керак, (курашувчилар) гоҳ қадларини тиклаб, гоҳ эгилади-лар.

(Кураш) турларига яна кўкрак билан зарбани қайтариш, иккинчи бир кишининг бўйнидан ушлаб пастга эгиш, бир-бировининг оёқларини ўз оёқлари билан чалкаштириб чалиб, ёки оёқлари билан иккинчисининг оёқларини йириб қилинадиган ва полвонлар ишлатадиган ҳаракатлар ҳам киради.

Бундан 1000 йил илгари битилган курашнинг бу қоидалари ҳозирги бухороча ва фарғонача кураш турларига жуда ўхшашдир. Шунингдек, Абу Али ибн Синонинг «қайтарма» — рақибини бир ҳолатдан иккинчисига утказиш, «кўкма» — чалиш, «пойпечак» — рақибини оёқлари билан чирмаб олиш атамалари ҳам унинг кураш сирасорларидан нечоғлик хабардор эканлигини яққол исботлаб турибди.

Қомусий олим бадантарбиянинг равон ва енгил турлари сифатида аргимчоқ ва беланчақда тик туриб, ўтириб ва ётиб силкиниш, қайиқда сайр қилиш машқларини тавсия қилади. Кучли машқлар эса, Абу Али ибн Сино фикрича, мушт жангчи (боксчи)ларининг соя билан жанг қилиши, сакраш, кичик ва катта тўп билан чавгон ўйнаш, найза улоқтириш, тош кўтариш, чопиб келаётган отни тўхтатиб қолиш кабилардир.

Бошқа тарихий манбалар ҳам ўзбек кураши ўрта асрларда жуда оммалашганидан гувоҳлик беради. Жумладан, хитойликларнинг «Тан-Шу» йилномасида Наврўз байрамида Фарғонада шаҳар аҳолиси иккига бўлиниб, бир-бирлари билан кураш тушишлари қайд қилинади. Х асрда яшаган жўғрофиёчи Мақдусий Наврўз байрамида Мавр, Самарқанд, Балхда ташкил этилган оммавий кураш мусобақалари ҳақида ҳикоя қилади. Бундай беллашувлар ҳайит байрамларида ҳам бўлиб ўтган.

Алишер Навоий «Хамса»сидаги «Фарҳод ва Ширин» достони қаҳрамони тоғни талқон қиладиган кучга эга «пўлод бозу» — пўлат билаклидир. Фарҳод шу қадар мерганки:

«Қаро тун гар нишон айлаб Сўҳони,
Фалакча нованига ул нишони»,

яъни у Ҳулкар юлдузлар туркумига кирадиган, самода жуда хира кўринадиган юлдузни ҳам аниқ нишонга ола олади. Шу сабабдан Миррих — Марс унинг мерганлигига қойил қолиб олқишлайди.

Фарҳоднинг фазилатлари биргина бу мўъжизали қобилиятлари билан чекланиб қолмайди. Алишер Навоий таърифи билан айтганда, у «*замон соҳиб камоли*». Достон қаҳрамони фикрларини баён этганда суҳбатдошларини ҳайратга солиб, лутфидан гўёки дур — ҳикматлар тўкилади. Яъни бугунги кун таърифи билан айтганда ҳар тарафлама комил инсон.

Халқ баҳодирларининг паҳлавонлиги ва маҳорати миллат фарзандларига ибрат, шу билан бирга Ватан шавкатига доғ туширмаган ҳолда беҳуда қон тўкилишининг олдини олишга ҳам хизмат қилган. Ўша замонларда қирғинбаротликка йўл қўймаслик учун бир-бирига душман томонлар энг кучли полвонлари ўртасида кураш уюштириш, ютган тараф ғолиблигини, ютқазган мағлубиятини тан олиш удуми мавжуд эди.



Кураш.

Алишер Навоийнинг «*Садди Искандарий*» достонида Искандар қўшинидаги Барбарийнинг Эрон шоҳи Доро қўшинидаги Хорон ва унинг бошқа паҳлавонлари билан яккама-якка олишувларининг эҳтирослари битилган сатрларни ўқиймиз:

*Юруб хасм хайлининг ўтрисиға
Мунунг ул ҳам андоққи қаршусиға.
Бири бирга майдонда чирмоштилار,
Басе бир-биридан қолиб, оштилар.*

*Бу янглиғ тўқуз паҳлавони далер,
Қи ҳар бир эди иш чоғи нарра шер,
Бори Барбарийға асир ўлдилар,
Синон захмиддин дастгир ўлдилар.*

Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида лашкарни, умуман эл-улусни руҳан ва жисмонан баркамол қилишнинг давлат ва миллат равақидаги алоҳида аҳамиятини кўрсатиб ўтган. Унинг саройида ўтказилган кураш беллашувини ўз кўзи билан томоша қилган Кастилия (Испания) қироли элчиси *Рюи Гонзалес де Клавихо* шундай баён қилади: «...*Эгнига енгсиз камзулга ўхшатиб тикилган чарм либос кийиб олган икки полвон тик туриб олишар ва бир-бирини йиқитиша олмас эди. Ниҳоят улардан бири устун чиқиб, рақибини ерга атдарди ва анча вақтгача унинг туриб олишига йўл қўймай босиб ётди; айтишлари-ча, агар у ўрнидан туриб кетса, йиқилган ҳисобланмас экан*».



Улоқ.

Амир Темур салтанатида, айниқса, лашкарлар орасида кураш жуда машҳур бўлганлиги тасодифий эмас. Ўша пайтларда қўшинлар жанг вақтида ганим билан юзма-юз келганида қўлларидаги қурол-яроғини ташлаб, душман аскарини курашиб йиқитиши ҳам талаб қилинган.

Миллий спорт туримиз — кураш яна бир улуғ аждодимиз *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*нинг «*Бобурнома*»сида таърифланади:

«Ушбу кун Содиқ билан Кулолни куштига солдик. Кулол даъво билан келиб эди, Аграда кушти тутмоққа йўл кўфтини узр айтиб, йигирма кун муҳлат тилади. Қирқ-эллик кун муҳлатидан ўтти. Бугун зарур бўлди — кушти тутди, хейли осон йиқти. Содиққа ўн минг танга ва эгарлик от

ва бош-оёқ тугмалик чакмон инъом бўлди. Бову-жудким, Кулол йиқилиб эди, маъюс қилмай, анга ҳам сару пой ва уч минг танга инъом бўлди».

Бобур ўша даврнинг машҳур полвони Муҳаммад Саидга юксак баҳо бериб, уни тенги йўқ паҳлавон деб атаган. У, шунингдек, ўз хотираларида мушт жангини ҳам тилга олади. Бобурнинг ёзишича, спортнинг бу тури билан шуғулланувчилар орасида бир зарби билан отни қулата оладиганлар ҳам бўлган...

Қадим-қадимдан юртимизда ўтказиб келинган сайлу томошаларда миллий куй ва қўшиқлар, оқинлар айтишувлари, шоирлар мушоиралари одамларга маънавий озуқа, руҳий мадад берган бўлса, *чавгон, кураш, улоқ, камондан отиш, тош кўтариш, биллак кучини синаш (арм-реслинг)* мусобақалари, «бўрон», *елкада кураш, «минди», «тортишмачоқ»* каби халқ ўйинлари одамларни чиниқтириб, бақувват, эпчил қилишга хизмат қилган. Амир Темур салтанати даврида жуда оммалашган туркий халқларнинг жанговар спорт тури — «Турон» якка кураши билан мунтазам шуғулланиш ҳар тарафлама чиниққан, довюрак, садоқатли аскарларни тарбиялаш вазифасига хизмат қилган.

Бундан қарийб уч минг йил аввал олимпия ўйинларининг пайдо бўлиши ҳам бевосита ўша кўҳна давр жамиятида инсоннинг амалда чексиз имкониятлари, унинг руҳий ва жисмоний баркамоллигини намоиш қилиш истаги билан бевосита боғлиқлиги шубҳасиздир.

Юнон ривоятларини ёдга олайлик. Умумэлли байрамларининг энг олийси — олимпия ўйинлари юнонлар ўзларининг илоҳларининг илоҳи деб ҳисоблаган Зевс шарафига уюштирилганлигида катта ҳикмат бор. Олий илоҳ, унга сажда қилувчилар ўзлари улуглашларидек, фақатгина «мусаффо само», «яшин чақнатувчи», «булутларни ҳайдовчи», яъни беқиёс қудрат тимсолигина эмас. Зевс, шунингдек, «ҳаёт бахш этувчи», юнон шоири Эсхил таърифи билан айтганда «халоскор» ҳамдир. Афлотун (Платон) эътироф этишича эса, у «қонун таянчи»дир.

Учинчи авлод олий маъбуди ҳисобланган Зевс одамлардаги қусурлар билан муроса қила олмай янги дунё яратишга киришади. Шу мақсадда у аввал Ерга сув бостиради, шундан сўнг янги, ўзи орзулаган, фақат комил инсонлардан иборат бўлиши керак бўлган оламни яратишни бошлайди.

Зевс кўрсатмалари асосида илоҳлар дунёни тартибга солиш учун адолатли қонунлар, ахлоқ-одоб қоидалари жорий этишади. Жамиятда маънавиятни равнақ топтириш мақсадида ҳар бир

маъбудга муайян фан, санъатга ҳомийлик қилиш топширилади.

Тўғри, ҳар тарафлама мукамаллик, кўҳна юнонликлар тасавурида, фақатгина маъбудлар ва афсонавий қаҳрамонларгагина хос бўлган. Бунинг тимсоли сифатида афсонавий Гераклнинг ўн икки қаҳрамонлигини келтириш мумкин. Энг қадимги юнон ривоятларидан бири қаҳрамонининг фавқулодда хислатлари диққатни тортмай қолмайди. Геракл мўъжизавий, аммо вайронкор кучга эга турли махлуқларни енгади. Ўзи югуришда оҳудан ҳам ўзиб кета олади, камондан бехато ўқ узади, ҳар қандай паҳлавоннинг курагини ерга теккизади. Шу билан бир қаторда у санъат ихлосманди ҳамдир. Афсонавий қаҳрамон кифара (қадимий юнон чолғуси) чалишни ўрганган, ҳайкалтарошликка қизиққан.

Бу ўша давр кишиларининг ҳам беқиёс жисмоний кучнинг ўзигина инсон мукамаллиги мезони бўла олмаслиги тўғрисидаги тасаввурларига ёрқин мисолдир. Шунинг учун биз афсонавий юнон қаҳрамонлари Геракл, Аполлон, Одиссейларнинг мукамал тана тузилишлари, кучга тўла мушаклари — жисм гўзаллиги билангина завқланмаймиз.

Уларнинг маънавий қиёфалари янада жозибалироқдир. Юнонларнинг ўзлари, хусусан, Аполлонни ҳам санъат ва бадиий илҳом маъбуди, ҳам инсон жисмоний камолотининг олий тимсоли, деб билганлар.

Шу сабабдан инсон комиллиги намоиши олимпия ўйинларининг асосий гоёси бўлганлиги тасодифий эмас. Худди шунинг учун илк умумэлли олий байрамларида спорт майдонларидаги кучлилик, чаққонлик, эпчиллик бўйича мусобақалар томошагоҳлардаги мусиқа, шеърият танловларига уланиб кетган. Бу қадимий юнонларнинг *атлет* деб, ҳозиргидек бизнинг тушунчамиздаги биргина спортчиларни эмас, шунингдек, мусиқа, шеърият танловлари иштирокчиларини ҳам аташганлигида ҳам ўз ифодасини топган.

Олимпия ўйинлари стадиондаги югуриш йўлакчаларига, кураш гиламларига чиқадиган, отчопарда аравалар пойгасида қатнашадиган бевосита спортчилар билан бирга файласуфлар, мусиқачилар, шоирлар, ҳайкалтарошлар, расомларни ҳам ўз бағрига чорлар эди. Тарихий манбалар муқаддас Олимпия шаҳри атрофидаги театрларда Олимпиада доирасида санъат танловлари, мушоиралар мунтазам ўтказиб келинганлигидан яққол далolat беради.

Машҳур тарихчи *Геродот* бу ерга Афинадан яёв келарди. Математик *Пифагор* умумэлли спорт мусобақаларида мушт жангида голиблик-



ни қўлга киритган. «Тиббиётнинг отаси» — *Гиппократ* кўзга кўринган эллин курашчиси ва моҳир чавандоз эди. *Файласуф Афлотун* ўз даврининг энг кучли гимнастикачиларидан бири эканлиги билан ҳам танилган, Олимпиадалар ўртасида ҳар икки йилда бир марта денгиз илоҳи *Посейдон* шарафига ўтказиладиган машҳур *Истма* ўйинларида кураш бўйича мусобақаларда голиб чиққан.

Шуниси қизиқки, *Афлотун (Платон)*нинг асл исми *Аристокл* (милоддан аввалги 427—347 йиллар) бўлиб, устози *Сукрот* унинг гавдаси полвонларникидек келбатлиги сабабли (юнонча «*платос*» — «кенг елкалик» маъносини беради) шогирдига шундай ном берган дейишади. *Афлотун* томонидан фалсафада биринчи марта инсон комиллиги масаласининг кўйилишига ҳам олимпия ўйинлари туртки бўлган, деган асосли фикрлар мавжуд. Чунки унинг ўзи бу мусобақаларнинг инсонни камол топтиришидаги аҳамиятининг бевосита шоҳиди эди.

Афлотун адолатга асосланган давлатни барпо этиш ҳақида мушоҳада юритар экан, бундай давлат фуқаролари ҳам баркамол бўлиши зарурлигини таъкидларди. Унинг фикрича, шахснинг бошланғич тарбияси 7 ёшдан бошланиб, 16—17 ёшгача изчил давом эттирилиши керак. Бу тарбия ҳам руҳий, ҳам жисмоний бўлиши лозим. «*Кимки гимнастика машқларини навбатма-навбат мусиқий санъат билан алмаштириб турса ва уни қалбига жо қилиб борса, — деб ёзади Афлотун ўзининг «Давлат» асарида, — биз уни мукамалликка эришган деб ҳисоблардик*».

Кўҳна Юнонистонда умумий таълим отаси ҳисобланган *Исокрот* (милоддан аввалги 436—338 йиллар) ёшларни тарбиялашда *агонистика* (спорт машқларини бажариш ва мусобақалаштириш тизими) ва *фалсафани* узвий боғлаш зарурлигини асослайди: «*Биздан анча илгари яшаган одамларнинг баъзилари ҳаётнинг барча жабҳалари билан боғлиқ бўлган санъат турлари кўплигини, аммо улар орасида жисм ва руҳ тарбияси билан шуғулланадиганлари йўқлигини англаган ҳолда бизга бу икки фанни — объекти инсон жисми бўлган педотрибика (унинг бир қисми гимнастикадир), иккинчиси инсон руҳи билан шуғулланадиган фалсафани васият қилиб қолдирдилар. Бу икки фан бир-бирига мувофиқ, узаро боғлиқ ва мутаносибдир. Устозлар улар ёрдамида инсон қалбини олижаноброқ, жисмини эса мукамалроқ қиладилар*».

Руҳий ва жисмий гўзалликни юнон шоири *Симонид* (милоддан аввалги 556—468 йиллар) шундай куйлайди:

*Асл шавкатли эр бўлиш —
Ҳам эпчил, ҳам кучли бўлиш.*

*Зукко, комил инсон бўлиш —
Эмас ҳеч ҳам осон иш.*

Милоддан аввалги V асрада инсоннинг мукамал тана тузилишини «*Дорифор*» («*Найза улоқтирувчи*») ҳайкалида ифода этган машҳур ҳайкалтарош *Поликлет* бу баркамоллик қондаларини ўзининг «*Қонун*» асарида батафсил изоҳлаб берган. *Поликлет*нинг бундай жисмий гўзал ҳайкаллари Олимпия шаҳрини безаб турган. Кўҳна юнон ҳайкалтарошлари ўз асарларини яратишда унинг инсон гавдаси мутаносиблиги назариясига таяниб, ҳайкалларида намуна олиб яратганлар.

Олимпиадаларда драматурглар *Софокл* ва *Еврипид*, ёзувчи *Лукиан*, нотик *Демосфен*, кўҳна юнон маданияти ва санъатининг барча кўзга кўринган намояндalари ёки бевосита мусобақалар ва танловлар иштирокчилари, ёки томошабин сифатида ҳозир бўлганликлари бу ўйинларнинг ўша қадимий давр жамиятидаги ўрни ва нуфузига ёрқин мисолдир.

Ҳа, Олимпиадаларда жисмоний гўзалликка ақлий салоҳият, мусиқий, бадиий, тасвирий истеъдод руҳи уйғун бўлган. Кўҳна Юнонистонда баркамоллик инсон дунёга келиши билан улуғлана бошланарди. Бу мамлакатда ҳар йили *Деметра* ёки *Соғлом фарзанд* танловларини ўтказиш анъанаси худди шу билан боғлиқ эди. Мазкур кўрикда полисларда янги туғилган энг соғлом ва кўркем чақалоқлар аниқланиб, улар оналари тақдирланар эди.

Замонавий олимпия ўйинлари асосчиси *Пьер де Кубертен* бу кўҳна оммавий спорт мусобақалари мафкуравий ғоясини «*Инсон руҳи ва жисми биродарлиги*», деб таърифлаганда минг марта ҳақ эди. Маърифатли дунёдаги барча миллатлар қатори кўҳна юнонликлар ҳам одамзоднинг икки ажралмас қисми — руҳ ва тан уйғунлигига эришиш комил шахсни шакллантиришнинг энг асосий омили, деб ҳисоблаганлар. Кўҳна тарихимиздан бу уйғунлик мувозанатининг бузилиши шахс кемтиклигига олиб келиши муқаррарлигига истаганча мисоллар топилди.

Инсон комиллиги замонавий Олимпия ҳаракати мафкуравий ғояси асосларидан бири эканлиги ҳам яхши маълум. Бу 1906 йил майида спортни санъат билан уйғунлаштириш мақсади кўзланиб, *Пьер де Кубертен* ташаббуси билан санъат, адабиёт ва спорт анжумани ўтказилиб, унда олимпия ўйинлари доирасида меъморчилик, мусиқа, ҳайкалтарошлик, рангтасвир ва адабиёт бўйича танловлар ўтказишга қарор қилинганида ўз ифодасини топди.

МАРД БЎЛСАНГ МАЙДОНГА ТУШ

Феодисий 394 йилда ўт қўйиб, буздириб ташлаган, 522 ва 551 йиллардаги вайронкор zilзилалар ер билан яксон қилган бўлса ҳам тарихий манбалар, археологик топилмалар бизни умум-юнон спорт ва санъат байрамлари пойтахти — мўъжазгина Олимпия шаҳрига хаёлан саёҳат қилиш имконини беради.

...Пелопоннес ярим ороли шимолий-ғарбий қисми томон бораркансиз, Алфей дарёсининг ўнг қирғоғида муқаддас воҳа — *Альтисга* қадам қўясиз. Бу заминнинг илоҳийлиги юнонларнинг

Мана, Олимпия шаҳрининг шарқий қисмида, ўша даврларда от қўшилган аравалар пойгаси ўтказиладиган улкан *гипподром*. Бу ерда XIX аср охирида олиб борилган археологик қазилмалар гипподром 730x336 метр катталиқда бўлганлигини кўрсатди.

Югуриш, сакраш, диск, ядро, найза улоқтириш мусобақалари ўтказиладиган, 50000 томошабинга мўлжалланган, 213x29 метр катталиқдаги Мармар стадиони.

Хусусий спорт мактаби — *гимнасия*. Унинг



Гоплитдромда беллашув.
Милоддан аввалги V аср.

Олимпия ўйинлари машғаласи эстафетаси.
Милоддан аввалги V аср охири.

Каллипатера — Ференика.
Милоддан аввалги V аср.

олий маъбуди Зевс номи билан боғлиқ. Милоддан аввалги V асрнинг биринчи чорагида юнон меъмори Либон лойиҳаси асосида Олимпия шаҳрида Зевс мақбараси қад ростлади. У шаҳарнинг бош биноси ҳисобланарди. Зевснинг Фидия томонидан ўрнатилган ўта баҳайбат, олтин ва фил суягидан ясалган дунёда тенги йўқ ҳайкали кўкка бўй чўзиб турибди. Уни курраи заминимиздаги етти мўъжизанинг бири, деб таърифлаганларича бор.

Бу шаҳардаги милоддан аввалги VII—VI асрларга мансуб маъбуда Гера мақбараси пойида ҳозир анъана бўйича олимпия ўйинлари машғаласи ўт олдирилади.

ўртасида 66x66 метр катталиқдаги *палестра*. Уларда спортчилар мушт жанги, кураш мусобақаларида қатнашганлар, машқ ҳам қилганлар. Палестрада атлетлар учун алоҳида ювиниш ва дам олиш хоналари ҳам мавжуд. Гимнасия яқинида эса Олимпиада ўйинлари пайтида атлетлар яшайдиган «*олимпия қишлоғи*» ҳам бўлган.

Муқаддас мақбаралар пештоқлари, стадионга кираверишдаги деворда афсонавий Пелокснинг кураш тушаётганлиги, Геракл ўн икки қаҳрамонлиги тасвирланган лавҳаларни ҳамда бронзадан ишланган беҳисоб ҳайкалларни кўриш мумкин эди. Бу ҳайкаллар олимпия ўйинлари



ғолиблари — полисларнинг миллий қаҳрамонлари шарафига ўрнатилади.

Олимпия шаҳрида махсус ҳайъат ҳар тўрт йилда бир марта олимпия ўйинлари тантанали очиладиган санани белгилаб берарди. Бу, анъанага биноан, ёзда қуёш энг юксак чўққисига кўтарилиб, осмонда тўлин ой пайдо бўладиган биринчи кун бўларди.

«Олимпиада» атамаси икки олимпия ўйинлари оралиғидаги тўрт йил — 1447 кунни англатади. Юнонлар учун бу тақвимни сицилиялик тарихчи Тимей милoddан аввалги 264 йилда киритган. Ўшандан бери юнон йилномалари шу тақвим асосида битила бошланган: «Фореяликлар Дельфинни киреналик Прор югуришда ғолиб чиққан 105-Олимпиаданинг тўртинчи йили босиб олиш-

барча юнон давлатлари — полисларга барвақт етказардилар. Тўғри, бу ўн бешинчи олимпия ўйинларидан кейин анъанага айланган. Унгача бу мусобақалар Пелопоннес ярим ороли ғарбий қисмида яшовчи маҳаллий юнонлар ўртасидагина ўтказиб келинган. Қирқинчи Олимпиададан бошлаб олимпия ўйинларига Кичик Осиё ҳамда Буюк Юнонистон (Шимолий Италия ва Сицилия) эркин фуқаролари ҳам таклиф этиладиган бўлган.

Олимпиада санаси белгиланиши биланоқ махсус жарчилар Эллада узра экехерия — муқаддас сулҳ кучга кирганини ҳаммага маълум қилиб чиққанлар. Муқаддас сулҳ даврида, яъни эллинлар тақвими бўйича икки — аполлоний ва перфуний ойларида Юнонистонда ҳар қандай жанго-



Мушт жанги.

Милoddан аввалги 1550 йил.



Атлант билан Пирей ўртасидаги кураш.

Милoddан аввалги 500 йил.



Олимпия ўйинларида санъаткорлар танлови.

Милoddан аввалги VI аср охири.

ди», «Фокея уруши фивалик Поликл югуришда ғолиб чиққан 108-Олимпиаданинг биринчи йили тугади».

Энг ибратлиси, тарихчилар эътирофига кўра антик даврга доир у ёки бу тарихий воқеалар санасини аниқлашда Олимпиада тақвимларидан бошқа аниқ манбани топиш қийин. Зеро, юнонлар ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлган ўйинларда ғолиб чиққанлар рўйхатларини тузишда чалкашликларга йўл қўйилиши мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмасди...

Умумэлли байрамларининг энг олийси ҳисобланадиган мазкур шодиёналар бошланадиган санани алоҳида элчилар — спондорлар

вар ҳаракатлар тўхтатилган. Бу қатъий қонунни бузганлар бошларига маъбудлар томонидан кулфат ёғдирилиши ва улар лаънатланиши ҳақидаги ҳар бир юнонга маълум бўлган ақида даҳшати энг уришқоқ элатларни ҳам тизгинлаб турган. Айни пайтда бирор кимсанинг бу даврда Олимпия шаҳрига қурол-яроғ билан қадам босиши тақиқланган. Полислар ҳукмронлари олимпия ўйинлари пайтида биргина мусобақа иштирокчилари ва улар мураббийларинигина эмас, шунингдек, барча томошабинларнинг ҳам хавфсизлигини кафолатлаганлар.

Сулҳ шу қадар муқаддас ҳисобланганки, кўҳна олимпия ўйинлари ўтказилган бир неча юз-

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

лаб йиллар давомида унга атиги икки мартаба риюя этилмаган ҳол бўлган. Бир сафар Филипп Македонский лашкари аскарлари олимпия ўйинларига кетаётганларни йўлда тунаганлар. Ўз қилмишлари учун босқинчилар нафақат уларнинг пул ва молларини қайтариб беришга мажбур қилинганлар, балки мусобақа ташкилотчиларига жуда катта миқдорда жарима ҳам тўлаганлар. Ҳатто Македонскийнинг ўзи лашкарлари муқаддас сулҳни бузганликлари учун олимпия ўйинлари ташкилотчиларидан расмий кечирим ҳам сўрашга мажбур бўлган.

Ўз мардлиги, кучи, эпчиллигини олимпия ўйинлари майдонларида кўрсатиш атлетлардан катта тайёргарликни талаб этган. Милоддан аввалги 572 йилдан бошлаб бу мусобақаларни ташкил этиш *агононесия* — Эллада хур фуқароларидан тайинланадиган махсус ташкилий қўмита зиммасида бўлган. Бу фуқароларнинг энг муносиблари орасидан 12 нафар *элландоик* — ҳакамлар ҳам сайланган. Улар фаолияти Олимпия Кенгаши назорати остида бўлган.

Элландоиклар олимпия ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишда амалда чекланмаган ваколат-



От қўшилган аралардаги мусобақалар олдидан. Милоддан аввалги 510 йил.

Иккинчи бор милоддан аввалги 420 йилда спарталиклар муқаддас сулҳ амал қилиб турган вақтда Лепрея шаҳрини қамал қилганликлари учун *буле* — Олимпия Кенгаши томонидан ўйинлар иштирокчилари рўйхатидан чиқарилган.

Шунинг учун олимпия ўйинлари миллатни бирлаштирадиган ва ўзаро тотувликка хизмат қиладиган энг муътабар умумюнон шодиёнаси ҳисобланган. Шаҳар авлатлар ўз кучи, қудрати, саломатлиги ва бадавлатларида эмас, балки спорт беллашуви ва маданияти ва адабиёт танловларида намоиш этишлари керак бўлган.

ларга эга бўлганлар. Аслида улар бир йўла ҳам мусобақа ташкилотчилари, ҳам ҳакамлик вазифаларини бажаришган. Элландоиклар ўйинлар иштирокчилари рўйхатларини тузишган. Олимпия ўйинларида фақат хур юнон фуқаролари иштирок эта олардилар. Яъни қуллар мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Юнон миллатига мансуб бўлмаганлар Олимпиадада фақат томошабин бўлиши мумкин эди.

Ўн икки элландоик орасидан Бош ҳакам сайланган. Барча ҳакамлар спортнинг ҳар бир турида ҳакамлик қилиш учун учта-учтадан гуруҳларга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ ҳакамлари **мусобақа**

иштирокчилари белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда ҳалол беллашишларини таъминлаганлар.

Атлетлар ва улар мураббийлари Олимпия шаҳрига Олимпиада очилишидан бир ой аввал — саралаш мусобақаларида қатнашиш ҳамда Ҳийнларга тайёргарлик машқлари ўтказиш учун етиб келишган. Уларнинг беллашувларга тайёрланишлари учун ўша вақтда Юнонистонда кенг русум бўлган, 12—16 ёшли ўсмирларга мўлжалланган хусусий гимнастика мактаблари бинолари — *палестра* (юнонча «palistra» — «курашмоқдаман» сўзидан)лар ажратиб берилган. Рим тарихчиси *Витрувий*нинг гувоҳлик беришича, палестрада олимпия ўйинлари дастурларидан ўрин олган гимнастика, кураш, югуриш, сакраш, диск ва найза улоқтириш билан бир

чилар, ҳакамлар, полислар вакиллари Олимп тоғи ёнбағридаги Зевс ибодатхонаси томон тантанали юриш қилганлар. Бу ерда олий маъбудга қурбонлик қилинган. Сўнг Ҳийн иштирокчилари муқаддас *агон* — мусобақаларда ҳалол иштирок этишга қасамёд қилганлар.

Иккинчи кун от қўшилган араваларда пойга, от пойгаси ва *пентатлон* (юнонча «пент» — «беш» ҳамда «атлон» — «кураш» сўзларидан) — беш кураш мусобақалари ўтказилган.

Учинчи кун ўсмирлар ўртасида мусобақалар бўлиб ўтган.

Тўртинчи кун югуриш, мушт жанги, *панкратион* (грекча «панкратион» — «умумкураш» сўзидан) бўйича мусобақалар ўтказилган.

Ва ниҳоят сўнгги — *бешинчи кунда* маъбудлар шарафига яна миннатдорчилик қурбонликлари



Стадион — бир босқичга югуриш иштирокчилари ва мусобақа ҳакамлари. Милоддан аввалги VI аср.



Иккита от қўшилган аравда пойга. Милоддан аввалги VI аср охири.

қаторда сузиш, эшкак эшиш, сувга сакраш машғулотлари ҳам олиб борилган. Эллада денгиз қирғоғида жойлашганлиги назарда тутилса, сув спорти турларининг навқирон юнонлар учун нақадар катта амалий аҳамиятга эга бўлганлиги тушунарлидир.

Югуриш мусобақалари стадионларда, пойгалар отчопарларда, кураш ва мушт жанги *гимнасион* — ёпиқ спорт залларида ўтказилган.

Олимпия ўйинлари даставвал бир кун, кейин уч кун, милоддан аввалги V асрдан бошлаб эса беш кун давом этган.

Биринчи кун шарафига бу улкан спорт ва санъат байрами ўтказилаётган маъбудлар маъбуди Зевсга қурбонлик қилиш маросими ўтказилган. Мусобақа барча иштирокчилари, ташкилот-

қилиш ҳамда голибларни мукофотлаш маросимлари бўлиб ўтган.

Қадимий XIV Олимпиадагача югуриш мусобақаларнинг ягона тури эди. Ўша даврларда бир босқичга югуриш ўтказиларди. Бу мусобақа *стадион* (юнонча «стадион» — ўлчов бирлиги ва «дромос» — югуриш сўзидан) деб аталарди. Яъни, атлетлар югуришда мусобақалашадиган босқич юнонча «стадион» ўлчов бирлигидан келиб чиққан бўлиб, у 600 та оёқ кифти узунлигига тўғри келган. *Юнон-рим стадионлари* (босқичи) — 176,6 метрни, *Олимпия босқичи* эса 192,27 метрни ташкил этган.

Шунинг учун югуриш бўйича мусобақа ўтказиладиган жойлар ҳам стадион деб аталиб, кўҳна Юнонистонда у фақат ҳозирги ўйин оҳлардаги

ОЛИМПИАДА – ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

югуриш йўлакчаларининг узидан иборат эди, холос. Бу йўлакчалар атрофига тупроқ уйилиб, томошабинларга мусобақаларни кузатиб боришлари учун жой тайёрланган.

Милоддан аввалги VII Олимпиададан бошлаб Уйинлар мусобақалари дастурига *диаулос* — икки босқичга, навбатдаги XV Олимпиадада эса *долиходром* (юнонча «*долихос*» — «узун», «узоқ» ва «*дромос*» — «югуриш» сўзларидан) — 7 тадан 24 тагача босқичга югуриш киритилган.

Бундан ташқари, олимпия уйинларида қурол-аслаҳа билан югуриш — *политодром* бўйича ҳам мусобақалар ўтказила бошланди. Политодромда атлетлар қалқон, найза, ханжарлари билан икки босқич масофага югуришда мусобақалашардилар. Милоддан аввалги IV асрдан

Олимпия уйинлари тадқиқотчилари юнонларнинг улардан сон жиҳатидан анча устун — 10 минг отлиқ, худди шунча ёйчилар ҳамда кўп сонли пиёда лашкарларига эга бўлган форсларни мағлуб этишларида ўз *гоплит*лари — найза ва қилич билан қуролланган, қалқонли, совут кийган аскарлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлашади. Гоплитларнинг бу қурол-аслаҳалари 33 килограмм оғирликда бўлганлиги маълум. Бу зил-замбил қурол-аслаҳа билан жанг қилиш гоплитларнинг жисмоний жиҳатдан жуда чиниққан бўлишларини талаб этарди.

Бу ҳисобга олинган ҳолда милоддан аввалги IV асрдан бошлаб кўҳна Юнонистон полисларида ўспиринларни ҳарбий хизматга тайёрлашда *гоплитодром* — қурол-аслаҳа билан югуриш мусо-



От қўшилган аравалар пойгаси.
Милоддан аввалги 510 йил.



Буқа билан машқлар. Милоддан аввалги
2000—1000 йиллар. К. Иллиакс томонидан тикланган.

бошлаб, бу беллашувларда спортчилар фақат қалқонлари билан югурадиган бўлдилар.

Югуриш, икки босқичга югуриш ҳамда қурол-аслаҳа билан югуришнинг барча турларида ғолиб чиққанлар (бу уч беллашув бир кунда ўтказилган) *триаст* — уч карра чемпион унвонини қўлга киритар эдилар. Кўҳна олимпия уйинлари бутун тарихи давомида Родос оролидан бўлган *Леонидас* икки марта триаст шонли унвонини қўлга киритгани маълум. Бу ғоят истеъдодли атлет тўрт Олимпиадада иштирок этиб, ўн икки карра ғолиблик чамбарагига сазовор бўлган.

Милоддан аввалги 490 йил 13 сентябрида юнонлар Афина шарқида жойлашган Марафон қишлоғи атрофида форслар қшинини тор-мор қиладилар.

бақаларидан ҳам фойдаланишган. Ўша пайтдан бошлаб гоплитодром олимпия уйинлари дастуридан жой олган.

Марафон қишлоғи яқинида, асосан, юнон гоплитлари ҳисобига форслар устидан қозонилган тарихий ғалаба ҳақидаги хушхабарни пойтахт Афинага етказиш жангчи *Фидиппид*га топширилади. У қирқ чақиримдан ҳам ортиқ масофани тўхтамасдан югурган ҳолда ўтади ва пойтахтга етиб келиб, сўнгги нафаси билан «Биз ғалаба қозондик!» дея жон таслим қилади.

Фидиппид югуриб ўтган масофа 42 километру 195 метрни ташкил этган эди. Франциялик тилшунос *М.Бреали* ташаббуси билан юнон жангчисининг бу жасорати шарафига 1896 йилги замонавий I олимпия уйинлари мусобақалари дастурига *марафон* югуриши киритилган.

Кўхна XIV Олимпиададан атлетлар бешкурашда ҳам беллаша бошладилар. У пайтдаги бешкураш югуриш, узунликка сакраш, диск ва найза улоқтириш ҳамда курашдан иборат эди. Югуриш бир босқич (стадион)га ўтказилса, атлетлар узунликка мусиқа жўрлигида қўлларида тош ёки металлдан ясалган гантеллар билан сакрар эдилар. Диск тош, темир ёки бронзадан ясалар, улоқтириладиган найза одам бўйи билан баробар эди.

Кураш бўйича беллашувлар томошабинларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотарди. У вақтларда атлетлар вазн тоифаларига эмас, балки ёшларига қараб гуруҳларга ажратилган ҳолда мусобақалашардилар. Курашда вақт ҳам чегараланмаган эди. Ҳакамлар рақибини уч марта ерга йиқи-



Сувга сакраш.
Милоддан аввалги 480 йил.

тишга муваффақ бўлган полвонни голиб, деб эълон қилар эдилар.

Шунинг учун курашда спортчилар вазни оғир бўлиши катта аҳамиятга эга эди. Шу мақсадда полвонларни мусобақаларга тайёрлашда уларни машқларда чиниқтириш билан бирга махсус таомлар билан овқатлантиришга ҳам катта эътибор берилар эди. Машқларда курашиш услубларини эгаллаш билан бирга тош кўтаришга, мушакларни чиниқтиришга зўр бериларди.

Бешкурашчилар учун ортиқча вазн югуриш мусобақаларида халақит берарди, албатта. Шу сабабдан Олимпиадаларда бешкурашдан ташқари бевосита кураш бўйича ҳам алоҳида мусобақалар ташкил этила бошланди.

Милоддан аввалги 688 йилдан олимпия ўйинлари дастурига мушт жанги киритилди. Бу

мусобақа иштирокчиларининг боши бронзадан ясалган қалпоқлар билан ҳимоя қилинарди, мушлари эса чарм қайишлар билан ўралган бўларди. Милоддан аввалги V асрдан бошлаб бу юмшоқ қайишлар зарб берилганда рақибга жароҳат етказиладиган даражада қаттиқ чармдан тўқилган қўлқоплар билан алмаштирилди. Мушт жангида ҳам мусобақа иштирокчилари вазн тоифаси бўйича эмас, ёшига қараб гуруҳларга ажратиларди. Жанг муддати чекланмаган бўлиб, голиб рақибининг жангни давом эттира олмаслиги ёки мағлубиятини ўзи тан олишига қараб аниқланарди.

Мушт жангида атлетларнинг зарб беришларига ҳам, рақиб зарбига чап беришларига ҳам катта аҳамият бериларди. Улар ўз маҳоратларини ошириш учун қум тўлдирилган қоп билан машқ қилардилар. Машқлар пайтида узаро жанг қилиш ҳам, «соя билан жанг» машқлари ҳам кенг тарқалганди.

Милоддан аввалги 680 йилдаги Олимпиада дастурига тўрт от қўшилган аравалар пойгаси ҳам киритилди. Бу беллашувларнинг энг қизиқарли, айтиш кифояки, милоддан аввалги 460 йилги Олимпиада мусобақаларида қатнашган 40 пойгачидан фақат биттасигина маррага соғ-омон етиб келган.

Кейинчалик олимпия ўйинлари дастурига қўш от, тойлар, айғирлар қўшилган аравалар пойгалари, от пойгалари киритилди. Юнонистонда суворий пойга вақтида елиб бораётган отидан сакраб тушиб, унинг жиловини маҳкам ушлаган ҳолда оти билан ёнма-ён югуриб маррага бориши мусобақаси ҳам маълум эди.

Милоддан аввалги 648 йилда атлетлар Олимпиадада панкратион — умумкурашда ҳам беллаша бошладилар. У якка кураш барча турлари — мушт жанги, тик туриб кураш ва гиламда курашни бирлаштирган эди. Ўйинларда бир йўла ҳам панкратион, ҳам алоҳида мушт жангида голиб чиққанлар ўта қадрланар эдилар. Бу чемпионлар алоҳида рўйхатда қайд қилинарди. Милоддан аввалги II асргача, яъни олимпия ўйинлари ўтказила бошланган салкам олти юз йил давомида бу рўйхатда бор-йўғи 9 атлет номи зикр этилган.

Атлетлар Олимпиада дастуридаги барча мусобақаларда иштирок этишлари шарт қилиб қўйилган. Бу улардан спортнинг барча турларидан яхши хабардор бўлишлари билан бирга жуда катта куч, матонат талаб этарди, албатта.

XXXVII Олимпиада (милоддан аввалги 632 йил)дан бошлаб 20 ёшгача бўлган ўсмирларнинг ҳам бу мусобақаларда иштирок этишларига рухсат берилди. Улар аввалига фақат югуриш ва ку-

раш, кейинчалик бешкураш, мушт жанги ва панкратионда ҳам беллаша бошладилар.

Милоддан аввалги 444 йил — 84-Олимпиададан бошлаб санъат танловлари бу умумэллин байрамлари мусобақалари дастурига киритилди.

Олимпия ўйинлари кўҳна даврда шу қадар шуҳрат қозонган эдики, уларнинг тўрт йилда бир марта ўтказилиши юнонликлар учун жуда узоқ муддат бўлиб кўрина бошланди. Шу сабабли нуфузи буйича Олимпиадага тенглаша олмас ҳам бошқа, янги-янги умумэллин байрамлари ташкил этила бошланди.

Милоддан аввалги 590 йилдан бошлаб Крисей пасттекислигидаги Дельфа қишлоғи ёнида *Пифия ўйинлари* ўтказила бошланди. Юнон ёзувчиси, ўн жилдди «Эллада баёни» муаллифи *Павсаний*нинг гувоҳлик беришича, ушбу ўйинларга Диомед асос солган. Афсонавий қаҳрамон Аполлоннинг аждаҳо Пифон устидан голиб чиқиши шарафига уюштирила бошланган бу мусиқавий ва спорт мусобақалари умумэллин байрами бўлиб, аҳамияти жиҳатидан олимпия ўйинларидан кейинги иккинчи ўринда турарди.

Пифия ўйинларининг Дельфада ўтказилиши рамзий маънога эга эди. Ушбу шаҳарча фан ва санъат ҳомийлари бўлган тўққиз илоҳ танлаган Парнас тоғи ён бағирларида жойлашган эди. Даставвал саккиз йилда, кейин тўрт йилда бир марта, Олимпиададан кейинги учинчи йилда

ўтказиладиган бу байрамда мусиқачилар, адиблар, ҳайкалтарошлар, рассомлар танловлари махсус қурилган театрда, бешкурашчилар, югурувчилар, пойгачилар, мушт жанги усталари, найза ва диск улоқтирувчилар стадионларда куч синашардилар.

Бундан ташқари, милоддан аввалги 583 йилдан ҳар икки йилда бир марта *Истма ўйинлари*, 573 йилдан *Немея ўйинлари* ўтказила бошланди.

Маълумки, аёллар кўҳна Олимпиадада, ҳатто томошабин сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Қизларга мусобақаларни томоша қилишга рухсат берилган бўлса ҳам улар спорт майдонларида ўзаро беллаша олмасдилар. Шунинг учун милоддан аввалги бешинчи аср ўрталаридан қизлар учун *Гера ўйинларининг* ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Гера ўйинлари маъбуда Гера шарафига ташкил этилиб, тўрт йилда бир марта — олимпия ўйинлари тугагандан сўнг бир ойдан кейин ўтказиларди. Уларда қизлар ягона спорт тури — 160 метр (стадионнинг олтидан беш қисми)га югуришда куч синашганлар.

Олимпиада каби бу умумэллин байрамлари ҳам ҳар бир полис куч-қудрати, салоҳиятини жанггоҳларда эмас, мусобақалар майдонида, танловларда аниқлаш, миллатни бирлаштириш, фуқароларни ҳам руҳан, ҳам жисмоний камол топтириш каби олижаноб мақсадларига хизмат қилган.

ГОЛИБСАН — МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНСАН

Олимпия ўйинларини тўрт йил кутиб, тинимсиз машқ қилиш, сўнг бир ой давомида саралаш чиғириқларидан ўтиш ва ниҳоят, эҳтимол, бутун ҳаётининг давомида биринчи ва сўнгги марта ҳал қилувчи мусобақага майдонга тушиш. Кўҳна юнон атлетлари ҳам бугунги кун олимпиадачиларидек олий даражадаги беллашувларда қатнашишнинг ўзини ҳам катта бахт, ҳам улуг шараф, деб билардилар.

«*Асосийси ғалаба эмас, иштирок этиш*» шиори барча олимпиадачиларга жуда яхши маълум бўлса-да, уларнинг қайси бири бу олий мусобақалар шоҳсупасига кўтарилишни орзу қилмайди! Ахир Олимпиада чемпионларига нисбатан «*собик*» сўзи ҳеч қачон қўшиб ишлатилмайди. У энди бутун ҳаёти давомида жаҳонда энг кучли, энг тезкор, энг маҳоратли, миллатдошларининг фаҳри, минглаб, юз минглаб мухлисла-

ри учун чинакам қаҳрамон, номи тарих саҳифаларига абадий муҳрланган!

Кўҳна олимпия ўйинлари голиблари *олимпионик* (юнонча «*олимп*» ва «*найк*» — «голиб» сўзидан) деб аталардилар. Бу умумэллин мусобақаларида голиб чиққанлар ҳеч муболағасиз миллий қаҳрамон даражасида шон-шуҳратга бурканганлар. Улар юртларида жангу жадалларда голиб чиққан саркардалардан ҳам кўпроқ иззат-икром билан кутиб олинган. Мусобақа голиблари туғилган давлат — полисда энг муътабар жойда, одатда, муқаддас мақбараларга ҳамда стадионларга кираверишда уларнинг сиймолари акс этган бронза ҳайкаллари ўрнатилар эди. Олимпиониклар шарафига махсус тангалар зарб этиларди. Улар ўз полисларида барча солиқлардан, бошқа ҳамма фуқаролар учун шарт бўлган мажбуриятлардан озод этилардилар. Те-



атрлар, стадионлардаги энг фахрли жой ҳам уларники эди.

Олимпиониклар энг нуфузли давлат ва жамоат лавозимларига ҳам биринчи номзодлар ҳисобланар эди. Жумладан, тарихий манбалар машҳур саркарда Александр Македонский илк бор юнон қўшинларига қўмондонлик қилиш шарафига милoddан аввалги 334 йилда Истма ўйинларида ғолиб чиққандан сўнг сазовор бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Олимпия ўйинларининг уч карра чемпионлари ёки *умумэллин* (Пифия ўйинлари, Истма ўйинлари, Немея ўйинлари) *агонлари* — мусобақаларида тўрт марта ғолибликни қўлга киритганлар Олимпия шаҳрида ўз ҳайкаллари урнатиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Олимпиониклар,



Греция, Олимпия шаҳри. Зевс ибодатхонаси. Тикланган.

Олимпионикларни тақдирлашда ишлатиладиган зайтун новдаси полисда энг нуфузли оиладаги ўғил бола (унинг отаси ва онаси албатта ҳаёт бўлиши шарт эди) томонидан олтин пичоқ билан кесилиши белгилаб қўйилган. Оқ ҳарир тасмалар билан безалган зайтун чамбарак мусобақалар ўтказиладиган жойда махсус мис шоҳсупага териб қўйиларди. Мукофотлаш маросими олдидан эса улар Олимпия шаҳридаги Зевс ибодатхонаси олдида келтирилган.

Мусобақа ғолибларини тақдирлашдан аввал жарчилар олимпионик исми-шарифи ва полисини тантанавор эълон қилар эдилар. Шундан сўнг полисининг энг нуфузли фуқаролари, одатда, олий мартабали шахслар зайтун чамбарagini олимпиониклар бошига кийгизардилар.



Греция, Олимпия. Олимпия ўйинлари машғаласи ўт олдирилиши маросими.

ҳатто илоҳлар даражасигача кўтарилган. Геродотнинг «Тарих» асарида ёзилишича, *периодоник* (умумэллин ўйинларида тўрт марта ғолиб чиққан) *Эфиалийга* ўрнатилган ҳайкал пойида миллатдошларига унинг шарафига худди маъбудларга кўрсатиладиган эҳтиромлардек миннатдорлик қурбонликлари қилиш ҳуқуқи берилган.

Олимпия ўйинларида ғолиб чиққанлар мусобақалар тугаши биланоқ тақдирланганлар. Олимпиониклар учун муқаддас зайтун новдаларидан тўқилган чамбарак (Афинада 2004 йилда ўтказилган Олимпдада ҳам ғолиблар бошига шундай чамбараклар кийгизилди) энг олий мукофот ҳисобланган. Чунки, ривоятларда Олимпия шаҳри атрофига бу зайтунларни олий илоҳ Зевс ўз қўллари билан ўтқазган дейилади.

Мукофотлаш маросими тугаши билан ғолибларнинг тантанали юриши бошланган. Бу сафнинг биринчи қаторида мусобақа ташкилотчилари — элланоидиклар, улардан сўнг олимпиониклар томошабинлар олдидан ғолибона қадам ташлаб ўтганлар. Элладанинг мансабдорлари, юнон давлатлари — полислари элчилари, руҳонийлар фақат ғолиблар ортидан боришган.

Олимпиониклар шарафига қурбонлик келтирилганидан сўнг улар учун базму жамшид уюштирилган. Бу шодиёнада ғолибларни давлат арбоблари билан бир қаторда шоирлар, санъат аҳли ҳам қутлаган.

Ўша вақт юнон адабиётида, ҳатто алоҳида жанр — ғолиблар шарафига битилган қасида-

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

лар — эпиникийлар пайдо бўлди. Ўз даврининг машҳур шоирлари *Архиллох*, *Пиндар* ва бошқалар эпиникий асосчилари ҳисобланадилар.

Одатда, эпиникийлар ҳар бир олимпиаоникка багишланарди. Жумладан, милоддан аввалги V—IV асрларда яшаб, ижод қилган кўҳна юнон шоири Пиндарнинг тўртта — Олимпиада ўйин-



*Мирон. Диск улоқтирувчи.
Милоддан аввалги 460—450 йил.*

лари ҳамда бошқа учта умумэллин агонининг ҳар бирига багишлаган эпиникий китобларидаги 45 та қасидаси сақланиб қолган. Уларнинг 19 таси мусобақаларнинг энг нуфузлиси — пойгалар ғолибларига багишланган. Унинг эпиникийларидан бирида ғолиблар шундай мадҳ этилади:

*Илоҳлар мададкор бўлса,
Бахт сари йўллар бисёр.
Сенгачи, Тимосфен, олий бахтни
Зевснинг ўзи инъом этди.
Сени у Немеяда шухратга буркади.
Алкимедонтни эса
Крон тоғи ёнида Олимпия ғолиби этди.*

Олимпия ўйинлари ғолибларини шарафловчи беҳисоб эпиникийлар орасида Ахиллохнинг қасидаси барча олимпиаониклар мадҳи ҳисобланарди:

*Тенелла!
Ғалаба қуёши — Геракл, шодлан!
Тенелла —
Сен-да ғалаба қуёшисан.
Ўзинг ва найзачи Иолай — икки ғолиб!
Тенелла!
Ғалаба қуёши — Геракл шодлан!*

Ҳайкаллар, қасидалар, лавозимлар, имтиёзлар, маъбудлар даражасида илоҳийлаштириш... Олимпия ўйинлари ғолибларининг шу даражада шухрат шоҳсупасига кўтарилиши уларнинг фақатгина бошқалардан кучлилиги, эпчиллиги, маҳоратининг устунлигига берилган муносиб баҳогина эмасди. Кўҳна юнонликлар олимпиаоник бўлиш, энг аввало, маъбудлар эътиборини қозониш, уларнинг қўллаб-қувватлашларига сазовор бўлиш шарофати, деб ҳисоблардилар. Яъни, улар фикрича, полис атлети олимпиаоник бошига зайтун чамбараги кийдирилса, бу давлат ҳам маъбудлар марҳаматидан баҳраманд бўлиши шубҳасиз эди.

Шу сабабли полисларда ёшлар ўртасидан энг бақувват ва қобилиятлиларни танлаб, олимпия ўйинлари мусобақаларига тайёрлашга биринчи даражали аҳамият бериларди. Полис вакиллари ўзларига билдирилган ишончни оқлаган ҳолларида маъбудлар даражасига кўтарилишлари ҳам бежиз эмасди. Чунки улар ватанлари номларини шон-шухратга буркабгина қолмасдан, полисларини илоҳлар томонидан мурувват кўрсатишига сазовор этардилар.

Тарихий манбаларга кўра, биринчи олимпиаоник элладалик ошпаз *Кароб* бўлган. У милоддан аввалги 776 йилда бир босқич (192, 27 метрга) югуришда маррага биринчи бўлиб келган. Лекин олимпия ўйинлари ғолиблари орасида шон-шухратда Жанубий Италиядаги кичиккина Кротон шаҳрилик *Милонга* тенг келадиган топилмас керак. У милоддан аввалги 540 йилда олим-

пия ўйинлари ҳамда Пифия ўйинларида ўсмирлар ўртасида кураш бўйича мусобақаларда ғолиб чиққан.

Шундан сўнги ўттиз йил давомида ҳеч ким Милоннинг курагини ерга теккиза олмаган. У милоддан аввалги 532 йилдан 516 йилгача кетма-кет бешта Олимпиада ғолиби бўлган. Бу курашчи, шунингдек, Пифия ўйинларининг беш, Немея ўйинларининг тўққиз, Истма ўйинларининг эса ўн карра ғолиби ҳисобланади.

Милон умумэллин мусобақаларида сўнги ғалабасини қўлга киритганида эллик ёшда эди. Шундан саккиз йил ўтгач, ҳамшаҳарлари уни қўшни полисга қарши жангга отланган қўшинлари кўмондони этиб сайлаганлар.

Бу олимпиикнинг фавқуллодда бақувватлиги билан боғлиқ воқеалар афсоналардаги мўъжизалардан қолишмайди. Улардан бирида Милон навбатдаги ғалабасидан кейин томошабинлар кўз ўнгида тўрт яшар буқани икки қўли билан ердан даст кўтариб, елкасига олганлиги, у билан стадионни айланиб ўтиб, қурбонликка сўйганлиги ва бир кун давомида гўштини еб тугатганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Ўша давр тарихчиларидан бири унинг кунлик таоми тўққиз килограмм гўшт, шунча миқдорда нон, ўн литрча узум шаробидан иборат эканлиги ҳақида ёзиб қолдирган.

Машҳур юнон шоири Симонид Милоннинг Олимпия шаҳрида ўрнатилган ҳайкалидаги лавҳа учун қуйидаги шеърни ёзган:

*Шонли Милон ҳайкалдир бу,
Тўққиз марта ғолиб чиқиб, мағлубиятни
билмаган у.*

Пифиялик *Феаген* ҳам ана шундай фавқуллодда куч-қувватга эга бўлган. У 9 ёшида бозор олдига майдонда турган бронза ҳайкалинини елкасига қўйиб, уйига кўтариб келган. Маъмурлар уни ҳайкални жойига олиб бориб қўйишга мажбур қилишган, лекин шу воқеа сабаб унинг номи бутун Элладага ёйилган. *Феаген* милоддан аввалги 480 йилдаги Олимпиадада мушт жангида ғолиб чиққан. У, шунингдек, *Дельфа* ўйинларининг уч, *Немея* ўйинларининг тўққиз, *Истма* ўйинларининг ўн мартаба ғолиби бўлган. Умуман, у 140 марта ғолиблик чамбарагини кийиш шарафига муяссар бўлган.

Албатта, бундай қаҳрамонларнинг ғанимлари ҳам бўлади. У вафот этгандан сўнг, ривоят қилишларича, шундай душманларидан бири аввалги мағлубиятлари аламини олиш учун вақти-

вақти билан *Феагенга* ўрнатилган ҳайкални қамчилаб турган. Ана шундай ўч олишлардан бирида ҳайкал қулаб, қамчилаётган душмани устига тушган ва уни ўлдирган. Ўша даврдаги юнон қонунларига биноан одам ўлишига сабаб бўлган нарса мамлакат ташқарисига чиқариб ташланган. *Феаген* ҳайкали ҳам денгизга чўктирилган.



Мушт жангчиси Аполлоний.
Пилос шоҳи Несторнинг ўғли.
Милоддан аввалги I аср.

Лекин шундан сўнг Пифияда қаҳатчилик бошланган. Фуқаролар бунинг сабабини машҳур кароматчидан сўрашганларида, у «Ҳайдалганларни орқага қайтаринглар» жавобини қилган. Пифияликлар кароматчи айтганини адо этишган, бироқ бошларига бало-қазолар ёғилаверган. Шунда улар яна кароматчига мурожаат этганла-

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

рида у: «Феагенни унутдинлар», деган. Олимпоник ҳайкали яна ўз ўрнига ўрнатилгандан кейингина пифияликлар ғам-ташвишлардан халос бўлганлар. Юнонлар Феагенни деҳқонларнинг ҳомийси, барча дардларга даво топувчи, деб эъзозлаганлар.

Мушт жанги бўйича милоддан аввалги 520 йилдаги Олимпиада ғолиби *Главк* ҳам жуда бақувватлиги билан оғизга тушган. Эвбей оролидан бўлган бу деҳқон фарзанди ер ҳайдаётганда омоч тиши қаттиқ ерда қисилиб, ҳукизни қўзғатмай қўйганида, уни бир урибоқ омочни юргизиб юборган. Ўғлининг зарбаси кучини сезган отаси Главкни олимпия ўйинларидаги мушт жангига олиб келган. Аммо муштлишига



Панкратион (кўпкурашчи)чилар беллашуви.
Милоддан аввалги III аср.

чиққан Главк анча вақт рақибига зарба беришдан ўзини тийиб турган. Бунини кузатиб турган отаси «Омочни қўзғатганингдек мушт тушир», деб бақирган. Шундан кейингина Главк бир зарбаси билан рақибини йиқитган.

Олимпия шаҳридаги антик давр умумэллин байрамларига бағишланган музейда антиқа ашёлар сақланади. Улардан бири 143,5 килограмм оғирликдаги харсанг тошдир. Унга «*Бибон мени бир қўли билан боши узра кўтарган*» сўзлари ўйиб ёзилган. *Бибон* милоддан аввалги VI асрдаги олимпия ўйинлари ғолибидир.

Музейда унинг замондоши, Санторин оролилик паҳлавон *Евмаст* эса 480 килограмм оғир-

ликдаги харсанг тошни ердан уза олганлигидан гувоҳлик берувчи лавҳага кўзингиз тушади. Яна бир мрамар тахтачадаги ёзувдан атлет *Фаилл* 16 метрга сакраганлигини ўқийсиз. «XXI аср сакраши» қаҳрамони Боб Бимоннинг афсонавий рекорди бундан икки барабар кам. Бу — тарихий ҳақиқатми, ёки Геракл қаҳрамонликларидек ривоятми? Ҳозирча бу жумбоқлигича қолмоқда. Аммо олимпоникларнинг замондошлари ўртасида энг бақувват, энг чаққон ва эпчил бўлганликлари аниқ.

Шу сабабли ҳам олимпия ўйинлари мусобақаларини томоша қилиш, айниқса, чемпионларни шахсан қутлаш бахтига мушарраф бўлиш иштиёқини, ҳатто қатл этилиш хавфи ҳам тўхта олмаган. Юнон тарихчиси Павсанийнинг «*Элада баёни*» асарида ана шундай бир воқеа ҳақида ҳикоя қилинади.

Милоддан аввалги V—IV асрларда Родос оролида Диагоридлар сулоласи оилаларидаги кўп-лаб олимпониклар билан бутун Юнонистонда шуҳрат қозонган эди. Шу сулоладан бўлган *Каллипатера* ўғли, мушт жангчиси *Посейдор*га ўзи мураббийлик қилиб, уни олимпия ўйинларига тайёрлайди. Она фарзандининг ғалабасини ўз кўзи билан кўришни шу қадар хоҳлар эдики, бунинг учун муқаррар қатл этилишини жуда яхши билса ҳам Олимпиадада у билан бирга бўлишга қарор қилади.

Гап шундаки, ўша даврда амал қилган қонунқоидаларга мувофиқ аёллар бахтсизлик келтиради, деган ақидага асосланиб, уларнинг Олимпиадада мусобақаларни томошабин сифатида кўришларига рухсат берилиши у ёқда турсин, ўйинлар вақтида умуман Олимпия шаҳрига қадам босишлари тақиқланган эди.

Аммо Каллипатера эркаклар либосида *педотриблар* — спортчилар мураббийларига қўшилиб стадионга киради. *Посейдор* рингда кетма-кет бешта рақибини мағлубиятга учратиб, олимпоник бўлганлигини кўрган она эҳтиёткорликни унутиб қўйиб, ўғлини кучгани у томон отилади. Ўриндиқлар орасидан югуриб бораётган Каллипатера устидаги эркаклар либоси тушиб кетиб, унинг аёллиги ошкор бўлиб қолади.

Бу жинояти учун у қоядан улоқтирилиб ўлдирилиши керак эди. Лекин суд Каллипатеранинг Олимпиада чемпионини тарбиялаганлигини ҳисобга олиб, афв этади. Бу фидойилиги учун у олимпия ўйинлари тарихига *Ференика* (юнонча «*фереин*» — «келтирувчи», «*ника*» — «ғалаба» сўзидан) — ғалаба келтирувчи номи билан кирган.

Олимпия ўйинлари чемпиони бўлиш шу қадар шарафли ҳисобланар эдики, ҳатто шоҳлар ҳам бу унвонга сазовор бўлиш учун олий лавозимларига қарамасдан давлатларидаги ҳур фуқаролар билан баб-баравар мусобақалар майдонига тушардилар. Тенг, холис беллашувларда рақибларидан устун чиқишнинг уддасидан чиқа олмаган ҳукмронлар эса ҳийла-найрангларни, беқийс имкониятларини ишга солишдан ҳам тап тортмас эдилар.

Милoddан аввалги IV асрда император *Тибериий* тўрт от қўшилган аравалар пойгасида олимпоник бўлган. 385 йилдаги 291-Олимпиадада Арманистон кўҳна пойтахтининг ҳукмрони *Варздат* мушт жангида чемпионлик унвонини қўлга киритган.

Рим императори *Нерон* олимпоник унвонига сазовор бўлишга шу қадар талпинганки, у саккиз юз йиллик анъанани бузиб, 67 йилда олимпия ўйинларини муддатидан икки йил аввал ўтказиш тўғрисида фармон чиқарган. У мусобақаларнинг энг нуфузлиси — от қўшилган арава пойгасида ўзини кўрсатмоқчи бўлган. Аммо Олимпиада иштирокчиларидан ҳеч кимнинг қаҳри ҳаммага беш қўлдек маълум бўлган бу император билан мусобақалашишга юраги дов бермаган. Нерон ўнта от қўшилган аравада пойгага ёлғиз ўзи чиққан. У маррага етиб келгунча аравасидан икки марта йиқилганига қарамасдан ўзини чемпион, деб эълон қилган.

Аммо унинг ўлимидан сўнг муддатидан илгари ўтказилган бу Олимпиада ҳам, унинг чемпионлиги ҳам бекор қилинган.

Ҳа, ватанларида миллий қаҳрамонларга айланган, номлари Олимпиада тарихида абадий сақланидиган чемпионларнинг ибрати жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эди. Минглаб, ўн минглаб йигит ва қизлар улардан ўрнак олиб, спортга астойдил ихлос қўядилар. Тўғри, ҳамма ҳам Олимпиада шоҳсупасига кўтарила олмайди. Аслида бу шарт ҳам эмас. Спорт билан мунтазам шуғулланиш соғлом турмуш тарзининг, комилликка эришишнинг асосий омилларидан бирidir.

Замонавий олимпия ҳаракати асосчиси Пьер де Кубертеннинг фикрича ҳам спорт тарбиялаш ва таълим беришнинг ғоят ноёб воситасидир. Олимпия ўйинлари эса бутун жаҳон ёшларига спорт майдонларида ўз куч ва маҳоратларини тўла намойиш эта олиш билан бирга бу имкониятдан фойдаланиб ўзаро дўстлашиш, биродарлашишларига, тинчликнинг қадрига етишга хиз-

мат қилади. Шунинг учун Пьер де Кубертен олимпия ўйинларини «*Инсоният баҳори*», деб атаганди.




Гера ўйинлари ғолибаси.
Милoddан аввалги 475—450 йиллар.




ЗАМОНАВИЙ
ОЛИМПИА
ЎЙИНЛАРИ



*О, спорт!
Сен — меџмор,
сен — мураббийсан...*







ОЛИМПИЯ ХАРТИЯСИ

Олимпия хартиясининг энг асосий тамойилларига (Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1999 йилдаги 110- ва 2000 йилдаги 111-сессияларида киритилган ўзгартиришлар билан) мувофиқ:

— олимпия ўйинлари ҳар тўрт йилда бир марта шаҳарларда ўтказилади. Олимпия ўйинларини ўтказишга номзод шаҳарлар миллий олимпия қўмиталари томонидан тавсия этилади. Олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини фақат ХОҚ бериши мумкин;

— олимпия ўйинлари барча мамлакатлардаги ҳаваскор спортчиларни ҳалол ва тенг ҳуқуқли мусобақаларда бирлаштиради;

— мамлакатлар ва алоҳида шахслар ирқига, диний ёки сиёсий қарашларига қараб бирон-бир тарзда камситилишларига йўл қўйилмайди;

— олимпия мусобақалари фақат Ўйинлар пойтахти, деб танланган шаҳарда ўтказилади. ХОҚнинг махсус рухсати билангина истисно тариқасида айрим мусобақаларни бошқа шаҳарда ўтказиш мумкин;

— олимпия ўйинларига раҳбарликни ХОҚ амалга оширади, Ўйинлар дастуридаги мусобақалар халқаро спорт федерациялари техник раҳбарлигида ўтказилади;

— олимпия ўйинларининг тантанали очилиши ва ёпилиши белгилаб қўйилган тартибда ўтказилади;

— олимпия ўйинлари мусобақалари фақат спортнинг олимпия турлари бўйича ўтказилади. Олимпиада мусобақалари дастурига фақат ХОҚ ўзгартиришлар киритиши мумкин;

— ёзги олимпия ўйинлари кўпи билан 15 (тантанали очилиш кўни ҳам қўшиб ҳисобланганда), қишқи Олимпиадалар 10 кун мобайнида ўтказилади;

— олимпия ҳаракатининг мақсади — ҳаваскор спортнинг дўстона майдонлардаги мусобақаларда эгалланадиган жисмоний ва ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга ҳамда жаҳон ёшларини ҳар тўрт йилда бир марта буюк спорт байрамида бирлаштишларига, бу билан халқаро ишонч ва холис ниятни қарор топтириш, яхшироқ ва тотувроқ жаҳон ҳамжамияти барпо этишга кўмаклашиш;

— олимпизмнинг мақсади — инсон қадр-қиммати ҳурмат қилиниши тўғрисида гамхўрлик қиладиган эркин жамият барпо этилишига кўмаклашишдир. Ана шу мақсадга эришиш учун олимпия ҳаракати тинчликни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятида ўзида мавжуд имкониятлар доирасида мустақил ёки бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради;

— олимпизм — жисм, ирода ва онг мукамаллигини эъозлайдиган ҳамда мутаносиб яхлитликка муҳассамлаштирадиган ҳаёт фалсафасидир. У спортни маданият ва таълим билан уйғун бирлаштирадиган, куч-гайрат сарфлашдан, ижобий ибратнинг тарбиявий қимматидан қувонч олиш, асосий умуминсоний ахлоқ тамойилларини ҳурмат қилишга асосланган турмуш тарзини қарор топтиришга интилади;

— миллий олимпия қўмиталари Халқаро Олимпия Қўмитаси билан билан узвий алоқада ва унинг раҳбарлиги остида фаолият олиб борадилар, ҳаваскорлар спортини қўллаб-қувватлайдилар, спортнинг олимпия турлари бўйича миллий федерациялар билан қалин ҳамкорликда иш олиб борадилар;

— миллий олимпия қўмиталари ўз шаҳарларида ўтказиладиган олимпия ўйинларини ташкил қилиш ва уларни ўтказиш учун шахсан жавобгардирлар;

— миллий олимпия қўмиталари олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эгалар. Бу ҳуқуқдан фойдаланмаслик уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишига олиб келиши мумкин;

— олимпия ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари олтин (камида 6 грамм олтин қоплама бўлган кумуш), кумуш ва бронза медаллари (диаметри камида 60 мм., қалинлиги камида 3 мм., спорт тури кўрсатилган) билан тақдирланадилар. Шахсий ва жамоа биринчиликларида 1—8-ўринларни эгаллаганларга ХОҚ дипломлари топширилади;

— олимпия ўйинларидаги мусобақалар миллий терма жамоалар ўртасида эмас, фақат спортчилар орасида ўтказилади;

— олимпия ўйинларини ўтказишдан тушган маблағлар олимпия ҳаракатини ривожлантириш, спортни кенг оммалаштириш мақсадларига сарфланади;

— олимпия ўйинлари дастуридаги мусобақалар ўтказилаётган спорт майдонлари ва заллари ички қисмида рекламага йўл қўйилмайди.

— спортчилар саломатлиги ҳолати устидан ҳамда самарали допинг назоратини амалга ошириш мақсадида улар учун махсус паспортлар жорий этилади.



ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ

Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) олимпия ҳаракатининг олий ҳокимиятидир. У 1894 йилда Пьер де Кубертен ташаббуси билан ташкил этилган. Олимпия ҳаракати ХОҚ олий ҳокимияти остида Олимпия хартиясига амал қилишга рози бўлган ташкилотлар, спортчилар ва бошқа шахсларни бирлаштиради. Халқаро Олимпия Қўмитаси томонидан эътироф этилиш олимпия ҳаракатига мансублик мезони ҳисобланади.

ХОҚ ёзги ва қишки олимпия ўйинларини ўтказиш, улар дастурларини белгилаш, олимпия ўйинларини муттасил такомиллаштириб бориш, шаҳарларга Олимпиадаларни ўтказиш ҳуқуқини бериш масалаларини ҳал этади, ҳаваскорлик спортини ривожлантиришни рағбатлантиради, турли мамлакатлар спортчилари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш чораларини кўради, миллий олимпия қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштиради, Олимпиадалар пайтида халқаро спорт федерацияларига ўз спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилишини техник назорат қилиш ҳуқуқини беради, олимпия ҳаракатини ривожлантиришга раҳбарлик қилади. ХОҚ миллий олимпия қўмиталари ва халқаро спорт федерацияларини тан олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, улар билан қалин ҳамкорлик қилади.

Халқаро Олимпия Қўмитасининг олий органи ХОҚ сессиясидир. У йилига бир, Олимпиадалар йилида икки марта ўтказилади. Олимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг стратегик вазифалари муҳокама этиладиган ХОҚ конгресслари, қоида бўйича, саккиз йилда бир марта ўтказилади.

ХОҚ сессиялари орасида Халқаро Олимпия Қўмитаси кундалик фаолиятига ХОҚ Ижроия қўмитаси раҳбарлик қилади. Унинг таркиби ҳозирги вақтда 15 кишидан (ХОҚ Президенти ва тўртта вице-президенти, 10 нафар аъзо) иборат.

ХОҚнинг 1999 йил 11—12 декабрь кунлари бўлиб ўтган 110-сессиясида қабул қилинган қарорга мувофиқ Халқаро Олимпия Қўмитаси таркибида 115 аъзо бўлиб, уларнинг 15 таси халқаро спорт федерациялари ёки улар бирлашмалари вакиллари, яна 15 таси миллий олимпия қўмиталари ёки улар минтақавий ассоциациялари вакиллари, яна 15 таси Олимпиада мусобақаларида иштирок этаётган ёки энг узоғи билан тўрт йил аввалги ўйинларда иштирок этган спортчилар, қолган 70 таси шахсий аъзолардан иборат бўлиши шарт. Бунда ХОҚнинг шахсий аъзолари орасида ҳар бир мамлакатдан биттадан ортиқ вакил бўлиши мумкин эмас. ХОҚ аъзоларининг ёши 18 дан 70 гача чегаралаб қўйилган.

2003 йилдан эътиборан ХОҚ аъзолари қайта сайланиш ҳуқуқи билан 8 йил муддатга сайланадилар. Мусобақаларда иштирок этаётган спортчилар ХОҚ аъзолигига олимпия ўйинлари вақтида олимпия қишлоғидаги олимпиадачилар томонидан сайланади. Бунда ёзги Олимпиадаларда энг кўп овоз олган 4 спортчи ХОҚ аъзолигига 8 йил, яна 4 спортчи 4 йил, қишки Олимпиадаларда эса 2 спортчи 8 йил, яна 2 спортчи 4 йил муддатга сайланадилар. ХОҚ аъзолигига қолган 3 спортчи қитъалар ва спорт турлари бўйича мутаносиблик бўлиши мақсадида ХОҚ Ижроия қўмитаси томонидан тавсия этилади.

ХОҚ Президенти эндиликда 8 йил муддатга (шундан сўнг фақат бир марта 4 йил муддатга қайта сайланиш ҳуқуқи билан) сайланади.

Халқаро Олимпия Қўмитаси қароргоҳи Лозанна (Швейцария)да жойлашган. ХОҚнинг расмий тиллари — француз ва инглиз тилларидир.

ХОҚ тизимида олимпия ўйинларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш, Олимпиада дастурлари, Олимпия бирдамлиги, олимпия ўйинларида иштирок этиш учун лицензиялар бериш доимий қўмиталари, шунингдек, ғолибларни тақдирлаш, маданий дастурлар, молиявий, тиббий масалалар бўйича, матбуот ва бошқа хизматлар мавжуд.

ХОҚ шафелиги остида Халқаро Олимпия Академияси фаолият юргизади. Бундай академиялар миллий олимпия қўмиталари томонидан ҳам ташкил этилган. ХОҚ таркибида Лозаннадаги Олимпия музейи ҳам бор.

ХОҚ 1968 йилда Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси — МОҚАни тан олган, 1967 йилдан фаолият олиб бораётган Халқаро спорт федерациялари Бош ассамблеяси — ХСФБА, ҳуқуқий жиҳатдан тўла мустақил, олимпия ўйинлари пайтида барча баҳсли масалаларни ҳал этадиган Спорт арбитраж суди — САС билан қалин ҳамкорлик қилади.

Халқаро Олимпия Қўмитаси 1993 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасини тан олган.



ОЛИМПИАДАНИНГ «ИККИНЧИ БАҲОРИ»

Афина, 1896 йил, 6 апрель. Мармар стадионини лим-лим тўлдирган 80 минг томошабин (ўша вақтда Афинада 120 мингга яқин аҳоли истиқомат қиларди, холос), шу жумладан, бир неча минг хорижий меҳмонлар ҳеч муболағасиз тарихий воқеанинг жонли гувоҳи бўлмоқдалар. Греция қироли Георг I биринчи замонавий олимпия ўйинларини очик, деб эълон қилади. Миллий мадҳия садолари остида Грециянинг оқ-яшил байроғи кўтарилади. Бир юз эллик кишилик хор юнон композитори Самаранинг ушбу тантанага махсус бағишланган «Олимпия қасидаси»ни ижро этади. Замбараклардан салют берилади. Кўкка оқ кабутарлар парвоз қилади...

Қадимий Юнонистондаги сўнги Олимпиададан ўн олти асрдан ҳам кўпроқ вақт ўтган бўлсада, ўша умумэллин энг олий байрамларининг руҳи барҳаёт эканлиги амалий исботини топди. Бу анъана тикланиши учун жаҳоннинг турли мамлакатларидаги юзлаб, минглаб фидойилардан жуда катта ташкилотчилик, тарғибот ишларини олиб бориш талаб қилинди. Спортнинг бу жонқуярлари олимпия гоёларининг комил шахсни тарбиялаш, турли миллат ва элатга мансуб, эътиқодлари ҳам ҳар хил инсонларни бирлаштириш ва дўстлаштиришдаги беқиёс аҳамиятига муносиб баҳо берганлари ҳолда ўйинлар машғаласи яна порлаши учун куч-ғайратларини ҳам, билим ва тажрибалари, вақтларини ҳам, шахсий маблағларини ҳам аямадилар.

Олимпия ҳаракатига янгидан ҳаёт бахш этишда франциялик *Пьер де Кубертен*нинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари, ташкилотчилиги алоҳида аҳамият касб этди.

Пьер де Кубертен эгаллаган мутахассислиги бўйича дипломатик мансабда хизмат қилишга ёки ҳарбий бўлишга кўнгли чопмайди. У таълим-тарбия муаммолари билан шуғуллана бошлайди. Бу вақтда Франция таълим муассасаларида ҳарбийлаштирилган немис тарбия усули устуворлик қиларди. Пьер де Кубертен бошқа мамлакатлар таълим тизими билан қизиқиб, эътиборини англизлар тажрибасига қаратади. 1882 йилда унинг «Англияда тарбия», 1889 йилда эса «Францияда англизча тарбия» китоблари нашр этилади.

У англизча тарбиянинг немисларникига нисбатан афзалликларидан хабардор бўлса ҳам ан-

тик давр юнонларининг ёшларни ҳарбий хизматга, умуман ҳаётга тайёрлашда олимпиада ўйинларидан самарали фойдаланганликлари кўпроқ қизиқиш уйғотади. Спортнинг тарбиявий аҳамиятига жуда юқори баҳо берган Пьер де Кубертен замонавий шароитларда олимпия ўйинларини шу мақсадга йўналтириш аҳамиятини чуқур англайди. У олимпия ўйинларини тиклаш гоёсини биринчи марта 1888 йил июлида, Франция таълим вазирлиги томонидан таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини жорий этиш бўйича ташкил этилган қўмита мажлисида билдиради. Мамлакатнинг спорт ва жисмоний тарбия соҳаси мутассадилари бу таклифни қўллаб-қувватлаган бўлсалар-да, бироқ буни амалга ошириш юзасидан ҳеч нарса қилишмайди.

Пьер де Кубертен 1889—1890 йилларда олимпия ўйинларини ташкил этиш масалалари юзасидан жаҳоннинг турли мамлакатларидаги давлат, жамоат ва спорт арбоблари билан ёзишмалар олиб боради, бу ҳақда музокаралар ўтказиш учун Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британияга сафар қилади, турли халқаро спорт мусобақалари ташкил этади.

Шу вақтда Францияда Спорт атлетика турлари жамиятларининг уюшмаси тузилади. Унинг Бош котиби этиб Пьер де Кубертен сайланади. Бу лавозимда у бевосита замонавий олимпия ҳаракатини тиклаш юзасидан амалий саъй-ҳаракатларга киришади. 1892 йил 25 октябрда — Франция Спорт атлетика турлари жамиятларининг уюшмаси беш йиллиги нишонланаётган кунда Пьер де Кубертен Париждаги Сорбонна университети амфитеатридан туриб биринчи марта расмий равишда «*Олимпия ўйинларини бугунги кун эҳтиёжларига жавоб берадиган тамайиллар асосида тиклаш*» қарорини эълон қилади.

Пьер де Кубертен нуфузли Франция Спорт атлетика турлари жамиятлари уюшмаси замонавий олимпия ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларини ҳал этиш учун халқаро анжуман чақириш чораларини кўриш тўғрисидаги қарор қабул қилишига эришди. Бунинг учун ўзи иштирокида уч кишидан иборат махсус ҳайъат тузилди.

Бу ғоянинг жонкуяр тарафдорлари, жумладан, Буюк британиялик лорд Амтхилл, америкалик профессор Слоэн, россиялик генерал-лейтенант Алексей Бутовский, венгр Кемень, Богемия (ҳозирги Чехия)дан Гут-Ярковский ва бошқалар билан замонавий олимпия ўйинларини ўтказиш масалаларига бағишланган Халқаро атлетика таъсис конгрессини чақиришга тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар.

керак эди. Ана шу мақсад учун жалб этиладиган ташкилотчилар ва ҳомийларнинг маблағлари фақат Олимпиадага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга, спорт иншоотлари қуришга сарфланиши лозимлиги ўқтирилди. Ўйинларни худди кўҳна Юнонистонда қабул қилингандек ҳар тўрт йилда бир марта, лекин навбат билан жаҳоннинг турли мамлакатлари шаҳарларида ўтказиш таклиф қилинарди.



Замонавий олимпия ҳаракати асосчилари (стол атрофида ўтирганлар, чандан ўннга)
Д. Викелас, П. Кубертен, А. Бутовский (1894).

Уларнинг катта ташкилотчилик ишлари натижасида бу анжуман 1894 йил 16 июнда Парижда чақирилиб, мазкур Таъсис конгрессида жаҳондаги 12 давлатнинг 72 вакили иштирок этди. Конгресс арафасида Пьер де Кубертен матбуотда «Олимпия ўйинларини тиклаш» мақоласини эълон қилди. Муаллиф унда Олимпиадага оид ўз қарашларини баён этди. Пьер де Кубертен фикрича, жаҳон спортининг бу улкан байрамида фақат ҳаваскор спортчилар қатнашишлари

Таъсис конгресси Пьер де Кубертеннинг барча таклифларини қабул қилди, ўн икки мамлакатдан 14 вакил киритилган Халқаро Олимпия Қўмитаси таркибини тасдиқлади. Шунингдек, унда замонавий олимпия ўйинларини ўтказишнинг асосий тамойил ва қоидалари қабул қилинди. Бу ҳужжатлар *Олимпия хартияси* номини олди. У Халқаро Олимпия Қўмитасининг асосий ҳужжати ҳисобланади.

Пьер де Кубертен кейинчалик ўзининг

«Олимпия хотиралари» китобида Олимпия ўйинлари оддийгина спорт турлари бўйича жаҳон биринчиликлари эмаслиги, тўрт йилда бир марта буладиган ёшларнинг жаҳон фестивали эканлигига ургу берган.

Замонавий олимпия ҳаракатининг асосчиси бу жаҳон спорти байрамининг мафкурачисигина бўлиб қолмасдан Халқаро Олимпия Қўмитаси ташкилий тузилмасининг бунёдкори ҳам эди. У ишлаб чиққан ва ҳозиргача сақланиб қолган бу тузилма уч бирлик — *Халқаро Олимпия Қўмитаси, миллий олимпия қўмиталари ва халқаро спорт федерациялари* мужассамидир.

Пьер де Кубертен *спортни таълим ва тарбиянинг ноёб воситаси*, деб ҳисоблагани учун спорт соҳасида психология ва педагогика масалаларига жуда катта эътибор берар эди. Халқаро Олимпия Қўмитаси шафелигида Универсал педагогика уюшмаси ҳамда Халқаро спорт психологияси бюросини ташкил этишда унинг шахсий хизматлари каттадир.

Шу билан бир қаторда Пьер де Кубертен фикрича, спорт фақат таълим-тарбия воситасигина эмасди. У спорт мусобақалари, айниқса, жаҳон миқёсидаги *олимпия ўйинлари курраи заминимиздаги барча ёшларнинг бир умр унутилмас оламушумул байрами, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчликни мустаҳкамлашнинг жуда муҳим омили, турли миллат ва элатга мансуб бўлган инсонлар бағрикенглиги намойиши эканлигини* уқтирарди.

I Олимпиадани Афинада ўтказишга қарор қилинганлиги муносабати билан юнон шоири ва тилшуноси, машҳур жамоат арбоби, Умумэллин гимнастика жамияти аъзоси *Деметриус Викелас Халқаро Олимпия Қўмитасининг биринчи Президенти* (Таъсис конгрессида олимпия ўйинлари ҳар тўрт йилда жаҳоннинг турли давлатлари шаҳарларида ўтказилиши, мезбон мамлакат вакили ХОҚ Президенти бўлиши тўғрисида қарор қабул қилинган эди), ХОҚ Бош котиби этиб эса Пьер де Кубертен сайланди.

Олимпия ўйинлари белгиланган муддатларда муваффақиятли ўтиши учун Деметриус Викелас ва Греция Миллий олимпия қўмитасига, шунингдек, Халқаро Олимпия Қўмитасига беқиёс ташкилотчилик салоҳиятини, қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш учун бутун иродаларини намойиш қилишларига тўғри келди. Чунки, кутилмаганда Греция ҳукумати ҳам, Афина шаҳри (белгиланган тартибга кўра олимпия ўйинлари мезбони шаҳар ҳисобланади) маъмурияти ҳам жаҳон миқёсидаги бу спорт мусо-

бақаларини ташкил этиш учун етарли миқдорда маблағлари йўқлигини билдириб, Ўйинларни ўтказишни умуман шубҳа остига қўйдилар.

Бундай вазиятда Пьер де Кубертен ва уни тула қўллаб-қувватлаган Греция шахзодаси Константин ташаббуси билан Олимпиадани ўтказиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага нафақат юнонликлардан, балки бошқа мамлакатлардан ҳамда турли ҳомийлардан маблағ келиб туша бошлади. Масалан, Александрия шаҳридан юнон Авероф Георгиос антик даврда олимпия ўйинлари ўтказилган Афинадаги Мармар стадионини қайта тиклашга 1 миллион драхма ҳада этди. Ҳомийлар пулларига Греция пойтахтида, шунингдек, велодром, ўқ отиш бўйича мусобақалар ўтказиладиган тир қурилди. Олимпиадани ўтказиш учун маблағ тўплашда, айниқса, тарихда биринчи марта бу Ўйинларга бағишланган почта маркаси чиқарилиши қўл келди. Умуман Греция Олимпиада ташкилий қўмитаси барча тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугаллашга муваффақ бўлди.

Биринчи маротаба турли мамлакатлар спортчиларини олимпия ўйинларига жалб этиш ҳам осон кечмади. Жумладан, Германия, Франция, Бельгия миллий олимпия қўмиталари Афинада фақат ўз мамлакатларида кенг русм бўлган спорт турлари бўйича мусобақаларда қатнашишларини қатъий талаб қилиб қўйдилар. Дунёдаги етакчи спортчиларнинг Афинага келишлари учун маблағ топиш ҳам жиддий муаммолар келтириб чиқарди.

1895 йил 30 сентябрда Афина Олимпиадасида иштирок этишга розилик берган 34 мамлакатга мусобақалар тўлиқ дастури илова қилинган ҳолда таклифномалар юборилди. Ўйинларга 13 давлат — Австралия, Австрия, Америка Қўшма Штатлари, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Греция, Дания, Франция, Чили, Швейцария, Швециядан 311 нафар спортчи ташриф буюрди. Олимпиада мусобақалари иштирокчиларининг деярли учдан икки қисми — 200 нафарини мезбонлар ташкил этарди. Грецияга, шунингдек, Германия 21, Франция 19, АҚШ 14, Венгрия 12 нафар спортчидан иборат терма жамоаларини йўллашди.

Биринчи Олимпиада дастуридан спортнинг юнон-рим кураши, велоспорт, гимнастика, енгил атлетика, сузиш, милтиқ ва тўппончадан ўқ отиш, теннис, оғир атлетика ва қиличбозлик турлари бўйича фақат эркаклар ўртасидаги мусобақалар ўрин олганди.

Уша пайтда спортнинг бу турлари ҳозирги вақтдагидан фарқ қиларди, албатта. Масалан, кураш ва оғир атлетикада спортчилар вазн тоифаларига ажратилмасди. Енгил атлетикада беллашувлар 12 та тур — 100, 400, 800, 1500 метрга югуриш, 110 метрга тўсиқлар оша югуриш, марафон, узунликка, баландликка, уч ҳатлаб, лангарчўп билан сакраш, диск, ядро улоқтириш бўйича олиб борилди. Спорт гимнастикасида эса мусобақалар шахсий ва жамоа биринчиликлари бруслар, перекладиналар, шахсий беллашувлар эса фақат конь, ҳалқа, сакраш, шунингдек, шестга чирмашиб чиқишда бўлиб ўтди.

Кўҳна юнон олимпиадалари анъаналарига амал қилган ҳолда мусобақаларни енгил атлетикачилар бошлаб бердилар. Спортнинг бу тури турли беллашувларида қатнашганлар сонига қараб улар ҳар бирининг нақадар оммалашгани ҳақида хулоса қилиш мумкин эди. Чунончи, 100 метрга югуришда 9 мамлакатдан 19 спортчи,

лангарчўп билан сакрашда эса икки мамлакатдан 5 атлет қатнашди.

АҚШдаги Гарвард университетининг чемпиони Жеймс Конноли Афинада уч ҳатлаб сакраш бўйича 13 метр 71 сантиметр натижа кўрсатиб, замонавий олимпия уйинларининг биринчи чемпиони бўлди. У асосий рақиби Франциялик Александр Тиффердан 1 метр узоқроққа сакрашга муваффақ бўлди.

Иккинчи олтин медаль ҳам америкалик диск улоқтирувчи Роберт Гэрретга насиб этди. Унинг бу ғалабаси юнонистонлик спорт ихлосмандларининг юрагини ларзага солди. Чунки диск улоқтиришда ўз спортчилари — Панагиотис Параскевополусга бас келадиганлар дунёда топилмаслигига уларнинг ишончлари комил эди.

Принстон университети талабаси бўлган Роберт кейин журналистларга ҳикоя қилиб беришига кўра, диск улоқтириш бўйича мусобақалар Олимпиада дастурига киритилганидан хабар то-

Замонавий олимпия ҳаракати асосчиси



ПЬЕР ДЕ КУБЕРТЕН

Кубертен (Coubertin) Пьер де, барон (1863 йил 1 январь, Париж — 1937 йил 2 сентябрь, Женева) — халқаро олимпия ҳаракатининг буюк арбоби, замонавий олимпия ҳаракатининг асосчиси, Халқаро Олимпия Кўмитасининг иккинчи Президенти.

Француз рассоми оиласида туғилган, болалигидан чавандозликни хуш кўрган, қиличбозлик ва эшкак эшиш билан шуғулланган. Париж лицейларидан бирида, ҳарбий мактабда, сунг Париж университетида ўқиб, санъат, фан ва ҳуқуқ бакалаври даражасини олган. Таълимни Сиёсий фанлар эркин мактаби (Эколь Премьер)да давом эттирган.


1894 йилда Халқаро Олимпия Кўмитасининг Бош котиби, 1896 йилда Президенти этиб сайланган. Пьер де Кубертеннинг бевосита раҳбарлигида Халқаро Олимпия Кўмитаси II, III, IV, V, VII, VIII олимпия уйинларини, Шамонидаги кейин расмий равишда I Қишки Олимпиада мақоми берилган қишки спорт ҳафталигини утказди.

1925 йилда ўз хоҳишига мувофиқ Халқаро Олимпия Кўмитасининг Президенти лавозимидан истеъфога чиққан. Шу санадан умрининг охиригача — ХОҚнинг фахрий Президенти.

Олимпия ҳаракати, спорт тарихи, шунингдек, социология, фалсафа, сиёсат, археология, фаннинг бошқа соҳаларига оид 30 та китоб, 50 та рисола, 1200 тадан ортиқ мақолалар муаллифи.

Васиятига кўра Швейцарияда дафн этилган. Греция Миллий олимпия кўмитасининг таклифи билан юраги бальзамлаштирилиб, махсус идишда Олимпия шаҳри муқаддас даргоҳига кираверишдаги ёдгорлик ичига жойланган.

пиб, спортнинг шу турида ўз кучини синаб кўришга қарор қилади. АҚШда ўша вақтда диск улоқтиришнинг қоида-тартибларини биладиганларни излаб топишнинг ўзи амри маҳол эди. Шунинг учун Роберт Гэррет замонавий олимпия ўйинларида ҳам диск улоқтириш мусобақалари қадимги даврлардагидек ўтказилади, деган фикрда китоблардан ана шу спорт снаряди тўғрисидаги маълумотларни ўқиб билиб олади. Машқларни ҳам ўша кўҳна юнонликлар улоқтирган оғирликдаги дисклар билан бажаради. Шунинг учун Афинада америкалик энгил



1 Олимпиада ўйинларининг биринчи чемпиони Жеймс Конноли.

атлетикачи диск вазни ўзи машқларда улоқтириб келганидан анча энгил — 1,923 кг бўлганлиги сабабли 29 метр 15 сантиметр натижа билан осонгина ғолибликни қўлга киритади.

Р. Гэррет мусобақаларнинг эртаси куни ҳам ядрони 11 метр 22 сантиметр узоқликка улоқтириб, иккинчи бор Олимпиада шоҳсупасига кўтарилади. Қўш чемпион жамоадошларидан уч спортчининг Афина Олимпиадасида иштирок этиш харажатларини ўз ҳисобидан тўлаганлиги билан ҳам спорт тарихига кирган.

Биринчи Олимпиада иштирокчиларининг ташқи кўриниши бугунги кунда кўпчиликни ажаблантириши турган гап эди. Масалан, турли масофаларга югурувчиларнинг спорт кийими ўзига хос — оқ шим ва қора этикдан иборат эди. Фақат бир спортчи — америкалик Томас Берке ҳозирги югурувчиларникига ўхшашроқ туфлида эди. Югуриш бошланиши пайтида старт берувчи унинг йўлакчага тиз чўккан ҳолда турганини кўриб, даставвал Томас шу ҳолда мусобақа олдидан чўқинаётган бўлса керак, деган фикрга боради. У бир оз кутиб туради, бироқ у ўрнидан турмайди. Мусобақага старт берувчининг унга ҳамма қатори тик туришини талаб этишига жавобан Берне югуришни шу ҳолда бошлашини билдиради. Ҳакамлар маслаҳатлашиб, спортчи хоҳишига монелик билдиришмайди. Томас ҳозир қисқа масофаларда мусобақалашадиган барча энгил атлетикачилар учун бу одатий стартнинг афзаллигини исботлайди. У 100 метрга югуришда 12,0 секунд, 400 метрда эса 54,2 секунд натижа кўрсатиб, қўш олтин медаллик бўлади.

Беркенинг кўрсаткичлари ўз даври учун юқорилигини ҳамда биринчи олимпиадачиларнинг спорт маҳоратлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун энгил атлетикачи чемпионларнинг баъзи бошқа натижаларини келтирамиз: Фляк (Австралия) 800 метрга югуришда — 2 дақ. 11 сек., 1500 метрга — 4 дақ. 33,2 сек., Куртис (АҚШ) 110 метрга тўсиқлар оша югуришда — 17,6 сек., Кларк (АҚШ) узунликка сакрашда — 6,35 метр, баландликка сакрашда — 1,81 метр, Фланаган (АҚШ) молот улоқтиришда — 49,73 метр, Хайт (АҚШ) лангарчўп билан сакрашда — 3,30 метр.

Ўша вақтда оғир атлетика бўйича мусобақаларда штанга бир қўлда ҳамда икки қўлда кўтарилар эди. Бир қўлда штанга кўтаришда 71 килограмм натижа билан инглиз Л.Эллиот, икки қўлда 111,5 килограмм штанга кўтарган даниялик В.Йенсен илк Олимпиада чемпионлари бўлдилар.

Марафон биринчи олимпия ўйинлари мусобақаларининг энг асосийси ҳисобланарди. Ниҳоят юнон спорт ихлосмандлари кўчасига ҳам байрам келди. Афина яқинидаги Марузи қишлоғининг почтачиси Спирос Луис маррага биринчи етиб келиб, Грециянинг миллий қаҳрамонига айланди. Чемпион шарафига қадимий Олимпия шаҳрида расм бўлгани каби стадион узра оқ кабутарлар учирилди. Унинг галабаси юртдошларига шу қадар шоду хуррамлик бахш этдики, агар Олимпиада чемпиони фахрий мин-

барга юнон шахзодалари Константин ва Георгий ҳамроҳлигида кўтарилмаганида, бу вақтда стадионда ҳозир бўлган 60 минг томошабин уни қучиб қутлаш учун ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборишлари ҳеч гап эмасди.

Спирос Луис Олимпиада олтин медали билан бирга марафонни мусобақалар дастурига кириштиш ташаббускори бўлган француз академиги Мишель Бреаль таъсис этган олтин кубок, йил давомида ресторанларда бепул овқатланиш, бутун умри бўйи ўзига бепул либос тиктириш ва сартарош хизматидан текин фойдаланиш ҳуқуқи

руҳ-гуруҳ бўлиб оладилар. Марафон трассасининг мураккаблигига, бунинг устига қуёшнинг ўт пуркаб турган жазирамасига биринчи бўлиб америкалик дош бера олмай, югуришни тўхташтишга мажбур бўлди. Пешқадамликни бошқа марафончилардан 3 километр илгарилаб кетган Лермюзю қўлга олди. Лекин маррага 10 километр чамаси қолганда у кучини ортиқча баҳолаб юборгани маълум бўлади.

Шундан кейин олдинга австралиялик чиқиб олади. Аммо Флэк ҳам Афинага кираверишда, марафоннинг 37-километрида югуришини тўх-



Россиялик биринчи Олимпиада чемпиони Николай Панин-Коломенкин.



1912 йилги олимпия ўйинларининг қўш олтин медали соҳиби Жим Торп.



Қиличбоз аёллар машқ пайтида.

ҳамда бир бочка шароб, 1 тонна шоколад, 10 та сигир ва 30 та қўй билан сийланди. Ташкилотчилар, шунингдек, унга янги уй қуриб бердилар, катта миқдордаги пул мукофоти билан сийладилар. Олимпия ўйинлари чемпионига бу сийловлардан ҳам кўнгул қўйган ёри бу галабасидан сўнғ унга турмушга чиқишга рози бўлганлиги беҳад қувонтирди.

Биринчи Олимпиададаги бу марафон мусобақаси ҳайратомуз кечганлиги билан тарихда қолган. Марафонда Спирос Луис билан бирга ватандоши Велокос, америкалик Блейк, француз Лермюзю, 800 ва 1500 метрга югуришда голиб чиққан австралиялик Флэк, венгр Дьюла Кельнер куч синашганлар. Марафончилар гу-

татишга мажбур бўлади. Шунда марафончилар орасидан Спирос Луис отилиб чиқади ва маррагача пешқадамликни ҳеч кимга бермайди. Марафонда маррагача етиб келган саккиз спортчининг фақат биттаси — Кельнер хорижлик эди.

Яна бир юнон марафончиси Велокос марра чизигини жуда бардам ҳолда, учинчи бўлиб кесишди. Аммо кейин аниқланишича, шу атрофда агроном бўлиб ишлайдиган Велокос марафон трассаси ўтадиган жойни жуда яхши билган ва бир аравакашга панароқда уни пойлаб туришни тайинлаб қўйган экан. У келишилган жойда аравага чиқиб, маррага яқин қолганда аравадан тушиб, яна югуришни давом эттирган экан.

Ҳакамлар бу фирромликни фoш қилганлар, лекин марафончилар масофани қанча муддатда босиб ўтганлигини аниқлашда роса қийналганлар. Улар мусобақага старт берилгач, ўша вақтда ҳозирги алоқа воситалари бўлмаганлиги учун югуриш бошланган вақтни белгилаб қўйиб, ўзлари отларга миниб, маррага спортчилардан аввалроқ етиб бориш учун йўлга тушишган.

Марафон мусобақасига ўша афсонавий Фидиппид юнонларнинг форслар устидан ғалабасини пойтахт Афинага етказиш учун босиб ўтган йўл танланган эди. Шу сабабли бу тоғли ва ўнқир-чўнқир йўлдан уч ҳакам отларини ниқтаб Спириос Луис стадионга кириб келаётган пайтда у билан кириб боришади. Улар старт пайтидаги вақтга қараб, ғолиб натижасини — 2 соат 58 дақиқа 50 сонияни қайд этишга улгурадилар.

Замонавий илк Олимпиада қаҳрамонлари сифатида трекда энг қисқа ҳамда 2000 ва 10 000 метрга велопойгада уч карра ғолиб франциялик Поль Массо, курашда вазни энг енгил бўлишига қарамай барча рақибларидан устун чиққан ҳамда бунга қўшимча равишда гимнастика бўйича мусобақаларда ҳам учта олтин медални қўлга киритган немис Карл Шуманларни келтириш мумкин.

Француз велопойгачиси Леон Флагман эса олимпия ўйинлари тарихида спортда ҳалол мусобақалашишнинг чинакам намунаси сифатида сақланиб қолди. У 100 километр масофага пойга пайтида Георгиос Колетиснинг велосипеди бузилганлигини кўриб қолади. Бу юнон спортчиси асосий рақиб бўлишига, ўзи пойгада пешқадамлик қилаётганлигига қарамасдан француз Колетис пойгани давом эттира олгунига қадар уни пойлаб туради. Шундай бўлса ҳам у маррага биринчи бўлиб етиб келади.

15 апрелда I Олимпиаданинг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Барча ғолиблар бошига қадимий анъаналарга мувофиқ Олимпия шаҳри атрофидаги муқаддас зайтунзордаги ана шу дарахтлардан кесиб келтирилган новдаларга лавр қўшиб тўқилган чамбараклар кийгизилди ҳамда улар медаллар ва дипломлар билан тақдирландилар. Шу Олимпиададан бошлаб чемпионлар шарафига улар Ватани мадҳияси ижро этилиб, байроқларини кўтариш тантанали маросими ўтказиш жорий қилинди.

Халқаро Олимпия Кўмитасининг биринчи Президенти Деметриус Викелас мазкур оламшу-

мул тадбирнинг аҳамияти ҳақида «*Олимпия ўйинларининг тикланиши эллинизм тантанасини англатади. Қийинчиликлар беҳисоб эди, лекин Афина кўҳна Олимпия билан алоқа узилмаганлигини шараф билан намойиш этди*», деб таъкидлаши учун ҳамма асослар бор эди.

Афина Олимпиадасида расман қабул қилинмаган бўлса ҳам умумжамоа натижалари чиқарилди. Унга кўра мезбонлар — Греция спортчилари 46 та (10 та олтин, 19 та кумуш ва 17 та бронза) медалга сазовор бўлиб биринчи, америкаликлар 19 та медал (11 та олтин, 7 та кумуш, 1 та бронза) билан иккинчи, немислар 14 та медал (7 та олтин, 5 та кумуш, 2 та бронза) билан учинчи ўринни эгалладилар.

I олимпия ўйинлари бутун дунёда спортни ривожлантиришга жуда катта таъсир ўтказди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида спорт жамиятлари ташкил қилина бошланди, спорт билан шуғулланаётганлар сони ҳам кескин ортарди.

Энг эътиборлиси 1882 йилда — ҳали Пьер де Кубертен замонавий олимпия ҳаракатини тиклаш ғоясини эълон қилмасидан аввал Тошкентда дастлабки спорт ташкилоти — Чавандозлар жамияти ташкил этилди. Яна икки йилдан сўнг эса ана шундай жамият Самарқандда ҳам ўз ишини бошлади.

Чавандозларнинг биринчилардан ўз спорт жамиятлари атрофига уюшишлари тасодифий эмасди. Бир неча асрлар давомида от спорти турлари ўлкамизда энг оммавий ҳисобланарди. 1911 йилда «*Туркестанские ведомости*» газетаси «*Ўлкадаги энг биринчи ва энг самарали фаолият олиб борган бу жамият 28 йил давомида чопқир отлар зотларини яратиш ҳамда чавандозликни ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди*», деб таъкидлаган эди.

1895 йилда — Афина Олимпиадасидан бир йил аввал Тошкентда Ҳаваскор велосипедчилар жамияти ҳам ташкил этилиб, юртимизда спортнинг бу тури ҳам тез оммалаша бошлади. Разживин, Ряховский, Волков, Петровский бу жамиятнинг энг кучли велосипедчилари ҳисобланардилар.

XIX аср охирларида Туркистон ўлкасидаги янги усулдаги мактабларда жисмоний тарбия машғулотлари жорий этила бошланди. 1890 йилдан Тошкентдаги гимназия ва билим юртларида гимнастика, қиличбозлик, ўқ отиш машқлари ўтказилар, турли спорт ўйинларига ўргатиларди.



АСОСЧИ — «ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ»

Афинадаги Олимпиаданинг катта муваффақиятидан сўнг юнонлар Ўйинларнинг келгусиларига ҳам ўзлари мезбонлик қилиш умидида эдилар. Лекин Халқаро Олимпия Қўмитаси бу мусобақалар тўла халқаро қўлам касб этишини кўзлаб, уларни жаҳоннинг турли мамлакатлари шаҳарларида ўтказиш тўғрисидаги ўз қарорига қатъий амал қилишини билдирди.

Иккинчи олимпия ўйинлари пойтахти сифатида Парижнинг танланиши замонавий олимпия ҳаракатига асос солган Пьер де Кубертен хизматлари эътирофи эди. Франция Ўйинлар мезбони бўлганлиги сабабли у 1896 йилда Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти этиб сайланди.

Пьер де Кубертен ўзининг замонавий олимпия ҳаракати тўғрисидаги гоёлари Афинада ёрқин намоён бўлганлигидан руҳланиб, шундай деган эди: «Агар жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг мамлакат келажаги ҳамда миллат

маънавий қудратига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири англаб етиладиган бўлса, беихтиёр 1896 йилда (Афинада олимпия ўйинлари ўтказилган йилда — муаллиф) умуман Грециянинг тараққий этишида унинг учун янги давр бошланмадимикин, деган ҳаққоний савол тугилади». Унинг ўзи ватани — Францияда спорт ва жисмоний тарбия мамлакатини юксалтиришда, айниқса, миллатдошларини ҳар тарафлама камол топтиришда ана шундай аҳамиятга эга бўлишининг толмас фидойиси эди.

Франция Миллий олимпия қўмитаси ўз зиммасига Ўйинларни ўтказиш масъулиятини олган бўлса-да, ватандошидек ташаббускорлик, фидойилик, ташкилотчилик салоҳиятини кўрсатишда ожизлик қилиб қолди. Ҳамма нарса Олимпиадани ўтказиш учун талаб қилинадиган маблағ етишмаслигига бориб тақалди. Бундай вазиятда ХОҚ Президенти II Олимпиада барбод бўлмаслиги учун ягона имконият — Парижда

Халқаро Олимпия Қўмитаси Президентлари



ДЕМЕТРИУС ВИКЕЛАС

Викелас (Vikelas) Деметриус (Димитриос) (1835 йил, Эрмуполис, Греция — 1908 йил 20 июнь, Афина) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг биринчи Президенти.

Замонавий олимпия ҳаракати ташкилотчиларидан бири. 1894 йил июнь ойида Парижда Халқаро атлетика таъсис конгрессида замонавий олимпия ҳаракати муаммолари муҳокама қилинган шўъбага раҳбарлик қилган. Мазкур конгрессида Халқаро Олимпия Қўмитасининг аъзоси ҳамда Президенти этиб сайланган.

1896 йилда I Олимпиадани Афинада ўтказишни таклиф қилган ва бу замонавий олимпия ўйинлари муваффақиятли ўтишига катта ҳисса қўшган. Олимпия ўйинлари ниҳоясига етганидан сўнг истеъфога чиққан. 1897 йилгача Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзоси бўлган.

Ҳаётининг сунги ўн йилини бадий ижодиётга бағишлаган.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

ташкил этилаётган Халқаро кўрғазмадан фойдаланишни таклиф этди. Яъни, уни ушбу кўрғазма доирасида ўтказишга қарор қилинди.

Шундан сўнги воқеалар мутлақо қутилмаган тарзда кечди. Олимпия ўйинларини ўтказиш Франция спорт жамиятлари уюшмасига топширилди. Унинг раҳбарлари замонавий олимпия ҳаракати асосчиси ХОҚ Президенти Пьер де Кубертенни амалда ўйинларни ўтказишда иштирок этишдан четлаштирдилар. Халқаро кўрғазма ташкилотчилари эса Олимпиада мусобақаларини ташкил этиш учун умид қилинган ёрдам қўлини чўзмадилар. Уша кунлари Пьер де

Аммо ташкилотчилар йўл қўйган бу тартиб-сизликларга қарамасдан, умуман олганда Олимпиада руҳи барҳаётлиги яна бир карра исботини топди. Ўйинлар дастурига Афинадагига қўшимча сув полоси, гольф, академик усулда эшакка эшиш, от спорти, от полоси, регби, камондан отиш, теннис бўйича мусобақалар киритилди. Бироқ Франция пойтахтида кураш ва оғир атлетика бўйича мусобақалар ўтказилмади.

Олимпия хартиясига биноан Олимпиада ташкилотчилари Ўйинлардаги мусобақалар дастурига киритилмадиган спорт турларини ХОҚга Олимпиада бошланишидан тўрт йил аввал тақдим



Дастлабки олимпиадаларда ҳакамлар фигурачилар машини муз устида туриб баҳолар эди.



Тўққиз карра Олимпиада чемпиони Пааво Нурми.

Кубертен ўз кундалигига ўкинч билан: «*Жаҳонда олимпия ўйинларига бефарқ қараладиган битта жой бор, бу жой — Париж*», деб қайд этганди.

Ҳақиқатан ҳам мазкур Ўйинлар «Бетартиб Олимпиада» номини олди. Шунини айтиш кифояки, Олимпиада мусобақалари беш ойдан (!) ҳам кўпроққа чўзилиб кетди. Ўйинларнинг очилиши 1900 йил 14 май кунини бўлиб ўтган бўлса, ёпилиши 28 октябрда ўтказилди. Беллашувлар спортга алоқадорлигини тасаввур қилиш қийин бўлган — ҳаво шарида парвозлардан тортиб фавқуллода ҳолларда инсонни хавф-хатарлардан қутқариш машқлари каби кўпроқ томошаларга хос шакллари ҳам ўтказилди.

этадилар. ХОҚ халқаро спорт федерациялари билан келишган ҳолда бу дастурни тасдиқлайдилар ҳамда миллий олимпия қўмиталарини бундан хабардор этадилар. Шундан кейин бу дастурга ўзгартиришлар киритишга рухсат берилмайди.

У ёки бу спорт тури ёзги олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олиши учун спортнинг бу тури бўйича халқаро спорт федерацияси тузилган, бу федерация ХОҚ томонидан тан олинган бўлиши, бу спорт тури камида тўрт қитъадаги 75 та давлатда (аёллар спорт турлари учун уч қитъанинг 40 та давлатида), қишки олимпия ўйинлари учун эса уч қитъанинг 25 та давлатида оммалашган бўлиши шарт.

ХОҚ спортнинг хоҳлаган турини Олимпиада мусобақалари дастуридан чиқариш ҳуқуқига эгадир. Ўйинларда Олимпиада мусобақалари дастурига қўшимча равишда иккита — миллий ҳамда Олимпиада ташкилотчиси мамлакатида оммалашган спорт тури кўргазмали мусобақалар ўтказиш тарзида киритилиши мумкин.

Париж Ўйинларида 21 мамлакатнинг 1330 нафар спортчиси, шу жумладан, биринчи бор 11 нафар аёл иштирок этди. Бу спортчиларнинг 745 тасини французлар ташкил этарди. Аёллар теннис ва гольф мусобақаларида беллашдилар. Олимпия ўйинларига Бельгия, Австрия-Венг-

бўлди. Олимпия ҳаракатининг энг таниқли йилномачиси Ференц Мезэ Кренцлейнни «барча даврларнинг энг буюк атлетларидан бири», деб таърифлаган эди.

Умуман америкалик энгил атлетикачилар ўз устунликларини яққол намоён этдилар. Улар мусобақалар дастурига киритилган спортнинг бу 23 та (аввалги Олимпиадага нисбатан 11 та кўп) туридан 17 тасида голиб чиқдилар. Раймонд Юри баландликка сакраш, жойидан туриб сакраш ҳамда жойидан туриб уч ҳатлашда олтин медаллар соҳиби бўлди. Бу спортчи Париждаги ғалабаларига қўшимча равишда яна икки —



4x100 метрга эстафетада Олимпиада чемпионлари
Л. Марчисон ва А. Лекони.



От полоти (АҚШ ва Испания).

рия таркибидаги Богемия, Гаити, Испания, Италия, Канада, Куба, Нидерландия, Россия, Осие қитъасида биринчи бўлиб Ҳиндистон илк марта ўз миллий спорт жамоаларини йўлладилар.

Америкалик Алвин Кренцлейн Париж Олимпиадасининг энг яхши спортчиси номига сазовор бўлди. У мусобақаларнинг тўрт тури — 60 метрга югуриш (7,0 сек.), 110 метрга тўсиқлар оша югуриш (15,4 сек.), 200 метрга тўсиқлар оша югуриш (25,4 сек.), шунингдек, 7 метр 18 сантиметрлик натижа билан узунликка сакрашда голиб чиқди. Унинг кўрсаткичларидан учтаси олимпия, биттаси эса жаҳон рекордидан юқори

1904 ҳамда 1908 йиллардаги Олимпиадаларда баландликка, узунликка ва уч ҳатлаб сакрашда ҳаммани орта қолдириб, Ўйинларнинг саккиз карра чемпиони деган шарафга сазовор бўлган. Сакрашдаги фавқуллода қобилияти учун у «резина одам» номини ҳам олган эди.

Яна бир олимпиада голиби Ф.Жервиснинг Париж стадионида 100 метрга югуришда кўрсатган 10,8 секундлик рекордини янгилашга 12 йил давомида жаҳондаги бирорта энгил атлетикачининг қурби етмади. Париж Ўйинларида энгил атлетика бўйича мусобақаларда 14 та олимпия рекорди ўрнатилди. Улардан олтитаси жаҳон рекордидан юқори эди.

Уша пайтларда арқон тортиш ҳам енгил атлетика турларидан бири бўлганлиги қизиқарлидир. Бу беллашувда Швеция ва Дания спортчилари устун чиқдилар.

Англиялик Шарлотта Купер аёллар ўртасида биринчи олимпиада чемпиони бўлди. У теннис бўйича ҳам якка, шунингдек, Режинальд Дохерти билан бирга жуфтлик мусобақаларида ҳам голиблик нашидасини сурди. Аёллар гольф мусобақаларида ҳам иштирок этдилар. Спортнинг бу турида Маргэрет Аббот биринчи ўринни олди.

Қиличбозлик бўйича беллашувлар ҳам ҳаваскор спортчилар, ҳам профессионал (маэстро)лар ўртасида ўтказилди. Жумладан, кубалик афсонавий Рамон Фонстга ҳаваскор шпагачилар ўртасида тенг келадиганлар топилмади. Париж Олимпиадасида у биринчи олтин медалини қўлга киритди. Навбатдаги — 1904 йилги олимпия ўйинларида эса Рамон Фонст яна шпагада голиб чиқди. Шу билан бирга у рапирада ҳам шахсий, ҳам жамоа биринчиликларида устунлигини намоиш этиб, жами тўртта олтин медаль соҳиби бўлди. Француз Альбер Ая эса ўз ватанида профессионаллар ўртасида ҳақиқий маэстро эканлигини исботлади.

Франциянинг П.Сандра етакчилигидаги кўп курашчи гимнастикачилари Олимпиаданинг олтин олтин медалини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Парижда биринчи марта футбол бўйича олимпия турнири бўлиб ўтди. «Чарм тўп» ўйини ватани — Буюк Британия спортчилари майдон эгаларидан бир бош устун эканликларини кўрсатиб қўйдилар. Николэснинг Франция жамоаси дарвозасига йўллаган иккита ҳамда Тернер ва Зилиларнинг биттадан тўплари уларнинг 4:0 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

II олимпия ўйинларида мусобақаларга расман яқун ясалмаган. Олимпиадада мукофотлаш маросимлари ҳам ўтказилмаган. Шу сабабли мусобақа голиблари ва совриндорлари ўз мукофотларини бир неча йилдан кейин почта орқали олганлар.

Ҳозирги пайтгача Париж Олимпиадасида ўтказилган расмий мусобақалар якуний натижалари, ким голиб ва совриндор бўлганлиги тўғрисида ҳам яқдил фикрга келинмаган. Айрим мутахассислар бу Олимпиадада спортнинг 15 тури бўйича 98 та голиб аниқланганлигини қайд этишади. Халқаро спорт федерациялари маълумотларида эса мусобақалар спортнинг 56 тури бўйича ўтказилганлиги келтирилади. 1980 йилда чоп этилган «Олимпиада энциклопедияси»да беллашувларнинг 83 тури бўйича медаллар берилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Бу чалкашлиklar, эҳтимол, спортнинг от полоси, крикет, камондан отиш каби турлари ўйинлардаги кўрғазмали чиқишлар қаторига қўшилганлиги билан изоҳланиши мумкин. Аммо спортнинг бу турлари Олимпиадада мусобақалар расмий дастурига киритилганлигини исботлаётганлар ҳам бор.

Шу кунгача, жумладан, академик усулда эшак эшишда ким Олимпиада чемпиони бўлганлиги номаълум. Чунки, бу мусобақаларнинг саралаш босқичида бир гал немислар, кейингисида французлар маррага биринчи бўлиб етиб келганлар. Аммо улар ўртасида финал мусобақаси ўтказилмаган.

Ана шу ноаниқликларга қарамасдан II олимпия ўйинларида умумжамоа ҳисобида Франция биринчи ўринни эгаллаганлиги эътироф этилади. Улар ҳисобида ҳаммадан кўп — 95 та (26 та олтин, 36 та кумуш, 33 та бронза) медаль бор. Иккинчи ўринни эгаллаган АҚШ спортчилари 51 та (20 та олтин, 15 та кумуш, 16 та бронза) медаль соҳиби бўлганлар. 37 та медални (17 та олтин, 8 та кумуш, 12 та бронза) қўлга киритган Буюк Британия спортчилари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни олганлар.

Иккинчи олимпия ўйинларини Тошкентдаги Ҳаваскор велосипедчилар жамияти спортчилари турли оммавий мусобақалар ўтказиш билан нишонлаганлар. 1900 йилда Тошкентда профессионал спортчилар ўртасида велосипедда пойга мусобақалари ўтказиш учун махсус трек қурилди.

«МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛГАН» ҲҲИНЛАР

Халқаро Олимпия Қўмитаси Америка Қўшма Штатлари спортчиларининг аввалги Олимпиадалардаги муваффақиятларини эътиборга олган ҳолда уларга навбатдаги — учинчи ҲҲинларга мезбонлик қилиш ҳуқуқини берди.

Даставвал олимпия ҲҲинларини АҚШнинг энг йирик шаҳарларидан бири — Чикагода ўтказиш режалаштирилган эди. Бу мусобақаларни

ташқил этиш учун шаҳар маъмурияти ҳомийлардан 100 минг доллар тўплашга ҳам муваффақ бўлди. Чикаголиклар Халқаро Олимпия Қўмитасига мусобақалар учун сотилган чипталардан тушган маблағнинг ҳаммасини ўтказиб беришни ҳам ваъда қилгандилар.

Аммо Олимпиадани Сент-Луис шаҳрида ўтказишга қарор қилинди. Чунки худди шу ерда

Халқаро Олимпия Қўмитаси Президентлари



АНРИ ДЕ БАЙЕ-ЛАТУР

Байе-Латур (Baillet-Latour) Анри де, граф (1876 йил 1 март — 1942 йил 6 январь, Брюссель) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг учинчи Президенти.

Бельгиянинг Антверпен провинциясида собиқ губернатори оиласида дунёга келган. Болалик пайти ва Левен университетиде ўқиган йиллари спортнинг чавандозлик турига қизиққан. Университетни тугаллаганидан кейин дипломатик хизматда: Бельгия ҳукумати топшириқларини бажарган, унинг Голландиядаги дипломатик вакили бўлган.

1903 йилда Бельгиядан Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзоси этиб сайланган. 1905 йилда ХОҚ нинг III конгрессини тайёрлаш ва ўтказишга шахсан катта ҳисса қўшиб, бу халқаро ташкилотда катта обрў-эътибор қозонган. 1906 йилда Бельгия Миллий олимпия қўмитаси таъсисчиларидан бири бўлган.

Бевосита унинг таъсири туфайли Бельгиянинг Антверпен шаҳри 1920 йилги олимпия ҲҲинларининг пойтахти этиб танланган. Антверпен биринчи жаҳон уруши йиллари вайронага айланганлигига қарамасдан VII Олимпиадани ўтказиш ташкилий қўмитасининг президенти этиб сайланган Анри де Байе-Латур бу жаҳон спорти байрами муваффақиятли ўтишини таъминлашга катта ҳисса қўшган.

Халқаро Олимпия Қўмитаси 1921 йилда ўзининг биринчи Ижроия қўмитасини шакллантирганда Анри де Байе-Латур унинг аъзоси этиб сайланди. 1922 йилда Бразилияда ўтказилган Жанубий Америка ҲҲинларида ХОҚ раҳбарияти вакили бўлган Байе-Латур бу минтақа спорт ташкилотларидаги турли можаро ва муаммоларни муваффақиятли ҳал эта олган.

Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1925 йил 28 майдаги 24-сессиясида Анри де Байе-Латур икки тур овоз беришдан сўнг ХОҚ Президенти этиб сайланди.

Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1933 йил Венада бўлиб ўтган сессиясида Анри де Байе-Латур иккинчи саккиз йил муддатга ХОҚ Президенти этиб сайланди.

Анри де Байе-Латур раҳбарлигида ХОҚ II, III қишки Олимпиадаларини, IX, X, XI олимпия ҲҲинларини ўтказди.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

Жаҳон кўргазмаси ўтаётган эди. Сент-Луиснинг Ўйинларга мезбонлик қилиш даъвосини Америка Қўшма Штатларининг ўша вақтдаги Президенти Теодор Рузвельт қўллаб-қувватлагани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бу сафарги олимпия ўйинлари ҳам аввал Парижда бўлганидек, Жаҳон кўргазмасига қўшимча бир тадбирга ўхшаб қолди. Сент-Луис Олимпиадаси 1904 йил 29 августда очилиб, сентябрь ойи ўрталаригача давом этди. Океан ортидаги бу шаҳарга келиш жуда қимматга тушиши сабабли жаҳоннинг кўпгина энг кучли спортчилари мусобақаларда қатнаша олмадилар. АҚШга, хусусан, Европанинг беш давлати — Англия,

Олимпиада мусобақалари дастурига спортнинг 16 тури: эркаклар ўртасида бокс, эркин кураш, сув полоси, гимнастика, гольф, академик эшкак эшиш, енгил атлетика, канадча льякросс ўйини, камондан отиш, теннис, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, аёллар ўртасида камондан отиш бўйича беллашувлар киритилди. Олимпиада доирасида баскетболчилар ва байдаркада эшкак эшувчилар кўргазмали чиқишлари ташкил қилинди.

Мезбонлар енгил атлетика бўйича мусобақалар 25 турининг 23 тасида, шунингдек, бокс, кураш, сув тўпи, камондан отиш, теннисда мутлақ ғолиб чиқдилар.



Х олимпия ўйинлари учун махсус қайта тикланган «Колизей».



Олимпия ўйинларида 3000 метрга тўсиқлар оша югуриш.

Греция, Франция, Венгрия ва Германиядан 53 спортчи кела олди, холос.

Сент-Луис Олимпиадаси кўпинча «маҳаллийлаштирилган Ўйинлар», деб аталади. Бунда гап фақат Олимпиадада иштирок этган 625 нафар спортчи (шу жумладан, 8 аёл)нинг 533 таси АҚШ спортчилари эканлигидагина эмас. Бу ерда ўша вақтда ўтказилган кўпгина маҳаллий миқёсдаги, хусусан, олий ўқув юртлари ва мактаблараро мусобақаларга олимпия ўйинларининг таркибий қисми сифатида қаралиб, уларнинг ғолиблари Олимпиада чемпионлари, деб эълон қилинаверди.

Мусобақада, асосан, америкалик спортчилар қатнашганлиги, томошабинлар жуда камлиги, бошқа ташкилий камчиликларга қарамасдан III олимпия ўйинларида бир қатор оламшумул натижалар кўрсатилди. Хусусан, 200 метрга югуришда америкалик Арчи Хэн кўрсатган 21,6 секундлик натижани (янги олимпия рекорди) кейинги 28 йил (!) давомида ҳеч ким ўзгартира олмади. Эндигина 20 ёшга тўлган бу спортчига 60 ва 100 метрга югуришда ҳам тенг келадиганлар топилмади.

Енгил атлетика мутахассислари бўйи атиги 1,64 метр бўлган Хэн шундай юксак натижалар-

га эриша олишини хаёлига ҳам келтира олмас эди. Уч карра Олимпиада чемпиони «Қисқа масофаларда қандай югуриш керак?» китобида спортчи бўйининг пастлиги унга югуришда юксак натижаларга эришишига асло тўсқинлик қила олмаслигини ўзи кўп йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотлари натижалари билан исботлаб берди.

Яна бир АҚШлик Гарри Хилман 200, 400 метрга югуриш ва 400 метрга тўсиқлар оша югуришда голиб чиқиб, уч карра Олимпиада чемпиони бўлди. Унинг Сент-Луисда 200 метрга югуришда кўрсатган 21,6 секундлик натижаси 1932 йилги олимпия ўйинларигача дахлсиз турди.

Гимнастика бўйича мусобақаларда америкалик Антон Хейда 5 та олтин ва битта кумуш медални қўлга киритди.

Бошқа мамлакатлар терма жамоалари спортчилари кам сонли бўлишига қарамасдан улар ҳам қатор юксак натижалар кўрсатдилар. Юқорида эслаб ўтганимиздек кубалик Рамон Фонст ҳақли равишда III олимпия ўйинлари қаҳрамони ҳисобланади. У Лотин Америкаси спортчиларидан биринчи бўлиб қиличбозликнинг икки тури — рапира ва шпагада Олимпиада чемпиони бўлди.

Рамон Фонстнинг эришган натижалари ҳайратланарлидир. У 11 ёшидаёқ рапирада қиличбозлик бўйича Франция чемпиони бўлган бўлса, 56 ёшида Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси IV ўйинлари шоҳсупасининг биринчи поғонасига кўтарилган. Кубалик машҳур қиличбоз энг нуфузли халқаро мусобақаларда 125 та медал оingan. Рамон Фонст нафақат биргина қиличбозликда тенги йўқ спортчи ҳисобланарди. У айнаи вақтда велоспорт бўйича Париж кубоги, йирик халқаро мусобақаларда милтиқдан ўқ отиш бўйича олтин медал, бокс бўйича саккизта соврин соҳиби ҳам эди.

Сент-Луисда венгриялик спортчи Золтан Хальман 50 ва 100 ярдга сузишда иккита олтин медални қўлга киритган бўлса, немис Эмиль Рауш 880 ярд ва 1 милга сузишда голиб чиқди. Сент-Луисда сузиш бўйича мусобақалар биринчи марта сунъий ҳавзада ўтказилганлиги билан ҳам эътиборлидир.

Олимпиадада боксчилар илк бор вазн тоифаларига бўлиниб «жанг» олиб бордилар. Мусобақаларга етти вазн тоифаси киритилди. Америкалик «чарм қўлқоп» устаси Оливер Керк ҳам

энг энгил, ҳам ярим энгил вазнда қўш ғалаба қозонди.

Аёллар ўртасида америкалик спортчи Мери Хауэлл юксак натижа кўрсатди. У камондан яқин ва узоқ масофадан отишда олтин медалларга сазовор бўлди. Бу нишонлари ёнига унинг жамоа таркибида эришган ғалабаси учун олий нишон ҳам қўшилиб, спортчи уч карра Олимпиада чемпиони шарафли номини қўлга киритди.

Сент-Луисдаги мусобақалар АҚШ терма жамоаси таркибига биринчи бор қора танли спортчи киритилганлиги билан ҳам ёдда қоладиган бўлди. Бу негр олимпиадачи Жорж Пуж 200 ва 400 метрга тўсиқлар ора югуришда бронза медалларини қўлга киритди. Ҳолбуки, ташкилотчилар ана шу олимпия ўйинлари доирасида



I қишки Олимпиада чемпиони Т. Тамс.

қора танлилар — негрлар, ҳиндулар ва бошқалар ўртасида алоҳида мусобақа ўтказишга уриниб кўрдилар. Фақат Халқаро Олимпия Қўмитаси ва биринчи навбатда унинг Президенти Пьер де Кубертеннинг қатъий эътирозлари туфайлигина ирқчиликнинг бу шармандали кўринишининг олди олинди.

Америкалик Фред Лорц ҳам Афинада юнон агрономидек марафон югуришида ҳийла ишлатиб кўрди. У масофанинг ярмини босиб ўтгандан сўнг ўзини ёмон ҳис қила бошлаган қилиб кўрсатди. Спортчилар кетидан автомобилида бораётган ишқибозлардан бири бунга эътиборини қаратиб, аранг судралиб одим отаётган марафончини машинасига ўтқазиб олади. Тез орада автомобиль мусобақалашаётган барча спортчиларни ортда қолдиради. Маррага бир оз қолган-

да Лорц энди ўзини яхши ҳис этаётганлигини билдириб, ҳайдовчига уни машинадан туширишни сўрайди. Фред Лорц томошабинлар олқишлари остида биринчи бўлиб марра чизигини кесиб ўтади. АҚШ мадҳияси садолари остида мамлакат Президентининг қизи Алиса Рузвельт унга олтин медални тақдим этади.

Аммо сохта чемпионнинг хурсандлиги узоққа чўзилмайди. Қора терга ботиб ниҳоят маррага етиб келган марафончи Томас Хикс шу ернинг ўзида азбаройи ҳолдан тойганидан ҳушидан кетади. Уни машинада кузатиб келган расмий ҳакам Лорцни ҳийлагарликда айблайди. Табиийки, у нафақат олтин медалдан маҳрум бўлади, балки умри бўйи Олимпиада мусобақаларидан четлаштирилади.

III олимпия ўйинларида аксарият етакчи спортчилар иштирок этмаганлиги учун АҚШ терма жамоаси 209 та (70 та олтин, 75 та кумуш, 64 та бронза) медални қўлга киритди. Ўнта (5 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза) медаль соҳиби бўлган кубалик олимпиадачилар умумжамоа ҳисобида иккинчи, 13 та (4 та олтин, 4 та кумуш, бешта бронза) медаль билан Германия спортчилари учинчи ўринни эгалладилар.

Бу вақтда Туркистон ўлкасида спортнинг кўпгина турлари оммалаша бошлади. 1904 — учинчи олимпия ўйинлари йилида Тошкентда Гимнастика ва жисмоний машқлар ҳаваскорлар

жамияти тузилганлиги ҳам худди шундан далолат бериб турибди. Бу жамиятга спорт гимнастикаси, енгил атлетика, қиличбозлик, оғир атлетика каби спорт турлари билан шуғулланаётган ҳаваскор спортчилар уюшди. Жамият биргина улар ўртасида эмас, балки ўсмирлар ва ёшлар орасида ҳам доимий мусобақалар ўтказишни йўлга қўйди. Хусусан, шу йиллари ёшлар ўртасида югуриш, сакраш каби енгил атлетика турлари жуда оммалашганлиги ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Бу олимпия ўйинларининг таъсири эканлиги шубҳасиздир.

Маълумки, Халқаро Олимпия Кўмитаси қабул қилган қарорга мувофиқ олимпия ўйинлари ўтказиладиган мамлакат вакили навбатдаги тўрт йиллик муддатга ХОҚ Президенти этиб сайланарди. Бироқ 1904 йилги Олимпиада ватанидан Халқаро Олимпиада Кўмитаси аъзоси бўлган Уильям Слоэн ХОҚ Президенти лавозимини эгаллаш таклифини рад этди. У замонавий олимпия ҳаракати асосчиси Пьер де Кубертеннинг буюк хизматларини инobatга олган ҳолда унинг кейинги муддатларга ҳам ХОҚ Президенти вазифасида қолиши таклифини киритди.

Халқаро Олимпия Кўмитаси бу таклифни қабул қилди. Пьер де Кубертен умуман қарийб ўттиз йил давомида — 1896 йилдан 1925 йилгача ХОҚга раҳбарлик қилди.

ИЗЛАГАН ИМКОНИАТ ТОПАДИ

Греция Миллий олимпия кўмитаси замонавий олимпия ҳаракатининг 10 йиллигига бағишлаб Афинада Олимпиада мусобақалари ташкил этди. ХОҚ Греция миллий олимпия кўмитасининг уларни расмий Олимпиада, деб эълон қилиш ҳамда замонавий олимпия ҳаракатининг ҳар ўн йиллигида Афинада ана шундай Олимпиадалар ўтказиш даъвосини қатъиян рад этди. У Олимпиада тарихига биринчи ва охириги навбатдан ташқари Ўйинлар номи билан кирган.

Аммо навбатдаги IV олимпия ўйинлари бошланишига бир йил қолганда унинг ўтказилиши жиддий хавф остида қолди. Ҳолбуки, бу Олимпиадани ўтказишга даставвал тўрт шаҳар — Берлин, Лондон, Рим ва Милан даъвогарлик қилган эди. Германия Миллий олимпия кўмитаси ўз ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги сабабли Берлин шаҳри номзодини қайтариб

олди. Халқаро Олимпия Кўмитаси қолган уч номзоддан Римни маъқул топди.

Лекин Италия Миллий олимпия кўмитаси ҳам бу мусобақаларни ташкил эта олмаслигини маълум қилди. Бунга бу мамлакатдаги бошқа йирик шаҳар — Миланнинг нима учун у эмас, балки Римнинг Олимпиада пойтахти этиб танланишига қатъий норозилиги сабаб қилиб кўрсатилди.

Ана шундай жуда мураккаб вазиятда Лондон ўйинларга мезбонлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олди. «Хоҳлаган имконият топади, хоҳламаган баҳона қидиради», деганича бор экан. Инглизлар атиги бир йил ичида олимпия ўйинлари кенг кўламда ва муваффақиятли ўтиши учун ҳамма шароитларни муҳайё қилишга улгурдилар.

Энг аввало, шу жуда қисқа давр ичида Олимпиада учун махсус, 100 минг томошабинга



мўлжалланган улкан «Уайт-сити» стадиони қуриб битказилди. Аслида у йирик спорт мажмуаси эди. Стадион ёнида сузиш ҳавзаси, кураш бўйича мусобақалар ўтказиш учун алоҳида зал, велопойгага мўлжалланган трек ҳам барпо этилган эди. Лондондаги бошқа мавжуд спорт иншоотлари ҳам тартибга келтирилди.

IV олимпия ўйинлари ташкил этилиши, қўлами, спорт натижалари билан олдингиларидан анча устунлик қиларди. Бу мусобақаларда иштирок этиш учун 22 мамлакат ўз терма жамоаларини

юбордилар. Олимпиадага биринчи бор Исландия, Россия, Туркия, Финляндия (у бу вақтда Россия таркибида бўлса ҳам ўз алоҳида миллий терма жамоаси билан иштирок этди), Янги Зеландия (Австралия миллий терма жамоаси билан биргаликда Австралазия номида қатнашган) спортчилари келдилар.

Мусобақа иштирокчиларининг сони ҳам рекорд даража — 2034 тага (шу жумладан, 36 аёл) этди. Бу аввалги учта Олимпиадада иштирок этган жами спортчилар сонидан ҳам ортиқ эди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси Президентлари



ЮХАННЕС ЭДСТРЕМ

Эдстрем (Edstrom) Юханнес Зигфрид (1870 йил 21 ноябрь, Гетеборг, Швеция — 1969 йил 18 март, Стокгольм, Швеция) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг тўртинчи Президенти.

Юханнес Эдстрем Швеция ва АҚШда таълим олган, Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги Федерал технология институтини муҳандис-энергетик ихтисослигини эгаллаган. Шундан кейин АҚШ ва Швейцария концернларида ишлаган, XIX аср охирида Швецияга қайтиб, трамвай корпорациясида меҳнат фаолиятини давом эттирган. Кейин Швецияда энг йириклардан ҳисобланган «ASSA» компаниясининг президенти бўлган.

Юханнес Эдстрем ёшлигидан энгил атлетика билан шуғулланган. 1891 йилда 100 ва 150 метрга югуришда Швеция рекордини ўрнатган.

1901—1903 йилларда Швеция энгил атлетика федерациясининг президенти бўлган, Швецияда спортни ривожлантириш маъмурий органи — Риксидроттсфербундер ташкилотчиларидан биридир. У Стокгольмдаги бешинчи олимпия ўйинлари ташкилотчиларидан ҳисобланади.

1912 йилда Юханнес Эдстрем Халқаро ҳаваскор энгил атлетикачилар федерацияси — ИААФнинг биринчи президенти этиб сайланди. У 1946 йилгача ана шу лавозимда бўлди.

Юханнес Эдстрем 1921 йилда Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзоси, кейин ХОҚ Ижроия қўмитасининг аъзоси этиб сайланган. 1931 йилда Юханнес Эдстрем ХОҚ вице-президенти этиб сайланди.

1946 йилда ХОҚнинг 40-сессиясида Юханнес Эдстрем Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти этиб сайланди.

Юханнес Эдстрем Пьер де Кубертеннинг ҳаваскор спортни ривожлантириш тамойилининг тарафдори эди. У олимпия ҳаракатида миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишига қатъий қарши эди. Юханнес Эдстрем ХОҚнинг 1949 йилдаги 44-сессиясида Халқаро олимпия академиясини ташкил этиш таклифини қўллаб-қувватлади. Бу ғоя 1961 йилда амалга оширилди. Юханнес Эдстрем ХОҚнинг 1950 йилги 45-сессиясида санъат танловларини олимпия ўйинлари дастуридан чиқариш, Олимпиада доирасида турли санъат фестиваллари, кургазмалари ўтказиш таклифини киритди. Бу ўн бешинчи Олимпиададан бошлаб амалга оширилди. Юханнес Эдстрем ХОҚнинг 1952 йил 16 июль куни бўлиб ўтган 48-сессиясида ўз илтимоси билан истеъфога чиқди. У умрининг охирига қадар ХОҚнинг фахрий президенти эди.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

Буюк Британия терма жамоаси энг кўп сонли — 710 спортчидан иборат эди. Франция спортчилари 224, Швеция — 177, АҚШ — 121 нафардан иборат эди. Россия Лондон Олимпиадасида беш фигурачи ва тўрт курашчи билан қатнашди.

Аввалги Олимпиадаларга нисбатан мусобақалар дастури ҳам сезиларли даражада кенгайтирилди. Олимпиадачилар спортнинг 20 тури бўйича 107 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар. Жумладан, аёллар ўртасида теннис, камондан отиш ва дастлабки марта қиш спорти тури — фигурали учиш бўйича мусобақалар ўтказилди.



Хельсинкида XV Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши.

Лондон Олимпиадасида ғолиблик учун рақобат жуда кескин кечди. Шунини айтиш кифояки, чемпионлар орасида 14 мамлакат вакили бор эди. Ўйинларда энгил атлетика бўйича 13 та, сузиш мусобақаларида 6 та олимпия рекорди ўрнатилганлиги спортчилар маҳоратлари тобора ортаётганлигидан яққол далолат бериб турарди.

Америкалик энгил атлетикачи Рей Юри 35 ёшда бўлса ҳам жойида туриб баландликка ва узунликка сакрашда ғолиб чиқиб, аввалги икки Олимпиадада олган 6 та олтин медали ёнига яна иккитани қўшиб қўйди. Унинг 1906 йилда Грецияда ўтказилган норасмий Ўйинлар мусобақаларида қўлга киритган 2 та энг юксак нишони ҳам ҳисобга олинандиган бўлса, Рей Юрининг Олимпиадаларда олган олтин медаллари сони 10 тага етди. Бу олимпия ўйинлари тарихидаги энг юксак натижадир.

Анъана бўйича энгил атлетикада америкаликлар рақибларидан бир поғона юқорида туришларини яна исботладилар. Мелвин Шеппард 800 метрга (1 дақиқа 52,8 секунд — жаҳон рекорди), 1500 метрга (4 дақиқа 3,4 секунд — олимпия рекорди) югуришда ҳамда 200+200+400+800 метрга эстафетада учта олтин медаль соҳиби бўлди. Унинг ватандоши Жон Флэнгэн молот улоқтиришда 51 метр 92 сантиметр натижа кўрсатиб, рекорд ўрнатди. Френсис Смитсон 110 метрга (15,0 секунд), Чарльз Бэкон 400 метрга тўсиқлар оша (55,0 секунд) югуришда, Френсис Айронс узунликка сакрашда (7 метр 48 сантиметр) ғалаба нашидасини суриб, терма жамоаси олтин медаллари сонини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Бироқ қисқа масофаларга югуришда бошқа мамлакатлар спортчилари ғолиб чиқдилар. Чунончи, Жанубий африкалик 18 ёшли Режинальд Уокер 100, канадалик Роберт Керр 200, инглиз Уиндхэм 400 метрга югуришда марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтдилар.

Америкалик Мартин Шеридан диск, швед Эрих Лемминг найза улоқтиришда иккитадан олтин медаль билан тақдирландилар. Улар бу мукофотларни спорт снарядларини классик — юнонча ҳамда эркин усулда улоқтиришдаги ғалабалари учун олдилар.

1908 йилдан бошлаб диск улоқтиришнинг ҳозирги усули қўлланила бошланган. Бунгача спортчи дискни худди юнон ҳайкалтароши Мироннинг «Диск улоқтирувчи»сида кўрсатилган усулда улоқтириши керак бўлган.

Боксда Буюк Британиянинг «чарм қўлқоп» усталари 5 вазн тоифасининг ҳаммасида ғолиб чиқдилар. Инглиз спортчилари велосипед спортида 6 та олтин медалдан 5 тасини қўлга киритдилар, академик эшкак эшиш, елканли қайиқлар спорти ва теннисда ҳам ўз устунликларини исбот қилдилар.

Инглиз Ж.Рельвискоу эркин курашда бир йўла икки — энгил ва ўрта вазнда гиламга чиқди

ҳамда олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди.

Мерганлар мусобақасида Швеция жамоасининг «Югураётган кийик» нишонига ўқ отиш машқида биринчи ўринни олишига ота-ўғил Оскар ва Альфред Сван катта ҳисса қўшдилар. Оскар Сван, шунингдек, ўқ отиш бўйича шахсий биринчиликда олтин ва бронза медаллари соҳиби бўлди.

IV олимпия ўйинларининг футбол турнирида бешта мамлакатдан олтита (Франциядан иккита) жамоа иштирок этди. Уларда қайд этилган баъзи натижалар бугунги кунда ҳайратланарли туюлиши мумкин. Масалан, Буюк Британия футболчилари Швеция терма жамоасини 12:1

да рақибларига бирор имконият қолдирмаслик билан чекланмасдан иккита янги жаҳон рекорди ҳам ўрнатишга муваффақ бўлди. 100 метрга сузишда 1 дақиқа 5,6 секунд натижа кўрсатган Чарльз Дэниелснинг, фигурали учишда шоҳсупанинг энг тўридан ўрин олган россиялик биринчи Олимпиада чемпиони Николай Панин — Коломенкин ҳамда кўплаб бошқа ғолибларнинг спорт жасоратларини тилга олиш мумкин.

Шундай бўлсада, кўпчилик италиялик қандолатчи Дорандо Пиетрини Лондон Олимпиадасининг ҳақиқий қаҳрамони, деб эътироф этади. Бу мусобақаларга қадар унинг номи спорт ихлосмандаларига деярли маълум эмасди. Пиетри 16 мамлакатдан 56 спортчи стартга чиққан ма-



I қишки Олимпиада чемпионлари — Канада хоккейчилари.



Голландиялик тўрт карра Олимпиада чемпиони Фанни Бланкерс-Кун.

ҳисобида мағлубиятга учратган бўлсалар, данияликлар Франциянинг иккинчи терма жамоаси дарвозасига 9 та жавобсиз тўп киритдилар. Ярим финалда эса Дания Франциянинг биринчи терма жамоасини 17:1 ҳисобида тор-мор қилишга муваффақ бўлди. Буюк Британия билан Дания ўртасидаги финал учрашувида 2:0 ҳисоби қайд этилди. Инглизлар ғалабасини таъминлаган тўпларни дарвозага Берри ва Пюрнелл йўлладилар. Учинчи ўрин учун учрашувда голландиялик футболчилар Швеция терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Сузиш ҳавзасида ҳам ўша давр учун деярли мислсиз ҳисобланган натижалар кўрсатилди. Инглиз Генри Тейлор 400 ва 1500 метрга сузиш-

рафон югуришида даставвал пешқадамлар сафида эмасди. Масофанинг катта қисмигача Жанубий африкалик Чарльз Хофферсон рақибларидан анча илгариде борарди. Бироқ марафоннинг сўнгги босқичида Дорандо бор кучини ишга солиб, стадионга биринчи бўлиб югуриб киради.

Лекин унинг бутун ўй-хаёли мурасиз беллашувга берилганлиги сабабли югуриш йўлакчасига қадам қўйганда адашиб, чапга бурилиш ўрнига ўнгга қараб йўл солади. Хиёл ўтгач хатосини тушуниб етиб, югуриши йўналишини ўзгартиради. Маррага 70 метр чамаси қолганида марафончи обдон ҳолдан тойиб йиқилиб тушади. У бугун иродасини ишга солиб ўршидан ту-

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

ради, бироқ бир неча қадам босмай яна ағдарилади. Пиетрига сўнги 20 метрни босиб ўтиш қолганидагина стадионга америкалик марафончи Жон Хейес югуриб киради. Пиетри йиқилиб-туриб, йиқилиб-туриб марра чизигидан ўтиши учун атиги бир-икки қадам босиши қолганида умуман ҳушидан кетади. Икки ҳакам бу ҳолга азбаройи чидай олмасдан, унинг қўлтиқларидан кўтариб олиб, марра чизигидан ўтказиб қўйишади.

Узоқ баҳс-мунозаралардан сўнг марафон югуришини яқунлашида ўзгалар ёрдам кўрсатганликлари учун Дорандо ғалабаси тан олинмайди. Аммо голиблар тақдирланаётган вақтда италиялик спортчи фахрий шоҳсупага таклиф этилди. Буюк Британия қироличаси Александра чинакамига қахрамонлик кўрсатган Пиетрига марафонда голиб чиққан спортчига бериладиганга ўхшаш бўлган олтин кубок тақдим этади.

Худди ана шу муносабат билан Пенсилваниядаги муқаддас Пётр ибодатхонаси епископи «Олимпиадада асосийси ғалаба эмас, балки иштирок этишдир», деган машҳур сўзларни айтган эди.

IV олимпия ўйинларидан сўнг биринчи бор матбуотда умумжамоа ҳисобидаги норасмий яқунлар чоп этилди. Халқаро Олимпия Қўмитаси бундай ҳисоб олиб борилишига хайрихоҳ эмаслигига қарамасдан миллий терма жамоаларининг олимпия ўйинларидаги якуний натижаларини чиқариш кенг русм бўлди.

Ана шу якуний ҳисоблар бўйича Лондон Олимпиадасида аввалгиларида бўлганидек мезонларнинг яққол устунлиги намоён бўлди. Буюк Британия терма жамоаси 303,5 очко ва 147 та (57 та олтин, 50 та кумуш, 40 та бронза) медаль билан биринчи, АҚШ спортчилари 103,3 очко ва 47 та (23 та олтин, 12 тадан кумуш ва бронза) медаль, швецияликлар эса 46,3 очко ва 25 та (8 та олтин, 6 та кумуш, 11 та бронза) медал олдилар.

Тўртинчи олимпия ўйинлари ўтказилган даврга келиб Туркистонда ҳам спорт бирмунча жонлана бошлади. 1906 йилда Ражабов, ака-ука Мартинюк, Гренке ташаббуси билан Фарғонада биринчи футбол клуби тузилди. У ўзбек футболли туғилган сана ҳисобланади.

Мазкур тарихий воқеа шоҳидлари Гульшин ва Бородин 1937 йилда «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида бундай шундай ҳикоя қилиб берганлар: «Зўр қийинчилик билан, ҳар кимдан бир тийиндан йиғилиб 12 сўм тўпланди ва Москва савдо

фирмасидан буюртма орқали футбол тўпи сотиб олинди. Черков олдидаги яланглик майдон икки тарафига ёғочдан дарвозалар ясаб ўрнатилди. Ўйинчилар майдонга тушиб, билар-билмас тўпни у дарвозадан бу дарвоза томон тепиб юмалата бошлашгач, ўйинни томоша қилгани халойиқ ҳам тўплана бошлади. Шу атрофдаги амалдорлар ва хизматчилар билан бирга уни Ёрмозор пахта заводидан ишловчи маҳаллий ёшлар ҳам кузатиб туришарди. Бу ерга оломон тўпланганлигини кўрган черков руҳонийси қоровулни миришабни бундан хабардор қилгани юборди. Бу вақтда ўйинга ўзбек йиғитлари ҳам қўшилган, улар футболга дарҳол қизиқиб қолганликлари учун ҳаллослаб етиб келган миришабни ҳам пайқашмади. Миришаб бир неча дақиқа бу антиқа ўйинни кузатиб турди-да, кейин қиличини қинидан суғуриб, тўпни иккига бўлиб ташлади...»

Аммо бундай чоралар билан спорт йўлини энди тўсиб бўлмасди. Фарғонадан сўнг Тошкент, Андижон, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам футбол клублари ташкил бўлди.

1906 йилда «Лочин» («Сокол») клуби ҳам иш бошлади. Унинг бундай номланиши тасодифий эмасди. Клуб ўша вақтда урф бўла бошлаган чех лочин гимнастикасига ўргатиш, спортнинг бу тури бўйича мусобақалар ўтказиш мақсадида ташкил этилган эди. Яъни асосий мақсад пул ишлаш эди.

1908 йилда Тошкентда тадбиркор Соболевский ҳам тижорат мақсадини кўзлаб циркда профессионал курашчилар мусобақаларини ташкил этди. Бу французча кураш бўйича халқаро чемпионат деб номланганди.

1909 йилда бу мусобақаларда Россиядан Матюшенко ва Соколов, Испаниядан Карлос, Франциядан Стробанс, Кавказдан Чуянидзе, Африкадан Бодуэн, Германиядан Паулб-Бан иштирок этганлар.

Тошкент халқаро чемпионатининг довуғи довол ошган 1910 йилда россиялик Иван Лебедев томонидан ташкил этилган французча кураш мусобақаларида Франция чемпиони Шевалье, Туркия чемпиони Қорааҳмад ҳам қатнашганлар. Бир ой давом этган бу беллашувларда россиялик Корнацкий голиб чиққан. Тошкент халқаро чемпионати гиламига машҳур Иван Поддубний, Заикин, Вахтуров ва бошқа полвонлар ҳам чиққанлар.

1911 йилда бу халқаро чемпионатда биринчи бор маҳаллий полвонлар ҳам иштирок этганлар. Улар кураш французча, деб номланишига қарамасдан бел олишишда жуда чапдаст эканликларини намоёниш этганлар. Бунгача ҳам жуда кўп



машхур курашчилар, жумладан, 1893 йилда россиялик Риппель, 1904 йилда қувалик Хўжа полвон ва бошқаларнинг курагини ерга теккизиб келган Аҳмад полвон Топилдиевнинг (1865—1932 йиллар) Германия чемпиони Гюгнер устидан соф ғалаба қозониши учун атиги 2 дақиқа кифоя қилган. Уша даврда Аҳмад полвон курашчи сифатида жуда машхур бўлган, кўплаб мусобақаларда голиб чиққан.

2007 йилда Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси спорт жамоатчилиги ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллалари аҳли таклифларини инобатга олган ҳолда Шайхонтоҳур тумани

кўчаларидан бирига Аҳмад полвон номини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

1909 йилда Тошкентда ҳам замонавий олимпия ҳаракатини тиклашнинг асосий муассасаси бўлган Франциядаги спорт ташкилотига ўхшаш атлетика жамияти ҳам ташкил қилинди. Унинг асосчиларидан бири Николай Гориздро оғир атлетикада рекордчи сифатида танилган эди. Шу даврларда Тошкентда дастлабки теннис мусобақалари ҳам ўтказила бошланди. Полина Карфунг ўлкамизнинг ана шу илк теннисчи спортчиларидан бири ҳисобланади.

Ёшларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида спорт тўғарақлари ташкил этишга ҳам кири-

Халқаро Олимпия Қўмитаси Президентлари



ЭЙВЕРИ БРЭНДЕЖ

Брэндеж (Brandage) Эйвери (1887 йил 28 сентябрь, Детройт, АҚШ — 1975 йил 7 май, Гармиш — Партенкихерен, Германия) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг бешинчи Президенти.

Ишчи оиласида туғилган, 1893 йилда оиласи билан Чикагога кучиб келгач, Шервуд ўрта мактабида бошланғич таълим олади, 12 ёшдан «Чикаго трибюн» газетасини тарқатувчи бўлиб ишлай бошлайди. Бу ишини хусусий коллежда ўқиш билан бирга қўшиб олиб боради. Коллежда энгил атлетика кўпгина турлари, футбол ва баскетбол билан шуғулланади.

1909 йилда Иллинойс штати университетини тугаллаб, муҳандис-қурувчи ихтисослигини эгаллаган Эйвери Брэндеж Чикагодаги «Холаберд ва Роше» меъморчилик фирмасида қурилиш бошқарувчиси вазифасида ишлаш билан бирга спорт билан фаол шуғулланади. У энгил атлетика кўпкураши бўйича АҚШ биринчилигининг 1910 йилги совриндоридир. 1912 йилги Стокгольм Олимпиадасида АҚШ терма жамоаси сафида энгил атлетика бешкураши бўйича бешинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган. Спортчи 1914, 1916 ва 1918 йилларда энгил атлетика кўпкураши бўйича мамлакат чемпиони ҳам ҳисобланади. Сўнг у қўл тўпи билан шуғуллана бошлаб, спортнинг бу турида Американинг энг яхши 10 ўйинчисидан бири, деб ҳам топилган.

Эйвери Брэндеж 1925—1927 йилларда қўл тўпи бўйича миллий қўмита раиси, 1928—1935 йилларда АҚШ Ҳаваскор атлетика ассоциацияси, 1928—1952 йилларда АҚШ миллий олимпия қўмитаси президенти бўлган. У 1930 йилда Халқаро ҳаваскор энгил атлетика федерацияси вице-президенти, 1936 йилда ХОҚ аъзоси, 1937 йилда ХОҚ Ижроия қўмитаси аъзоси, 1945 йилда ХОҚ вице-президенти, 1946 йилда биринчи вице-президенти этиб сайланган.

1952 йил июнь ойида ХОҚнинг Хельсинкида бўлиб ўтган 48-сессиясида Эйвери Брэндеж Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти этиб сайланди.

Эйвери Брэндеж биринчи бўлиб ХОҚнинг Олтин медали билан тақдирланган. У 85 ёшида ХОҚнинг 1972 йилда Мюнхенда бўлиб ўтган 73-сессиясида уз ихтиёрига кўра истеъфога чиқди. Эйвери Брэндеж ҳаётининг сўнгги йилларини Германиянинг Гармиш-Партенкирхен шаҳрида ўтказди ва васиятига кўра шу ерда дафн этилди.

шилди. 1910 йилда Тошкентдаги ҳарбий муассасалардан бирида иш бошлаган гимнастика ва қиличбозлик мактабида асосан бу ердаги рус ҳарбийлари ва улар оила аъзолари шуғулланган бўлсаларда, аста-секин маҳаллий ёшлар ўртасида спортнинг бу турларига қизиқиш ортиб борди. Айниқса, бу ерда қиличбозлик бўйича ўтка-

зиладиган мусобақалар кўпчилик эътиборини тортарди. Тошкент ишчилари орасида ҳам спорт ихлосмандлари кўпайиб қолди. Буни 1910 йилда шаҳар босмахонасида матбаачилар томонидан гимнастика, енгил атлетика ва спортнинг бошқа турлари бўйича тўғарақлар очилганлиги кўрсатиб турибди.

СПОРТ ВА САНЪАТ УЙҒУНЛИГИ

Йигирманчи аср бошида Швеция спорт кенг оммалашган мамлакат ҳисобланарди. Шимолдаги давлат спортчилари дастлабки олимпия ўйинларида ҳам яхши натижалар кўрсатган эдилар. Халқаро Олимпия Қумитаси навбатдаги V Олимпиада пойтахти сифатида Стокгольмни танлаганида шведлар қувончининг чеки йўқ эди.



V Олимпиаданинг тантанали очилиши.

Ташкилотчилар Ўйинлар ҳар қачонгидан ҳам муваффақиятли ўтиши учун пухта дастур ишлаб чиқиб, уни изчил амалга оширдилар. Шведлар ўз мамлакатлари пойтахтида стадион, спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар, бошқа оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш имконини берадиган йирик спорт мажмуаси барпо этдилар. Стадионни, ҳатто жуда қисқа муддатда от мусобақалари ўтказиладиган отчопарга айлантириш имконияти ҳам кўзда тутилган эди.

Стокгольмда илк маротаба олимпия ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказилди.

1912 йил 6 июль куни бу ердаги Қироллик стадионини 32 минг томошабин тўлдирди. Соат

миллари кундуз 11 ни кўрсатиши билан стадион минораларига ўрнатилган қўнғироқлар ҳаммаёқни жаранглатиб юборди. Ана шу тантанавор садолар остида бу ерга олимпиадачилар кириб кела бошладилар.

V Олимпиадада биринчи марта Миср, Люксембург, Португалия, Сербия, Япония спортчилари иштирок этдилар. Стокгольмга умуман 28 мамлакатдан 2541 нафар, шу жумладан, 57 спортчи аёл келди. Тўрт давлат — Дания, Норвегия, Швеция ва Россия Ўйинлар дастуридан ўрин олган спортнинг барча турлари бўйича мусобақаларда иштирок этдилар. Умуман энг йирик миллий терма жамоалардан бири Россия бўлиб, таркибида 169 (баъзи маълумотларга кўра 178) олимпиадачи бор эди.

Ташкилотчилар ўйин дастуридан спортнинг бокс, эркин кураш, оғир атлетика, чим устида хоккей, фигурали учиш ва камондан отиш турларини чиқариб ташлашди. Аммо беллашувлар сони кам эмасди.

Олимпиадачилар Стокгольмда 102 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб боришди.

Шуниси, айниқса, диққатга сазоворки, 1912 йилги Стокгольм Олимпиадасида иштирок этадиган Россия спортчиларини саралаш мусобақалари Тошкентдаги округ қиличбозлик-гимнастика мактабида ўтказилган. Бу ерда енгил атлетика, гимнастика ва қиличбозлик бўйича энг кучли спортчилар иштирок этган беллашувлар бўлиб ўтган.

Жумладан, теннис бўйича мусобақалар эркақлар ва аёллар ўртасида ҳам ёпиқ (май ойида), ҳам очиқ корт (июнь)ларда алоҳида-алоҳида ўтказилди. Бешинчи Олимпиадада ёпиқ кортларда эркақлар ўртасида француз Андре Жобер

ва аёллар орасида британиялик Эдит Хеннемга тенг келадиганлар топилмаган бўлса, очик кортларда Жанубий Африка Республикасидан Чарльз Уинсло ҳамда француз Маргарет Бронери ўз маҳоратларини тўлиқ намойиш этиб, олимпиада чемпиони бўлдилар.

1912 йил 5 майдан 22 июлгача давом этган (лекин сузиш, замонавий бешкураш мусобақалари март ойида, эшкак эшиш ва парус спорти бўйича мусобақалар Уйинлар ёпилгандан сўнг ўтказилган) Олимпиадада аввалги Уйинларда бўлгани каби енгил атлетика бўйича мусобақалар марказий ўринни эгаллади. Улар дастурига биринчи марта 5000 ва 10000 метрга югуриш, 10 километрга спортча юриш, 8000 метрга кросс, 4x100 ва 4x400 метрга эстафета киритилди. Шунингдек, дастлабки марта чап ва ўнг қўлда найза ва диск улоқтириш (бу икки машқ жамланмаси ҳисобга олинди), ўнкураш



Тўрт карра Олимпиада чемпиони швед Сикстен Ернберг.

бўйича мусобақалар ўтказилди. Бешкураш мусобақаларида кураш 1500 метрга алмаштирилди. Яъни олимпия ўйинлари дастуридаги енгил атлетика бўйича мусобақа турлари ҳозиргига яқинлашиб қолганди. Югуриш мусобақаларида голибларни аниқлашда илк бор фотофинишдан ҳам фойдалана бошланди.

5000 метрга югуриш бўйича мусобақалар ўта қизиқарли ўтди. Саралаш босқичларида франциялик дароз, жуда бақувват Жан Буэн энг юқори натижа кўрсатди. Ҳамма уни голиб чиқади, деган фикрда эди. Аммо финалда фин Ханнес Колехмайнен унга муносиб рақиб эканлигини намойиш қилди. Бу икки спортчи бошқа рақибларини анча ортида қолдириб, бир

сафар француз, иккинчи бор фин олдинга чиқиб, марра сари интилардилар. Сўнгги 20 метрда ташқи кўриниши ориққина, бўйи ҳам паст Ханнес Колехмайнен шиддат билан олдинга ташланиб, рақибидан бир лаҳзагина олдин финиш чизиғини кесиб ўтишга муваффақ бўлди. Голиб кўрсатган натижа — 14.36,6 дақиқа янги жаҳон рекорди ўрнатилганлигидан далолат берарди.

10000 метрга югуришда Ханнес Колехмайнен дарҳол пешқадам бўлиб олди. Саралаш мусобақаларида бу масофада ундан яхшироқ натижа кўрсатган Жанубий африкалик Л. Ричардсон 15 давра у билан баб-баравар югуришга ҳаракат қилиб кўрди, лекин шундан сўнг мусобақадан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Фақатгина америкалик ҳинду Льюис Теваним бу курашга бардош бериб, маррага финдан сўнг етиб келиб, иккинчи ўринни олди. Х.Колехмайненнинг 10000



От спорти қатнашчилари 1912 йилги олимпия ўйинларида.

метрга югуришда кўрсатган вақти — 31.20,8 дақиқа янги жаҳон ва олимпия рекорди эди. Фин кроссда ҳам голиб чиқиб, Стокгольм Уйинларининг қаҳрамонига айланди.

Куопио шаҳридаги дурадгор оиласида катта бўлган Ханнес икки ака-укаси каби биринчи олимпия ўйинлари қаҳрамони юнон Луисга ўхшаб марафончи бўлишни (Тату Колехмайнен Стокгольмда марафон мусобақаларида қатнашди, аммо маррага етиб кела олмади) орзу қиларди. У 18 ёшида биринчи бор иштирок этган енгил атлетика мусобақаларида бевосита марафон югуришида стартга чиққан эди. Х. Колехмайнен яна икки бор Олимпиадада иштирок этган. 1920 йилда марафонда Олимпиада чемпиони бўлган

бўлса, 1952 йилда ватанида олимпия машғаласи эстафетасининг сўнгги босқичи унга ишониб топширилган эди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Пьер де Кубертен Стокгольмда бу машҳур фин билан беллашган Жан Буэнга 5000 метрга югуришда иккинчи ўрин учун олган кумуш медалини топширар экан, ватандоши кўнглини кўтариш мақсадида «Сизнинг мағлубиятингиз ғалабага тенг», деди.

«Ғалаба? Мен албатта уни қўлга киритаман,— жавоб қилди мағрурлик билан франциялик спортчи. — Ҳатто ўзим ғолиб чиқмаган тақдиримда ҳам бошқа француз албатта мен учун ўч олади».

Ҳа, французлар жамоадoshлари қатъий ишончини тўла-тўқис оқдай олдилар. Улар биргина от спорти мусобақаларида кўш олтин медални қўлга киритдилар.

Енгил атлетика мусобақаларида эса бошқа мамлакатлар олимпиадачилари ғалаба нашидасини сурдилар. Америка спортчиларидан Рольф Крэг 100 метрга, Фред Келли 110 метрга тўсиқлар оша югуришда, Патрик Мак-Дональд ядро улоқтиришда олтин медаль соҳиби бўлган бўлсаларда, америкаликлар бу сафар аввалги Олимпиадаларда бўлганидек мутлақ устунликларини намойиш эта

олмадилар. Стокгольмда шведлардан Х.Викландер ўнкурашда, Э.Лемминг найза улоқтиришда, Г.Линдблум уч ҳатлаб сакрашда, Жанубий африкалик К. Мак-Артур марафонда, юнон К.Циклитрас жойидан туриб узунликка сакрашда, фин А. Тайпале диск улоқтиришда, канадалик Д.Гоулдинг 10 километрга спортча юришда, инглиз А.Жексон 1500 метрга югуришда, норвегиялик Ф.Бье бешкурашда Олимпиада чемпионолари бўлдилар.

Олимпия ўйинларидаги марафон мусобақалари, айниқса, машаққатли кечди. Бу мусобақаларда 98 спортчи иштирок этиши кутилаётган эди. Аммо стартга 62 нафар марафончи чиқди. Улар энг узоқ масофага югуришни бошлаганларида ҳарорат 45 даражага кўтарилган

эди. Бунинг устига марафон трассаси қуёш ўт пурқаб турган яланглик жойлардан ўтар эди. Мусобақа ташкилотчилари аранг югураётган марафончилар устига сув сепиб туришларига қарамасдан 24 спортчигина маррага етиб кела олди. Марафонда узоқ вақт пешқадамлик қилган португалиялик Лазаро марра чизиғини кесиб ўтибоқ қулади. Шифокорлар қанча ҳаракат қилмасинлар у эртаси кун касалхонада жон таслим қилди...

Бу беллашувда ғолиб чиққан Мак-Артур ҳам марра чизиғига қолган бир неча ўн метрни аранг босиб ўтиб, ҳолдан тойган ҳолда йиқилди.

Енгил атлетика бўйича бешкураш ва ўнкурашда америкалик Жим Торпга тенг келадиганлар топилмади. Унинг ўнкурашдаги натижаси

(8412, 955 очко) 15 йил давомида рекорд сифатида дахлсиз турди. Швеция қироли Густав V Жим Торпни Стокгольм Олимпиадасининг энг яхши спортчиси, деб эътироф этди.

Аммо АҚШ Миллий олимпия қўмитаси уни ҳаваскор спортчи мақомини бузганликда айблаб (Нью-Йорк газеталаридан бирининг спорт шарҳловчиси Торп бир-икки бор профессионал бейсбол клубида пул олиб ўйнаганлигини аниқлаганди), Олимпиадада эришган натижаларини бекор қилиш таклифи би-

лан чиқди. Ўйинлар ташкилотчиси бўлган Швеция бу масалани ўзи қараб чиқишни хоҳламасдан барча ҳужжатларни ХОҚга юборди. 1913 йил 26 майда ХОҚ Лозаннада ушбу масалани кўриб чиқиб, афсуски, АҚШ Миллий олимпия қўмитаси таклифига рози бўлди.

Лекин бу ерда гап Жим Торпнинг профессионал клуб ўйинчиси эканлигида эмас, балки оклахомалик ҳиндулигида эди. Уни Олимпиада чемпиони унвонидан қандай қилиб бўлса ҳам маҳрум қилишга АҚШ ирқчилари бош-қош бўлган эдилар. Жим Торпга нисбатан ҳақиқат букилса ҳам синмади. Гарчи унинг вафотидан сўнг бўлсада, Торпнинг Олимпиада чемпиони номи тикланди, Швецияда у қўлга киритган олтин медалларни ворисларига қайтариб берилди.



Стокгольм Олимпиадаси эсдалик нишони.



Бу ҳодиса ўша вақтларда ҳам беллашувлар фақат спорт майдонларида олиб борилмаслигига, унинг ташқарисида кечган пинҳона, турли гайрли мақсадлар кўзланган курашларга яна бир мисолдир.

Аммо чинакам спорт ихлосмандларини Олимпиададаги мусобақаларнинг кескинлиги, мурасимчилиги, спортчиларнинг маҳорати, ирода-си, қатъийлиги ҳайратга соларди. Жумладан, рус полвони Мартин Клейн билан финн Асикайнен

ўртасидаги ярим финал беллашуви оз эмас, кўп эмас — 10 соат 15 дақиқа (!) давом этди. Клейн бу учрашувда ғалаба қозонди, лекин кўли лат еганлиги сабабли финал учрашувида гиламга туша олмаганлигига қарамасдан матонати учун спорт тарихида абадий қолди.

Гап шундаки, бу пайтда кураш буйича беллашувлар вақти ярим финалгача бир соат қилиб белгиланган (ана шу вақт давомида курашчилардан бири бирор усул қўллай олмаса, ғолибни

Халқаро Олимпия Қўмитаси Президентлари



МАЙКЛ КИЛЛАНИН

Килланин (Killanin) Майкл Моррис, лорд (1914 йил 30 июль, Лондон) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг олтинчи президенти.

Майкл Килланин Париж ва Кембриж университетларида таълим олган. Ёшлигида спортнинг чавандозлик, бокс ва эштак эшиш турлари билан шуғулланган.

1935—1936 йилларда Майкл Килланин «Дейли экспресс» газетасида мухбир, 1937—1938 йилларда бу наслрнинг Осиёдаги ҳарбий мухбири, 1938—1939 йилларда «Дейли мейл» ва «Санди диспетч» газеталарида сиёсий шарҳловчи бўлиб ишлаган.

У 1938—1945 йилларда Буюк Британия Қуролли кучларининг зобити, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Ўтган аср 40-йилларининг охири 50-йилларининг бошларида Майкл Килланин турли саноат фирмаларида маъмурий лавозимларни эгаллаган.

1950 йилда Ирландия миллий олимпия қўмитасининг Президенти этиб сайланган Майкл Килланин олимпия ҳаракатининг фаолларидан биридир. У 1952 йилдан Халқаро Олимпия Қўмитасининг аъзоси, 1967 йилдан ХОҚ Ижроия қўмитаси аъзоси, 1968 йилдан эса ХОҚнинг вице-президенти. У 1972 йилда ХОҚнинг Мюнхенда бўлиб ўтган 83-сессиясида Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти этиб сайланди.

Майкл Килланин Олимпия хартиясидаги ҳаваскор спортчи мақомига аниқликлар киритилган «26 қоида» муаллифларидан биридир. У спортни тижоратлаштиришга қарши бўлгани ҳолда миллий олимпия қўмиталарининг ўз спортчиларининг олимпия ўйинларига тайёргарлик кўришлари ва уларда қатнашишлари билан боғлиқ харажатларини қоплашларига хайрихоҳлик билдирган. Майкл Килланин ХОҚ Президенти лавозимида эканлигида Халқаро Олимпия Қўмитасининг миллий олимпия қўмиталари ва халқаро спорт федерациялари билан алоқалари мустаҳкамланди.

Майкл Килланин ривожланаётган давлатларда олимпия ҳаракатини, спортни ривожлантиришга шахсан катта ҳисса қўшди. У ХОҚнинг «Олимпия бирдамлиги» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташаббускори бўлди.

ХОҚ Майкл Килланин раҳбарлигида Монреалдаги XXI, Москвадаги XXII олимпия ўйинларини, Инсбрукдаги XII ва Лейк-Плэсиддаги XIII қишки Олимпиадаларни ўтказди. Бу даврда турли сиёсий қарама-қаршилиқлар, олимпия ўйинларини бойкот қилишга уринишларга қарамасдан Майкл Килланин раҳбарлигидаги ХОҚ олимпия ҳаракати парчаланиб кетишига йўл қўймади.

Майкл Килланин 1980 йилда ўз хоҳишига кўра ХОҚ Президентлиги лавозимидан истеъфога чиқди.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

ҳакам ўзи аниқлаган) бўлса, ярим финал ва финалда вақт чегараси бўлмаган. Мусобақалар стадионга тўшалган учта гиламда эрталаб 9 да бошланиб, деярли танаффуссиз кеч 6 гача давом этарди. Мавжуд тартиб-қоидаларга кўра курашда бир давлатдан Олимпиада мусобақаларида иштирок этадиган спортчилар миқдори чегараланмаган эди. Шунинг учун Стокгольмда кураш мусобақаларида 17 давлатдан 180 полвон иштирок этгани ҳолда улардан ярим финалга 24 фин, 5 швед ва 2 рус спортчиси чиққан.

1912 йилги Олимпиадада дастлабки марта замонавий бешкураш мусобақалари ўтказилди. Унда 9 та мамлакатдан 32 спортчи (уларнинг аксарияти ҳарбий зобитлар эди) иштирок этди.

футболчилар қаршилигини синдириб — 2:1 чиққан эди) мағлубиятга учратдилар. Финалда аввалги Олимпиадада бўлгани каби инглизлар Дания футболчиларига қарши майдонга тушдилар. Бу сафар ҳам Буюк Британия терма жамоасининг қўли баланд келди — 4:2. Учинчи ўрин учун ўтказилган учрашувда голландияликлар фин футболчиларини тор-мор қилдилар — 9:0.

Стокгольм Олимпиадаси спорт ва санъат уйғунлиги тантанаси намойишига айланди. 9 июлда Швеция пойтахтида олимпия байрами ўтказилди. 11—13 июль кунлари бир неча минг ашуланилар иштирокида швед кўшиқлари байрами бўлиб ўтди.



Жесси Оуэнс.



Кассиус Клей (Муҳаммад Али) — фахрий шоҳсупада (*ўртада*).

Спортнинг бу турида швециялик катта лейтенант Густав Лилльехёк биринчи Олимпиада чемпиони бўлди.

Мезбонлар милтиқдан ўқ отиш мусобақаларида 7 та олтин, 6 та кумуш, 4 та бронза медални қўлга киритдилар. Швед чавандозлари ҳам ўз маҳоратларини ёрқин намойиш этдилар. Улар от спорти бўйича мусобақаларда олтига олтин медалга сазовор бўлдилар.

Футбол бўйича Олимпиада турнирида Буюк Британия «чарм тўп» усталари ҳамон бу ўйинда «қирол» эканликларини яққол намойиш қила олдилар. Улар чорак финалда венгрларни 7:0, ярим финалда финларни 4:0 ҳисобида (Финляндия терма жамоаси бу босқичга россиялик

Олимпия ўйинлари доирасида биринчи бор санъат танлови ҳам ўтказилди. Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари рассомлари, ҳайкалтарошлари, композиторлари, меъморлари, адиблари халқаро олимпия ҳаракатига бағишланган ўз асарларини танловга тақдим этдилар. Нуфузли ҳайъат швейцариялик меъморлар Анри Моно ва Альфонс Ляверрьеранинг «Замонавий стадионни барпо этиш режаси», италиялик композитор Риккардо Бартелемининг «Олимпия тантанавор марши», шу мамлакат рассоми Жаванни Пеллегринининг «Қиш спорти» рангтасвир асари, америкалик Уолтер Уинанснинг «Америкалик сайёҳ» ҳайкалинин олтин медалга муносиб топди. Адабиёт соҳасидаги олтин медал эса «Спортга

қасида»га берилди. Танловга уни франциялик Жорж Хород ва немис Мартин Эшбах юборганлар, деб кўрсатилган эди.

Холбуки, бу тахаллус ортида Халқаро Олимпия Кўмитаси Президенти барон Пьер де Кубертен яширинган экан. «Спортга қасида»да шундай сатрлар ҳам бор:

*О, спорт! Сен — меъмор,
сен — мураббийсан,
Парвариш қулурсан инсон зотини,
Яъни табиатнинг ҳур ижодини.
Галаба қучганда суюнадиган,
Ютқазса бош эгиб куюнадиган,
Тоблайсан инсоннинг қадам-қаддини,
Сен ундан жозиба яратсам дейсан.*

Мазкур танлов спорт билан санъатни ажратиб бўлмаслигини, улар уйғун эканлигини яна бир марта ёрқин намоиш этди. Жисмоний кучи, эпчиллиги, чаққонлиги, гўзаллигини спорт майдонида ёрқин намоиш этган спортчилар

ижод аҳли томонидан кую шеър, рангтасвиру ҳайкалларда мадҳ этилди.

Комилликка интилиш юртимизда ҳам ёшларни спорт майдонларига чорларди. 1913 йилда Тошкентда бутун Туркистонда энг йирик ҳисобланган Спорт ҳаваскорлари жамияти тузилди. Жамиятда футбол, энгил атлетика, теннис бўлимлари мавжуд эди.

Ўлкада футбол оммалаша бошлади. Жамоалар, асосан, таълим муассасаларида ташкил этиларди. 1913 йилда тузилган «Толс» жамиятининг футбол жамоаси аъзолари ўзларининг чиройли ўйинлари билан қисқа муддатда тошкентлик футбол ихлосмандларининг меҳр-муҳаббатини қозонишга улгурдилар.

Спорт тобора оммалашиб бораётганлиги сабабли моҳир спортчиларни тарбиялайдиган устозлар етишмаслиги жуда сезилиб қолди. Бу инobatга олиниб, 1915 йилда Тошкентда гимнастика ўқитувчилари тайёрлаш бўйича биринчи курс очилди. Худди шу йиллари юртимизда сув спорти турлари ҳам ривожлана бошлади.

ҚИТЪАЛАР БИРЛИГИ ВА ДЎСТЛИГИ РАМЗИ

VI Олимпия ўйинларини 1916 йил Берлинда ўтказиш режаланган эди. Халқаро Олимпия Кўмитаси бу ҳақда 1909 йилдаёқ қарор қабул қилган эди. Аммо Грюневальддаги янги стадион олимпиадачиларни ўз бағрига олиш бахтига мурассар бўла олмади. Стокгольм Олимпиадаси тугаганидан сўнг икки йил ўтар-ўтмас биринчи жаҳон уруши бошланиб кетди...

VII Олимпия ўйинларига мезбонлик қилиш шарафи Бельгиянинг Антверпен шаҳрига насиб қилди. Жанггоҳларда замбараклар овози учган бўлса-да, урушнинг совуқ нафаси ҳали сезилиб турарди. Бу қиргин айбдорлари ҳисобланган Германия, Австрия, Болгария, Венгрия Олимпиадага таклиф этилмади. 1917 йилги октябрь тўнтаришидан сўнг шўролар ҳукуматига қарши эълон қилинган сиёсий ва иқтисодий бойкот спортга ҳам тааллуқли эди. Бу мамлакатнинг ўйинларда қатнашишга рухсат бериш илтимоси баён этилган расмий мурожаати Халқаро Олимпия Кўмитаси томонидан, ҳатто қараб ҳам чиқилмади.

Биринчи жаҳон уруши Бельгияга ҳам катта зиён етказган эди. Шунга қарамасдан мамлакат Миллий олимпия кўмитаси президенти граф Анри де Байе-Латур бошчилигидаги Ташкилий кўмита Олимпиада муваффақиятли ўтишини

таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилди. Ўйинлар тарихида биринчи марта шайбали хоккей ва фигурали учиш мусобақаларини ўтказиш учун сунъий яхмалаги бўлган олимпия стадиони қурилди. Велосипедчилар жуда улкан «Гарденсити» велодромида беллашдилар. Вильбрек каналли бир қисми эшкак эшиш бўйича мусобақаларга мослаштирилди. Футбол турнири «Биршот» стадионида бўлиб ўтди.

VII Олимпия ўйинларида 29 мамлакатнинг 2606 спортчиси, шу жумладан, 63 аёл иштирок этди. Аргентина, Бразилия, Испания, Монако, Чехословакия, Югославия миллий терма жамоалари илк бор бу жаҳон спорти байрами қатнашчилари сафидан ўрин олдилар.

Афсуски, ташкилотчилар аввалги Олимпиадалардаги айрим камчиликларнинг такрорланишига йўл қўйдилар. Жумладан, фигурали учиш ва хоккей мусобақалари апрелда, елканли қайиқ спорти ва отиш мусобақалари июнда, футбол бўйича олимпия турнири эса август-сентябрь ойларида ўтказилди. Натижада Олимпиада мусобақалари тўрт ойдан ҳам кўпроққа — 1920 йил 20 апрелдан 12 сентябргача чўзилиб кетди.

Аммо VII олимпия ўйинлари тарихда ташкилий ишлардаги нуқсонлар билан эмас, балки жаҳон спорт байрамига янги мазмун-мөҳият

бахш этган анъаналарга фотиҳа берганлиги билан қолди. Бу ерда илк бор *Олимпиада рамзи, курраи заминимиз барча қитъалари — Европа, Африка, Америка, Осиё, Австралия халқлари, шу жумладан, спортчилари бирлиги ва дўстлиги рамзи сифатидаги узаро узвий боғлиқ беш халқа тасвири туширилган байроқ* кўтарилди.

Аслида Олимпиада байроғи Халқаро Олимпия Кўмитаси томонидан 1913 йилда қабул қилинган бўлиб, 1916 йилги олимпия ўйинларида кўтарилиши керак эди. Аммо юқорида қайд қилинганидек, бунга уруш халақит қилди.

ХОҚ Президенти, Олимпиаданинг бу ва бошқа рамзларини яратиш ташаббускори Пьер де Кубертен беш халқанинг (юқори қатор халқалардаги мовий, қора ва қизил, пасткилари-



V Олимпиадада россиялик М. Клейн билан фин А. Асикайнен ўртасидаги кураш.

даги — сариқ ва яшил) ҳамда байроқнинг оқ ранглари ҳеч бир истисносиз жаҳондаги барча мамлакатлар миллий рангларини ифода этади, деб уқтирган эди.

Олимпиада ўйинларининг машҳур «*Citius, altius, fortius*» — «Тезроқ, юксакроқ, кучлироқ» шиори ҳам шу ерда ҳаётга йўлланма олган. Бу шиор аслида француз руҳонийси Анри Дидонга тегишлидир. У Пьер де Кубертенга жуда маъқул тушиб, ХОҚ Президенти таклифи билан олимпия ўйинлари мусобақалари мақсадини англаувчи шиорга айланди.

Антверпенда бельгиялик машҳур ватерполчи ва қиличбоз, аввалги тўрт Олимпиада совриндори, кейинчалик Бельгия Миллий олимпия кўмитаси президенти бўлган Виктор Боэн мусо-

бақа барча иштирокчилари номидан биринчи бор олимпия қасамёдини қилди. Унинг матни ҳам Пьер де Кубертен томонидан ёзилган эди: «*Мен барча спортчилар номидан биз бу Олимпия ўйинларида уларни ўтказиш қоидаларини ҳурмат қилган ва уларга амал этган ҳолда чинакам спорт руҳида, спорт шухрати ва ўз жамоаларимиз шон-шарафи йўлида иштирок этишимизга ваъда берман*».

VII Олимпиаданинг расмий очилиш маросими 14 августда, ёпилиши эса 29 августда ўтказилди. *Олимпиадани мезбон давлат раҳбари тантанали равишда очик, деб эълон қилиши анъанасига* ҳам шу ерда асос солинди. Антверпен Олимпиадаси Ташкилий кўмитасининг раҳбари граф Анри де Байе-Латур биринчи марта бу шарафли вазифани бажаришни сўраб Бельгия қиролига мурожаат қилди. Ўйинларнинг тантанали очилишида бутун қирол оиласи аъзолари ҳозир бўлдилар.

Кейин анча такомиллаштирилган *Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими тартиб-қоидаларига мувофиқ стадионга биринчи бўлиб мезбон давлат раҳбари таъриф буюриши кўзда тутилган. Шундан кейин Ўйинларда иштирок этаётган мамлакатлар спортчиларининг стадионга тантанали кириб келиш маросими бошланади. Ўз давлати байроғини кўтариб ўтиш шарафига сазовор бўлган энг номдор спортчи ордан миллий олимпия терма жамоаси аъзолари боришади. Анъана бўйича бу парадни Олимпиада ватани — Греция бошлаб беради. Бошқа давлатлар спортчилари ўз мамлакатлари номланишининг алифбо бўйича тартибига биноан стадионга кириб келадилар. Юришни олимпия ўйинларига мезбон бўлган давлат якунлайди.*

Олимпиадани ўтказиш миллий кўмитаси раҳбари ва ХОҚ Президентининг қисқача табрик сўзларидан кейин мезбон давлат бошлиғи олимпия ўйинларини очик, деб эълон қилади. Шундан кейин Олимпиада мадҳияси янграйди, Олимпиада машъаласи ёндирилади. Спортчилар ва ҳакамлар номларидан қасамёдлар қилингандан сўнг мезбон давлат мадҳияси ижро этилади ва тантанали очилиш маросимининг бадий-театрлаштирилган қисми бошланади.

Олимпия ўйинлари ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топшириладиган пайтда Олимпиада чемпиони шарафига унинг ватанининг давлат байроғи кўтарилади ва давлат мадҳияси ижро этилади.

Олимпиаданинг тантанали ёпилиш маросимида стадионга ўз давлатлари байроқларини кўтар-

ган байроқдорлар алоҳида, Уйинларнинг бошқа барча иштирокчилари эса спортчилар бирдамлиги ва дўстлиги рамзи сифатида биргаликда кириб келишади. Шундан кейин Олимпиада ватани, мезбон давлат ва кейинги Уйинларни қабул қиладиган мамлакат мадҳиялари ижро этилади. Мезбон давлат навбатдаги Олимпиада пойтахти деб танланган шаҳар вакилига Олимпиада байроғини топширади, Олимпиада машғаласи учирилади...

Бельгия Олимпиадасида спортнинг бокс, кураш, велоспорт, сув полеси, гимнастика, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли қайиқ, сузиш, сувга сакраш, поло, регби, замонавий бешкураш, ўқ отиш, камондан отиш, теннис, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Биринчи жаҳон урушида кўпгина етакчи

Халқаро Олимпия Қўмитаси Президентлари



ХУАН АНТОНИО САМАРАНЧ

Самаранч (Samaranch) Хуан Антонио, маркиз (1920 йил 17 июль, Барселона, Испания) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг еттинчи Президенти.

Хуан Антонио Самаранч университетнинг тижорат факультетини тугаллагандан сўнг бизнес фаолиятини спорт устозлиги билан қўшиб олиб борди. У ёшлигида бокс, роликли конькида хоккей билан шуғулланган. Кейинчалик у устозлик қилган Испаниянинг роликли хоккей жамоаси жаҳон чемпиони ҳам бўлган.

1940—1950 йилларда Хуан Антонио Самаранч Барселона муниципалитетининг маслаҳатчиси бўлган, сўнг Испания роликли хоккей миллий федерациясининг президенти этиб сайланган.

1963 йилда Хуан Антонио Самаранч Испаниянинг спорт олий кенгаши раҳбари лавозимига тайинланади. У 1955 йилда Барселонада ўтказилган иккинчи Ўрта денгиз ўйинларининг ташкилотчиларидан биридир. У 1956 йилдаги VII қишки Олимпиада, 1960 йилги XVII ва 1964 йилги XVIII олимпия ўйинларида Испания спорт делегациясининг раҳбари бўлган.

1967 йилда Хуан Антонио Самаранч Испания миллий олимпия қўмитасининг Президенти этиб сайланади. У 1968 йилдан Халқаро Олимпия Қўмитаси протоколи раҳбари, 1970 йилдан ХОҚ Ижроия қўмитаси аъзоси, 1974 йилдан ХОҚ вице-президенти. У 1977 йилда Испаниянинг собиқ Иттифоқдаги элчиси бўлган.

1980 йил июль ойида ХОҚнинг 83-сессиясида Хуан Антонио Самаранч овоз беришнинг биринчи босқичидаёқ Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти этиб сайланди.

Хуан Антонио Самаранч бу лавозимни эгаллаши билан олимпия ҳаракатини давр талабига мослаштириш, ХОҚ фаолияти доирасини кенгайтириш, спортда допингга қарши курашиш каби асосий тамойилларни ўз ичига олган фаолият дастурини эълон қилди.

1982 йил бошида Хуан Антонио Самаранч Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига БМТ томонидан Халқаро Олимпия Қўмитасининг мутлақ мустақиллигини ҳамда унинг жаҳоннинг хоҳлаган қисмида ташқаридан бирон-бир аралашувларсиз олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини эътироф этиш таклифи билан мурожаат қилди.

Хуан Антонио Самаранч раҳбарлигида ХОҚ XIV, XV, XVI, XVII, XVIII қишки Олимпиадалар ҳамда XXIII, XXIV, XXV, XXVI, XXVII олимпия ўйинларини ўтказди.

1986 йилдан профессионал спортчиларнинг олимпия ўйинларида иштирок этишларига рухсат берилиши ҳам Самаранч номи билан боғлиқ.

1991 йилда Испания қироли Хуан Карлос Хуан Антонио Самаранч Тореллога маркиз унвонини марҳамат қилди.

2000 йилда Хуан Антонио Самаранч ўз хоҳишига кўра ХОҚ Президенти лавозимидан истеъфога чиқди.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

спортчилар ҳалок бўлганлиги, Антверпен Олимпиадасига Европанинг бир неча давлатлари кучли миллий терма жамоалари таклиф қилинмаганлигига қарамасдан мусобақалар жуда мурасиз ўтди, уларда юксак натижалар қайд этилди.

5000 ва 10000 метрга югуришда чемпионлик учун 1912 йилги Олимпиадада бўлгани каби Финляндия ва Франция енгил атлетикачилари баҳс олиб бордилар. Ўйинларда биринчи бор иштирок этаётган Пааво Нурми 5000 метр масофага югуришда рекорд ўрнатиш мақсадида қўлига соат ушлаб югурарди. Француз Жозеф

лекин бир оздан сўнг йиқилиб тушди. Бу сафар Пааво Нурмини ҳеч ким тўхтатиб қола олмасди. У маррани биринчи бўлиб кесиб ўтиб, аввалги кумуш нишони ёнига олтин медални қўшиб қўйди.

Лекин бу Нурмининг Антверпен Олимпиадасидаги сўнгги мукофоти эмасди. У 10000 метрга кроссда ҳам шахсий, ҳам жамоа биринчилигида олтин медаллар билан тақдирланиб, умумий нишонлари сонини тўрттага етказди.

Финляндиялик енгил атлетикачилар спорт снарядларини улоқтиришда ҳам катта ютуқлар-



Олимпия чемпиони Надя Комэнеч.

Олимпия чемпиони Юрий Седих.

Гиллемо худди унинг соясидек бу атлетдан орқада қолмасди. Маррага 80 метрча қолганда Жозеф Паавони қувиб ўтиб, марра сари ўқдек учди. Финнинг унга етиб олиш учун зўр бериб қилган ҳаракати зое кетди.

10000 метрга югуришда Пааво Нурми эҳтиётроқ бўлиши кераклигини англаб етди. Узоқ вақт инглиз Вильсон пешқадамлик қилди. Енгил атлетикачиларга сўнгги даврани босиб ўтиш қолганда кутилмаганда Гиллемо олдинга интилди,

ни қўлга киритдилар. Улар найза улоқтиришда учта, ядро улоқтиришда иккита, диск улоқтиришда битта олтин медаль соҳиби бўлдилар. Бу миллий терма жамоа вакили Эльмер Никландер диск улоқтиришда биринчи, ядро улоқтиришда иккинчи ўринни эгаллашга эришди. Фин енгил атлетикачилари бу Олимпиададан жами 15 та олтин медаль билан қайтдилар.

Антверпенда бразилиялик Жильемеро Парензе Жанубий Америка спортчилари орасида бирин-

чи бўлиб Олимпиада чемпиони шарафли унвонига эга бўлди. У пистолетдан тез ўқ отиш мусобақаларида ғолиб чиқди. Спортнинг бу турида америкалик Вилли Ли бешта, унинг жамоадоши Ллойд Спунер эса тўртта олтин медални қўлга киритишганини ҳам қайд этиш лозим.

Айниқса, 14 ёшли Эйлин Риггиннинг сувга сакрашдаги муваффақияти эътиборлидир. Бу спортчи ўша вақтда энг ёш Олимпиада чемпиони ҳисобланарди.

Олимпия ўйинларидаги яна бир рекорд италиялик Недо Надига тегишлидир. У 1912 йилги

қўшганликларини изоҳлаб ўтиришга ҳожат қолмайди.

Норвегиялик мерган Отто Олсен ҳам Олимпиада медаллари шодаси билан мақтанса арзийди. У ўқ отиш мусобақаларида 4 та олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди. Америкалик Карл Осберн ҳисобида эса спортнинг бу турида тўртта олтин ва битта кумуш медали бўлса, М.Фишер, Д.Фентон, Д.Жексон, Г.Скрайвер, К.Фредерик учтадан олтин медалга сазовор бўлдилар.

Аёл спортчилар ҳам улардан қолишмасдилар.



Икки карра Олимпиада чемпиони
Тамара Пресс.



Оғир атлетикачи Юрий Власов.

Олимпиадада қиличбозликнинг рапира ва қилич мусобақаларида шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилган эди. Антверпенда эса у бешта — рапира ва қиличда шахсий беллашувларда ҳамда рапира, қилич ва шпагада ўз жамоаси таркибида олтин медал олдиди. Унинг укаси Альдо ҳам қиличбозликда учта олтин медал соҳиби бўлганлиги ҳисобга олинса, Надиларнинг Италия миллий олимпия терма жамоаси муваффақиятига нақадар улкан ҳисса

Америкалик Этельда Блейтбери 100 ва 300 метрга эркин усулда сузишда маррага биринчи бўлиб етиб келди ҳамда 4x100 метр эстафетада жамоадошлари билан ғолиблик нашидасини суриб, учта олтин медал билан тақдирланди. Яна бир америкалик Дюк Каханамок эса 100 метрга эркин усулда сузишда 1 дақиқа 00,4 сек. натижа кўрсатиб, жаҳон рекорди ўрнатди ҳамда 1912 йилги Олимпиададаги ютуғини такрорлашга муваффақ бўлди.

Футбол бўйича олимпия турнирида Буюк Британия жамоасига ўзининг аввалги зафарли юришларини давом эттириш насиб этмади. 1900, 1908 ва 1912 йиллардаги ғалабалари эвазига уч карра Олимпиада чемпиони ҳисобланган инглиз футболчилари бу сафар мусобақаларнинг нимчорак босқичидаёқ норвегияликларга 1:3 ҳисобида имкониятни бой бердилар. Финал учрашувида эса майдонга Бельгия ва Чехословакия миллий терма жамоалари тушдилар. Ҳал қилувчи ўйинга қадар испанлар (3:1) ва голландияликларни (3:0) доғда қолдирган олимпия ўйинлари мезбонлари учрашув биринчи бўлимидаёқ яққол устунликларини намойиш этиб, рақиблари дарбозасига иккита жавобсиз тўп киритишга улгурган эдилар. Танаффусга бир дақиқа қолганда Чехословакия жамоаси ҳимоячиси Штайнер бельгиялик ҳужумчини қўпол равишда йиқитганлиги учун ҳакам томонидан майдондан чиқариб юборилди. Бундан норози бўлган Чехословакия жамоаси тўла таркибда майдонни тарк этди. Табиийки, улар ҳисобига мағлубият ёзилиб, Бельгия футболчилари Олимпиада чемпиони, деб эълон қилинди. Иккинчи ўринни испанлар, учинчи ўринни эса голландияликларга беришга қарор қилинди.

Биринчи маротаба Олимпиада дастуридан шайбали хоккей бўйича мусобақалар ҳам ўрин олди. Спортнинг бу тури ватани деб ҳақли равишда Канада ҳисобланади. Бу ерда 1893 йилдаёқ хоккей ишқибозлари учун жуда ҳам яхши маълум бўлган Стэнли кубоги таъсис этилган эди. У Канада генерал-губернатори Фредерик Артур лорд Стэнли Престон томонидан мамлакатнинг энг яхши хоккей жамоаси учун мўлжалланган эди. Тўғри, бошида у «Доминион Челенж Кап» деб номланарди ва ҳаваскор хоккей жамоалари ўртасида голиб чиққанларга бериларди. 1910 йилдан таъсисчиси номи билан юритила бошланган Стэнли кубоги фақат профессионал жамоалар ўртасидаги голиб клубга топширила бошланди.

Шу сабабли канадалик машҳур молиячи ва хоккей фидойиси Монтегю Аллан 1908 йилда ҳаваскор жамоалар учун ўз кубогини таъсис этди. Еттинчи Олимпиадада Канада шарафини ўша йилги бевосита ана шу Аллан кубоги соҳиб — «Виннипег Фэлккоиз» жамоаси ҳимоя қилди. Виннипеглик хоккейчилар ҳаваскор бўлганларига қарамасдан олимпиада турнирида иштирок этган АҚШ, Бельгия, Франция, Чехословакия, Швейцария ва Швеция жамоаларидан ўта устун эдилар. Буни улар, ҳатто финалда Швеция хоккейчиларини 12:1 ҳисобида мағлубиятга уч-

ратганлари ҳам исботлайди. Америкаликлар бу турнирда иккинчи, чехословакияликлар учинчи ўрин билан кифояландилар.

1924 йилдан қишки олимпия ўйинлари алоҳида ўтказила бошланганлиги сабабли хоккей бўйича Антверпендаги бу турнир яккаю ягона ҳисобланади. Аммо ўша мусобақа голиблари бўлган канадаликлар ҳозир ўзларини еттинчи олимпия ўйинларининг чемпиони, деб ҳисоблай олмайдилар. Чунки 1983 йилда бу турнир Антверпен Олимпиадаси дастуридан чиқарилиб, унга жаҳон биринчилиги мақоми берилди.

Эшкак эшишда америкалик Жек Келли иккита олтин медалга (якка ўзи ва жуфтликда) сазовор бўлди. Келлининг бу ғалабаси уни келиб чиқиши паст ва оғир жисмоний меҳнат билан «машғул» дея камситилиб (у пайтларда шунақасига ҳам дуч келинарни) Хенлей қироллик регатасида иштирок этишини тақиқлаганлар учун муносиб зарба бўлди. Ҳолбуки, кейин Жек Келли АҚШ Миллий олимпия қўмитаси президенти лавозимини ҳам эгаллади.

VII Олимпиадада норасмий жамоа ҳисобида Америка Қўшма Штатлари спортчилари 203,5 очко ва 95 та (41 та олтин, 27 та кумуш ва 27 та бронза) медал билан биринчи ўринни эгалладилар. Швеция миллий терма жамоаси ҳисобида 121,5 очко, 64 (19 та олтин, 20 та кумуш, 25 та бронза) медал бор эди. Учинчи ўрин 88 очко ва 43 (15 та олтин, 15 та кумуш, 13 та бронза) медал олган Буюк Британия олимпиадачиларига насиб этди.

Собиқ шўролар давлати жаҳон спорт ҳамжамияти сафига қабул қилинмаганлиги учун ўзи ўтган аср йигирманчи йилларида бир қатор мамлакатлар ишчи спортчилари ўртасида спартакиада мусобақаларини ташкил этди. У миллоддан аввалги I асрда Италияда қуллар қўзғолонининг етакчиси ҳисобланган Спартак шарафига шундай деб номланганди. Қўлами бўйича ҳам, спорт натижалари бўйича ҳам олимпия ўйинлари билан асло таққослаб бўлмайдиган бу спартакиадаларда мезбонлар билан бирга Германия ва Чехословакия ишчи спортчилари ҳам иштирок этганлар.

1920 йилда Тошкентда ҳам ўлка спортчиларининг дастлабки оммавий мусобақаси бўлиб ўтди. У биринчи Ўрта Осиё олимпиадаси, деб номланди. Унинг мусобақалари дастуридан енгил атлетика, футбол, от спорти, шахмат, шунингдек, улоқ, кураш, арқон тортиш каби миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари ҳам ўрин олди. Ўрта Осиё Олимпиадасида фарғоналиклар муваффақиятли қатнашдилар.

Ана шу йилларда фарғоналик футболчилар ўлкада энг кучлилардан ҳисобланардилар. Айниқса, ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Муҳиддиновлар, Собир Хўжаев моҳир футболчилар сифатида огизга тушган эдилар.

Ўрта Осиё Олимпиадаси мусобақаларида Бухородан ҳам олти нафар спортчи қатнашганлиги вилоят жонқуярларининг хизмати эди. Улар 1919 йилдаёқ аҳолидан йиққан 10 минг сўм маблағларига спорт майдончалари ташкил этиб, бу ерда энгил атлетика, гимнастика, футбол бўйича мусобақалар ташкил қилдилар. 1921 йилда мазкур спорт майдончасида 45 нафар ёшлар энгил атлетика ва гимнастика билан шуғулланаётганликлари маълум қилинган.

Умуман бу йиллари ана шу спорт турлари Тошкент, Бухоро билан бир қаторда Фарғона, Самарқандда омалашаётган эди.

1920 йилга келиб Тошкентнинг ўзида 15 та спорт ташкилотлари, шу жумладан, янги ташкил этилган «Олимп» ва «Спартак» футбол жамоалари фаолият олиб борарди. 1918 йилдан бошлаб Тошкентда шаҳар терма жамоалари ўртасида мунтазам мусобақалар ўтказиладиган бўлди.

1920 йилда Тошкент марказида ака-ука врачлар — Слонимлар биринчи хусусий 15 метрлик сув ҳавзаси барпо этишиб, сузиш билан даволаш муолажалари ўткази бошлашди. Бу вақтда Тошкент университетида спортнинг энгил атлетика, гимнастика, футбол турлари билан бирга сузиш тўғараги ҳам ташкил этилганди. Лекин бу тўғарақ аъзолари сунъий сув ҳавзалари йўқлиги сабабли сузиш билан шаҳар анҳорларида шуғулланишлари мумкин эди, холос.

1921 йил 13 январда ўлкада барча ташкилотларнинг спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирадиган Марказий Жисмоний тарбия Кенгаши тузилди. Унинг таркибига ҳукумат органлари, ҳарбий, маориф ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди. Марказий Кенгашнинг вилоятларда бўлимлари ҳам ташкил этилди.

Бу вақтда ана шу саъй-ҳаракатлар, асосан, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни кўзда тутиб қилинаётган бўлсада, бу ўлкада спортни омалаштиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатмай қолмади. 1922 йил 25 сентябрдаги маълумотларга мувофиқ Марказий Жисмоний тарбия Кенга-

Халқаро Олимпия Қўмитаси Президентлари



ЖАК РОГГЕ

Рогге (Rogge) Жак (1942 йил, 2 май, Гент, Бельгия) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг саккизинчи Президенти.

Жак Рогге ихтисослиги бўйича хирург ва тилшуносдир. У регби бўйича Бельгия терма жамоаси аъзоси бўлган. Жак Рогге елканли қайиқ спортида Бельгиянинг ўн олти карра чемпиони ҳамда жаҳон чемпиони. У 1968, 1972, 1976 йиллардаги олимпия ўйинларида елканли қайиқ мусобақаларида иштирок этган.

Жак Рогге 1989 йилда Европа Олимпия қўмиталари ассоциациясининг президенти ҳамда Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси — АНОК вице-президенти этиб сайланди. 1989—1992 йилларда Бельгия Миллий олимпия қўмитасининг президенти бўлган.

1998 йилдан Жак Рогге ХОҚ Ижроия қўмитасининг аъзосидир.

Жак Рогге 2000 йилда ХОҚнинг сессиясида Халқаро Олимпия Қўмитасининг саккизинчи Президенти этиб сайланди.

ши тизимида 46 та туман ташкилоти бўлиб, улар 4797 аъзони, шу жумладан, 382 аёлни бирлаштирар эди. Ўлкада 11 та гимнастика заллари, 34 та спорт майдончаси ва битта трек бор эди.

Ўлка спорт ташкилотларининг 26 тасида футбол, 20 тасида энгил атлетика, 17 тасида гимнастика, 7 тасида баскетбол, 3 тасида велосипед спорти бўйича спортчилар тайёрлаш амалга оширила бошланган эди. Икки спорт ташкилотида оғир атлетика ва бокс тўғараклари ҳам иш бошлаганди.

1921 йилда II Ўрта Осиё Олимпиадаси ўтказилди. Унда яна фарғоналиклар спортнинг энгил атлетика ва баскетбол туридан биринчи

ўринни эгалладилар. Баскетбол бўйича аёллар ўртасидаги турнирда Фарғона, Самарқанд, Черняевка жамоалари куч синашдилар.

Шу йили бўлиб ўтган биринчи Умумиттифоқ олимпиадасида ўлка спортчиларининг энгил ва оғир атлетика, гимнастика, футбол жамоалари иштирок этдилар. Ўлка матбуотида туркистонликлар, жумладан, Москва шаҳри туманларидан бирининг энг яхши жамоасини мағлубиятга учратганликлари, очарчиликдан азият чекаётганларга маблағ тўплаш мақсадида клубларда ташкил этилган спорт гимнастикаси бўйича кўргазмалари чиқишларида қатнашганликлари қайд этилган эди.

ПАРИЖ ЯНА МЕЗБОН

VIII Олимпиадага мезбонлик қилишга олти шаҳар — Амстердам, Барселона, Лос-Анжелес, Париж, Прага ва Рим даъвогарлик қилаётган эди. Замонавий олимпия ҳаракатига асос солинганлигининг ўттиз йиллиги яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан Ўйинларни яна Парижда ўтказишга қарор қилинди. Франция пойтахти Халқаро Олимпия Қўмитаси бу улкан спорт байрамини ўтказишни иккинчи маротаба ишониб топширган биринчи шаҳар эди.

Албатта ХОҚ бунда Пьер де Кубертеннинг халқаро спорт ҳамжамияти олдидаги буюк хизматларини ҳисобга олган эди. Ўрни келганда шуни ҳам эслатиш лозимки, Париж Олимпиадасидан бир йил ўтгач — 1925 йил май ойида Чехословакия пойтахти Прагада бўлиб ўтган ХОҚнинг 24-сессиясида Пьер де Кубертен бу ташкилотга ўттиз йил раҳбарлик қилганидан сўнг истеъфога чиқишини билдирди. Унинг таклифига мувофиқ Бельгиянинг Халқаро Олимпия Қўмитасидаги вакили, 22 йилдан буён ХОҚ фаолиятида бевосита иштирок этиб келаётган, унинг Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари бўлган *граф Анри де Байе-Латур Халқаро Олимпия Қўмитасининг учинчи Президенти этиб сайланди.*

Байе-Латур Пьер де Кубертен ишини давом эттириб, олимпия ҳаракатида ҳаваскорлик спортини ривожлантиришга биринчи даражали эътибор берди. Ҳаваскорлик спорти мақоми талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги сабабли бейсбол, теннис, регби каби спорт турлари олимпия ўйинлари дастуридан чиқарилди. Худди шу ҳаваскорлик мақоми масаласида ХОҚ билан

футбол, чанги спорти халқаро спорт федерациялари ўртасида жиддий зиддиятлар мавжуд эди.

«Бетартиб ғояларга қарши курашиш ва айрим ҳолис ниятларни мужассамлаштириш учун, — деб таъкидлаган эди ХОҚнинг учинчи Президенти, — ҳар бир кимсанинг эркинлигини ҳурмат қилган ҳолда олимпия ўйинларида иштирок этишни хоҳловчиларнинг ҳаммаси бўйсунадиган ягона доктрина қабул қилиб, қонунлар чиқариш керак. Кубертен фаолияти ва у ишлаб чиққан, атлетлар ахлоқ даражасини оширишга ҳисса қўшган қонунларнинг қатъияти ана шундай доктринадир. Олимпия қонунларига қарши фақат бу қонунлар уларни қисиб қўяётганлар курашмоқдалар. Агар ХОҚни етарлича қатъият кўрсатмаётганда айб-лашаётган бўлсалар, бу даъволарни, одатда, ҳеч қандай масъулияти йўқлар қилмоқдалар.»

ХОҚнинг янги Президенти олимпия ўйинларига аёлларни янада кенгроқ жалб этиш ташаббускори бўлди. Олимпиада мусобақалари дастуридан аёллар ўртасида энгил атлетика, сузиш, гимнастика, қиличбозлик, қишки спорт турлари бўйича мусобақаларнинг мустаҳкам ўрин олиши ҳам бевосита Байе-Латур хизматидир. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан ХОҚ амалиётида «Олимпиада эстафетаси», «Олимпия қишлоғи» тушунчалари пайдо бўлди, Олимпия ўйинлари мусобақалари дастури ҳамда Олимпиада дастурига киритиш учун спорт турлари бўйича кўргазмалари беллашувларни ташкил этиш тартибга солинди, ғолибларга топшириладиган нишонлар шакллари ягона ҳолга келтирилди. Шунингдек, олимпия ўйинлари доирасида ўтка-



зиладиган маданият ва санъат бўйича танловлар ғолиблари ҳам Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлишлари таомилга киритилди.

Халқаро Олимпия Кўмитаси ва унинг Президенти собиқ шўролар давлатини олимпия ҳаракатига яқинлаштирмаслик сиёсатини қатъийлик билан ўтказарди. Анри де Байе-Латурнинг *«Большевиклар ўзларини жамиятдан ташқарига қўйдилар. Мен ХОҚ Президенти эканман совет давлати байроғи олимпия стадионида пайдо бўлмайди»*, деган сўзлари кўпчиликка маълум эди.

Шунинг учун биринчи жаҳон уруши ташаббускори деб ҳисобланган Германия билан бир қаторда собиқ шўролар давлати Париж Олимпиадасида ҳам иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Франция пойтахтига бу сафар 44 мамлакатдан 3092 спортчи, шу жумладан, 136 аёл келганди. Ирландия, Мексика, Польша, Руминия, Уругвай, Филиппин, Эквадор миллий терма жамоалари илк бор Олимпиадада иштирок этаётган эдилар. Мусобақалар дастуридан спортнинг 18 тури ўрин олган бўлиб, 126 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борилди.

Ўйинларнинг тантанали очилиш маросими 1924 йил 5 июлда янги қурилган, 62 минг томошабинга мўлжалланган «Коломб» стадионида ўтказилди.

Париж Олимпиадасининг спорт натижалари юксак бўлди. Шунини айтиш кифояки, бу ерда (фақат елканли қайиқлар мусобақалари Гаврда ўтказилди) 27 июлгача бўлиб ўтган муросасиз беллашувларда энгил атлетиканинг 25 турида 8 та жаҳон ва 14 та олимпия, сузишда бешта жаҳон ва 10 та олимпия рекорди ўрнатилди.

Аввалги Ўйинларда энгил атлетиканинг кўпгина турларида пешқадамликни финларга бериб қўйган Америка спортчилари Париж Олимпиадасига жуда пухта тайёргарлик кўрдилар. Ҳатто уларни Атлантика океани орқали Франция соҳилига элитган улкан кема палубаси энгил атлетикачилар машқ ўтказишларига мослашиб югуриш йўлакчаларига айлантирилди. Бу саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Америкалик энгил атлетикачилар 12 та олтин, 10 та бронза медалини қўлга киритишди. Уларнинг асосий рақибби — фин спортчилари энгил атлетикада бу гал 8 та олтин медаль билан кифояланишди.

Шундай бўлса ҳам америкаликлар эмас, балки фин Пааво Нурми Париж Олимпиадасининг қаҳрамони ҳисобланади. Бу ерда гап фақат у қўлга киритган медаллар сонидагина эмас. Нурми рақибларидан яққол устунлиги билан

ажралиб турарди. Жумладан, у 1500 метрга югуришда Олимпиада рекордини ўрнатгандан сўнг бир соат ҳам ўтмасдан 5000 метрга югуриш мусобақаларида иштирок этди. У бу масофага югуришда ҳам Олимпиада рекордини ўрнатиб, иккинчи олтин медаль соҳиби бўлди. 10000 метрга кроссда иштирок этган 38 спортчидан атиги 15 таси маррага етиб кела олди. Пааво Нурми эса бу масофадаги марра чизигини мусобақада иккинчи ўринни эгаллаган жамоодоши Вилле Ритолдан 1,5 дақиқа илгари кесиб ўтди.

Вилле Ритола 10000 метрга югуришда жаҳон рекорди — 30.23,2 дақиқа натижа билан чемпион бўлди.

Америкалик Роберт Лежандр ҳам узунликка сакрашда жаҳон рекорди (7 метр 76,5 сантиметр) ўрнатди. Аммо бу кўрсаткич унга фақат бронза медалини келтирди. Чунки жаҳон рекорди узунликка сакровчилар мусобақаларида эмас, балки бешкурашда ўрнатилган эди.

Америка Кўшма Штатлари спортчилари аёнага кўра ҳамшира биринчиликни қўлга киритадиган 100 метрга югуришда ҳам ғолибликни ҳеч кимга бермасликни режалаштирган эдилар. Ахир улар жамоадошларидан бир эмас, икки эмас, тўрт югурувчи финалга йўлланма олган эди. Улар орасида 1922 йилда 100 метр масофада 10,2 секунд ичида (энг қизиғи, инсон зоти бу масофани шунчалик тезликда босиб ўтишга қодир эмас, деган хулоса билан ушбу ўша давр учун афсонавий рекорд қайд қилинмаган) натижа кўрсатган Чарльз Пэддок ҳам бор эди.

Қисқа масофага югурувчи америкаликлар ирим қилиб стартга аввалги мусобақаларда ғолиб чиққанларида устларида бўлган спорт кийимларини ҳам алмаштирмадилар. Чарльз Пэддок эса эринмасдан югуриш йўлакчалари четида бўялмаган ёғочни топиб, уни чертиб ҳам қўйди. Бироқ буларнинг бирортаси америкалик спортчиларга омад келтирмади. Стадионга тўпланган минглаб спорт ихлосмандларининг олқишлари остида марра чизигини инглиз, Кембриж университети толиби Гарольд Абрэгемс биринчи бўлиб кесиб ўтади. Америкалик Шольц Жексон ундан бир ярим қадамча орқада қолади. Янги зеландиялик Артур Поррит учинчи бўлади.

Америкалик Жонни Вайсмюллер 100 ва 400 метр масофага сузишда Олимпиада рекордларини, 4х200 метрга эстафетада жамоадошлари билан жаҳон рекордини ўрнатиб, учта олтин медални қўлга киритди. У кейинги — Амстердам

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ





ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

Олимпиадасида ҳам иккита олтин медалга сазовор бўлган.

Жонни Вайсмюллер жаҳонда (унинг ҳақиқий исми-шарифи Питер Жон эди) бу ғалабаларидан ҳам кўпроқ беқиёс шов-шувларга сабаб бўлган «Тарзан» фильмларида ижро этган бош қаҳрамон роли билан машҳурдир. У 1932 йилдан 1948 йилгача ана шу номли беҳисоб фильмлар туркумида ўрмонда дарахтдан дарахтга сакраб юрвчи инсон-маймун ролини ижро этган. Ана



Боб Бимоннинг узунликка афсонавий сакраши.

шу саргузашт фильмлар жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида намоиш қилинган.

Париж Олимпиадасида 1500 метрга сузиш мусобақаларининг бошланғич босқичидаёқ австралиялик Эндрю Чарлтон Арне Боргнинг жаҳон рекордидан 15 секунд яхши натижа кўрсата олди. Лекин швед дарҳол «яшил қитъа» вакилининг бу кўрсаткичига 9 секунд ўзгартириш киритди. Финалда эса Эндрю Чарлтон ўша вақт учун ақл бовар қилиш қийин бўлган нати-

жани қайд қилди — 20.06,6! Бу жаҳон рекорди бирданига 1,5 дақиқага янгиланди, деган гап эди.

Сузиш бўйича аёллар ўртасидаги мусобақаларда америкалик спортчиларнинг устунлиги яққол эди. Улар мавжуд 5 та олтин медалдан 4 тасини қўлга киритдилар. Фақат инглиз Лаки Мартон 200 метрга брасс усулида сузишда биринчи ўринни эгаллади.

Париж Олимпиадасида от спортида иккитадан олтин медални Швеция ва Голландия чавандозлари қўлга киритдилар. Айниқса, швед Эрнст Линдер ҳамда голландиялик Адольф ван дер Ворт ван Зейннинг чавандозлик маҳоратлари олқишларга сазовор бўлди.

Аввалги Олимпиадаларда тўққизта (учтадан олтин, кумуш ва бронза) медални қўлга киритган швециялик Альфред Сваш бу гал учинчи ўрин билан кифояланган бўлсада, отаси Оскарнинг бундан илгариги учта ўйинларда олган олти (3 та олтин, битта кумуш ва 2 та бронза) медаллари ҳам ҳисобга олинса, улар шу давргача ўтказилган Олимпиадаларнинг энг кўп совриндорлари эканликлари аён бўлади.

Сувга сакрашда америкалик А.Уайт иккита олтин медал соҳиби бўлди. Франциялик қиличбоз Роже Дюкре битта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди. Замонавий бешкурашда шведларга тенг келадиганлар топилмади — Г.Дюрсен, Б.Линдман ва Б.Угла шоҳсупани ўзаро бўлишиб олдилар.

Олимпия футбол турнирида дастлабки марта Жанубий Америка вакиллари иштирок этдилар. 22 жамоа иштирок этган бу мусобақада европаликлар бошида Уругвай футболчиларига менсимайроқ қарашганди. Лекин улар тез орада ўз ўйинлари билан ҳақиқий «чарм тўп» усталари эканликларини моҳирона намоиш этдилар. Уругвайликларнинг зафарона одимлари таҳсинга лойиқ. Улар навбат билан Югославия (7:0), АҚШ (3:0), Франция (5:1) миллий олимпия жамоаларини мағлубиятга учратганларидан сўнг, ярим финалда голландияликлардан ҳам устунликларини (2:1) исботладилар. Олтин медал учун ҳал қилувчи учрашувда уругвайликлар Швейцария жамоасини ҳам 3:0 ҳисобида таслим бўлишга мажбур қилдилар. Швеция футболчиларига учинчи ўрин учун беллашувда голландияликларга қарши икки марта майдонга тушишларига тўғри келди. Биринчи ўйин 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан яқунланганлиги сабабли такрор учрашув ўтказилди. Бу сафар шведлар 3:1 ҳисоби билан ишонарли ғалаба қозондилар.

1924 йилги VIII Олимпиадага қадар норасмий жамоа ҳисоби яқунларини чиқаришда қўлга киритилган медаллар инобатга олинарди. Бунда, энг аввало, ҳар бир давлат спортчиларининг олган олтин медаллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Икки ёки бир неча миллий жамоа аъзолари тенг миқдорда олтин медалларга эга бўлган тақдирдагина улар қўлга киритилган кумуш ва бронза медаллари ҳисобга олинарди. Париж Олимпиадасидан бошлаб эса норасмий жамоа яқунларини чиқаришда ҳам шахсий, ҳам жамоа мусобақаларида спорт турлари бўйича эгалланган дастлабки *олти ўрин* инобатга олинадиган бўлди. Бунда *биринчи ўринга* — 7, *иккинчига* — 5, *учинчига* — 4, *тўртинчига* — 3, *бешинчига* — 2 ва *олтинчи ўринга* — 1 очко берилиши белгилаб қўйилди.

Ана шу тартибда чиқарилган яқунларга кўра умумжамоа ҳисобида Америка Қўшма Штатлари спортчилари яққол устунликларини намоиш этдилар. Улар ҳисобида 625, 55 очко ва 99 (45 та олтин, 27 та кумуш, 27 та бронза) медаль бор эди. Франция миллий терма жамоаси 277,5 очко ва 39 (13 та олтин, 15 та кумуш, 11 та бронза) медаль билан иккинчи, финлар 256,5 очко ва 37 (14 та олтин, 13 та кумуш, 10 та бронза) медаль билан учинчи ўринни эгалладилар.

Париж Олимпиадаси спорт ихлосмандларининг мусобақаларга жуда катта қизиқиш билдирганликлари билан ҳам ажралиб туради. Францияда олимпиадачилар беллашувларини жами 600 мингдан кўпроқ томошабин кузатди. Мусобақаларга чипта сотишдан ташкилотчилар 5,5 миллион франкдан кўпроқ даромад олганликлари маълум. Бунинг салкам 1,9 миллион франкини футбол ўйинлари, 1,5 миллион франкини енгил атлетика мусобақалари, 700 минг франкка яқинини замонавий кўпкураш беллашувлари келтирди.

VIII олимпия ўйинларини кенг тарғиб қилиш мақсадида Францияда «Қишки спорт ҳафталиги»ни ўтказишга қарор қилинди. Халқаро Олимпия Кўмитасининг бу ташаббусини амалга ошириш учун Пьер де Кубертенга бутун ташкилотчилик салоҳиятини, халқаро спорт ҳамжамиятидаги обрўсини ишга солишига тўғри келди. Кўпгина миллий олимпия кўмиталари қишки спорт турлари кўҳна Юнонистондаги олимпия ўйинлари дастурида мавжуд бўлмаганлигини сабаб қилиб кўрсатиб, бундай мусобақаларни ташкил этишга қарши чиқдилар. Скандинавия мамлакатлари эса қишки спорт турлари бўйича ўзлари «Шимол ўйинлари» ўтказиб келишаёт-

ганликларини эслатиб, бундай яна бир халқаро мусобақаларга ҳожат йўқлигини билдиришди.

Бу эътирозларга қарамасдан 1924 йил 25 январь — 4 февраль кунлари Франциянинг Шамони курорт шаҳарчасида бўлажак Париж Олимпиадасига бағишланган қишки спорт ҳафталиги бўлиб ўтди. Унинг тантанали очилишида Франция Бош вазири Гастон Видаль «Мусобақалар Халқаро Олимпия Кўмитаси шафелигида таш-



Олимпиада чемпиони юртдошимиз Галина Шамрай.

кил этилди», деб таъкидлади. Бобслей ва трамплиндан чанғида сакраш мусобақалари ўтказилган жойларда Олимпиада байроқлари кўтарилди. Бу ХОҚга Шамонидаги мусобақаларни бир оз кейинроқ расмий равишда *I қишки Олимпиада*, деб эълон қилиш ҳуқуқини берди.

Қишки спорт ҳафталиги — I қишки Олимпиадада 16 мамлакатдан 293 спортчи, шу жумладан, 13 нафар аёл иштирок этди. Улар спортнинг беш тури — бобслей, чанғи кўшкураши

(чангида югуриш ва трамплиндан сакраш), конькида югуриш, фигурали учиш ва шайбали хоккей бўйича 14 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

500 метр масофага конькида югуришда голиб чиққан Ч.Жутроу қишки Олимпиаданинг биринчи чемпиони ҳисобланади.

Норвегиялик Турлейф Хауг бу мусобақаларнинг ҳақиқий қаҳрамони бўлди. У чангида 18 ва 50 километрга пойга ҳамда чанги кўпкураши (чангида 60 метрлик трамплиндан сакраш ва 18 километрга пойга)да голиб чиқиб, учта олтин медаль соҳиби бўлди. Бутун қишки Олимпиада

швейцарияликларни 33:0, инглизларни 19:2 ҳисобида тор-мор қилдилар.

Норасмий умумжамоа ҳисобида 18 (4 та олтин, 7 тадан кумуш ва бронза) медални қўлга киритган Норвегия олимпиадачилари биринчи ўринни олдилар. Иккинчи ўрин финларга, учинчиси эса америкаликларга тегди.

Париж Тошкентдан анча олисда бўлса-да 1924 йил 8 августда бу ерда ҳам биринчи Бутунтуркистон олимпиадаси тантанали равишда очилди. Ўлка матбуоти уни «Ўлкан жисмоний тарбия байрами», деб баҳолади. Бутунтуркистон олимпиадаси Тошкентдаги Меҳнат саройи



Тўрт карра олимпиада чемпиони Карл Льюис.

тарихида ҳеч ким бу афсонавий чангичи натижасини такрорлай олмаган. Турлейф Хауг биринчи бўлиб «Чанги қироли» унвонига сазовор бўлди.

Канада шарафини ҳимоя қилган 1924 йилги Аллан кубоги соҳиби «Торонто Грэнэйтс» ҳаваскорлар жамоаси шайбали хоккей бўйича олимпия турнирида ҳайратомуз натижани қўлга киритди: рақиблари дарвозасига 110 та шайба (якуний шайбалар ҳисоби — 110:3!) йўллади. Жумладан, улар Чехословакия жамоасини 30:0,

(ҳозирги Сайилгоҳ атрофи) олдида вилоятлар спорт жамоаларининг тантанали юриши билан бошланди. Бунда ҳар бир вилоят спорт жамоасининг 35 спортчидан иборат бўлиши белгилаб қўйилган эди.

Шундан сўнг спортчилар шаҳар стадионига йўл олдилар. Бу ерда олимпиада очиқ, деб эълон қилинганидан сўнг Тошкент ва Самарқанд футбол жамоалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Бу ўйинда тошкентликларнинг қўли баланд келди.

Бир ҳафта давом этган мазкур олимпиадада енгил атлетика, баскетбол, қўл түпи, шахмат бўйича мусобақалар бўлиб ўтди, эркак ва аёл гимнастикачиларнинг кўргазмали чиқишлари уюштирилди. Жумладан, аёллар ўртасидаги эстафетада Сирдарё вилояти спортчилари голиб чиққанликлари маълум. Шахмат бўйича мусобақалар саралаш босқичида 24 шахматчи икки гуруҳга бўлиниб куч синашган. Ҳар гуруҳдан дастлабки тўрт ўринни эгаллаган шахматчилар олимпиаданинг финал босқичида чемпионлик учун кураш олиб борганлар. 11 имкониятдан 10 очко тўплаган Бердиев голиб чиққан. Генкузен 9,5 очко билан иккинчи, Лихтенштейн 8 очко билан учинчи ўринни эгаллаганлар.

Олимпиаданинг футбол турнирида Фаргона футболчилари самарқандликларни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратганлар, сирдарёликлар билан эса дуранг — 2:2 натижага эришганлар.

Ўлкада баъзи спорт турлари эндигина оммалаша бошланганлиги газеталарда қўл түпи ўйинига изоҳ берилиб, «У футболдан тўп қўл билан ўйналиши билан ажралиб туради», деб қайд этилганлиги кўрсатиб турибди.

Бутунтуркистон олимпиадаси нуфузини ошириш учун бошқа жойлардан номдор спортчилар таклиф этилган. Хусусан, енгил атлетика бўйича Россия чемпиони Владимиров 3000 метрга югуришда иштирок этган. Оренбурглик Бусигин Тошкентда диск улоқтиришда 34 метр 60 сантиметр натижа кўрсатган. Таққослаш учун америкалик Кларенс Хаузерга Париж Олимпиадасида голиб чиқиш учун дискни 46 метр 15 сантиметрга улоқтиришга тўғри келганлигини келтириш мумкин.

1924 йил июлида ўлкада спортни кенг тарғиб этиш мақсадида «Физкультурный Туркестан» журналининг биринчи сони ҳам чиқди.

ЭРКАКЛАР БИЛАН БАРОБАР

1928 йил 17 май, Амстердам. Голландия меъмори Ян Вилс томонидан стадионда махсус ўрнатиш учун лойиҳалаштирилган улкан идишда IX Олимпиада машғаласи ёндирилди. У Юнонистоннинг муқаддас Олимп тоғи ёнбағрида махсус кўзгу ёрдамида қуёшдан ёндирилган машғаладан ўт олдирилди.

Ушбу анъана ҳам замонавий олимпия ҳаракати асосчиси Пьер де Кубертен ғоясидир. Муқаддас Олимпия шаҳридаги Гера мақбараси ёнида олимпия машғаласини ўт олдириш маросими йилдан-йилга такомиллаштирилиб, жуда жозибали театрлаштирилган томошага айлантирилди. Минглаб йиллар аввалги кўҳна тарихни жонлантирадиган ана шу спектаклда бош роль — машғалани кўзгудан ўт олдиришни антик давр либосларидаги қизлар қуршовидаги Грециянинг буюк актрисаси, кейинчалик эса Маданият вазири вазифасида ишлаган Мелина Меркури бажариб келди.

Бу сафарги Ўйинлар бирмунча оддийроқ тарзда ўтди. Энг аввало, умуман навбатдаги Олимпиадани ўтказишга Амстердамдан бошқа ҳеч ким даъвогарлик қилмаганлигини таъкидлаш керак. Бу Олимпиадалар тарихида биринчи марта рўй берди. Шу билан бирга Голландиядаги мусобақалар қўлами, уларда кўрсатилган натижалар олдингилардан анча юқори бўлганлиги

билан сифат жиҳатдан ажралиб туришини таъкидламаслик адолатдан эмаслигини ҳам эслатиш даркор.

1928 йил 28 июлдан 12 августгача давом этган олимпия ўйинлари голиблиги учун 46 мамлакатнинг 3014 нафар спортчиси, шу жумладан, 290 аёл кураш олиб борди. Улар сафида биринчи марта Мальта, Панама, Родезия мамлакатлари миллий терма жамоалари аъзолари бор эди. Ун икки йиллик бойкотдан сўнг Германия спортчиларига яна олимпия оиласидан жой берилди. Бу давлат Амстердамга жуда йирик — 200 нафардан ортиқ спортчидан иборат делегация юборди.

IX олимпия ўйинлари дастуридан эркаклар ўртасида бокс, эркин ва юнон-рим кураши, велоспорт, сув полоси, спорт гимнастикаси, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли қайиқларда мусобақалар, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей, аёллар ўртасида сузиш, сувга сакраш ва қиличбозлик ўрин олган эди.

Амстердамда биринчи бор аёллар енгил атлетика мусобақаларида (100 ва 800 метрга югуриш, 4x100 метрга эстафета, баландликка сакраш, диск улоқтириш) қатнашиш имконига эга бўлдilar. Шуни таъкидлаш керакки, аёлларнинг Ўйинларда кенг иштирок этиш ҳуқуқини қўлга

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

киритишлари осонликча кечмаган. Ташкилотчилар, ажабланарлиси Халқаро Олимпия Қўмитаси ҳам, аёлларнинг спорт мусобақаларида қатнашишларига унчалик рўйхушлик билдирмасдилар. Ҳатто Пьер де Кубертен ҳам (у жиддий бетоб бўлиб қолганлиги сабабли Амстердамдаги олимпия ўйинларида биринчи марта иштирок эта олмади) аёллар спортига нисбатан машҳур тўртта инкор — «амалий эмас», «қизиқ эмас», «кўркем эмас», «одобдан эмас» фикрида қаттиқ турар эди.

Шу сабабли аёллар ўртасида спорт гимнастикасига ҳам биринчи марта Амстердам Олимпиадаси мусобақалари дастурида ўрин берилди.

Голландиядаги беллашувлар аёллар спортига ўғай кўз билан қарашлар асоссиз эканлигини тўла тасдиқлади. Спортчи қизлар енгил атлетика

дастуридан ўрин олган барча турларда жаҳон рекордлари ўрнатдилар. 100 метрга югуришда 16 ёшли америкалик мактаб ўқувчиси Элизабет Робинсон голиб чиқди. Канадалик Этель Кэтервуд баландликка сакрашда, унинг жамоадош дугоналари эстафетада олтин медалларга сазовор бўлишди. Германиялик Каролина Радке 800 метр масофага югуришда биринчиликни қўлга киритди. Афсуски, бу чемпион маррага етиб келганидан сўнг ҳушидан кетганлиги учун аёллар ўртасида енгил атлетиканинг бу тури кейинги ўйинларда мусобақалар дастуридан чиқариб ташланди ва фақат 1960 йилдаги Рим Олимпиадасида қайта тикланди.

Умуман олганда енгил атлетика мусобақаларида яна Америка Қўшма Штатлари спортчилари устунликлари сезилиб турди. Уларнинг 25

Спортнинг олимпия турлари

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Енгил атлетика — юриш, югуриш, сакраш (узунликка, баландликка, уч ҳатлаб, лангарчўп билан), улоқтириш (диск, найза, молот)ни ҳамда енгил атлетика кўпкурашларини мужассамлаштирган спорт туридир.

Енгил атлетика бўйича биринчи спорт мусобақалари 1837 йилда Англиянинг Регби шаҳри коллежи ўқувчилари ўртасида ўтказилган. Улар 2 километр масофага югуришда баҳслашганлар. 1865 йилда Лондонда биринчи атлетика клуби ташкил этилиб, у дастлабки марта енгил атлетика бўйича Англия биринчилигини ўтказган.

Халқаро ҳаваскор енгил атлетика федерацияси — ИААФга 1912 йилда асос солинган. Бугунги кунда ИААФ 211 та миллий енгил атлетика федерацияларини бирлаштиради.

Енгил атлетика олимпия ўйинлари дастурида 1896 йилдан I Олимпиадада енгил атлетиканинг 12 тури бўйича мусобақалар ўтказилган. Олимпия ўйинларида аёллар ўртасида енгил атлетика мусобақалари 1928 йилдан бошлаб ўтказилади.

Олимпия ўйинлари дастуридаги енгил атлетика бўйича мусобақаларда Халқаро Олимпия Қўмитаси ҳамда Миллий олимпия қўмитаси нормативларини бажарган спортчилар қатнаша оладилар.

Ҳозирги вақтда олимпия ўйинларида енгил атлетиканинг қуйидаги турлари бўйича мусобақалар ўтказилади:

Эркаклар ўртасида: 100, 200, 400, 800, 1500, 5000, 10000 метрга югуриш, 20 ва 50 километрга спортча юриш, 110 ва 400 метрга тўсиқлар оша, тўсиқли 3000 метрга югуриш, 4x100 ва 4x400 метрга эстафета, марафон, узунликка ва баландликка, уч ҳатлаб, лангарчўп билан баландликка сакраш, найза, диск, ядро ва молот улоқтириш, ўнкураш.

Аёллар ўртасида: 100, 200, 400, 800, 1500, 5000, 10000 метрга югуриш, 20 километрга спортча юриш, 100 ва 400 метрга тўсиқлар оша югуриш, 4x100 ва 4x400 метрга эстафета, марафон, узунликка ва баландликка, уч ҳатлаб, лангарчўп билан баландликка сакраш, найза, диск, ядро ва молот улоқтириш, еттикураш.

Ўзбекистонда расмий енгил атлетика мусобақалари XX аср иккинчи ўн йиллигидан бошлаб ўтказила бошланган. 1922 йилдан енгил атлетика бўйича рекордлар расмий қайд қилинадиган бўлган. Югуриш, сакраш, эстафеталар, снарядлар улоқтириш, кўпкурашлар барча Умумўзбекистон, Ўрта Осиё спартакиадалари дастурларидан ўрин олган. Ўзбекистонлик енгил атлетикачилардан Марина Шмоница, Тамара ва Ирина Пресс олимпия ўйинлари чемпионлари ва совриндорларидир. Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси ИААФ аъзосидир.

та — 9 та олтин, 8 та кумуш ва 8 та бронза медални қўлга киритганликлари ҳам бунинг далолатидир. Фин олимпиадачилари бештадан олтин ва кумуш, 4 та бронза медаль соҳиби бўлдилар.

Узоқ масофаларга югуришда асосий кураш яна финлар Пааво Нурми ва Вилле Ритола ҳамда швед Эдвин Виде ўртасида кечди. Агар 5000 метрга югуришда маррага биринчи бўлиб Ритола, иккинчи — Нурми келган бўлса, 10000 метр масофада улар ўрин алмашдилар. Нурми бу масофада яна олимпия рекорди (30.18,8 дақиқа) ўрнатди. Ритола ундан атиги 0,6 секунд орқада қолди. Пааво ўзининг медаллар шодасига 3000 метрга тўсиқли жойда югуришда олган кумуш медалини ҳам қўшиб қўйди. Швед Видега эса иккита бронза медаль билан чегараланишига тўғри келди.

Енгил атлетика бўйича мусобақалар Канада, Буюк Британия, Швеция, Франция, Япония спортчилари маҳорати ҳам тобора ортиб бораётганлигини кўрсатди. Бу давлатларнинг вакиллари ҳам фахрий шоҳсупадан ўрин топилди.

Гимнастика бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақаларда Швейцария спортчиларининг устунлиги яққол сезилиб турди. Улар спортнинг бу турида 7 та олтин медалдан 5 тасини қўлга киритдилар. Аёллар ўртасида эса голландиялик гимнастикачилар ўз маҳоратларини намоиш этиб, жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Амстердам Олимпиадасида велопойгачилар 7 та олтин медаль учун кураш олиб бордилар. 168 километрга пойгада шахсий ҳисобда даниялик Х.Хансен, жамоа ҳисобида ҳам унинг ватандошлари маррага биринчи бўлиб етиб келдилар. Яна бир даниялик В.Фальк-Хансен жойидан 1000 метрга гитда энг юқори натижа кўрсатди. Фақат 1000 метрга тезлик учун пойгадагина француз Р.Бофран улардан устун келиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Голландия велосипедчилари жамоаси тандемда, италияликлар эса таъқиб қилиш пойгасида ғалаба қозондилар.

17 та миллий терма жамоа иштирок этган олимпия футбол турнирида уругвайликлар иккинчи бор зафар қучдилар. Улар олтин медаль учун курашда навбат билан голландияликлар (2:0), немислар (4:1), италияликларни (3:2) мағлубиятга учратдилар. Финалда Жанубий Американинг икки жамоаси учрашди. Уругвайликларга Аргентина олимпия терма жамоаси қаршилигини синдириш учун икки учрашув (1:1 ва 2:1) ўтказишга тўғри келди. Учинчи ўрин учун беллашувда италияликлар Миср футбол-

чиларини 11:3 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Ҳиндистон спортчилари эса биринчи марта Ўйинлар дастуридан ўрин олган чим устида хоккейда уларга тенг келадиганлар йўқлигини ёрқин намоиш қилдилар. Улар спортнинг бу турида иштирок этган саккиз жамоанинг барчасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратибгина қолмасдан, ўз дарвозаларидан бирорта ҳам тўп ўтказиб юбормадилар. Барча учрашувлар натижаси — 29:0! Ҳиндистоннинг чим устида хоккей жамоаси кейинги бир қанча олимпия ўйинлари давомида ҳам чемпионликни ҳеч кимга беришмади.

Норасмий жамоа ҳисобида яна Америка Қўшма Штатлари спортчилари ҳаммадан кўп 63 та (25 та олтин, 17 та кумуш ва 21 та бронза) медаль соҳиби бўлдилар.

Швейцариянинг Санкт-Мориц курорт шаҳарчасида эса 1928 йил 11—19 февраль кунлари II қишки Олимпиада бўлиб ўтди. Унда 25 мамлакатдан 491 спортчи, шу жумладан, 27 аёл қатнашди. Улар спортнинг олти спорт турида 13 та медаллар шодаси учун беллашдилар.

Чанги спортида норвегияликлар 4 олтин медалдан учтасини қўлга киритган бўлсалар, фин К.Тунберг 500 ва 1500 метрга конькида югуришда қўш ғалабага эришди.

Фигурали учишда норвегиялик Соня Хени муваффақияти эътиборга сазовордир. У Санкт-Морицдаги ғалабасидан ташқари 1932, 1936 йиллардаги кейинги икки қишки Олимпиадада ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, биринчи бўлиб уч карра Олимпиада чемпиони шарафли унвонига сазовор бўлган.

Шайбали хоккей бўйича олимпия турнирида яна канадаликларга тенг келадиганлар топилмади. Уларнинг рақиблари бўлган жамоалар бу давлат шарафини ҳимоя қилган Аллан кубоги соҳиблари — «Торонто Варсити Грейдс» клуби дарвозасига бирорта ҳам шайба кирита олишмади. Канадаликлар шведларни 11:0, швейцариялик хоккейчиларни 13:0, Буюк Британия жамоасини эса 14:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

II қишки Олимпиадада умумжамоа ҳисобида 93 очко ва 15 (5 тадан олтин, кумуш ва бронза) медални қўлга киритган Норвегия спортчилари пешқадамлик қилдилар. Америкаликлар иккинчи, шведлар учинчи ўрин билан чекланишди.

Бу даврга келиб Тошкентда спортнинг енгил ва огир атлетика, гимнастика, қиличбозлик ка-

би турлари оммалашиб борарди. Футбол, баскетбол, волейбол, теннис ва шахмат бўйича шаҳар биринчиликлари ўтказиларди. Француз бокси (қўл ва оёқ билан рақибига зарба бериш) бўйича кўргазмали чиқишлар уюштирилди.

1927 йил 30 сентябрида биринчи Бутунўзбек спартакиадаси очилди. Унда 329 нафар, шу жумладан, 107 та маҳаллий миллатга мансуб спортчи қатнашди. Мусобақаларда бир қатор юқори натижалар кўрсатилди. Н.Овсянников 1 метр 77 сантиметр баландликка сакраб рекорд ўрнатди. Унинг 110 метрга тўсиқлар оша югуришда кўрсатган 17 секунд, уч ҳатлаб сакрашдаги 13 метр 30 сантиметр натижалари ҳам юқори эди. Бу спартакиадада Николаев 100 метрга югуришда 11,2 секунд натижа кўрсатди.

1928 йил июлида иккинчи Бутунўзбек спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Н.Овсянников 1 метр 78 сантиметр баландликка сакраб, ўз рекордини янгилашга муваффақ бўлди. Уч ҳатлаб сакрашда эса янги рекорд ўрнатди — 13 метр 50,7 сантиметр. У 1928 йилда ўтказилган биринчи бутуниттифоқ спартакиадасида 110 метрга тўсиқлар оша югуришда иккинчи, уч ҳатлаб сакрашда учинчи ўринларни олди. Яна бир ўзбекистонлик Тикунова дискни 25 метр 33 сантиметр узунликка улоқтириб, спартакиаданинг кумуш совриндори бўлди. Собиқ Иттифоқ миқёсидаги бу мусобақаларда ўзбек кураши бўйича кўргазмали беллашувлар ҳам ўтказилди.

193 спортчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бу мусобақаларда муваффақиятли қатнашдилар. Улар умумжамоа ҳисобида 17 жамоа ўртасида Кавказорти республикаси билан тўртинчи-бешинчи ўринларни бўлишиб олдилар. Спорт гимнастикаси бўйича биринчи спартакиада мутлақ чемпиони тошкентлик ҳарбий хизматчи Е.Мурашко бўлди. Тошкентлик Н.Овсянников эса 110 метрга тўсиқлар оша югуришда спартакиада чемпиони бўлди. Умуман спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси спартакиадада иккинчи, енгил атлетикачиларимиз эса тўртинчи ўринни олдилар.

Ўзбекистон турли ҳудудларида жисмоний тарбия байрамларини ўтказиш урф бўла бошла-

ди. Масалан, 1928 йилда Қўқонда биринчи миллий жисмоний тарбия байрами ўтказилди. Унда енгил атлетика мусобақалари билан бирга миллий кураш беллашувлари, улоқ бўлиб ўтди.

Тошкентда эса бундай жисмоний тарбия байрамларини баҳорда ўтказиш анъанаси пайдо бўлди. Хусусан, 1929 йил 26 апрелдан 15 майгача ўтказилган ана шундай баҳорги жисмоний тарбия байрамида меҳнат жамоалари, талаба ёшлар, ҳарбийлар ўртасида спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтган. Тошкент циркида таниқли спортчилар бокс, оғир атлетика, қиличбозлик, гимнастика бўйича кўргазмали чиқишларда иштирок этганлар. Бўзсувда эса эшкак эшиш бўйича мусобақалар ўтказилган.

Худди шу вақтда Эски шаҳарда янги стадион тантанали очилди. Бу ерда спортнинг бошқа турлари қатори ўзбек миллий кураши бўйича кўргазмали беллашувлар ўтказилди. *«Ўзбек миллий кураши мусобақалари стадионга тўпланганларда жуда катта қизиқиш уйғотди»*, деб қайд қилинади республиканинг шу вақтдаги газеталарида.

Ўзбекистон спорт жамоалари бошқа республикалар спортчилари билан мунтазам ўртоқлик учрашувлари ҳам ўтказа бошладилар. 1929 йилда Кавказорти футболчилари Тошкентга келиб, қатор учрашувлар ўтказдилар. Улар шаҳарнинг иккинчи терма жамоаси ва Андижон футболчилари устидан осонликча йирик ҳисобда ғалабага эришдилар. Аммо Тошкентнинг биринчи терма жамоаси кавказлик футболчиларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мезбонлар киритган учала тўп муаллифи Алексей Пичкурин бўлган. Кавказорти терма жамоаси бундай натижани кутмаганликлари учун тошкентликлар билан олдиндан режада кўзда қўтилмаган «ўч олиш ўйини» (матч-реванш) ўтказишни сўраганлар. Аммо такрорий ўйинда ҳам улар майдон эгалари қаршиликларини синдира олмаганлар. Учрашувда дуранг — 2:2 ҳисоби қайд қилинган.

Шу йили Москва футболчилари ҳам Ўзбекистонда маҳаллий жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун келганлар.

РЕКОРДЛАР «ЁМФИРИ»

Х олимпия ўйинлари мезбони — АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳри жаҳон спорти байрами ҳар қачонгидан ҳам муваффақиятли ўтиши учун жуда пухта тайёргарлик кўрди. Бу ерда 1923 йилда кўҳна юнонлар меъморчилиги усулида қурилган «Колизей» стадиони тубдан қайта тикланди. Бу Олимпиада спорт мажмуасида футбол майдони билан бир қаторда, шунингдек, сузиш ҳавзаси, Ўйинлар дастурига киритилган кўпгина спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиладиган иншоотлар мавжуд эди.

Лос-Анжелесда олимпия қишлоғи тушунчаси ҳам муомалага киритилди. Бу ерда спортчилар яшашлари учун муваққат, йиғма 700 та уй ва жамоат марказидан иборат махсус олимпия қишлоғи ташкил этилди. Эшкак эшувчиларга Лонг-Бич сунъий канали, велосипедчиларга эса Лос-Анжелес яқинидаги Пассаден шаҳарчасида трек қурилди.

1932 йил 30 июлда «Колизей» стадиони 105 минг томошабин билан лиқ тўлди. Лос-Анжелес Олимпиадасининг тантанали очилишида ҳозир бўлганлар сони 1896 йилги Афина Ўйинлари рекорд даражасидан ортиб кетди. Томошабинлар билан бирга 38 мамлакатнинг 1408 спортчи, шу жумладан, 127 аёл бу спортни жуда ёрқин тарғиб этган улкан ва унутилмас байрамнинг гувоҳи бўлдилар. Ўйинларга биринчи бор Хитой ва Колумбия спортчилари ташриф буюрдилар.

Лос-Анжелесдаги мусобақалар иштирокчиларининг аввалги Олимпиадага қараганда нисбатан кам сонлиги эса кўпгина миллий олимпия қўмиталарининг океан ортига сафар харажатлари қимматлиги сабабли ўз спорт делегациялари таркибини кескин қисқартиришга мажбур бўлганликлари билан изоҳланади. Жумладан, Италия жамоаси таркиби 104, Германия — 92, Буюк Британия — 73 спортчидан иборат эди, холос. Фақат АҚШ жамоаси аъзолари 285 нафарни ташкил этарди.

Мусобақаларда кўрсатилган натижалар спортчилар маҳорати тобора ортаётганлигидан яққол далолат берарди. Лос-Анжелесда чинакамига рекордлар «ёмфири» кузатилди. Бу ердаги спорт майдонларида 116 та олимпия рекорди ўрнатилди, уларнинг 21 таси жаҳон рекордидан

юқори эди. Фақат аёллар 13 та олимпия, шу жумладан, 7 та жаҳон рекорди ўрнатдилар.

Халқаро Олимпия Қўмитаси Ўйинларда иштирок этаётган спортчилар ҳаваскорлик мақомига тўла-тўқис жавоб беришларини қатъий назорат қилиб борарди. ХОҚ белгилаб қўйган қоидаларга риоя этилмаганда айбланиб, ҳатто тўққиз карра Олимпиада чемпиони афсонавий Пааво Нурмига ҳам Лос-Анжелес мусобақаларида иштирок этишга ижозат берилмади. Финляндия Миллий олимпия қўмитаси уни марафонда иштирок этадиган спортчилар рўйхатига киритган эди. Бироқ Халқаро Олимпия Қўмитаси Пааво Нурми ҳаваскорлар мақомига зид келадиган мусобақаларда иштирок этганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга эди.

Худди шу сабаб билан 1500 метрга югуришда голибликка асосий даъвогар ҳисобланган Жюль Лядумегнинг Олимпиадада иштирок этиши тақиқланди. Франция енгил атлетика федерацияси узоқ вақт давомида бу спортчининг турли тижорат мусобақаларида ҳар хил моллар рекламасида қатнашаётганлигини яшириб келарди.

Енгил атлетикачилар Лос-Анжелесда 54 та олимпия, шу жумладан, 8 та жаҳон рекорди ўрнатдилар. Уларнинг «Колизей» стадионида ўтказилган мусобақаларида 100 ва 200 метрга югуришда америкалик Эдди Тоулен қўш ғалабага эришди. Аслида 200 метрга югуришда олтин медаль бу қора танли спортчининг жамоадоши Ральф Мэткелфга тегиши керак эди. Бироқ ҳакамлар югуриш йўлакчаларидаги масофани нотўғри белгилашлари оқибатида Ральф аслида 200 ўрнига қўшимча яна 2 метр масофани босиб ўтгандан кейингина марра чизигини кесиб ўтди.

Умуман ушбу мусобақаларда ҳакамлар шу қадар кўп чалкашликларга йўл қўйдиларки, журналистлар Лос-Анжелес Ўйинларини муайян даражада асосли ҳолда «Ҳакамлар хатолари Олимпиадаси», деб аташди. Масалан, 3000 метрга югуриш финалида енгил атлетика бўйича барча мусобақалар тарихида ягона, ақл бовар қилиши қийин хатоликка йўл қўйилди. Стадионда спортчиларнинг югуриш йўлкаларидан неча марта айланиб ўтаётганликларини ҳисоблаб турган ҳакам нима учундир ўз жойини тарк эт-

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

ганлиги сабабли энгил атлетикачиларга белги-ланган масофага қўшимча деярли яна салкам ярим километр — жами 3450 метрни босиб ўтишларига тўғри келди.

Франциялик диск улоқтирувчи Поль Винтер билан рўй берган воқеа ҳам ажабланарлидир. У дискни 50 метрдан ҳам кўпроқ масофага улоқтиришга муваффақ бўлди. Лекин ҳакамлар спортчининг жаҳон рекорди кўрсаткичидан юқори бўлган натижасини кўрмай қолиб (!) унга дискни қайтадан улоқтиришни айтдилар. Аммо Винтер иккинчи бор бундай юксак натижа кўрсата олмади. Натижада олтин медаль дискни 49 метр 49 сантиметрга улоқтирган америкалик Жон Андерсонга берилди. Бу олимпия рекорди бўлсада, французнинг ҳакамлар айби билан ҳисобга олинмаган натижасидан ярим метр кам эди.

Ўйинлар дастуридаги 10000 метрга югуриш, айниқса, ҳаяжонли кечди. Бу масофага югуришга старт берилиши билан дарҳол олдинга финларнинг жуда кучли спортчилари Вольмари Исо-Холло ва Лаури Виртанен ҳамда поляк Януш Кусочинский чиқиб олдилар. Асосий кураш Исо-Холло ва Кусочинский ўртасида бо-

рарди. Маррага 200 метрча қолганда полякнинг дадил олдинга ташланиши мусобақа голибини аниқлаб берди.

Януш Кусочинский 5000 метрга югуришда иккинчи олтин медални ҳам қўлга киритишни режалаганди. Бироқ аввалги мусобақада оёғидан лат еганлиги сабабли бу орзуси амалга ошмай қолди. Бу энгил атлетикачининг тақдири фожиалидир. У бир неча йил даволангандан сўнг 1939 йилда яна югуриш йўлакчасига қайтиб, ёпиқ бинода 2000 метрга ҳамда 5000 метрга югуришда Польша рекордини янгилайди. Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг ватани ҳимоячилари сафидан жой олади. Жанглarda икки марта яраланади, кейин фашистлар қўлига тушиб, отиб ташланади. 1954 йилдан Польшада Януш Кусочинский хотирасига бағишлаб халқаро энгил атлетика мусобақалари ўтказила бошланди.

Лос-Анжелес Олимпиадасида найза улоқтирувчилар ҳам юксак натижалари билан спорт ихлосмандларининг олқишларига сазовор бўлдилар. Германия вакили Вейман дарҳол 68 метр 18 сантиметр — олимпия рекордидан 2 сантиметр юқори натижа кўрсатади. Лекин бу рекорд-



Спортнинг олимпия турлари

ЮНОН-РИМ КУРАШИ

Юнон-рим кураши — спортнинг яккакураш тури. Антик давр олимпия ўйинлари дастурига югуришдан кейин киритилган спорт тури. Кўхна Юнонистонда кураш пентатлон — бешкураш таркибига югуриш, найза ва диск улоқтириш, сакраш билан биргаликда кириб, унинг энг жозибали тури ҳисобланарди. Сўнг кураш мушт жанги билан қўшилиб, панкратион — умумкураш таркибидан ўрин олди.

Юнонларнинг Олимпиада мусобақаларига қизиқишлари шу қадар кучайиб кетган эдики, улар учун профессионал югурувчи ва сакровчилар, найза ва диск улоқтирувчилар иштирокида пуллик кўнгилочар томошалар ташкил этила бошланди. Бу томошаларнинг энг қизиқарлиси полвонлар беллашуви бўлиб, улар махсус мактабларда тайёрланарди. Полвонлар ўртасидаги мусобақа голибларининг шон-шўхрати ҳозирги эстрада юлдузлариникидан кам эмасди.

Кураш Римда ҳам машҳур бўлиб, цирк томошаларида мушт жанги билан қўшилган ҳолда ўтказиларди. Гладияторлар жанглирида эса курашчилар рақиблари билан курол-яроғда беллашардилар.

IV аср охирида император Феодисий I олимпия ўйинлари, умуман спорт мусобақалари ўтказишни тақққлаб қўйганлигига қарамасдан ўша давр одамлари жазоланиш хавфи остида ҳам кураш билан шуғулланишни, ўзаро беллашувлар ўтказишни давом эттирганлар.

XVIII асрнинг охири XIX аср бошларида Европада замонавий юнон-рим кураши тарқала бошланди. Унинг асосий қоидалари Францияда ишлаб чиқилди, у бу мамлакат шаҳарларида ҳам, қишлоқларида ҳам жуда оммалашиб кетди. Аввал Франция шаҳарлари, кейин эса жаҳон биринчиликлари ҳам ўтказила бошланди. Юнон-рим кураши бу вақтда француз кураши номини олганди.

Француз курашидан кўнгилочар томоша сифатида фойдалана бошланди, полвонлар кучма циркларда, турли сайиллар, байрамларда кураш тушардилар. 1848 йилда Парижда курашчилар учун биринчи бино барпо этилди. Бу

нинг умри беш дақиқага ҳам етмади. Фин Матти Ярвинен найзани биринчи бор улоқтиришдаёқ 70 метрдан кўпроқ натижа кўрсатади. У ҳар сафар найзани янада узокроққа — 70, 42 метр, 71, 25, сўнг 72, 71 метрга улоқтиради. Олимпиада чемпиони Матти Ярвиненнинг бу ҳайратомуз рекорди шарафига Хельсинкининг олимпия стадионида 72 метр 71 сантиметр баландликда минора ўрнатилди. Унинг бу рекорди 20 йил давомида дахлсиз турди.

Енгил атлетика бўйича аёллар ўртасидаги мусобақаларда АҚШ спортчилари деярли ҳамма олтин медалларни қўлга киритдилар. Фақат 100 метрга югуришда польшалик Станислава Валасевич 11,8 секундлик жаҳон рекорди билан голиб чиқди. Бу енгил атлетикачининг спортдаги узоқ умрлигига ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Станислава 1948 йилдаги XIV олимпия ўйинларида ҳам 100 ва 220 ярдга югуриш, узунликка сакрашда олтин медаллар шодаси соҳибаси бўлди. Спортчи аёл, ҳатто қирқ ёшдан ортганида ҳам энг нуфузли халқаро мусобақаларда пешқадамликни қўлдан бермаган.

Шундай бўлса-да америкалик 18 ёшли Милред Дидриксон Лос-Анжелес Олимпиадасининг

ҳақиқий қаҳрамони ҳисобланади. У 80 метрга тўсиқлар оша югуришда ва найза улоқтиришда Олимпиада чемпиони бўлди.

Сузиш бўйича мусобақаларда учта жаҳон ва 36 та олимпия рекорди ўрнатилди. Мусобақалар дастуридаги олтига олтин медалдан бештасини қўлга киритган япон сузувчиларининг натижалари кўпчиликни лол қолдирди.

Ҳолбуки, бу жамоа жуда ёш спортчилардан иборат эди. Масалан, 100 метрга эркин усулда сузишда чемпион бўлган Ясуйи Миязани ўн беш, 1500 метрга сузишда голиб чиққан Кусуо Китауреа атиги ўн тўрт ёшда эди.

Бокс бўйича мусобақаларда мезбонлар ўз ус-тунликларини тўлиқ намоиш этишга муваффақ бўлдилар. Фақат венгр И.Энекеш энг енгил вазнда америкаликларнинг рингдаги узлуксиз ғалабаларини тўхтата олиб, бошқа мамлакатлар вакиллари орасида ягона олтин медалга сазовор бўлди.

Лос-Анжелесдаги Ўйинлар вақтида кўпгина янгиларни жорий этишга киришилди. Мусобақа голибларига мукофотлар топшириш учун илк бор махсус фахрий шоҳсупа ўрнатилди. Журналистлар эса Олимпиада мусобақалари



ерда ўтказиладиган мусобақаларда Германия, Италия, Туркия, Россия бошқа мамлакатлар полвонлари ҳам иштирок этадиган бўлдилар. Бу мамлакатларда ҳам кураш заллари қурилди, мусобақалар ташкил этила бошланди. Француз кураши бўйича халқаро мусобақалар XX аср бошларида Тошкентда ҳам ўтказилган.

Шу сабабларга кўра ўша йиллари француз кураши асосан Европада, эркин кураш эса Америка ва Осиё қитъаларида оммалашган эди.

Халқаро Олимпия Кўмитаси спортнинг бу турига халқаро мақом бериш мақсадида I олимпия ўйинлари мусобақалари дастурига уни юнон-рим кураши (собиқ Иттифоқда узоқ йиллар уни классик кураш деб аташган) номи билан киритди. Бу Афина Олимпиадасида спортнинг мазкур турида 5 нафар (Грециядан иккита, Германия, Венгрия, Буюк Британиядан биттадан) курашчи иштирок этган.

Юнон-рим кураши 1900 йилги II ва 1904 йилги III Олимпиадалардан ташқари барча Ўйинлар мусобақалари дастуридан ўрин олган. 1906 йилга қадар курашчилар вазн тоифаларига бўлинмаган. 1906 йилдан уч, 1908 йилдан тўрт, 1912 йилдан беш, 1924 йилдан олти, 1937 йилдан етти, 1972 йилдан ўн вазн тоифаси жорий этилган.

Халқаро ҳаваскор кураш федерацияси — ФИЛА 1912 йилда ташкил топган. У 153 та миллий федерацияни бирлаштиради.

1997 йилдан юнон-рим курашида 8 та вазн тоифаси мавжуд: 48—54, 54—58, 58—63, 63—69, 69—76, 76—85, 85—97, 97—130 килограмм.

Юнон-рим кураши Ўзбекистонда XX аср бошидан ривожлана бошлади. Бу вақтда Тошкентда профессионал курашчилар ўртасида халқаро мусобақалар ўтказилган. Спортнинг бу турида Рустам Казаков ўзбекистонлик биринчи Олимпиада чемпиони. 2004 йилги Афина Олимпиадасида Александр Доктурашвили ҳам олтин медаль соҳиб бўлди.

Ўзбекистон юнон-рим кураши федерацияси — ФИЛА аъзосидир. 2000 йилда Ўзбекистон спорт кураши ассоциацияси президенти А.Рузиев Халқаро ҳаваскор кураш федерацияси — ФИЛА Бюроси аъзоси этиб сайланган.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

тўғрисидаги материалларини телетайп орқали таҳририятларига тезкорлик билан узатиш имкониятига эга бўдилар.

Учинчи қишки Олимпиада ҳам АҚШда, Лейк-Плэсидда 1932 йил 4—13 февралда бўлиб ўтди. Унда 17 мамлакатдан 306 спортчи, шу жумладан, 32 аёл иштирок этди. Уларнинг тенг ярми — 150 нафари АҚШ ва Канада вакиллари эди.

талабини қўйиб, бунга ҳаммани қўндира олди. Бу билан мезбонлар спортнинг конькида югуриш бўйича ўз вакилларига қулай шароит яратиб берди.

Қолбуки, қишки Олимпиададан атиги бир неча кун кейин худди шу Лейк-Плэсидда бўлиб ўтган конькида югуриш бўйича жаҳон чемпионатида мутлақо бошқача манзара кузатилди. Халқаро қоидаларга биноан ўтказилган бу жа-



Икки карра Олимпиада чемпиони Валерий Борзов.



«Фосбери флор» муаллифи Ричард Фосбери.

Бу сафар қишки спортнинг 5 тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Конькида югуришда барча олтин медалларни америкалик спортчилар ўзаро бўлишиб олдилар. Бироқ бу уларнинг спортнинг мазкур туридаги мутлақ устунликлари ифодаси эмасди. АҚШ конькида югуриш мусобақаларини шу вақтгача қўлланиб келинган халқаро қоидалар асосида эмас, балки Америкада қабул қилинган, барча спортчиларга умумий старт бериладиган тартибга мувофиқ тарзда ўтказилиши

ҳон биринчилигида Скандинавия давлатлари спортчилари энг тезкор эканликларини намоён этиб, ғолибликни қўлга киритдилар.

Қишки Олимпиада дастуридаги чанғи спортида чемпионлик Финляндия (уч карра) ҳамда Норвегия ва Швеция (икки мартадан) спортчиларига насиб этди.

Атиги тўртта жамоа иштирок этган шайбали хоккей бўйича мусобақаларда канадаликлар навбатдаги ғалабага эришдилар.



Норасмий жамоа ҳисобида АҚШ 85 очко ва 12 та (6 та олтин, 4 та кумуш, 2 та бронза) медаль билан биринчи ўринни эгаллади. Норвегия олимпиадачилари бу сафар иккинчи, канадаликлар эса учинчи ўрин билан кифояланишди.

1933 йилда Тошкентда учинчи Бутунўзбек спартакиадаси ўтказилди. Унинг дастуридан енгил атлетика, футбол, баскетбол, волейбол,

эди. Ўзбекистондаги 18 стадион, 43 спорт зали, 385 спорт майдони улар ихтиёрига берилганди.

1934 йилда Тошкентдаги «Спартак» стадионида биринчи Ўрта Осиё спартакиадаси тантанали очилди. Ана шу спорт байрами парадида 36 минг физкультурачи иштирок этганлиги бу мусобақалар қўлампидан далолат беради. Спартакиадада Афғонистон спорт делегацияси ҳам



Мюнхен Олимпиадасида етти олтин медални қўлга киритган Марк Спитц.

Икки карра Олимпиада чемпиони Василий Алексеев.

спорт гимнастикаси, кураш ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ўрин олди. Уларда иштирок этган республика спортчилари орасида рекордчилар ҳам бор эди. Хусусан, тошкентлик Евгений Пуцилло 4x100 метрга эстафетада бир неча бор рекорд ўрнатган. У, шунингдек, 100, 200, 400 метр масофаларга югуришда энг юқори натижалар кўрсатган.

1934 йилги маълумотларга кўра бу вақтда республикада 57 минг физкультурачи бор



иштирок этди. Машҳур тошкентлик енгил атлетикачи Евгений Пуцилло, 1000, 1500, 5000 метр масофаларга югуришда Ўзбекистон рекордчиси ҳисобланган Виталий Цехмистренко ва республикамизнинг бошқа спортчилари биринчи Ўрта Осиё спартакиадасида юқори натижаларни қўлга киритдилар.

Спортни оммалаштириш, уни айниқса, маҳаллий аҳоли ўртасида тарғиб қилиш учун турли тадбирлар ташкил этиларди. Улар орасида 1935

ЖИДДИЙ СИНОВ

Навбатдаги Олимпиадани ўтказиш учун шу вақтгача мисли кўрилмаган даражада кўп — 11 та шаҳар даъвогарлик қилаётган эди. Халқаро Олимпия Кўмитасининг номзод шаҳарлар — Александрия, Барселона, Берлин, Будапешт, Буэнос-Айрес, Дублин, Кельн, Нюрнберг, Франкфурт-Майн, Рим, Хельсинки орасидан мезбонликка бевосита Германия пойтахти танланди.

ХОҚ бу қарорини 1932 йилда қабул қилди. 1933 йилда эса мамлакатда ҳокимият тепасига фашистлар келди.

ХОҚ Президенти Анри де Байе-Латер Германия раҳбариятига мезбонлар Олимпия хартиясига қатъий амал этишлари ҳақида кафолат берилиши ёки Ўйинларни ўтказишдан ўзлари ихтиёрий равишда воз кечишлари талаби билан расман мурожаат этди. Бу кафолатлар берилганига қарамасдан Гитлер Халқаро Олимпия Кўмитаси аъзолари бўлган, Германияда ёзги ва қишки Олимпиадаларни ўтказиш ташкилий кўмиталарига бошчилик қилаётган Теодор Льюволд ҳамда Карл Риттер фон Хальтни вазифаларидан бўшатиб, уларни спорт ишлари бўйича давлат директори этиб тайинланган Г.Остен билан алмаштиришга қарор қилди. Байе-Латур Германияга Олимпиадани ўтказиш шарафи бу давлатнинг ХОҚда ана шу вакиллари бўлганликлари ҳам ҳисобга олинган ҳолда берилганлиги, агар улар вазифаларидан четлаштириладиган бўлсалар, немислар мезбонлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилишларини расмий баён этишига тўғри келди. Бу қатъият олдида Гитлер ён бошига мажбур бўлди.

Жаҳон жамоатчилиги босими остида ХОҚ Германия томонидан Олимпиадада спортчиларга нисбатан бирор камситишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги аниқ-равшан кафолатларни ҳам талаб этди. Чунки бу пайтга келиб турли сабаблар билан яҳудий миллатига мансуб спортчиларни Олимпиадада иштирок этишларига йўл қўймасликка қаратилган уринишлар бошлаб юборилган эди.

Маъмурлар ХОҚ Олимпиадани бошқа жойда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши, оқибатда сарф этилаётган жуда катта маблағ зое кетиши мумкинлигидан хавфсираб, тишни-тишга қўйиб бўлса ҳам ўз тамойиллари ва ғояларидан вақтинча чекинишга мажбур бўлдилар. Герма-

ния ички ишлар вазирлиги топшириғига мувофиқ Ташкилий кўмита вакиллари Халқаро Олимпиада Кўмитасининг 1933 йил Венада бўлиб ўтган сессиясида барча яҳудий спортчиларнинг ҳеч бир чеклашларсиз Ўйинларда иштирок этишлари таъминланиши ҳақида баёнот бердилар.

Германия раҳбариятининг бу кафолатлари ва ваъдаларига қарамасдан 1936 йил июнь ойида Парижда Франция, Испания, АҚШ, Англия, Чехословакия, Бельгия, Швеция, Швейцария, Дания, Голландия ва бошқа мамлакатлар вакиллари иштирокида «Олимпиада ғояларини ҳимоя этиш» анжумани ўтказилди. Унинг қатнашчилари XI олимпия ўйинларини фашистлар Германиясида ўтказиш Олимпиада тамойилларига зид эканлиги ҳақида яқдил фикр билдиришди ва олимпия ўйинларини Барселонада ўтказиш (Испаниянинг бу шаҳри ҳам ўн биринчи Олимпиада мезбони бўлишга номзод эди) ташаббусини илгари сурдилар.

1936 йил июлида Барселонага спорт делегациялари кела бошладилар. Фақат 1936 йил 18 июлида Испанияда фуқаролар урушининг бошланиб кетганлиги бу ерда Ўйинларни ўтказиш имконини бермади.

Берлин Олимпиадаси ташкилотчилари жаҳон спорт жамоатчилиги олдида ўзларини кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Ўйинларга махсус беқиёс Рейхспортфельд спорт мажмуаси (унинг лойиҳаси муаллифлари санъат танлови ғолиблари сифатида олимпия медали билан тақдирландилар), бошқа замонавий спорт иншоотлари бунёд этдилар, спортчилар, улар мураббийлари, журналистлар, меҳмонларга барча шароитларни муҳайё этдилар.

Немис профессори Карл Дим таклифи билан ўн биринчи олимпия ўйинлари тантанали очилиши маросимида ёндириладиган машъалани Грециядан турли мамлакатлар орқали эстафета тарзида — спортчилар муайян масофага югуриб, бир-бирларига узатиб берган ҳолда олиб келиш йўлга қўйилди. Ўн биринчи олимпия ўйинлари тантанали очилишидан 12 кун илгари — 20 июлда Олимпия шаҳридаги Гера мақбараси ёнида юнонларнинг антик даврдаги либосларидаги 13 соҳибжамол махсус кўзгу орқали олимпия машъаласини қуёшдан ўт олдиришади. Машъала бу ердан Афина — Делфа — Салоники — Со-

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ





фия — Белград — Будапешт — Вена — Прага — Дрезден — Берлин йўналишида йўлга чиқади ва 1 августда Германия пойтахтига кириб келади. Уйинларнинг тантанали очилиши вақтида стадионда ўрнатилган махсус идишдаги олов ана шу машъаладан ўт олдирилди.

Фашистлар Берлин Олимпиадасида ўз мафкураларини исботлаш — олий ирқ устунлигини намойиш этиш мақсадини кўзлаб мусобақаларда фақат ўз спортчилари ғалаба қозониши учун барча чора-тадбирларни кўрдилар. Шунинг учун ҳам ХОК томонидан олимпия ҳаракатининг 60

Спортнинг олимпия турлари

ОФИР АТЛЕТИКА

Оғир атлетика спорт тури сифатида 1860—1920 йилларда шаклланди. Ана шу даврда катта оғирликдаги турли нарсаларни кўтарадиган профессионал спортчилар циркларда, истироҳат боғларида ўз кучларини намойиш қилиб келганлар. Жумладан, канадалик Луи Сир 1880 йилда 669 килограммик поезд вағони ўқини ердан узиб, ҳамминг олқишига сазовор бўлган. Америкалик Том Кеннеди 660 килограммик ядрони кўтариб, уни оёқлари ва белини букмасдан тик ушлаб тура олиши билан ном чиқарган. Чех Антон Риха эса 854 килограммик юкни ўз елкасида олиб юра олиши билан томошабинларни ҳайратга солган.

XIX аср охирида турли мамлакатларда атлетика клублари очилиб, тўғарақлар иш бошлаган. 1913 йилда эса оғир атлетика бўйича халқаро конгресс ўтказилиб, спортнинг бу тури бўйича федерация ташкил этиш ташаббуси ўртага ташланган.

1920 йилда Халқаро оғир атлетика федерацияси — ИВФ (1947 йилдан Халқаро оғир атлетика ва культуризм федерацияси — ФИХК, 1968—1971 йилларда Халқаро оғир атлетика федерацияси — ФИХ, 1972 йилдан яна ИВФ) ташкил топди.

Оғир атлетика 1896 йилдан олимпия уйинлари мусобақалари дастурига киритилган (1900, 1908, 1912 йиллардан ташқари). Халқаро оғир атлетика федерацияси тузилгунга қадар Олимпиада мусобақаларида спортнинг бу турида икки қўлда жим, силтаб кўтариш, баъзан бир қўл билан даст ва силтаб кўтариш машқлари бажарилган.

1920 йилдан олимпия уйинларида оғир атлетика мусобақалари учкураш (бир қўл билан даст ва силтаб кўтариш, икки қўл билан силтаб кўтариш), 1924 йилдан бешкураш (бир қўлда даст ва силтаб кўтариш, икки қўл билан жим, даст ва силтаб кўтариш), 1928—1972 йилларда учкураш (икки қўл билан жим, даст ва силтаб кўтариш), 1976 йилдан иккикураш (икки қўлда даст ва силтаб кўтариш) тарзида ўтказилади.

Спортнинг бу турида жаҳон ва олимпия рекордлари қайд этилиб борилади. Алоҳида машқда рекордни янгилаш учун қайд этилган курсаткичдан камида 500 грамм, иккикурашда эса 2,5 килограмм оғирроқ натижага эришиш талаб этилади.

Оғир атлетикачилар олимпия уйинлари мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ИВФ тасарруфида ўтказилган халқаро мусобақаларда белгиланган малака (квалификация) нормативларини бажаришлари керак.

1896 ва 1904 йиллардаги Олимпиада мусобақаларида оғир атлетикачилар вазн тоифаларига ажратилмаганлар. 1920 йилдан бешта вазн тоифаси киритилган: 60 килограммгача, 67,5; 75, 82,5 килограмм ва 82,5 килограммдан ортиқ. 1948 йилда уларга 56 килограмм, 1952 йилда 90 килограмм ва 90 килограммдан ортиқ, 1972 йилдан 110 килограмм ва 110 килограммдан ортиқ, 1980 йилдан эса 110 килограммгача вазн тоифалари қўшилган.

1998 йилдан эркақлар учун саккизта: 52, 62, 69, 77, 85, 94, 105 килограмм ва 105 килограммдан ортиқ, аёллар учун еттига: 48, 53, 58, 63, 69, 75 килограмм ва 75 килограммдан ортиқ вазн тоифалари жорий этилган.

Олимпия уйинларида ҳар бир вазн тоифасида қўшкураш натижалари бўйича 1—3-ўринларни эгаллаганлар тегишли равишда олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирландилар.

Тош кўтарадиган полвонлар томошалари Ўзбекистонда XIX аср иккинчи ярмида жуда машҳур эди. Бу ерда Англия, Германия, Голландия, Италия ва бошқа хорижий мамлакатлардан келган профессионал атлетлар турли оғирликдаги тошларни кўтариш машқларини намойиш этганлар.

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси ИВФ аъзосидир. Ўзбекистонлик оғир атлетикачилардан Наил Муҳамедяров 1988 йилги XXIV, Сергей Сирцов 1992 йилги XXV олимпия уйинларининг кумуш медали совриндорларидир. 2004 йилги XXVIII олимпия уйинларида ўзбекистонлик уч оғир атлетикачи иштирок этди.

йиллигига бағишлаб чиқарилган рисолада «Бу Ҳайинларда милитаризм ва нацизм кучли руҳи ҳукмрон эди», деб таъкидланади.

Германиянинг XI олимпия Ҳайинларини алоҳида кўз-кўз қилишга астойдил интилишлари бе-самар кетмади. Берлинга биринчи маротаба 49 мамлакатдан 4069 спортчи, шу жумладан, 328 аёл келди. Олимпиадага илк бор Афғонистон, Бермуд ороллари, Боливия, Коста-Рика, Лихтенштейн, Перу миллий терма жамоаларини йўлладилар. Мусобақалар дастури спортнинг янги турлари билан тўлдирилди.

Жумладан, Берлинда биринчи маротаба қўл тўпи, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Қўл тўпи бўйича олимпия турнирида мезбонлар чемпионликни қўлга киритган бўлсалар, байдарка ва каноэда эшкак эшиш мусобақаларида 9 та медаллар жамланмаси учун курашда уч бор австрияликларнинг, икки марта немислар ва чехословакияликларнинг қайиқлари маррага биринчи бўлиб келди. Шунингдек, Швеция ва Канада эшкак эшувчилари ҳам олтин медаллар билан тақдирландилар.

Баскетболнинг ҳам Олимпиада мусобақалари дастурига киритилиши Ҳайинларга қизиқишнинг янада ортишига олиб келди. Ташкилотчилар баскетбол бўйича олимпия турнирига баскетбол Ҳайинини ўйлаб топган америкалик педагог Жеймс Нейсмитни махсус таклиф қилдилар. 21 жамоа иштирок этган баскетбол бўйича олимпия турнирида АҚШ спортчиларига тенг келадиганлар топилмаганлиги табиий эди.

Германиянинг олимпия Ҳайинларидаги терма жамоаси энг кўп сонли — 406 нафар спортчидан иборат эди. Улар Ҳайинлар дастуридаги барча мусобақаларда иштирок этдилар. Мезбонларнинг бу беллашувларга жиддий тайёргарлик кўрганликлари, шунингдек, Олимпиада доирасида ўтказилган санъат танловида олтин медалларнинг кўпини (9 тадан 5 тасини) олишга муваффақ бўлганликлари туфайли норасмий умумжамоа ҳисобида юксак натижа кўрсата олдилар.

Немис олимпиадачилари 573,7 очко ва 89 та (33 та олтин, 26 та кумуш, 30 та бронза) медални қўлга киритдилар.

Аммо бу улкан ғалаба ҳам фашистларга ўз мафкураларини асослаш учун дастак бўла олмади. Жумладан, АҚШ миллий терма жамоасидаги 10 нафар қора танли енгил атлетикачи олтинга биринчи, учта иккинчи, иккита учинчи натижа кўрсатиб, 11 та медал соҳиби бўлдилар. Алабалик негр Жесси Оуэнс эса Олимпиада дас-

туридаги бир йўла тўртта мусобақада — 100 ва 200 метрга югуриш, 4x100 метрга эстафета ҳамда узунликка сакрашда голиб чиқди. Шунинг учун ҳам кўпинча Берлиндаги Ҳайинларга «Жесси Оуэнс Олимпиадаси» таърифи берилади. Ташкилотчилар Олимпиада чемпионларига ХОҚ қоидаларида белгилаб қўйилган олтин медал билан бирга битта эман ниҳоли ҳам совға қилдилар. Жесси Оуэнс ватанига тўртта эман ниҳоли билан қайтди.

Баландликка сакраш мусобақаларида 24 мамлакатнинг энг кучли спортчилари беллашдилар. Улардан тўрттаси — америкаликлар Корнелиус Жонсон, Дэвид Олбриттон, Дэлос Торбер ҳамда фин Калеви Коткас 2 метрлик баландликни забт этиб, аввалги олимпия рекордини янгиладилар. Кейинги марра — 2 метр 3 сантиметрни фақат Корнелиус Жонсонгина забт эта олди.

Оғир атлетикачилар мусобақаларида мисрлик Саид ал-Туни кўрсатган маҳорат спорт ихлосмандларини лол қолдирди. 75 килограммгача вазнда у уч курашда 387,5 килограммлик натижа билан иккинчи ўринни эгаллаган рақибниқидан 35 килограмм, 82,5 килограммгача вазнлик оғир атлетикачилар ўртасидаги голиб чиққан француз Луи Остинниқидан ҳам 15 килограмм оғир эди.

Яна бир француз Р. Шарпантье шахсий ва жамоа таркибида велосипедда шосседаги пойгада, шунингдек, 4000 метрга жамоа пойгасида учта олтин медал олдди. Америкалик ўн уч ёшли Мажари Гестринг эса сувга трамплиндан сакрашда голиб чиқиб, аёллар ўртасида энг ёш Олимпиада чемпиони бўлди.

Олимпия сув ҳавзасида кураш асосан АҚШ ва Япония спортчилари ўртасида кечди. 400 метрга сузишда америкалик Жек Медика, 100 метрга чалқанча усулда Адольф Кифер голиб чиққан бўлса, кунчиқар давлатидан Терада Нобору 1500 метрга, Тетсоу Хамуро 200 метрга брасс усулида сузишда олтин медалларга сазовор бўлдилар. Японлар 4x200 метрга эстафетада ҳам янги жаҳон рекорди ўрнатган ҳолда голиб чиқдилар.

Сузиш бўйича аёллар ўртасидаги баҳсларда эса голландияликлар яққол устун эдилар. Бу мамлакат вакиласи Хендрика Мастенсбрук 100, 400 метрга эркин усулда сузишда, 4x100 метрга эстафетада олтин, 100 метрга чалқанча усулда сузишда эса кумуш медалларнинг соҳибаси бўлди. Шунингдек, сузувчи қизлардан голландиялик Дина Зенфф ва япониялик Хидеко Маехата ҳам фахрий шоҳсупа тўрига кўтарилдилар.

Аёллар сузиш мусобақаларининг бешта турида ҳам олимпия рекордлари ўрнатишга муваффақ бўлдилар.

Берлин Олимпиадаси дастуридан яна футболга ўрин берилди. Бундан икки йил аввал жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган Италия шарафини Олимпиадада белгиланган тартибга мувофиқ ҳаваскор футболчилар ҳимоя қилган бўлсаларда, улар рақибларига бирор имконият қолдирмадилар. АҚШ (1:0), Япония (8:0), Норвегия (2:1) жамоаларидан кучли эканликларини исботлаган италияликлар финалда австралияликлар дарвозасига битта жавобсиз тўп киритиб, олимпиада чемпиони ҳам бўлдилар. Учинчи ўрин Польша жамоасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратган норвегияликларга насиб этди.

Сув полоси бўйича олимпия турнирида эса Венгрия спортчилари бундан тўрт йил аввалги муваффақиятларини такрорлаб, икки карра Олимпиада чемпионлари унвонига сазовор бўлдилар.

Берлин Олимпиадаси биринчи марта спорт мусобақалари телевидение орқали намойиш этилганлиги билан ҳам ёдда қоладиган бўлди.

Норасмий умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейинги иккинчи ўринни 403,3 очко ва 56 та (24 та олтин, 20 та кумуш, 12 та бронза) медаль билан АҚШ олимпиадачилари, учинчи ўринни 167,6 очко ва 22 та (8 та олтин, 9 та кумуш, 5 та бронза) медаль билан италияликлар қўлга киритдилар.

IV қишки Олимпиада ҳам Германияда — 1936 йил 6—16 февралда Гармиш-Партенкирхенда ўтказилди. Улар қишки спорт турларини ривожлантиришда жиддий аҳамиятга эга бўлди. Мусобақалар дастури тоғ чанғиси спорти (эркаклар ва аёллар ўртасида қўшкураш — тепаликдан чанғида тушиш ва слалом) ҳамда 4x10 километрга эстафета билан бойиди.

Гармиш-Партенкирхенга аввалги қишки Олимпиадага нисбатан икки ярим баравар кўп — 28 мамлакатдан 756 спортчи, шу жумладан, 76 аёл келди.

Норвегияликлар қиш спортидаги ўз мавқеларини яна тиклашга муваффақ бўлдилар. Улар 7 та олтин медални қўлга киритдилар. Бунда уч карра Олимпиада чемпиони Ивар Баллангруднинг алоҳида ҳиссаси бор.

Шайбали хоккей бўйича Буюк Британия жамоасининг мутлақ енгилмас ҳисобланган канадаликларни мағлубиятга учратиб, Олимпиада чемпиони бўлганликлари ҳамма учун қутилма-

ган воқеа, деб баҳоланди. Аммо бу «фавқулодда муваффақият» сири тезда ошкор бўлди. Инглизлар жамоаси етакчи хоккейчилари йигирманчи аср ўттизинчи йиллари бошида Буюк Британияга Канададан кўчиб келган, у ердаги хоккей клубларида маҳорат орттирган ўйинчилардан иборат экан.

Қишки Олимпиадада Германия мезбонлик имкониятларидан фойдаланиб, норасмий умумжамоа ҳисобида пешқадам бўлишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин бунга қурби етмади. 100 очко ва 15 та (7 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза) медаль билан норвегияликлар умумжамоа ҳисобида биринчиликни қўлдан бермадилар.

Берлиндаги XI Олимпиададан роппа-роса бир ойдан сўнг Тошкентда Ўзбекистоннинг тўртинчи спартакиадаси тантанали суратда очилди. Унинг финал қисмида 1500 спортчи иштирок этди.

Спартакиадада 36 та республика рекорд ўрнатилди. Жумладан, 100 метрга югуришда Евгений Пуцилло 10,9 секунд, Виталий Цехмистренко 1500 метрга югуришда 4 дақиқа 19,5 секунд, Татьяна Беседова узунликка сакрашда 5 метр 21 сантиметр, Тося Коцера ядро улоқтиришда 18 метр 13 сантиметр, Лиля Шатерникова 100 метрга югуришда 13 секунд, жойидан туриб баландликка сакрашда 118 сантиметр, Богуславский лангар билан сакрашда 3 метр 33 сантиметр натижа кўрсатдилар. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон рекордлари эди.

Мусобақаларда маҳаллий спортчилар ҳам фалол иштирок эта бошлаганликлари диққатга сазовордир. Енгил атлетикачи Ҳасанова 1000 метрга югуришда мамлакат чемпиони Васильева билан ёнма-ён йўлакчаларда беллашди. Раҳбар Султонова эса 100 метрга югуриш мусобақаларида қатнашди. Ўзбекистон спортчилари мамлакат мусобақаларида ҳам ғолиб чиқа бошладилар. Жиззахлик Тошматов Москвада от спорти бўйича бўлиб ўтган биринчиликда «Жангчи» лақабли отида маррага биринчи бўлиб келди.

Спартакиада меҳмонларидан бири ереванлик Андрей Паньян Ўзбекистонда спортни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, республикада сув спортини равнақ топтириш учун сунъий ҳавзалар қуриш кераклигини ҳам таъкидлаган эди. Худди шу пайтда Тошкентда ҳам, Ўзбекистонда ҳам биринчи, ўша вақтдаги номланишига кўра сув-спорт комбинати қурилиши бошланган эди. Унинг биринчи навбати 1937 йилда ишга тушди.

Ўзбекистон жаҳон миқёсида ҳам энг кучли спортчилар билан беллаша оладиган ўринбосарлар етишиб келаётган эди. Бу республика спартакиадаси арафасида ўтказилган талаба ёшлар спартакиадасида ёрқин исботини топди. Унда 20 та республика рекорди ўрнатилди.

Навбатдаги — 1940 йилги қишки Олимпиада-ни ҳам Германиянинг Гармен-Пантенкирхен

шаҳрида ўтказиш режаланган эди. Аммо Германиянинг Халқаро Олимпия Қўмитасидаги вакили Карл Риттер фон Хальтдон 1939 йил 22 ноябрда ХОҚ Президенти Анри де Байе-Латурга йўллаган номасида Германия 1940 йилги қишки Олимпиадани ўтказиш юзасидан аввалги таклифини қайтариб олишини маълум қилди. Бу вақтда иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетган эди...

ЎН ИККИ ЙИЛДАН СЎНГ

Иккинчи жаҳон уруши сабабли 1940 ва 1944 йилларда ўтказилиши мўлжалланган XII ва XIII олимпия ўйинлари барбод бўлди.

Уруш олимпия ҳаракати учун ҳам оғир синов бўлди. ХОҚ Президенти Анри де Байе-Латур фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудда бўлганлиги сабабли унинг Халқаро Олимпия Қўмитаси бошқа аъзолари билан алоқаси узилиб қолди. Шунинг учун ХОҚ фаолиятини йўлга қўйиш ватани бетараф Швеция бўлган Юханнес Эдстрем зиммасига тушди.

Анри де Байе-Латур 1942 йилда вафот этганидан сўнг ХОҚ Президентининг ўринбосари лавозимида бўлган Юханнес Эдстрем Президент вазифасини бажара бошлади. 1946 йилда Швейцариянинг Лозанна шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Олимпия Қўмитасининг сессиясида Юханнес Эдстрем яқдиллик билан ХОҚнинг тўртинчи Президенти этиб сайланди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси 1944 йилда Лондонда ўн учинчи олимпия ўйинларини ўтказишни режалаган эди. Аммо уруш йилларида фашистлар Германияси томонидан Буюк Британия пойтахтига кучли бомба зарбалари берилгани оқибатида шаҳарга жиддий талафот етказилган эди. Умуман олганда бу вақтда жуда қудратли ҳисобланган бу давлатнинг ҳам Олимпиадани ўтказишга қурби етмасди. Ҳатто 1948 йилда ҳам Британия ҳукуматининг XIV олимпия ўйинларини ўтказиш масъулиятини зиммасига олиши лондонликлар муайян қисмининг норозиликларига сабаб бўлди.

Шунга қарамасдан ўн икки йиллик мажбурий танаффусдан кейин 29 июлда очилиб 14 августгача давом этган Олимпиадада 59 мамлакатнинг 4099 спортчиси, шу жумладан, 385 аёл иштирок этди. Бирма, Британия Гвинеяси, Венесуэла, Ироқ, Эрон, Ливан, Покистон, Пуэрто-Рико, Сингапур, Тринидад, Цейлон, Жанубий Корея миллий терма жамоалари спортчилари ҳам илк



Футбол бўйича 1948 йилги Олимпиада чемпионлари — швед футболчилари.

бор олимпиадачилар сафига қўшилдилар. Иккинчи жаҳон уруши айбдорлари ҳисобланган Германия ва Япония олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар.

Лондон Олимпиадаси мусобақалари дастурига эркалар ўртасида баскетбол, бокс, эркин ва юнон-рим кураши, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик ҳамда байдарка ва каноэда эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли қайиқлар спорти, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, чим устида хоккей, аёллар ўртасида эса гимнастика, байдаркада эшкак эшиш, енгил атлетика, сузиш, сувга сакраш, қиличбозлик

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

киритилди. Лондон Олимпиадасида умуман 136 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борилди.

Уруш кўпгина кучли ва истеъдодли спортчилар ҳаётига зомин бўлган эди. Шунинг учун кўпчилик бу Ҳийинларнинг спорт натижалари юқори бўлишига умид қилмас эди. Лекин Буюк Британия пойтахти спорт майдонларида енгил атлетика, ўқ отиш ва оғир атлетикада ўрнатилган тўртта жаҳон рекорди олимпиадачилар янги авлодининг салоҳиятини яққол намоиш этди.

Спорт ихлосмандлари учун бу мамлакатнинг 17 ёшли олимпиадачиси Роберт Матиаснинг ўн курашдаги галабаси қутилмаган воқеа бўлди. У навқиронлиги, бундай нуфузли мусобақаларда илк бор қатнашаётганлигига қарамасдан номдор рақиблари, енгил атлетиканинг бу турида фահрий шоҳсупага у билан бирга кўтарилган француз Игнас Анриш ва ватандоши Фройд Симмонсдан анча кўп — 7139 очко тўплаб, олтин медаль соҳиби бўлди.

Роберт Матиас кейинги Хельсинки Олимпиадасида эса ўн курашда 7887 очко тўплаб, мис-



Спорт гимнастикаси «юлдузи» — Николай Андрианов.

Буюк Британия пойтахтида биринчи олтин медалга чехословакиялик Эмиль Затопек 10000 метрга югуришдаги галабаси учун сазовор бўлди. У 5000 метрга югуришда ҳам ғолибликка асосий даъвогарлардан ҳисобланарди. Эмиль ҳақиқатан ҳам тўққиз давра давомида пешқадам эди. Аммо ундан анча тажрибалироқ бўлган бельгиялик Гастон Рейфф сўнгги даврада дадил олдинга ташланиб, марра қизигини Затопекдан икки қадам илгарироқ босиб ўтади ва чемпион бўлади.

Енгил атлетика мусобақаларида америкалик спортчилар 24 олтин медалдан 11 тасини қўлга киритиб, яна маҳоратларини кўрсатдилар.

ли қўрилмаган натижага эришди. Шунини айтиш қифояки, бу Олимпиада чемпионининг натижаси ўн курашда ундан кейинги иккинчи ўринни эгаллаган рақибиникидан 900 (!) очко кўп эди. Роберт Матиас енгил атлетика тарихида биринчи бўлиб лангар билан сақрашда анъанавий бамбук лангар ўрнига шиша толали синтетик лангардан фойдалана бошлади. Янги лангар енгил атлетиканинг бу турида ҳеч муболагасиз инқилоб ясаб, спортчилар натижаларининг кескин ошишига хизмат қилди.

Енгил атлетика беллашувларида америкаликларга Швеция спортчилари ҳам муносиб рақиб



бўлдилар. Уларнинг Лондон Олимпиадасида қўлга киритган олтига олтин медали бунинг ишботидир.

Бироқ улар ҳам, америкаликлар ҳам эмас, балки голландиялик «учувчи қиз» — Фанни Бланкерс-Коэн ўн тўртинчи олимпия ўйинларининг энг яхши спортчиси, деб топилди. У аёллар ўртасида 100, 200 метрга ҳамда 80 метрга тўсиқлар оша югуришда ва 4x100 метрга эстафетада тўртта олтин медални қўлга киритди.

Фанни 18 ёшлигида 1936 йилги Берлин Олимпиадасида иштирок этган эди. Ушанда у 1,55 метр баландликни забт этиб, 6—8-ўринларни бўлишиб олган эди. 1938 йилда Европа биринчилигида Фанни польшалик жаҳон рекордчиси Стелла Валасевич учун асосий рақиб эканлигини кўрсатди. Ушанда голландиялик енгил атлетикачи 100 ва 200 метрга югуришда учинчи ўринни эгаллаган бўлса, 1939 йилдан қисқа масофаларга югуришда унга тенг келадиганлар топилмасди. У баландликка (1,74 метр) ва узунликка (6,25 метр) сакрашда жаҳон рекордларини ҳам ўрнатади.

1940 йилда Фанни устози Коэнга турмушга чиқиб, Бланкерс-Коэн фамилиясини олди. 1944 йилда голландиялик спортчи америкалик Хелен Стивенснинг 100 метрга югуришдаги жаҳон рекордини такрорлашга (11,5 сек) ва 80 метрга тўсиқлар оша югуришда жаҳон рекорди (11,0 сек) ўрнатишга муваффақ бўлади. Лондонда эса у ўттиз ёшга тўлганлиги, икки фарзандли эканлигига қарамасдан тўрт карра Олимпиада чемпиони бўлиб, рақибларини ҳам, спорт мухлисларини ҳам лол қолдирди.

Бланкерс-Коэн Олимпиададан кейин ватанига қайтганида голландияликлар тўрт карра чемпионни миллий қаҳрамон сифатида кутиб олдилар. Амстердам бўйлаб оқ от қўшилган, гуллар билан безалган фаэтонда бораётган Фаннини қутлаш учун бутун шаҳар аҳолиси кўчаларга чиқди. Кейинчалик унга юртида ҳайкал ҳам ўрнатилди.

Иқтидорли инсон санъатда ҳам, спортда ҳам юксак чўққиларни забт этишга қодирлигини франциялик Мишеллин Остермайер намоиш этди. Париж консерваториясининг биринчи мукофоти лауреати бўлган бу ғоят истеъдодли пианиночи Лондонда аёллар ўртасида диск ва ядро улоқтиришда олтин, баландликка сакрашда эса бронза медалларига сазовор бўлди.

Оғир атлетика мусобақаларида 30 та давлатдан 118 спортчи иштирок этган бўлсада, олтин медалларни Америка Қўшма Штатлари ва Миср

спортчилари бўлишиб олдилар. Олий нишонларнинг тўрттаси америкаликларга, иккитаси Нил соҳили мамлакати оғир атлетикачиларига насиб этди.

Эркин курашда эса бу ўйинларда турк полвонлари билан баб-баравар беллашадиганлар озчилик экан. Улар барча олтин медалларнинг тенг ярмиси — 8 тадан 4 тасини қўлга киритди-



Кубалик уч карра Олимпиада чемпиони Теофило Стивенсон.

лар. Юнон-рим курашида Швеция спортчилари бундан ҳам юқорироқ натижага эришдилар: саккизта олтин медалнинг бештаси уларга тегди.

Машхур венгр боксчиси Ласло Паппнинг рингдаги зафарлари ҳам «туманли Альбион»да бошланган. У Лондондаги биринчи ғалабасини 1952 ва 1956 йиллардаги олимпия ўйинларида давом эттирди. Олимпиадалар бутун тарихида бирорта ҳам боксчи венгр «чарм қўлқоп» уста-

сидек учта олтин медали билан гурурлана олмади. Ласло Папп шундан сўнг профессионал рингда ҳам энгилмас боксчи эканлигини ишонarli исботлаб келди. У 1966 йилда — қирқ ёшлигида профессионаллар ўртасида Европа чемпионатида сўнги олтин медалини олган.

Яна бир венгр спортчиси Карой Токача матонати билан машхур бўлди. У пистолетдан ўқотишда моҳир мерган сифатида танилган пайтида бахтсиз ҳодиса туфайли ўнг қўлидан ажралди.

буркандилар. Улар орасида Илона Элек, айниқса, таҳсинга сазовордир. У Германия пойтахтидаги ғалабасини Лондонда ҳам такрорлаб, икки карра Олимпиада чемпиони шарафли номига эга бўлди.

Айниқса, швед Герт Фредриксоннинг спортдаги умрбоқийлиги ва энгилмаслигига ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. У Лондон Олимпиадасида 1000 ва 10000 метрга байдаркада эшкак эшишда чемпионликни қўлга киритди. Герт



VII қишки Олимпиаданинг тантанали очилиши.

Аммо Токача тушкунликка тушмасдан сабот билан спорт билан шуғулланишини давом эттириб, уч йилдан кейин жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Лондон Олимпиадасида эса у чемпионликни жаҳон рекорди ўрнатиш билан беади.

Ласло Папп ва Карой Токача ватандошлари бўлган беш қиличбоз эса Берлин Олимпиадасидан ўн икки йилдан сўнг ҳам яна Ўйинлар шоҳсупасидан ўрин олганликлари билан шуҳратга

Фредриксонга XVI ва XVII Олимпиадаларда ҳам тенг келадиганлар топилмади. Яъни у олти карра Олимпиада чемпиониدير! Бундан ташқари, спортчи Ўйинларда яна битта кумуш ва битта бронза медаллари билан тақдирланган.

Футбол бўйича олимпия турнирида омад Швеция терма жамоасига кулиб боқди. Бу мамлакат олимпиадачилари навбат билан Австрия (3:0), Жанубий Корея (12:0), Дания (4:2) футболчиларини мағлубиятга учратдилар. Фи-

налда эса улар югославлар билан куч синашдилар. Швед ҳужумчилари — Греннинг рақиблар дарвозасига киритган иккита ва Гуннар Нордалнинг битта тўпи жамоанинг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Бронза медаллари Дания футболчиларига тегди.

Норасмий умумжамоа ҳисобида бу сафар ҳам АҚШ олимпиадачилари биринчиликни ҳеч кимга бермадилар.

V қишки Олимпиада (уларнинг учинчи ва тўртинчиси ҳам уруш сабабли ўтказилмади) иккинчи мартаба Швейцариянинг Санкт-Мориц шаҳарчасида 1948 йил 30 январь — 8 февралда бўлиб ўтди. ХОҚ биринчи марта қишки Олимпиадани ёзги Ўйинлар мезбони бўлмаган давлатда ўтказишга қарор қилганлигини эслатиш лозим. Умуман Санкт-Мориц Швейцарияни иккинчи жаҳон уруши четлаб ўтганлиги сабабли танланган эди.

Бу галги қишки Олимпиадада 28 мамлакатдан 713 спортчи, шу жумладан, 77 аёл қатнашди. Улар қишки беш спорт турида 22 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Чанғида 18 ва 50 километрга югуришда ҳамда 4x10 километрга эстафетада швед спортчилари рақибларига бирор имконият қолдирмадилар. Норвегия олимпиадачилари эса 500, 1000 ва 5000 метрга конькида югуришда шоҳсупанинг энг тўрига кўтарилдилар. Бу мамлакатнинг чанғида трамплиндан сакраш мусобақаларида иштирок этган спортчилари нафақат олтин, шунингдек, кумуш ва бронза медалларини ҳам ҳеч ким билан баҳам кўрмадилар.

Фигурали учишда америкалик Дин Баттон ўзининг муз устидаги бетакрор сакрашлари билан биргина томошабинларни эмас, ҳакамларни ҳам лол қолдирди.

Шайбали хоккей бўйича олимпия турнири финалида Канада ва Чехословакия терма жамоалари учрашдилар. Аввалги Олимпиадаларда улар ўртасидаги ўйинларда жами шайбалар нисбати 52:0 ҳисобида канадаликлар фойдасига тулаган эди. Санкт-Морицда эса 0:0 ҳисоби қайд қилиниб, фақат шайбалар нисбатига кўра Канада хоккейчилари чемпион, деб эълон қилинди.

Бешинчи қишки Олимпиадада норасмий умумжамоа ҳисобида Швеция спортчилари 70 очко ва 10 (4 та олтин, 3 тадан кумуш ва бронза) медаль билан биринчи ўринга кўтарилдилар. Швейцария олимпиадачилари иккинчи, америкаликлар эса учинчи ўринларда қолдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам Ўлкамизда оммавий спорт мусобақалари ташкиллаштирилганлиги эътиборга моликдир. Чунончи, тўққиз йиллик танаффусдан сўнг 1943 йилда Олмаотада Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг иккинчи спартакиадаси бўлиб ўтди. Келгуси йил эса Ўлканинг энг яхши спортчиларини Тошкент кутиб олди.

Урушдан сўнг — 1945 йил 30 сентябрдан 4 октябргача тўртинчи Бутунўзбек спартакиадаси бўлиб ўтди. Унинг тантанали очилишида 5000 спортчининг иштирок этганлиги ушбу оммавий мусобақаларнинг кўлаמידан далолат беради. Шундан бир неча кун кейин — 7 октябрда ҳозирги Бишкек шаҳрида бошланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг тўртинчи спартакиадасида Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Ўн тўртинчи олимпия ўйинлари йилида бешинчи Бутунўзбек спартакиадаси, 10—15 октябрда эса Душанбеда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг бешинчи спартакиадаси бўлиб ўтди. Ана шу оммавий спорт мусобақалари ғолиблари орасида ўқ отиш бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони И. Циганский, қиличбозлардан Варвинский, Балаев, Солдатов, теннисчилардан Е. Шкондина, А. Плотникова, А. Козлова, сузувчилардан А. Герасимов, сувга сакрашда М. Пуйто, Д. Дукельский каби кучли спортчилар бор эди.

Ўзбекистон ўз бокс мактаби билан машҳур эди. Бу мактабга асос солганлардан бири Сидней Львович Жаксон ҳисобланарди. У Тошкентда дастлабки бокс тўғарақлари очган, узоқ йиллар давомида касаба уюшмалари, талаба ёшларнинг кўнгилли спорт жамиятларида бокс бўйича бош мураббий эди. С. Л. Жаксоннинг шогирдлари ўзбек бокс мактабининг ёрқин намояндалари эдилар.

РАҚОБАТНИНГ КЕСКИНЛАШИШИ

XIV ва XV ёзги олимпия ўйинлари орасида халқаро олимпия ҳаракатида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1951 йил Венада бўлиб ўтган сессиясида собиқ Иттифоқ олимпия қўмитаси тан олинди. ХОҚ ўзи бу давлат олимпия терма жамоасига 1948 йилги Олимпиадада иштирок этишга рухсат бериш ниятида эди. Аммо тегишли расмийчиликлар ўз вақтида амалга ошира олинмаганлиги сабабли бу давлат спортчиларига олимпиадачилар оиласига қўшилиши яна тўрт йил кутишларига тўғри келди.

Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1952 йил Хельсинкида бўлиб ўтган сессиясида бу халқаро спорт ҳамжамиятининг 82 ёшли раҳбари Юханнес Зигфрид Эдстрем истеъфога чиқишини билдирди. Сессияда Америка Қўшма Штатларининг вакили Эйвери Брэндеж Халқаро Олимпия Қўмитасининг бешинчи Президенти этиб сайланди.

Аслида Хельсинки 1940 йилда олимпия ўйинлари мезбони бўлиши керак эди. Бунга иккинчи жаҳон уруши ҳалақит қилди. Шунинг учун ўн бешинчи ёзги Олимпиадани ўтказиш шарафи учун даъвогарлик қилган Амстердам, Афина, Детройт, Миннеаполис, Филадельфия, Чикаго, Лозанна, Стокгольм номзодлари орасидан Финляндия пойтахти танланганлиги адолатдан эди.

Олимпия ўйинлари тарихида биринчи марта Хельсинки умумжаҳон мусобақаларига 69 мамлакатдан 4925 спортчи, шу жумладан, 518 аёл таъриф буюрди. Улар сафида илк бор Багам ороллари, Гана, Гватемала, Гонконг, Индонезия, Исроил, Нигерия, Нидерланд Антиль ороллари, ГФР, Таиланд, Жанубий Вьетнам қатори собиқ Иттифоқ олимпия терма жамоалари аъзолари бор эди. Бу давлат номидан ўнта иттифоқдош республика, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари — жами 295 спортчи Ўйинлар дастури-



Спортнинг олимпия турлари

ЭРКИН КУРАШ

Эркин кураш — спортнинг яккакураш тури, юнон-рим курашидан анча кейин Англияда пайдо бўлган. Кейин бошқа мамлакатларда тарқала бошланган. Бунинг сабабларидан бири даставвал курашиш қонун-қоидалари бўлмаганлигидир. Шунинг учун ҳам уни эркин кураш, деб номлашган. Эркин кураш ўша пайтларда кўнгилочар томоша бўлиб, рақиблар бир-бирларини хоҳлаганча уриб-йиқитишлари мумкин бўлган.

1912 йилда Халқаро ҳаваскор кураш федерацияси — ФИЛАнинг ташкил этилиши эркин кураш мусобақаларини қатъий белгилаб қўйилган қоидалар асосида ўтказишга хизмат қилди. Бу қоидаларга кўра эркин курашда спортчиларнинг беллашиши учун 5 дақиқа вақт берилади. Шу муддатда рақиблардан бири соф ғалабага эришмаса, ёки камида 3 балл ололмаса, қўшимча 3 дақиқа вақт берилади. Спортчилардан бири соф ғалабани кўлга киритмагунча, ёки биринчи бўлиб 3 балл тўпламагунча яна шунчадан вақт қўшиб берилаверади.

Бугунги кунда ФИЛАга эркин кураш бўйича 150 га яқин миллий федерация уюшган.

Эркин кураш олимпия ўйинлари дастурига биринчи марта 1904 йилда киритилган. Бу Ўйинларда фақат Америка Қўшма Штатлари полвонлари — 38 спортчи қатнашган. Ўша ҳамда 1908 йилги олимпия ўйинларида спортнинг бу тури бўйича мусобақаларда ҳар бир мамлакатдан иштирок этадиган спортчилар сони чекланмаган. 1920 ва 1924 йиллардаги Олимпиадаларда (эркин кураш 1912 йилги Ўйинлар дастурига киритилмаган) ҳар бир вазн тоифасида бир мамлакатдан икки, 1928 йилдан бошлаб эса битта спортчи қатнашиши белгилаб қўйилган.

Мусобақалар олимпия тамойили — «ютқизган чиқиб кетади» асосида ўтказилади.

Эркин курашнинг вазн тоифалари қуйидагича: 48—54, 54—57, 57—63, 63—69, 69—76, 76—85, 85—97, 97—130 килограмм.



дан ўрин олган чим устида хоккейдан бошқа спортнинг барча турлари бўйича мусобақаларда иштирок этдилар.

Ўйинларда мусобақалар мамлакатлар орасида эмас, балки спортчилар ўртасида ўтказилиши олимпия ҳаракатининг асосий тамойилларидан бири эканлигига, шу сабабли ҳам ХОҚ олимпиадаларда расмий жамоалараро яқунлар чиқарилишига қарши эканлигига қарамасдан ўн бешинчи Олимпиададан бошлаб биринчи навбатда АҚШ билан собиқ Иттифоқ ўртасидаги рақобат мисли кўрилмаган даражада кескинлашиб кетди.

Аслида бу икки ижтимоий тузум ўртасида сиёсат, иқтисодиёт, бошқа жабҳалардаги қарама-қаршиликнинг узвий давоми эди. Хельсинки

да бу икки мамлакат футболчиларининг биринчи учрашувида 5:5 ҳисоби қайд қилинди. Қўшимча учрашувда югослав футболчилари катта қийинчилик билан рақибларидан устунлигини (3:1) исботладилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Югославия раҳбарияти олиб бораётган сиёсатдан норози бўлган Сталин ўз футболчиларининг бу мамлакат олимпия жамоасидан мағлубиятидан ўта дарғазаб ҳолга келди. Унинг ўғли Василий футбол бўйича собиқ Иттифоқ терма жамоасининг ҳомийси эканлигига қарамасдан унинг аралашishi ҳам бош мураббий Борис Аркадьев, етакчи футболчилар К. Бесков, В. Николаев, К. Крижевский, А. Башашкинларнинг фахрий унвонларидан маҳрум этилишларидан сақлаб қола олмади. Ўз-ўзидан равшанки,



Ўзбекистонлик олимпия ўйинлари совриндорлари (чандан) Светлана Бабанова ва Наталья Устинова, баландликка сакраш бўйича XVI ва XVII олимпия ўйинлари иштирокчиси Валентина Баллод.

Олимпиадасидан бошлаб қирқ йил давомида бу икки тарафга тааллуқли мамлакатлар терма жамоаларининг, алоҳида спортчиларининг натижалари, қўлга киритган медаллари муттасил равишда бир-бирига таққосланиб борилар, улардан бирорининг муваффақияти албатта у вакили ҳисобланган томоннинг афзаллиги намоён бўлади эканлиги зўр бериб тарғиб қилинади.

Баъзан эса ана шу мурасасизлик, расман олганда бир тузумга тааллуқли, аммо ўзаро муносабатлари келишмай қолган давлатлар ўртасида ҳам яққол намоён бўларди. Бунга мисол сифатида футбол бўйича Югославия билан собиқ Иттифоқ олимпия жамоалари ўртасидаги учрашувни келтириш мумкин. Хельсинкидаги Ўйинлар-

Борис Аркадьев терма жамоа бош мураббийи вазифасидан четлаштирилди.

Шу билан бирга бу икки тузум мамлакатлари терма жамоалари ўртасидаги кескин рақобат спорт натижаларида ҳам ўз ифодасини топди. Финляндия пойтахтида 1952 йил 19 июль — 3 август кунлари бўлиб ўтган беллашувларда 66 та олимпия ва 18 та жаҳон рекорди ўрнатилди.

Чехословакиялик Эмиль Затопек ҳеч шубҳасиз Хельсинки Олимпиадасининг қаҳрамони ҳисобланади. У 5000, 10000 метрга ва марафон югуришида ғолиб чиқиб, уч карра Олимпиада чемпиони бўлди. Собиқ Иттифоқнинг спорт гимнастикаси бўйича терма жамоаси сафидаги Мария Гороховскаянинг натижалари ҳам жуда

салмоқли бўлди. У еттита — иккита олтин ва бешта кумуш медаль соҳибаси бўлди.

Аёллар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича жамоа биринчилигида ўн бешинчи Олимпия ўйинлари фахрий шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилганлар орасида Тошкентнинг «Искра» кўнгилли спорт жамиятидан Галина Шамрай ҳам бор эди. У Олимпиада чемпиони юксак унвонига сазовор бўлган Ўзбекистоннинг биринчи вакили бўлди. Галина Шамрай, шунингдек, мажбурий машқларни бажариш бўйича жамоа биринчилигида кумуш медални ҳам қўлга киритди. Кўпкураш бўйича шахсий биринчиликда эса 74,98 балл тўплаб, саккизинчи ўринни олди.

Яна бир ўзбекистонлик Сергей Попов Хельсинки Олимпиадасида 110 метрга тўсиқлар оша югуришда тўртинчи ўринни олди.

Олимпиадачи аёллардан австралиялик Маржари Жексон энг қисқа — 100 ва 200 метрга югуришда олтин медалларни қўлга киритиш билан бирга бу масофаларда янги жаҳон рекордлари ўрнатди.

Бразилиялик Адемар Феррейрада Сиванинг уч ҳатлаб сакрашдаги 16 метр 22 сантиметр натижаси ҳам янги жаҳон рекорди сифатида қайд этилди. У яна тўрт йилдан сўнг Мельбурнда Хельсинкидаги ютуғини такрорлаб, икки карра Олимпиада чемпиони бўлди. Унинг спорт майдонларидаги зафарларига кейинчалик машҳур кино артисти шуҳрати ҳам қўшилди.

Сузиш мусобақаларида эса Венгрия ва АҚШ спортчиларининг устунлиги яққол сезилди. Агар аёллар ўртасидаги сузиш мусобақаларида венгрияликлар еттита — тўртта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медали билан тақдирланган бўлсалар, эркаклар ўртасидаги беллашувларда америкаликлар олтита олий нишон соҳиб бўлдилар.

Венгрия футболчилари олимпиада жамоалари ўртасида энг кучли эканликларини ишонарли тарзда исботладилар. Бундан уларнинг финал сари йўлда руминияликлар (2:1), италияликлар (3:0), туркияликлар (7:1), шведлар (6:0) қаршиликларини енгиб ўтиб, ҳал қилувчи учрашувда югославларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратганлари далолат беради.

Икки қарама-қарши тузум олимпиадачилари ўртасида Хельсинкидан бошланган кескин рақобатнинг муқаддимаси бирор томонга устунлик бермади. Бу икки давлат спортчилари норасмий жамоа ҳисобида бир хил — 494 очко тўладилар. Тўғри, америкаликлар кўпроқ ол-

тин медални қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Улар ҳисобида жами 76 та (40 та олтин, 19 та кумуш ва 17 та бронза) медаллари бор эди. Собиқ Иттифоқ спортчилари 71 та (22 та олтин, 30 та кумуш ва 19 та бронза) медалларини қўлга киритдилар. 259,5 очко ва 42 та (16 та олтин, 10 та кумуш ва 16 та бронза) медали билан Венгрия олимпиадачилари учинчи ўринга кўтарилиб, спорт оламида катта шов-шувга сабаб бўлдилар.

Ўн олти кун давом этган муросасиз мусобақалар ниҳоясига етиб, 3 августда олимпия ўйинлари иштирокчилари яна Хельсинки стадионига тўпландилар. Бу ерда Олимпиада ватани — Греция, мезбонлар — Финляндия ҳамда келгуси ўйинлар ўтказиладиган Австралия давлат байроқлари кўтарилган. Улкан таблода фин, француз ва инглиз тилларида битилган: *«Фалаба буюқдир, аммо олижаноб мусобақалар бундан ҳам буюқдир»*, деган сўзлар порлаб турарди.

ХОҚ Президенти Зигфрид Эдстрем сўз олади. Унинг *«Олимпия ўйинлари яна бир бор тинчлик мақсадига, бу тинч дунёда бахтли бўлишга хизмат қилади»*, деган сўзлари олқишларга қўмилиб кетади. У ҳаяжонланганидан, ёки баъзиларнинг гувоҳлик беришларича, нутқи матни битилган қоғозларни ёнига солишни эсдан чиқарганлиги сабабли маросим тартибида кўзда тутилганидек ўн бешинчи олимпия ўйинларини ёпиқ, деб эълон қилмайди.

Бу журналистларга Хельсинки Олимпиадаси расман ёпилмай қолди, деб ёзишлари учун дастак бўлади. Аммо Финляндия пойтахтидаги бу унутилмас спорт байрами таассуротлари остида хорижий газеталарнинг бирида жуда асосли равишда: *«Хельсинкидаги ўйинлар нафақат хотирада мангу сақланиб қолади, балки куч-қудрат ва ёшликнинг ёғдусидек абадий порлаб туради, улар ёпиқ, деб эълон қилинмади ва шунинг учун мангудир»*, деб таъкидланган.

1952 йилги олтинчи қишки Олимпиада ўйинлари илк бор кичик курорт шаҳарчалари эмас, пойтахтда ўтказилганлиги билан эса қоларли бўлди. Ослода мазкур оламшумул мусобақалар учун махсус қишки стадион, бошқа спорт иншоотлари барпо этилди.

Норвегия пойтахтида 14—25 февралда бўлиб ўтган мусобақаларда иштирок этиш учун 30 мамлакатдан 732 спортчи, шу жумладан, 108 аёл келди. Улар беш қишки спорт тури бўйича 22 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Ослода биринчи бор Ёзги ўйинлардагидек

олимпия машъаласи ҳам ёндирилди. У Норвегияда чанги спортчиси ҳисобланган С. Нордхейм ўчоғи (камини)дан ўт олдирилди. Бу анъана 1956 ва 1960 йиллардаги қишки Олимпиадаларда ҳам давом эттирилди. Шундан кейингина олимпия машъаласи Олимпия шаҳрида ўт олдириладиган бўлди.

Швеция олимпиадачиларининг чанги спортида аввалги ютуқларини такрорлашга умидлари пучга чиқди. Норвегия ва Финляндия чангичилари жами 18 медалнинг 16 тасини ўзаро бўлашиб олдилар. Швеция спортчилари эса фақат яккаю ягона бронза медали билан кифояландилар, холос.

Баландликдан чангида тушишда иккита олтин медалга сазовор бўлган америкалик Андреа Мид-Лоренсинг қатъияти ҳайратланарлидир. У мусобақа пайтида трассада йиқилиб тушганига қарамасдан, ўрнидан туриб марра томон чангида учинини давом эттирди ва энг яхши натижа кўрсата олди. Қишки Олимпиада ўйинларида бунгача ва бундан кейин ҳам бирорта шундай воқеа кузатилмаган.

Аммо Осло қишки Олимпиадасининг қаҳрамони норвегиялик Ялмар Андерсен ҳисобланади. У 5000 ва 10000 метрга конькида югуришда ҳам олимпиада рекордлари ўрнатди, ҳам чемпион бўлди. Спортчининг 1500 метрга коньки-

да югуришдаги галабаси, айниқса, кутилмаган эди.

Мезбонлар бу Олимпиадада гоёят муваффақиятли қатнашдилар. 104,5 очко ва 16 та (7 та олтин, 3 та кумуш ва 6 та бронза) медалларини қўлга киритган Норвегия жамоаси биринчи ўринни олди. Иккинчи ўрин АҚШ, учинчи — Финляндия олимпиадачиларига насиб этди.

Олимпиада ўйинлари йилида Тошкентда 24 август — 7 сентябрда навбатдаги республика спартакиадаси, Ашхободда эса 19—24 октябрь кунлари Ўрта Осий ва Қозоғистон республикаларининг еттинчи спартакиадаси ўтказилди. Ўзбек спортчилари беш иттифоқдош республика терма жамоалари ўртасида энгил атлетика, спорт гимнастикаси, сузиш, сувга сакраш, юнон-рим кураши, велоспорт, баскетбол, волейбол бўйича биринчи ўринни олдилар. Улар умумжамоа ҳисобида ҳам пешқадамлик қилдилар.

Бу муваффақиятларга курашчиларимиздан Норбой ва Ражаб Отажоновлар, Самандар Турсунов, Аҳмад Содиқов, Аҳмад Жуманиёзов, Абдурауф Абдурахмонов, энгил атлетикачилар Мамажон Олтибоев, Лидия Требухина, Юрий Франке, Юрий Шаломицкий, Сергей Попов, Владимир Герасимчук, Надежда Борисоваларнинг қўшган ҳиссалари салмоқли бўлди.

ЯШИЛ ҚИТЪАДА

ХОҚнинг 1949 йилги сессиясида XVI Олимпиадани ўтказиш шарафи Мельбурнга ишониб топширилганида бу қарорнинг одиллигига шубҳа билдирганлар кам эмасди. Бунда гап биргина яшил қитъа — Австралиянинг жуда олис-лигидагина эмасди. Мельбурнда ХОҚ талаблари асосида олимпия ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган стадион йўқ эди. Бундан ташқари, Австралиянинг амалдаги қонунларига мувофиқ бу мамлакатга олти ойлик карантин муддатисиз ҳайвонларни олиб кириш тақиқланиши сабабли от спорти мусобақалари қандай ўтказилиши маълум эмасди. Шу туфайли кўпчилик асосли равишда нима учун Халқаро Олимпия Кўмитаси ўйинлар пойтахти бўлишга даъвогарлик қилган Буэнос-Айрес, Детройт, Лос-Анжелес, Миннеаполис, Сан-Франциско, Филадельфия, Чикаго,

Мехико, Монреални эмас, балки бу узоқ қитъадаги шаҳарни танлаганига ҳайрон бўларди.

ХОҚнинг олимпия ўйинлари барча қитъаларда бўлиб ўтишига ҳаракат қилаётганлиги тушунарли эди. Кейинроқ маълум бўлишича, ўн олтинчи Олимпиадада юқорида қайд этилган муаммолар асосий эмас экан. Мельбурндаги крикет стадиони жуда замонавий тарзда қайта таъмирланиб, 104 минг томошабинни бағрига оладиган машҳур «Мейнстадиум»га айлантирилди. Мельбурн яқинидаги Гейдельберг шаҳарчасида 4500 спортчи учун 850 та бир ва икки қаватли уйчалардан иборат олимпия қишлоғи қад ростлади. Ўйинлар дастуридаги от спорти мусобақалари эса Швеция пойтахти Стокгольмда 1956 йил 10—17 июнь кунлари ўтказилди. Бу мусобақаларда 29 мамлакатдан 158 спортчи, шу жумладан, 13 аёл иштирок этди.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

Мельбурн Олимпиадасини ўтказишда ташкилий масалалар эмас, балки бевосита Ўйинлар арафасида Венгрия, Миср ва Тайвань билан боғлиқ воқеалар жиддий муаммолар туғдирди. 1956 йил ноябрида Венгрияда бошланган аксилшўро исёнини бостириш учун собиқ шўро кўшинлари бу мамлакатга киритилди. 5 ноябрда Будапешт радиоси шаҳардаги жанглarda бошқалар қатори ўн бешинчи Олимпиада чемпио-

Айни шу вақтда Франция, Англия ва Исроил Мисрга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборишган эдилар. Шунинг учун Ироқ олимпиадачилари ҳам Австралияга сафарларини бекор қилдилар. Хитой Халқ Республикаси эса Мельбурн Олимпиадасига Тайвань ороли спортчилари мустақил давлат вакиллари сифатида таклиф этилганликлари муносабати билан бу Ўйинларни бойкот қилдилар.



Олимпиада чемпиони Сергей Бубка.



Биатлон мусобақаларида.

ни, енгил атлетикачи Йозеф Чермак, ана шу Ўйинлар иштирокчиси, бешкурашчи Габор Бендчек ва футбол бўйича мамлакат терма жамоасининг сардори Ференц Пушкаш ҳалок бўлганликларини маълум қилди. Венгриядаги бу воқеалар муносабати билан Голландия, Испания ва Швейцария Мельбурн Олимпиадасида иштирок этишдан бош тортдилар.

Собиқ Иттифоқ олимпия терма жамоаси Мельбурнга йўл олишдан аввал Тошкентда сўнги машқларни ўтказди. Машҳур енгил атлетикачи Владимир Куц «Спартак» стадиони югуриш йўлакчаларида машқ қилган бўлса, спорт гимнастикаси юлдузлари Виктор Чукарин, Борис Шахлин, Лариса Латинина, Альберт Азарян Округ зобитлар уйи спорт залида маҳоратларини пухталар эдилар.

Тошкентда 31 октябрь куни терма жамоа аъзолари — Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Европа биринчиликлари чемпионлари, истеъдодли ёш спортчилар республикамиз спорт жамоатчилиги вакиллари билан учрашдилар. Гимнастика бўйича республика чемпиони Светлана Чуксева уларни қутлаб, Мельбурнда муваффақиятлар тилади. Мамлакат олимпия кўмитаси раиси К.Андрианов, олимпиадачилардан гимнастика-

километрлик масофани самолёт бортида ўтказиб, Австралия шимолидаги Дарвин шаҳрига келтирилди ва шу ердан мамлакат бўйлаб Мельбурнга йўл олди.

Ун олтинчи олимпия ўйинларига 68 давлатдан 3184 нафар, шу жумладан, 371 аёл спортчи ташриф буюрди. Яшил қитъадаги олимпия стадионидан биринчи мартаба Кения, Либерия, Малайи, Тайвань ороли, Уганда, Фиджи, Эфио-



VII қишки Олимпиаданинг тантанали очилиши.



Уч карра Олимпиада чемпионлари — Ирина Роднина ва Александр Зайцев.

чи Лариса Латинина, енгил атлетикачи Михаил Кривоносов барча спорт ихлосмандларининг ишончини оқлашга ваъда бердилар.

1956 йил 22 ноябрь куни Мельбурнда XVI олимпия ўйинлари бошланди. Дастлабки бор олимпия машъаласи Ўйинлар пойтахти сари йўлнинг асосий қисмини ҳаво орқали босиб ўтишига тўғри келди. Олимпия шаҳрида ёқилиб Афинага келтирилган машъала бу ердан 22 минг

пия миллий жамоалари шахдам қадам ташлаб ўтишди. Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси олимпиадачилари эса Бирлашган Германия жамоасини ташкил этдилар.

Иштирокчилар нисбатан камлигига қарасдан Мельбурн Олимпиадасининг спорт натижалари жуда юқорилиги билан ажралиб турди. Австралиядаги мусобақаларда 72 та олим-

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

пия, шу жумладан, 22 та жаҳон рекорди ўрнатилди.

Бу Ўйинларни «Куц Олимпиадаси» номи билан аташади. Ҳақиқатан ҳам украиналик денгизчи Владимир Куц Мельбурнда 5000 ва 10000 метр масофага югуришдаги ғалабаларини олимпиада рекордлари билан беади. У 1956 йилда жаҳоннинг энг яхши спортчиси, деб эътироф этилди.

Умуман эса енгил атлетика мусобақаларида АҚШ спортчилари ҳамон пешқадам эдилар. Уларнинг спортнинг бу тури бўйича 33 та олтин медалдан деярли тенг ярми — 16 тасини қўлга киритганликлари буни ҳаммадан ҳам ёрқин исботлаб турибди.

Ўн олтинчи олимпия ўйинларида аёллар ўртасида баландликка сакраш мусобақаларида Тошкентнинг «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти аъзоси Валентина Баллод ҳам иштирок этди. У 160 сантиметр баландликни забт этиб, ўн биринчи ўринни олди.

Мельбурнда мезбонлар сузиш австралияликлар учун спортнинг миллий турига айланганлигини биринчи марта намоён қилишди. Яшил қитъа вакиллари сузиш ҳавзаларидан 13 та олий нишоннинг 8 тасини «тутиб олиш»га муваффақ бўлдилар.

Спорт гимнастикасида жамоа ҳисобида ҳам, шахсий биринчиликларда ҳам собиқ Иттифоқ, қиличбозликда эса Италия ва Венгрия спортчи-

Спортнинг олимпия турлари

ОТ СПОРТИ

От спорти — чавандозлик олий мактаби (виездка), тўсиқлардан ўтиш (конкур) ва учқураш (майдонда от йўрттириш, дала синовлари ҳамда тўсиқлардан ўтиш) бўйича мусобақалардан иборат спортнинг олимпия тури.

Халқаро от спорти федерацияси — ФЕИ 1921 йилда ташкил топган. У ҳозирги вақтда 134 та миллий от спорти федерацияларини бирлаштирган.

Олимпия ўйинлари дастурига 1900 йилдан киритилган. Ҳа II Олимпиадада от спортининг тўсиқлардан ўтиш, от билан узунликка ва баландликка сакраш бўйича шахсий мусобақалар ўтказилган. 1912 йилдан Ўйинлар мусобақалари дастурига чавандозлик олий мактаби ва учқураш бўйича шахсий ва жамоа биринчилиги, 1920 йилдан 20 ва 50 километрга пойга, 1928 йилдан эса чавандозлик олий мактаби, тўсиқлардан ўтиш ва учқураш бўйича шахсий ва жамоа биринчиликлари (1960 йилда чавандозлик олий мактаби бўйича жамоа биринчилиги ўтказилмаган) ўтказиб келинмоқда. 1900, 1908, 1920, 1924, 1936 йиллардаги Олимпиадаларда Ўйинлар мусобақалари дастуридан от полси ҳам ўрин олган.

Олимпия ўйинларида от спорти мусобақаларида аёллар эркаклар билан баб-баравар шахсий ва жамоа биринчиликларида 6 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борадилар. Жамоа биринчилигида ғолиблар жамоа тўрт аъзосининг энг яхши кўрсаткичларга эришган учтасининг тўплаган баллари жамланган ҳолда аниқланади.

От спортининг *чавандозлик олий мактаби* тури «Катта даврин», қисқа дастур ва эркин дастур (КЮР)дан иборат. Қисқа дастур мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига «Катта дастур» бўйича энг яхши натижа кўрсатган 24, эркин дастурда эса тегишли равишда энг яхши 12 чавандоз эга бўлади. Тур ғолиблари мусобақалар ҳар учала туридаги ижобий баллар жамланмаси асосида аниқланади.

От спортининг от билан *тўсиқлардан ўтиш* турида ҳар бир чавандоз баландлиги 160 сантиметрлик 12—15 тўсиқдан ўтишда мусобақалашадилар. Натижалар чавандозларнинг жарима балларига (от билан тўсиқдан ўта олманлиги, қоидаларни бузганлиги ва ҳоказолар учун бериладиган) қараб чиқарилади. 1972 йилдан от спорти бу турининг жамоа биринчилиги икки босқичда ўтказилмоқда. Иккинчи турда қатнашиш ҳуқуқи дастлабки беллашувларда энг яхши натижа кўрсатган 20 чавандозга берилади.

Учқураш от спортининг чавандозлик олий мактаби (енгиллаштирилган дастур асосида), дала синовлари ҳамда тўсиқлардан (120 сантиметр баландликдаги 12—13 та) ўтиш турларини мужассамлаштиради. *Дала синовлари* уч босқичдан иборат: биринчиси — умумий узунлиги 25 километрдан иборат нотекис ва сўқмоқ йўлда отнинг югуриш тезлиги, чидамлилиги синалади; иккинчисида от билан 10,5 километрли масофада учта тўсиқдан уч марта ўтилади ва ниҳоят учинчисида 7,41 километрли масофада от билан 35 та тўсиқдан ўтилади.



лари юксак маҳоратларини намойиш қила олдилар. Хусусан украиналик Виктор Чукарин Мельбурнда спорт гимнастикаси мусобақаларида ҳаммаси бўлиб бешта: учта олтин, кумуш ва бронза, унинг Днепр соҳилларидаги юртдоши Лариса Латинина ҳам худди шунча — тўртта олтин ва битта кумуш медаль билан тақдирландилар. Италияликлар рапира ва шпагада рақибларидан устун келган бўлсалар, венгрлар қиличда жамоа ҳисобида биринчи ўринни олдилар. Бу мамлакат қиличбози Р. Карпати ҳам фахрий шохсупа энг турига кўтарилди.

Тўрт спортчи аввалги Олимпиадада эришган олий ютуғини такрорлашга муваффақ бўлди. Мезбонлардан Ш. Стрикленд де ла Хант 80 метрга тўсиқлар оша югуришда, бразилиялик А. Ферейра да Силве уч ҳатлаб узунликка сакрашда, АҚШлик П.О. Брайен ядро улоқтиришда, унинг жамоодоши Р. Ричардс лангар билан баландликка сакрашда Мельбурнда ҳам худди Хельсинкидагидек олтин медалларга сазовор бўлдилар.

Улар орасида америкалик Патрисия Маккармикнинг натижаси, айниқса, ажралиб туради. У 1952 йилги олимпия ўйинларида ҳам, Мельбурнда ҳам сувга сакрашда иккитадан — жами тўртта олтин медалга сазовор бўлди.

Олимпия ўйинларининг тантанали ёпилиш куни — 8 декабрда футбол бўйича финал учрашувда майдонга собиқ Иттифоқ ва Югославия терма жамоалари тушдилар. Ҳал қилувчи учрашувга қадар Бирлашган Германия жамоасини 2:1, индонезияликларни икки ўйинда — 0:0 ва 4:0, болгарларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган собиқ Иттифоқ футболчилари югославлар дарвозасини бир марта ишғол қилиб, чемпион бўлдилар.

Норасмий умужамоа ҳисобида ҳам собиқ Иттифоқ олимпиадачилари галабаси жуда ишонарли бўлди. Улар 622,5 очко ва 98 та (37 та олтин, 29 та кумуш ва 32 та бронза) медаль билан иккинчи ўринни олган АҚШ спортчиларидан (497,5 очко ва 74 та, шу жумладан, 32 та олтин, 25 та кумуш, 17 та бронза медаль) анча юқори роқ натижага эришдилар.

Халқаро Олимпия Кўмитаси ўзининг 1949 йилги сессиясидаёқ ўн бешинчи Олимпиададан эътиборан маданият ва санъат соҳасидаги анъанавий танловларни ўйинлар дастурига киритмаслик, бунинг ўрнига Олимпиада доирасида маданият ва санъат фестиваллари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Биринчи бор ана шундай фестиваль Мельбурнда бўлиб ўтди. Бу ерда олимпия ўйинлари доирасида расм, ҳайкаллар, меъморлар асарлари, китоблар кўргазмалари ташкил этилди, Мельбурн, Сидней, Австралия бошқа шаҳарларининг энг яхши симфоник оркестрлари, фольклор жамоалари концертлари бўлиб ўтди.

Австралиядаги мусобақаларда иштирок этган Венгрия миллий олимпия терма жамоаси аъзоларидан 56 нафарининг ватанига қайтиб боришдан бош тортиши Мельбурн Олимпиадасининг яна бир ўзига хос томони бўлди.

1956 йил 26 январь — 5 февраль кунлари эса Италиянинг Кортина д'Ампеццо шаҳарчаси еттинчи қишки Олимпиада пойтахтига айланди. Жаҳонда қиш спорт марказларидан бири сифатида машҳур бўлган бу шаҳарчага 33 давлатдан 924 спортчи, шу жумладан, 146 аёл келди. Улар орасида илк маротаба собиқ Иттифоқнинг 153 олимпиадачиси ҳам бор эди. Германия Демократик Республикаси спортчилари ҳам Қишки Олимпиадада дастлабки бор, лекин Бирлашган Германия жамоаси таркибида қатнашдилар.

Қишки ўйинларда Олимпиада тарихида биринчи марта аёл спортчи, италиялик чангичи Жулиана Шенал Мануццо мусобақа қатнашчилари номидан қасамёд қилди.

Мусобақалар аввалги ўйинлардагидек қишки спортнинг беш тури, 24 медаллар жамланмаси учун олиб борилган бўлсада, уларга айрим ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, чанғи бўйича беллашувлар 18 километрга пойга 15 ҳамда 30 километр масофаларга алмаштирилди, аёллар ўртасида янги, 3x5 километрга эстафета мусобақалар дастурига киритилди.

Чанғида пойгада ҳар галгидек шимол давлатлари вакиллари пешқадамлик қилдилар. Норвегиялик Х. Бренден 15 километрга пойгада маррага биринчи бўлиб етиб келган бўлса, 30 километрлик масофада фин В. Хакулиненга, 50 километрга пойгада швед С. Ернбергга бас келадиганлар топилмади. Қишки спортнинг бу турида фақат собиқ Иттифоқ чангичиларигина 4x10 километрга эстафетада голиблик шохсупасига кўтарила олдилар.

Қишки Олимпиадада собиқ Иттифоқ спортчилари орасида биринчи бўлиб олтин медалга чанғида 10 километр масофага пойгада Любовь Козирева сазовор бўлди. Кортина д'Ампеццода ҳаммадан ҳам собиқ конькичилари кўпчиликни қойил қолдирдилар. Евгений Гришин 500 метр масофада 40,2 секунд натижа билан жаҳон ре-



Трекда.

кордини янгилади. У иккинчи олтин медалга ҳам 1500 метр масофада жаҳон рекорди (2 дақ. 08,6 сек.) ўрнатган ҳолда сазовор бўлди. Худди шундай натижа кўрсатган жамоадоши Ю. Михайлов унинг рекордига шерик бўлди ҳамда шоҳсупа турига бирга кўтарилди. Б. Шишковнинг 5000 метр масофада кўрсатган натижаси янги олимпия рекорди сифатида қайд қилинди. Коньки мусобақаларида фақат швед С. Эриксонгина 10000 метр масофада чемпион бўлиб, собиқ шўро спортчиларининг қишки спортнинг бу турида мутлақ голибликларига халақит берди.

Аммо австриялик Тони Зайлер тоғ чангиси мусобақаларида галаба нашидасини ҳеч ким билан баҳам кўришни хоҳламади. У тоғ чангиси буйича барча — учала олтин медални ҳам қўлга киритиб, еттинчи қишки Олимпиада уйинлари-

нинг ҳақиқий қаҳрамонига айланди. Италиялик Жакамо Канти учта эмас, битта олтин медал соҳиби бўлса ҳам ирода ва матонатда австриялик тоғ қиролидан асло қолишмасди. У шериги Ламберто Далла Коста билан икки ўринлик бобслейда юртида Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлганида қирқ еттинчи баҳорини қаршилаётган эди!

Фин Л. Хювяринен Италияда трамплиндан чанғида сакрашнинг ҳали бирор спортчи қўлламаган техникаси билан рақибларини доғда қолдирди. Унинг 81 ва 84 метрга сакрашлари финга олтин медални нақд қилиб қўйди.

Фигурали учишда жуфтликларда австрияликлар, якка мусобақаларда америкаликлар голиб чиқдилар. Шайбали хоккей буйича олимпия турнирида собиқ Иттифоқ спортчиларининг биринчи бор иштирок этишлариёқ Америка қитъаси мамлакатларининг узоқ йиллик якка ҳокимликлари тугаганлигини кўрсатди. Бу давлат терма жамоаси мусобақаларнинг саралаш босқичида Швеция (5:1), Швейцария (10:3), финал қисмида яна Швеция (4:1) ҳамда Чехословакия (7:4), Бирлашган Германия жамоаси (8:0), Канада (2:0), АҚШ (4:0) хоккейчиларини мағлубиятга учратиб, илк марта Олимпиада чемпиони бўлди.

Собиқ Иттифоқ хоккейчилари рақиблари дарвозасига киритган шайбалардан тўққизтасининг муаллифи Всеволод Бобров эди. Ушбу спортчининг ҳар тарафлама юксак истеъдодидан унинг 1952 йилги олимпия уйинларида футбол





Велепойга.

терма жамоасининг, Италиядаги қишки Олимпиадада эса шайбали хоккей терма жамоасининг сардори бўлганлиги яққол далолат бериб турибди.

Қишки Олимпиадада ҳам норасмий умумжамоа ҳисобида собиқ Иттифоқ спортчилари юксак натижа кўрсатдилар. Улар ҳисобида 103 очко ва 16 та (7 та олтин, 3 та кумуш, 6 та бронза) медаллар бор эди. Таққослаш учун иккинчи ўринни олган австрияликлар 66,5 очко ва 11 та (4 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза) медал, учинчи ўринга кўтарилган финлар 57 очко ва 7 та (3 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза) медал билан чегараланганликларини келтириш мумкин.

Олимпия ўйинлари йили — 1956 йил 10 июнда Тошкентдаги «Спартак» стадионида тўққизинчи Бутунўзбек спартакиадаси тантанали суратда очилди. Республика барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг 1800 нафарга яқин энг кучли спортчилари спортнинг 15 тури бўйича мусобақалашдилар.

Спартакиада Ўзбекистонда жаҳонинг энг яхши спортчилари билан беллаша оладиган гоят истеъдодли спортчилар кўпайиб бораётганлигини кўрсатди. Жумладан, тошкентлик спортчи Анатолий Белицкий от спорти бўйича икки карра собиқ Иттифоқ чемпиони эди. Енгил атлетикачилардан Тошкент тиббиёт институтининг талабаси Флёра Камолова, спорт устаси Фариди Ҳасанова ўрта масофаларга югуришда мамлакат мусобақаларида катта муваффақият билан қатнашиб келаётган эдилар.



Трекда пойга.

Айниқса, самарқандлик опа-сингил Ирина ва Тамара Пресснинг енгил атлетика мусобақаларида кўрсатаётган натижалари қувонарли эди. Тамара спорт снарядлари улоқтиришга ихтисослашиб, бу истеъдодли енгил атлетикачи маҳоратини ошириш учун тезда Санкт-Петербургга таклиф этилган бўлса, Ирина бир неча йиллар давомида Ўзбекистон терма жамоаси сафида мамлакат биринчиликлари ва спартакиадаларида республика шарафини муваффақиятли ҳимоя қилиб келди. У тўққизинчи БутунЎзбек спартакиадасида бешкурашда 3941 очко тўплаб, рекорд ўрнатди.

Ўзбекистон эшкак эшиш спорти мактабига ҳам ана шу Мельбурн Олимпиадаси йилида асос солинди. 1956 йил 27 майда Тошкент яқинидаги Назарбек кўлларида дастлабки марта каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича Урта Осиё минтақавий мусобақалари бошланди. Уларда тошкентлик С. Дьяченко ва Т. Дьяченко жуфтлик каноэда биринчи ғалабаларини нишонладилар.

Ўн олтинчи Олимпиада ўйинлари йили — 1956 йил 11 августда Тошкентда «Пахтакор» марказий стадиони ҳам фойдаланишга топширилди.



Спортнинг олимпия турлари

АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ

Академик эшкак эшиш — академик қайиқларда пойга мусобақалари ўтказиладиган эшкак эшиш спорт тури. Нил дарёсида милоддан аввалги XXV асрда ҳам эшкак эшиш мусобақалари ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолган. Сўнг бундай пойгалар кўҳна Римда ҳам бўлиб ўтарди.

Европада биринчи марта қайиқларда пойга XVI асрда Темза дарёсида ўтказилган. 1715 йилда инглиз артисти Томас Жожет томонидан ташкиллаштирилган қайиқлар пойгаси эшкак эшиш бўйича биринчи расмий мусобақалар, деб эътироф этилади. Бу қайиқлар пойгаси анъанавий тус олиб, шу артист номи билан атала бошланди. 1775 йилда Темзада биринчи регата ҳам ўтказилди. У кейинчалик Хенлей Қироллик регатаси номи билан машҳур бўлиб кетди.

Академик эшкак эшиш 1900 йилдан олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган. 1976 йилдан академик эшкак эшиш мусобақалари аёллар ўртасида ҳам ўтказила бошланди.

Халқаро эшкак эшиш уюшмаси — ФИСАга 1892 йилда асос солинган. У 1996 йилдан Халқаро эшкак эшиш федерацияси — ИРФ деб аталади. ИРФ 1123 миллий федерацияни бирлаштиради.

Академик қайиқларда эшкак эшиш битта ва иккита эшкак билан амалга оширилади. Мусобақаларда *скиф* туридаги, машҳур ўтказишда эса *клинкер* туридаги қайиқлардан фойдаланилади.

Олимпия ўйинларида академик эшкак эшиш мусобақалари турли масофаларга ўтказиб келинган. Жумладан, 1900 йилда пойга 2000 метрга, 1904 йилда 2 инглиз мили (3218 метр), 1908 йилда 1 миль 800 ярд (2412 метр), 1948 йилда 1850 метрга ўтказилган. 1952 йилдан эса 2000 метрга ўтказилади. Шунингдек, 1920 йилгача қайиқларнинг ҳар бир тоифасида бир мамлакатдан бир неча экипаж қатнашишига рухсат берилган.

Олимпия ўйинлари мусобақалари дастурига эркаклар ўртасида икки эшкаклик якка, жуфт, тўрт ва саккиз ҳамда руль бошқарувчиси бўлмаган жуфт, тўрт ва саккиз, шунингдек, бир эшкаклик руль бошқарувчиси бўлмаган жуфт ва тўрт ҳамда саккиз кишилик экипажлари бўлган қайиқларда пойгалар киритилган. Аёллар ўртасидаги пойгалар эса бир эшкаклик якка, жуфт, тўрт ҳамда руль бошқарувчиси бўлмаган жуфт, икки эшкаклик саккиз кишилик экипажлари бўлган қайиқларда ўтказилади.

Олимпия ўйинларида академик эшкак эшиш пойгалари бошланғич, ярим финал ва финал босқичларидан иборат. Бошланғич ва ярим финал босқичларида икки пойгани ютқизган экипаж мусобақаларни тарк этади. Финалда энг кучли олти экипаж қатнашади. Мусобақаларнинг бошланғич босқичида икки қайиқ маррага баб-баравар келса, улар ўртасида қўшимча пойга ўтказилади, финалда эса ҳар икки қайиққа бир хил ўрин берилади.

Олимпия ўйинларида академик эшкак эшиш мусобақаларида қатнашадиган спортчилар вазни чеклаб қўйилган. Эркак эшкак эшувчилар кўпи билан 72,5, аёллар эса 59 килограмм вазнга эга бўлиши мумкин. Айни пайтда эркаклар экипажи аъзоларининг ўртача вазни 70, аёлларникида эса 57 килограммдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.



БУТУН ДУНЁ НИГОҲИДА

Римда ўтказилган XVII олимпия ўйинларига таъриф берилганда, энг аввало, унинг аъло даражада ташкил этилганлиги таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам Халқаро Олимпия Қўмитаси жаҳон спорти байрамини ўтказиш учун 17 даввогар шаҳар орасидан Италия пойтахтини бежиз танламаганлигини спортчилар ҳам, кўп сонли меҳмонлар ҳам яқдил эътироф этишди.

Бу фикрга 1960 йил 25 августда Римдаги «Фор-ро италико» стадионини тўлдирган 100 минг томошабин билан бирга ёзги Ўйинларнинг тантанали очилишининг гувоҳи бўлган бутун дунёдаги миллионлаб спорт ихлосмандлари ҳам, эҳтимол, қўшилишган бўларди. Зеро худди шу Олимпиададан бошлаб Ўйинларнинг тантанали очилиши ва ёпилиши билан бирга бевосита спорт мусобақалари ҳам телевидение орқали тўғридан-тўғри бутун жаҳонга олиб кўрсатиладиган бўлди.

Рим Олимпиадасининг иккинчи катта ютуғи сифатида мусобақалар қатнашчиларининг кўп сонлиги тилга олинади. Ҳа, Аппенин ярим оролига 84 давлатдан 5348 спортчи, шу жумладан, 610 аёл ташриф буюрди. Вест-инд федерацияси, Марокаш, Бирлашган Араб Республикаси, Сан-Марино, Судан, Сурия спортчилари учун бу улар иштирок этаётган биринчи олимпия ўйинлари эди.

Спорт мутахассислари эса Рим Олимпиадасида мусобақалар ғоят кескин руҳда, мурасасиз ўтиб, оламшумул натижалар кўрсатилганлигидан мамнунликларини изҳор этадилар. Улар ўз фикрларини бу ерда 76 та олимпия, шу жумладан, 30 та жаҳон рекорди ўрнатилганлиги билан асослайдилар. Олимпиадачилар 152 та медаллар жамланмаси учун беллашганликлари, спортнинг кўпгина турларида рекордлар қайд қилинмаслиги назарда тутилдиган бўлса ғолиблик шохсупасига кўтарилиш учун амалда спортчидан шу кунгача жаҳонда энг юксак деб ҳисоблаб келинган кўрсаткичдан ўзиб кетиш талаб қилинганлиги ойдинлашади.

Хусусан, энгил атлетика, айниқса, қисқа масофаларга югуриш мусобақаларида Америка Қўшма Штатлари спортчилари чемпионликдан бошқа ўринларни муваффақиятсизлик, деб ҳисоблашиб келишарди. Улар жамоадоши қора танли Вильма Рудольф аёллар ўртасида 100 ва 200 метрга югуриш ҳамда 4x100 метрга эстафе-

тада буни яна бир марта исботлади. У оиладаги 22 фарзанднинг йигирманчиси эканлиги, ёшлигида полиомелит оғир хасталигига дучор бўлганлиги, ўша пайтда ҳассасиз юра олмаганлиги кўпчиликка маълум эмасди, албатта. Спорт мухлислари унинг югуриш йўлакчаларида оҳудек елиб, янги-янги рекордлар ўрнатганини ёдда сақлаб қолдилар.

Вильма Рудольф дардан қутулиш учун баскетбол ўйнашни бошлади. Кейин энгил атлетикага қизиқиб қолди. У 16 ёшлигидаёқ Мельбурн Олимпиадасида эстафетада қатнашиб, бронза медалига сазовор бўлганди.

1977 йилда уч карра Олимпиада чемпионининг «Вильма» китоби нашр этилди. У дарҳол жуда машҳур бўлиб кетди. Ана шу китоб бўйича фильм ҳам яратилди. Афсуски, Вильма Рудольф 1994 йил — 54 ёшида саратон касали билан вафот қилди. 1997 йилдан у дунёга келган АҚШнинг Тенесси штатида 23 июнь — Вильма Рудольф туғилган кун байрам қилинади.

Ҳа, олимпия ўйинларида ғолиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Хусусан Римда Германия Бирлашган жамоасидан А. Харига 100 метрга, италиялик Л. Беруттига 200 метрга югуришда, немис спортчиларига 4x100 метр эстафетада америкаликларни «тахтларидан тушириш» учун жаҳон рекордлари ўрнатишларига тўғри келди.

Эфиопиялик Абебе Бикиланнинг марафондаги мислсиз галабалари ҳам инсон иродаси ва чексиз имкониятларининг яна бир намунаси бўла олади. Унинг Римдаги олимпия ўйинларида югуришга ялангоёқ чиққанлигининг ўзи ҳамма-ни ҳайратга солганди. Абебенинг маррага биринчи бўлиб етиб келганлигининг гувоҳи бўлганларнинг яна ёқа ушлашларидан ўзга чоралари қолмади. Энг муҳими эса Бикила спортда чинакамига жасорат кўрсатиб, ўз қитъаси вакиллари орасида биринчи бўлиб марафонда Олимпиада чемпиони сифатида минглаб африкаликлар учун намуна вазифасини ҳам ўтади. Африка давлатлари энгил атлетикачиларининг олис масофаларга югуришда кейинги олимпиадалардаги галабалари Абебе Бикила номи билан узвий боғлиқдир.

Абебе Бикила тўрт йилдан сўнг кейинги олимпия ўйинларида ҳам ғолиб чиқиб, марафонда икки карра чемпион бўлган дунёдаги ягона спортчи сифатида тарихга кирди. У 1964 йил-

ги Үйинларда 2 соат 12 дақиқа 11,2 секунд на-тижа кўрсатиб, жаҳон рекордини бирданига 3 дақиқага қисқартирди. Энг эътиборлиси шунда-ки, бу Олимпиада мусобақаларидан атиги бир ярим ой илгари у аппендиксини олиб ташлаш бўйича жарроҳлик операциясини ўтказган эди.

Эфиопиялик машҳур марафончи 1968 йилги олимпия ўйинларида ҳам иштирок этиш нияти-да эди. Аммо у автомобиль ҳалокати оқибатида ногирон бўлиб қолди. Шунга қарамасдан у ара-

ёшлигида регби бўйича мусобақаларнинг бири-да умуртқаси синади.

У ўта оғир аҳволда касалхонага олиб келин-ганда машҳур профессордан ўсмирнинг бундан кейинги тақдирини сўрашади:

- Мюррей соғайиб кетадими?
- Бунга ҳаракат қилиб кўрамиз.
- Тузалса, юра оладими?
- Эҳтимолдан холи эмас.
- Спорт билан шуғуллана оладими?



Венгрия футболчилари — яна Олимпиада чемпионлари.

вачада ўтирган ҳолда ногиронлар Олимпиада-сида камондан отиш мусобақаларида иштирок этди. Афсуски, у шундан сўнг бевақт вафот қилди.

Янги зеландияликлар эса ватандошлари Мюррей Хэлберг билан ҳақли равишда гурурланишади. У мактабда ўқиб юрган кезлари истеъ-додли теннисчи ва энгил атлетикачи эканлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ай-ниқса, регби унинг жони-дили эди. Аммо 16

— Буни хаёлига ҳам келтирмасин.

Шифокорларнинг маҳорати туфайли М. Хэл-берг учун чинакамига мўъжиза рўй бериб, жони сақланиб қолади, бироқ чап қўли ишламайдиган ногиронга айланади.

Ҳақиқий мўъжизани эса ўзи кўрсатади. Ўспирин нажот спортда деб билади ва ҳеч мубо-лағасиз чин инсон матонатини намоиш этади. Тинимсиз машқлар унинг оёққа турғизибгина қолмасдан 1952 йилда Мюррейга энгил атлетика

бўйича Янги Зеландия чемпиони унвонини қўлга киритиш имконини беради. У Мельбурн Олимпиадасида 1500 метрга югуришда 11-ўринни олган бўлса, яна тўрт йил тинимсиз машқ билан Римда 5000 метрга югуришда энг номдор олимпиадачилар орасида ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келади!

Умуман олимпия ўйинларидан ғалабага ҳақиқий қаҳрамонликсиз эришиб бўлмаслигига беҳисоб мисоллар келтириш мумкин. Италия

Украинанинг Донецк вилоятидан бўлган спортчи Рим Олимпиадасида оғир (90 кг дан юқори) вазнда тўртта — иккита жаҳон (силтаб кўтаришда — 202,5 ва учқурашда — 537,5 кг) ва иккита олимпия (жим — 180 кг ва даст кўтаришда — 155 кг) рекорди ўрнатишга муваффақ бўлди. Ҳолбуки, бу вазн тоифасидаги оғир атлетикачиларнинг беллашувлари ҳарорат 40 даража бўлган жазирамали залда етти соат — тонгги учгача давом этганди. Юрий Власов учқурашда



5000 метрга югуриш мусобақалари.

пойтахти сузиш ҳавзаларида 15 та олтин медалнинг 14 тасини АҚШ ва Австралия спортчилари бўлишиб олдилар. Лекин уларнинг ҳар бирига Олимпиада чемпиони бўлиш учун жаҳон ёки олимпия рекорди ўрнатиш талаб этилди. Худди шунингдек, собиқ Иттифоқнинг оғир атлетика бўйича беш нафар Олимпиада чемпиони ҳам бу унвонга жаҳон рекорди ўрнатиш ҳисобига сазовор бўлди. Улар орасида Юрий Власовнинг спорт жасорати, айниқса, таҳсинга моликдир.

иккинчи ўринни эгаллаган америкалик Жеймс Бредфорддан оз эмас, кўп эмас — 25 килограмм юқори натижага эришди. Айниқса, унинг штанга кўтаришдаги техникаси мукамаллиги билан ажралиб турарди. Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти Бруно Нюберг бежиз уни «оғир атлетика профессори», деб атамасди.

Юрий Власов ҳақи равишда Рим Олимпиадасининг қаҳрамони, деб эътироф этилди. У спорт билан шугулланган йиллар давомида жаҳон ре-

кордларига 29 та ўзгариш киритди. Юрий Вла-сов кейин адабиёт, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида сиёсат билан ҳам машғул бўлди. Жумладан, у Россиядаги 1996 йилги Президент сайловларида давлат раҳбари лавозимига ўз ном-зодини қўйган.

Италия пойтахти бокс ихлосмандларига Муҳаммад Алини ҳам танитди. У Рим Олимпи-адасида Кассиус Клей номи билан (у исломни қабул қилгач Муҳаммад Али номини олди) 81 килограммгача вазнга эга «чарм қўлқоп» устала-ри ўртасида ғолиб чиқди. АҚШлик спортчи шундан сўнг 1964—1974 йилларда профессионал боксда оғир вазнлилар ўртасида кўп марта жаҳон чемпиони камарини таққан. Бу даврда у профессионал рингда 56 та жанг ўтказиб, 51 та-сида (37 тасида нокаут билан) ғалаба қозонган.

Ўн еттинчи олимпия ўйинлари Ўзбекистон енгил атлетика мактабининг тарбияланувчилари бўлган, Самарқанд шаҳар мактабида ўқиган Та-

мара ва Ирина Пресслар учун ҳам жуда омадли келди. Тамара Пресс ядро улоқтиришда 17 метр 32 сантиметр натижа билан Рим фахрий шоҳсу-пасининг энг тўрига кўтарилди. У бу олтин ме-даль билан чекланмасдан дискни 52 метр 59 сан-тиметрга улоқтириб, кумуш медаль билан ҳам тақдирланди.

Ирина Пресс эса 80 метрга тўсиқлар оша югуришда 10,8 секунд натижа кўрсатди. Бу унга Олимпиада чемпиони унвони ва олтин медални келтирди. Ирина 4x100 метрга эстафетада ҳам югуриш йўлакчаларига чиқиб, дугоналари билан жамоага қимматли очколар келтирадиган тўр-тинчи ўринни олишга улушини қўшди.

Ўрта Осиё давлат (ҳозирги Ўзбекистон мил-лий) университети талабаси, баландликка сак-раш бўйича рекордчи Валентина Баллод (Лебе-динская) учун Рим Олимпиадаси у иштирок эта-ётган иккинчи ўйинлар эди. Унинг спортнинг бу туридаги шахсий рекорди 170 сантиметр эди.



Спортнинг олимпия турлари

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Қиличбозлик (немисча «fechen» — «қиличбозлик», «қилич билан жанг қилиш» сўзидан) — рапира, шпагада қиличбозлик қилишдан иборат спорт тури.

Қиличбозлик тарихи жуда қадимий даврларга бориб тақалади. Кўҳна Ҳиндистонда қурол билан машқ қилиш усуллари баён этилган муқаддас китоб мавжуд. Япония, Хитой, кейинроқ Мисрда ҳам қиличбозликка бамбук таёқлари билан қилинадиган машқлар орқали ўргатилган. Қилич билан жанг қилишга ўргатиш бўйича биринчи мактаб кўҳна Юнонистонда ташкил этилган.

XV асрда Испанияда шпага ва рапира билан жанг қилиш санъати юзага келган. 1474 йилда бунга бағишланган махсус китоб нашр этилган. Тахминан шу даврларда Германияда қиличбозлик бўйича ўқитувчилар тайёрлаш йўлга қўйилди, Англияда эса дастлабки қиличбозлик уюшмалари тузила бошланди. Қиличбозлик спорт тури сифатида XIX асрда Франция, Италия, Австрия, Венгрия, Германияда жадал ривожлана бошланди. Ана шу ва бошқа қатор мамлакатлар 1913 йил 9 ноябрда Парижда «Ригель» клубининг таъсисчилари бўлдилар. Натижада, шу йили Халқаро қиличбозлик федерацияси — ФИЕ ташкил топди. Бугунги кунда у 115 та миллий қиличбозлик федерацияларини бирлаштиради.

Қиличбозлик 1896 йилдан олимпия ўйинлари мусобақалари дастуридан ўрин олган. I Олимпиадада эркаклар ўртасида рапира ва сабляда шахсий биринчилик беллашувлари бўлиб ўтган. 1900 йилги олимпия ўйинларида қилич-боз профессионал (маэстро)лар ҳам ўзлари учун алоҳида ташкил этилган мусобақаларда қатнашганлар. 1912 йил-дан ўйинлар мусобақалари дастурига шпага ва сабляда жамоа биринчилиги, 1920 йилдан рапирада жамоа бирин-чилиги, 1924 йилдан аёллар ўртасида шахсий биринчилик, 1960 йилдан эса аёллар ўртасида ҳам жамоа биринчили-ги киритилди.

Олимпия ўйинларида қиличбозлик бўйича мусобақаларда ҳар бир мамлакатдан 16 та асосий (эркаклар ва аёл-лар) ҳамда 2 та заҳирадаги спортчининг қатнашишига рухсат берилади.

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси ФИЕ аъзосидир. Ўзбекистонлик қиличбозлардан Собир Рузиев 1980 йил-ги XXII Олимпиаданинг кумуш, Валерий Захаревич эса 1992 йилги XXV Олимпиаданинг бронза медали совриндор-ларидир.



Валентина Баллод Мельбурн Олимпиадасига нисбатан 5 сантиметр юқорига — 165 сантиметрга сакрашга муваффақ бўлган бўлсада, бу натижа унга саралаш мусобақаларидан нарига ўтиш имконини бермади.

Германия Бирлашган жамоасидан И. Кремер АҚШ олимпиадачиларини улар 1924 йилдан бундан бошқа мамлакатлар вакиллари сира яқинлаштирмай келган яна бир шоҳсупадан туширишга муваффақ бўлди. У сувга сакрашнинг ҳар икки турида ҳам Олимпиада чемпиони бўлди.

Швед Герт Фредриксон учун Рим Олимпиадаси тўртинчи эди. У иккинчи жаҳон урушидан кейинги 1948 йилги Ўйинларда байдаркада эшак эшишда дастлабки икки олтин соҳиби бўлганди. Шундан сўнг 1952 йилда битта, 1956 йилда иккита ва Италия пойтахтида битта олтин медаль билан тақдирланди. Олти карра Олимпиада чемпиони!

Собиқ Иттифоқ гимнастикачилари бу сафар ҳам устунликларини намойиш эта олдилар. Фақат эркаклар ўртасидаги жамоа мусобақаларида Япония гимнастикачилари юқорироқ натижа кўрсата олдилар, холос. Киевлик Борис Шахлин Украина гимнастика мактаби ажойиб анъаналарини давом эттириб, бир йўла олти — учта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритди. Унинг юртдоши Лариса Латинина учун эса Мельбурндаги юлдузли онларига Римдаги янги зафарлар ёр бўлди.

Қиличбозликда шу сингари шуҳрат билан италиялик Эдоардо Манжаротти ҳар қанча ғурурланса арзийди. У биринчи олтин медалини 1936 йилги олимпия ўйинларида олган эди. Шпагада қиличбозликда тенги йўқ бу спортчи 1952—1960 йиллардаги Ўйинларда ҳам чапдастлигини намойиш этди. У жамоа ва шахсий биринчиликларда нафақат олти карра Олимпиада чемпиони, балки бешта кумуш ва иккита бронза медаллари совриндоридир. Эдоардо айна вақтда 1949—1958 йиллардаги жаҳон биринчиликларида шпага ва рапирада яна 20 та — 13 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлган.

Италияликлар ўзлари учун деярли миллий спорт турига айланган «чиклизо» — велосипед спортида бутун маҳоратларини намойиш қилдилар. Аввал 100 километрга жамоа пойгасида, кейин жойидан гитда голиб чиқдилар.

Венгр Аладар Геревич қўлга киритган олий нишонларга эга бўлишни ҳар бир спортчи фақат орзу қилиши мумкин. Сабляда жанг қиладиган Аладар 1932—1960 йиллардаги олти (!) олим-

пия ўйинларида шахсий ва жамоа биринчиликларида етти карра чемпион ҳисобланади.

Италия пойтахтида бўлиб ўтган футбол бўйича олимпия турнирида Югославия жамоаси голибликни қўлга киритди. Болқон футболчилари биринчи учрашувда Болгария жамоаси билан дуранг (3:3) натижага эришган бўлсаларда, шундан кейин Миср (6:1) ва Туркия (4:0)дан устун келдилар. Италия жамоаси билан бўлган ўйинда эса Рим ўз мамлакати футболчиларига эмас, балки меҳмонларга «марҳамат» кўрсатди. Чунки учрашувда 1:1 натижаси қайд этилгандан кейин кўрға ташланганда (у пайтда бундай ҳолларда голибни аниқлаш учун 11 метрлик жарима тўплари тепиш қоидаси мавжуд эмасди) чемпионлик учун курашни Югославия футболчилари давом эттиришлари маълум бўлди. Улар финалда Дания жамоаси устидан 3:1 ҳисобида ишонarli галабага эришдилар.

Ўн еттинчи олимпия ўйинларида ҳам собиқ Иттифоқ спортчилари норасмий умумжамоа ҳисобида катта устунликка эга бўлдилар. Улар ҳисобида 682,5 очко ва 103 та (43 та олтин, 29 та кумуш ва 31 та бронза) медаль бор эди.

Америка Қўшма Штатларидаги Скво-Вэллида эса 1960 йил 18—28 февралда VIII қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Уларнинг ўзига хослиги Скво-Вэлли денгиз сатҳидан 1889 метр баландликда жойлашганлигида эди. Шу вақтгача Олимпиада бу қадар баландлик жойда ўтказилмаган эди.

Мезбонлар ўз жўрофий ҳолатларидаги муайян даражадаги ноқулайликларни мусобақалар ўтказиш, спортчиларнинг бу ерда яшашлари ва кўнгилли вақт ўтказишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш билан қоплашга ҳаракат қилдилар ва бунга муваффақ ҳам бўлдилар. Қишки Олимпиадага махсус ёпиқ стадион барпо этилди. Унинг ёнида коньки бўйича мусобақалар ўтказиладиган 400 метрлик сунъий муз йўлаклар ётқизилди. Скво-Вэллида биринчи марта Ўйинларга доир барча маълумотларни тайёрлашда ҳисоблаш техникасидан фойдалана бошланди. Саккизинчи қишки Олимпиаданинг тантанали очилиш маросимини тайёрлаш жаҳонда ўта машҳур бўлган кинопродюссер Уолт Дисней зиммасига юкланганлигининг ўзи мезбонларнинг ташкилотчилик ишларига нақадар катта масъулият билан ёндашганликларига мисолдир.

Скво-Вэлли қишки Олимпиадаси қатнашчилари сони ҳам салмоқли эди: 31 мамлакатдан 665 спортчи, шу жумладан, 144 аёл 29 медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар. Улар

илгарилари бўлганидек бешта қишки спорт тури бўйича беллашган бўлсаларда, мусобақалар дастурига айрим ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, биринчи бор ундан биатлон ўрин олди. Аёллар ҳам конькида тезкор югуришда мусобақалашдилар. Ченада тез тушиш учун махсус қурилма мавжуд эмаслиги сабабли бобслей бўйича мусобақалар ўтказилмади.

Чанги пойгалари қишки спортнинг бу турида ҳам яққаҳокимлик барҳам топганлигини кўрсатди. Яъни Германия чангичилари ҳисобида учта олтин медаль бўлса, Финляндия, Швеция, Швейцария иккитадан, Франция, Австрия, Канада ва собиқ Иттифоқ спортчилари эса биттадан медалга эгаллик қилишди.

Коньки мусобақаларида бунинг тамоман ак-



Гандбол мусобақаларида.

сини кузатиш мумкин эди: саккизта олтин медалнинг олтитасини собиқ Иттифоқ спортчилари қўлга киритдилар. Қолган олий нишондан биттаси 1500 метрга конькида югуришда Евгений Гришин билан бир хил натижа кўрсатган норвегиялик Р. Ос ва 10000 метр масофада голиб чиққан унинг ватандоши К. Юханнессенга насиб этди.

Конькида 1500 метрга югуришда жаҳон рекорди, 3000 метрга югуришда эса олимпия рекорди ўрнатган Лидия Скобликова она шахри Златоустга қўш олтин медаль билан қайтадиган бўлди. У кейинги Инсбрук Олимпиадасида яна тўрт марта ғалаба нашидасини суриб, олти карра чемпион унвонига эга бўлди. Фавқулодда истеъдодли ураллик бу қиз, шунингдек, 1963—1964 йилларда мутлақ жаҳон чемпиони, умуман

жаҳон биринчиликларининг 25 та (!) олтин медали соҳибаси, беҳисоб жаҳон ва олимпия рекордчиси ҳисобланади. Узоқ йиллар давомида унга конькида 500, 1000, 1500, 3000 метрга югуришда бас келадиганлар топилмади.

1960 йилги қишки Олимпиадада биринчи марта биатлон бўйича мусобақалар ўтказилди. Қишки спортнинг бу турида швед Клас Лестандер биринчи Олимпиада чемпиони бўлди. У чанги пойгасида унчалик катта тезлик кўрсата олмаган бўлса ҳам (1.33,21) 20 нишоннинг барчасини бехато мўлжалга олганлиги учун голибликни қўлга киритди.

Шайбали хоккей турнири Америка Қўшма Штатлари жамоаси ғалабаси билан якунланди. Канадаликлар иккинчи, собиқ Иттифоқ хоккейчилари эса учинчи ўринлар билан кифояланишди.

Норасмий умумжамоа ҳисобида собиқ Иттифоқ спортчилари 146,5 очко ва 21 та (7 та олтин, 5 та кумуш ва 9 та бронза) медаль билан биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўринга АҚШ, учинчига эса Швеция олимпиадачилари кўтарилдилар.

Скво-Вэлли Олимпиада ўйинларида биринчи марта тижорат шартномаси имзоланганлиги билан ҳам тарихга кирган. Си-Би-Эс телекомпанияси саккизинчи қишки Олимпиада ўйинлари мусобақаларини телевидение орқали намойиш қилиш учун ташкилотчиларга 5000 АҚШ доллари тўлаган. Шу йилги Римдаги ёзги олимпия ўйинлари мусобақаларини телевидение орқали кўрсатиш учун эса ушбу телекомпания 394 минг АҚШ доллари тўлаганлиги унинг учун биринчи шартнома фойдали бўлганлигининг далолатидир. Таққослаш учун 1995 йилда Сиднейдаги ёзги ва Солт-Лейк-Ситидаги қишки Олимпиада мусобақаларини телевидение орқали намойиш этиш ҳуқуқи берилиши учун имзоланган шартнома баҳоси 1 миллиард 270 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бу биргина телекомпанияларгагина фойдали эмас. Олимпиада мусобақаларини телевидениеда намойиш этиш ҳуқуқи берилишидан тушадиган маблағнинг тенг ярми Ўйин ташкилотчилари, яъни мезбонларга берилади. Қолган иккинчи ярми Халқаро Олимпия Кўмитасини ривожлантириш, миллий олимпия кўмиталари, халқаро спорт федерацияларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадларига сарфланади. Бу шартномадан спорт ишқибозлари ҳам манфаатдорлар. Телевидение шарофати билан охириги олимпия ўйинларини курраи заминимиздаги 220 давлатнинг қарийб 4 миллиард аҳолиси томоша қилди.

ТҮЛА УСТУНЛИК

Токио 1940 йилдаёқ олимпия ўйинлари пойтахти бўлиши мумкин эди. Бироқ иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетган ана шу таҳликали вақтда Япония ҳукумати Халқаро Олимпия Қўмитаси билдирган бу шарафдан воз кечди.

Шу сабабли ҳамда урушнинг ўзи учун аянчли яқунларига қарамасдан яна оёққа туриб, жадал ривожланиш йўлига тушиб олган Япония мамлакат салоҳиятини бутун жаҳонга намойиш этиш мақсадида XVIII Олимпиадани ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда ўтказишга астойдил тайёргарлик кўрди. Ҳар бир япон фуқароси том маънода жаҳон спорти байрамининг муносиб мезбони бўлишни ўзининг муқаддас бурчи, деб ҳисобларди.

Кунчиқар давлати пойтахтидаги мавжуд спорт иншоотлари тубдан қайта таъмирланди ва энг замонавий қилиб жиҳозланди. Меъморий ечимлари жиҳатидан жуда ноёб янги стадион ва спорт заллари, бошқа иншоотлар, йўллар, кўприклар, меҳмонхоналар барпо этилди. Уларнинг учдан икки қисми Токиодаги Олимпия боғи ва Комазава боғида марказлаштирилганлиги ўйинлар мусобақаларини ўтказишда катта қулайликлар туғдирди.

Япония олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун оз эмас, кўп эмас — 2 миллиард АҚШ доллари сарфлади! Лекин бу ўзини тўла оқлади. Амалга оширилган ишлар биргина Олимпиаданинг муваффақиятли ўтишини таъминлабгина қолмасдан Токио қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, бунёд этилган кўпдан-кўп иншоотлар пировард натижада улкан шаҳар аҳолиси учун хизмат қилди.

Олимпиаданинг 1964 йил 10 октябрь кuni бўлиб ўтган тантанали очилиш маросими улғуворлиги ва тантанаворлиги, ранг-баранглиги, чуқур мазмуни ва юксак бадийлиги билан спорт ихлосмандларини ҳам, уларни телевидение орқали томоша қилган бутун дунёдаги бир неча миллиард кишини ҳам ларзага солди. Айниқса, Япония императори Хирохито ўйинларни очиқ, деб эълон қилганидан сўнг деярли ҳеч кимга номаълум университет талабаси Иосинари Сакаининг стадиондаги 163 поғонали зинапоядан кўтарилиб, олимпия машъаласини ёқиши таъсирчан чиқди. Иосинари Японияга атом бомбаси ташланган 1945 йилда таваллуд топган эди. Олимпия ўйинлари машъаласини

ёқиш шарафини бу талабага бериш билан ташкилотчилар ҳаёт барқарорлиги, олимпия ғоялари абадийлигига алоҳида ургу бермоқчи бўлганлари тушунарлидир.

Ўн саккизинчи Олимпиадада биринчи марта 94 мамлакатдан 5140 спортчи, шу жумладан, 683



Ольга Корбут.

аёл ҳозир бўлди. Ёзги ўйинлар мусобақаларида илк бор 14 янги давлат олимпиадачилари иштирок этдилар. Шу билан бирга ирқчи сиёсати учун Олимпиадага таклиф этилмай қўйилган Жанубий Африка Республикаси қатори Индонезия ва Шимолий Корея ўйинлар қатнашчилари рўйхатига киритилмадилар.

Токио Олимпиадасининг спорт натижалари ҳам жуда юқори эди. Бу ерда 81 та олимпия ва 32 та жаҳон рекорди ўрнатилди. Олимпиадачилар умуман 19 спорт тури бўйича 163 медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Сузиш ҳавзаларида Америка Қўшма Штатларидан 18 ёшли Дон Шолландер тўртта олтин ме-

даль соҳиби бўлиши билан бирга иккита жаҳон рекордини янгилади. У 100 ва 400 метрга эркин усулда сузишда шу вақтгача жаҳонда ҳеч ким эриша олмаган тезлик кўрсатди. Ёш сузувчи, шунингдек, жамоадошлари билан 4x100 ва 4x200 метрга эстафетада рақибларига бирор имконият қолдирмадилар.

Севастополлик 16 ёшли Галина Прозуменшчикова аёллар ўртасида сузиш мусобақаларида собиқ Иттифоқ олимпиада жамоаси учун тарихда биринчи олтин медаль келтирди. У 200 метрга брасс усулида сузишда Олимпиада чемпиони бўлди. Спортнинг бу турида олимпия бассейнида мусобақашаётганлар орасида бир йўла иккита ўзбекистонлик — Светлана Бабанова ва Наталья Устинова бор эдилар.

«Спартак» кўнгилли спорт жамияти аъзоси Светлана Бабанова узоқ йиллар давомида брасс усулида сузишда етакчи спортчи ҳисобланарди. У 100 метрга брасс усулида сузишда 1 дақиқа 17,2 секундлик жаҳон рекорди муаллифи эди. Токиода Светлана Бабанова 200 метрга брасс усулида сузишда саралаш мусобақаларида олимпия рекордини (2.48,3 дақ.) ўрнатди.

Бу мусобақаларнинг финалида у жамоодоши Галина Прозуменшчикова билан ёнма-ён йўлакчаларда эди. Маррада уларни бир-биридан ати-

ги 2,2 сония ажратди. Бу фарқ Светлана Бабановага Олимпиаданинг бронза медалини (2.48,6 дақ.) келтирди. У 4x100 метрга аралаш усулда сузиш эстафетасида яна бир тошкентлик, «Меҳнат захиралари» кўнгилли спорт жамиятидан Наталья Устинова ҳамда россиялик Татьяна Савельева ва украиналик Татьяна Девятова билан бирга қатнашиб, маррага учинчи бўлиб етиб келишди. Шу тариқа Светлана Бабанова Токио Олимпиадасининг иккита бронза, Наталья Устинова эса битта бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Ўзбекистонлик яна бир машҳур спортчи, Қуролли Кучлар спорт жамияти вакили Сергей Диомидов эса спорт гимнастикаси бўйича жамоа биринчилигида ўн саккизинчи олимпия ўйинларининг кумуш совриндори бўлди. У Токиода украиналик кўп марта Олимпиада чемпионлари Борис Шахлин ва Юрий Титов ҳамда россиялик Виктор Лицкий, Виктор Леонтьев ва Юрий Цапенко билан фахрий шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. Сергей Диомидов кўпкураш бўйича шахсий биринчиликда 114,2 балл тўплаб, ўн тўртинчи ўринни олди. Гимнастикачи ўзининг энг сеvimли снаряди — брусъяларда 19,225 балл билан тўртинчи ўринни олишга эришди.

Собиқ Иттифоқ оғир атлетикачилари бу



Спортнинг олимпия турлари

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Спорт гимнастикаси — спортнинг гимнастика кўпкураши туридир.

Гимнастика — юнонча «гимнос» — «яланғоч» сўзидан олинган. Кўҳна Юнонистонда атлетлар тана мукамаллигини намойиш этиш мақсадида гимнастика машқларини яланғоч ҳолда бажарганлар. Юнонлар гимнастика деб бутун жисмоний тарбия тизими — енгил атлетика, сузиш, мушт жанги, кураш (панкратион) ва бошқа машқларни номлаганлар.

Милoddан аввалги 3000 йилда қадимий Хитой ва Ҳиндистонда гимнастика машқлари даволаш муолажаси сифатида қўлланилар эди. Уйғониш даври мутафаккирлари гимнастикадан инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва уни жисмонан камол топтириш воситаси сифатида фойдаланишни тавсия этганлар.

XVIII аср охирида Европа мамлакатларида гимнастика миллий тизимлари шакллана бошлади. Жумладан, немис, швед гимнастика тизимлари, Франция табиий-амалий гимнастика, Чехословакия лочин гимнастикаси тизими пайдо бўлди. Улар замонавий спорт гимнастикаси асосини ташкил этди. Спорт гимнастикаси биринчи бўлиб Францияда Ж. Демени, Россияда Лесгафт илмий асослаб берган жисмоний тарбия тизимининг негизидир.

Халқаро гимнастика федерацияси — ФИЖ 1881 йилда ташкил топган. У 130 та миллий спорт гимнастикаси федерацияларини бирлаштиради.

Спорт гимнастикаси 1896 йилдан олимпия ўйинлари мусобақалари дастурида. Аёллар 1928 йилги Олимпиададан бошлаб спорт гимнастикаси мусобақаларида қатнашмоқдалар.

I — IV Олимпиадада спорт гимнастикаси мусобақалари дастурига енгил атлетиканинг айрим турлари (лангарчўп билан баландликка, узунликка сакраш, арқонга чирмашиб чиқиш, югуриш, ядро улоқтириш) ҳамда тош кўтариш ҳам киритилган.

ОЛИМПИАДА — ЖАҶОН СПОРТИ БАЙРАМИ

лариди 607,8 очко ва 96 та (30 та олтин, 31 та кумуш, 35 та бронза) медалларини қўлга киритдилар. АҚШ спортчилари ҳисобида олтин медаллар кўплигига қарамай, 581,8 очко ва 90 та (36 та олтин, 26 та кумуш ва 28 та бронза) медал фақат иккинчи ўринни эгаллашларига имкон берди. Бирлашган Германия жамоаси аъзолари учинчи ўринни олдилар. Улар ҳисобида 337,5 очко ва 50 та (10 та олтин, 22 та кумуш ва 18 та бронза) медал бор эди.

собақаларини ўтказиш учун бу ерга 15 минг куб метр қор ташиб олиб келишга тўғри келинди.

Бошқа жойдан келтирилган қор собиқ Иттифоқ чанғичи спортчилари учун омадли бўлди. Улар чанғи бўйича мусобақаларда барча олтин медалларни қўлга киритдилар.

Тоғ чанғиси бўйича беллашувларда эса олимпиячилар Кристина ва Мариэль Гойчель амалда бир-бирлари билан кураш олиб бордилар. Агар слаломда Кристина олтин, Мариэль кумуш ме-



Қиличбозлик баҳси.

1964 йил 29 январь — 9 февраль кунлари Австриянинг Инсбурк шаҳрида IX қишки Олимпиада бўлиб ўтди. Бу мусобақалар қатнашчиларнинг рекорд сони билан ажралиб туради. Инсбуркка 37 мамлакатдан 1111 спортчи, шу жумладан, 197 аёл келди. Улар етти қишки спорт тури бўйича 34 медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Аммо ташкилотчилар қишки Олимпиадада ҳаво илиқ келганлиги сабабли кутилмаганда қор тақчиллигига дуч келдилар. Натижада, чанғи му-

далга сазовор бўлган бўлсалар, гигант слаломда бунинг акси: Мариэль чемпион бўлди, Кристина эса иккинчи ўринни олди.

Коньки мусобақаларида Лидия Скобликова мутлақ натижага эришди. У спортнинг бу турида барча — тўртта олтин медални қўлга киритди. Ўз-ўзидан маълумки, бу натижани фақат такрорлаш, аммо ундан юқорироқ кўрсаткичга эришиш мумкин эмас. Умуман собиқ шўро конькичи қизлари Инсбуркда жами 12 та медалдан тўққизтасини олишга муваффақ бўлдилар.

Фигурали учиш беллашувларида ҳам кўпчилик кутмаган натижалар қайд қилинди. Фигурали жуфтликлар учишида немис жуфтлиги галабаси башорат қилинаётган эди. Ҳатто мусобақаларга яқун ясалмасдан сотувга улар сурати туширилган откритка «Олимпиада чемпионлари» деган ёзув билан чиқарилганди. Бироқ Людмила Белоусова ва Олег Протопапов ўз маҳоратлари билан спорт ихлосмандларини ҳам, ҳакамларни ҳам мафтун этдилар ҳамда жуда асосли

олимпиадачилари биринчи ўринни олдилар. Тўққизинчи Қишки Олимпиадада улар ҳисобида 162 очко ва 25 та (11 та олтин, 8 та кумуш ва 6 та бронза) медаль бор эди. 89,5 очко ва 15 та (3 та олтин, 6 тадан кумуш ва бронза) медаль билан Норвегия спортчилари иккинчи, 79 очко ва 12 та (4 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза) медаль билан австрияликлар учинчи ўринга кўтарилдилар.

Ўзбекистон спортчилари Токио Олимпиада-



Футбол бўйича XXIV Олимпиада чемпиони — собиқ Иттифоқ жамоаси.

равишда фахрий шоҳсупанинг энг тўрига кўтарилдилар.

Собиқ шўро хоккейчилари ҳам Қишки Олимпиадалардаги зафарли юришларини давом эттирдилар. Улар олимпия турнирида саккиз учрашувнинг ҳаммасида галаба қозондилар. Шайбалар нисбати — 73:11. Бу ютуқларнинг нақадар салмоқли эканлигидан далолат беради.

Ҳа, 1964 йилги ёзги ва қишки олимпиадалар собиқ Иттифоқ спортчиларининг тўла устунлигини кўрсатди. Инсбуркда норасмий умумжамоа ҳисобида худди Токиодагидек собиқ Иттифоқ

сида битта кумуш ва учта бронза медаллар соҳиби бўлишлари билан бир қаторда бошқа халқаро мусобақаларда ҳам катта муваффақият билан иштирок этар эдилар. Жумладан, Евгений Кондратьев ўқ отиш бўйича ўсмирлар ўртасида Европа чемпиони эди. Юнон-рим курашида Рустам Казаков дастлабки галабаларини қўлга киритаётганди. Шунингдек, Сервер Муртазаев оғир атлетика бўйича, Алексей Черноглазов ва Станислав Медведев велоспорт, Михаил Акулев пистолетдан ўқ отиш бўйича чемпион эдилар.

XXI АСР НАТИЖАЛАРИ

...Шиддат билан югуриш, сакраш ва мисли кўрилмаган натижа — 8 метр 90 сантиметр! Ҳакамлар Боб Бимоннинг узунликка сакрашдаги бу кўрсаткичини жуда синчиклаб ўлчаган бўлсалар ҳам ўз кўзларига ишонқирашмаётганга ўхшардилар. Ахир енгил атлетиканинг бу турида жаҳон рекордидан бир йўла 55 сантиметрга ўзиб кетишга қандай ишонасан! Чунки спорт тарихида бундан аввалги қирқ йил (!) мобайнидагина узунликка сакрашдаги жаҳон рекордини шу масофа — 55 сантиметрга узайтиришга муваффақ бўлинганди. Америка Қўшма Штатлари спортчисининг бу рекорди шундан сўнг деярли чорак аср давомида — 1991 йилга қадар ўзгармасдан турди.

Журналистлар «XXI асрга сакраш» таърифни олган бу мўъжизавий натижани кўрсатган Боб (асл исми Роберт) Бимон ўзи ким? Ҳа, Техас штатидаги Эль-Пасо университетининг 22 ёшли бу толиби мамлакат терма жамоа аъзоси эканлиги, унинг узунликка сакраш бўйича

ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларда дуруст натижалар кўрсатиб келганлиги маълум. Лекин мисли кўрилмаган жаҳон рекорди ўрнатишга қодир бўлган ушбу енгил атлетикачи Мехикодаги олимпия ўйинларига қадар спорт ихлосмандлари у ёқда турсин, мутахассисларга ҳам деярли таниш эмас эди. «Келдим, кўрдим, голиб бўлдим» ибораси, эҳтимол, унинг бу фавқуллодда натижасига жуда мос тушади.

Қилни қирқ ёрадиган изкуварлардан қолишмайдиган репортёрлар кўп ўтмай Бобнинг онаси болалик пайтидаёқ бевақт вафот этганлиги, уни асраб олган отаси қамоққа тушиб қолганлиги ва ўзи бувиси қармоғида бўлганлигини суриштириб аниқладилар. Устига устак Боб 14 ёшида уйдан қочиб кетиб, бувиси назоратидан қутилган экан. Саёқ юрган таёқ емай қолмайди. Кўча безориларига қўшилиб қолган Бимон суд маҳкамасига ҳам тортилади. Фақат бувисининг судда неварасининг бундан кейинги тарбияси учун қафолат бе-



Спортнинг олимпия турлари

ФУТБОЛ

Футбол (инглизча «*foot*» — «оёқ» ва «*baal*» — «тўп» сўзларидан) — спорт ўйини.

Тарихи қадимги Шарқ — Миср ва Хитойга бориб тақалади. Мисрда, жумладан, милoddан аввалги 1900 йилда маълум эди. Афина музейида сақланаётган қадимий кўзага милoddан аввалги IV асрда тўп билан машқ қилаётган ўсмир тасвири туширилган. Спарта кўшинлари ўртасида тўп кўл ва оёқ билан ўйналаган «*эпикрос*» кенг тарқалган.

Европа футболу кўҳна римликларнинг «*гарпастум*» — «кўл тўпи»га асосланган деган фикрлар устунлик қилади. Бу ўйин легионерлар ҳарбий машқлари қаторидан ўрин олган бўлиб, унда тўпни майдонга ўрнатилган икки устун орасидан ўтказиш талаб қилинган.

«Гарпастум» Европага ана шу Рим босқинчилари туфайли кириб келган. I асрда Буюк Британия ороли туб аҳолиси — бриттлар ва кельтлар бу ўйинга жуда берилганлар. Улар жуда иқтидорли шогирд чиққанликларини, тарихий манбаларда қайд қилинганидек, 217 йилда Дерби (шу сабабли у мусобақалашуш маъносида қўлланилади) шаҳрида Рим легионерларини мағлубиятга учратганликлари исботлаб турибди.

V асрда Рим империяси қулаши билан «гарпастум» ҳам ўйналмай қўйилди. Аммо европаликлар уни ёдларида сақлаб қолган эдилар. Францияда «*ла суль*», Италияда «*кальчио*» номини олган ўйин халқ ўртасида жуда машҳур эди. Ҳатто замондошлари гувоҳликларига кўра босиқ, ҳиссиётларга берилмайдиган, «ичимдан топ» қабилидаги буюк Леонардо да Винчи бу ўйинни ўзининг «Энг машҳур рассомлар, ҳайкалтарошлар ва меъморлар ҳаёти» асарида тилга олади: «*У ҳаммадан ажралиб туришга бўлган интилишида ўзини рассомлик ёки ҳайкалтарошликда эмас, балки флоренцияликларнинг севимли оёқ тўпи ўйинида кўрсатди*».

XVIII асрда қатл этилган инглиз қироли Карл I тарафдорлари Италияда бошпана топиб, «кальчио» билан танишадилар. 1660 йилда тахтга Карл II ўтиргандан кейин эса уни ўзлари билан Англияга олиб келдилар. У қирол саройи аҳлининг ўйинига айланди.

риши ҳақидаги оташин нутқи судья юрагини юмшатади ва уни муқаррар жазодан халос қилади.

Бобнинг нафақат ушбу кўнгилсизликдан зарур хулоса чиқаришга қурби етди, балки у ўз хулқ-атворини тубдан ўзгартира олди ҳам. У ташлаб кетган ўқишини давом эттирди, спорт билан жуда жиддий шуғулланишга тушди.

АҚШ афсонавий енгил атлетикачисининг тақдири унинг юлдузи чақнаган ўн тўққизинчи олимпия ўйинлари мезбонининг бу оламшумул воқеа арафасидаги ҳолатига муайян даражада ўхшаб кетади. Лотин Америкасида биринчи бўлиб Мехикога ёзги Ўйинлар пойтахти бўлиш шарафи берилганда Халқаро Олимпия Кўмитасининг бу қарори, беозорроқ қилиб айтганда, кўпчиликни таажжублантирган эди. Энг аввало, Мексика ҳукуматининг Олимпиада мусобақаларини талаб даражасида ўтказишни таъминлаш учун зарур спорт иншоотлари, бошқа инфратузилмалар барпо эта олиш учун имконияти шубҳа остига қўйилди. Мехиконинг денгиз сатҳидан 2240 метр баландликда жойлашгани эса спортчиларни мурасасиз ўтадиган беллашувларга тайёрлаш бўйича тажрибадан ўтган усулларга жид-

дий ўзгартиришлар киритиш, бунга олимлар, айниқса, физиологлар, психологлар, спорт тиббиёти амалиётчиларини жалб этишни талаб этарди.

Кейинчалик маълум бўлишича, асосийси бу эмас экан. Халқаро Олимпия Кўмитаси ўзининг 1968 йил февралида бўлиб ўтган сессиясида Жанубий Африка Республикасига нисбатан унинг спорт соҳасидаги ирқчи сиёсатига қарши кўп йил амал қилиб келган жазо чорасини бекор қилиб, бу мамлакатни ҳам Мехикога таклиф этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ халқаро спорт ҳамжамияти бунга шу қадар кескин норозилик билдирдики, Олимпиадани ўтказишнинг ўзи хавф остида қолди. ХОҚ шу йил апрелида ноилож ўз қарорини бекор қилишга мажбур бўлди.

Бу можаро унут бўлмасдан Ўйинларга мезбонларнинг ўзлари зарба бердилар. Олимпиада очилишидан атиги ўн кун аввал, Мехико кўчалари «Бьенбенидос!» — «Хуш келибсиз!» шиорлари билан безанган бир вақтда бу ердаги олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилари, касаба уюшмалари фаоллари ҳукуматга қарши оммавий чиқишларини бошлаб юбордилар. Мехикода



Англияда ўрта аср футболи жуда ибтидоий, муайян даражада, ҳатто ўта шафқатсиз эди. Инглизлар билан шотландияликларнинг футбол ўйини гладиаторларнинг ҳаёт-мамот жангидан қолишмасди. Бу, албатта, маъмурларни кўча даҳанаки жанглирига айланиб кетаётган футболга бепарқ қолдирмади. 1314 йил 13 апрелда Лондон аҳолисига қирол Эдуард II нинг шаҳарда футбол ўйнаш тўхтатилмаса ўйинчилар қамоққа ташланиши тўғрисидаги фармойиши ўқиб эшиттирилди. 1365 йилда Эдуард III футбол аскарларининг камондан отиш машқларига халақит бераётганлиги сабаби билан уни умуман ман этиб қўйди. Англиянинг улардан кейинги ҳукмдорлари — Генрих IV дан Яков II гача футболни хуш кўрмасдилар. Шуниси қизиқки, Англияда «футбол» сўзи биринчи марта бу ўйинни ман этиш тўғрисидаги ҳукми олийларда қўлланилган. XIX асрга келиб Англияда оломон футболи аста-секин спорт ўйини тусини ола бошлади. Футбол ўйинининг биринчи қоидалари 1846 йилда «Регби-скул»да ишлаб чиқилди. 1857 йилда Англиянинг Шеффилд шаҳрида биринчи футбол клуби тузилди. 1863 йилда эса мамлакатнинг 7 футбол клуби раҳбарлари Лондонда йиғилишиб, умумий қоидаларни ишлаб чиқдилар ва Англия футбол ассоциациясини туздилар.

Футбол XIX аср охирида Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларида жуда оммалашиб кетди. 1904 йилда Бельгия, Дания, Голландия ва Швейцария ташаббуси билан Халқаро футбол федерацияси — ФИФА тузилди. У ҳозир 205 та миллий футбол федерацияларини бирлаштиради.

I Олимпиадада футбол бўйича кўрғазмали ўйинлар ўтказилган. 1900 йилда у олимпия ўйинлари мусобақалари дастурига киритилди. Бу биринчи олимпия турнирида атиги уч жамоа — Бельгия, Буюк Британия, Франция футболчилари майдонга тушганлар. Турнирда ҳаммаси бўлиб учта ўйин ўтказилиб, французларни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратган инглизлар биринчи Олимпиада чемпионлари бўлдилар.


Футбол бўйича олимпия турнирида 16 жамоа иштирок этади. Уларнинг 14 таси қитъаларда ўтказиладиган саралаш мусобақаларида аниқланади. Улар сафига олимпия ўйинлари мезбонлари ва аввалги Олимпиада чемпионлари тўғридан-тўғри қўшилади.

Ўзбекистонда биринчи футбол клуби 1906 йилда Фарғонада ташкил этилган. 1918 йилдан Тошкентда расмий мусобақалар ўтказила бошланган. 1928 йилда Ўзбекистон терма жамоаси собиқ Иттифоқ биринчи спартакиадаси мусобақалари дастурида биринчи расмий халқаро учрашувни Швейцария жамоаси билан ўтказиб, 8:4 ҳисобида зафар қучган. «Пахтакор» жамоаси ҳужумчиси В.Фёдоров 1976 йилги XXI олимпия ўйинларининг совриндоридир.

булиб ўтган 10 минг кишилик митингда ҳукуматни ағдариб ташлаш даъватлари ҳам эшитилди. Ҳукумат муҳолифатга қарши ҳарбийлар ва полициячиларни ташлади. Намойишчилар орасида қуролланган шахслар ҳам бўлгани учун икки қарама-қарши тараф ўртасида чинакамига кўча жанглари бошланиб кетди. Оқибатда кўп-кўп қурбонлар ва яраланганлар бўлди. Муҳолифат қаршилигини ҳарбий куч билан синдирган Мексика Президенти Диас Ордес ҳаммани тинчлантириб: «Энди Олимпиадани ўтказишга ҳеч ким ва ҳеч нарса халақит бера олмайди», деган баёнот билан чиқди.

дор, Суринам, Сьерра-Леон, Марказий Африка Республикаси олимпиадачилари бор эдилар.

Мексика пойтахтидаги XIX олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими 1968 йил 12 октябрда бўлиб ўтди. Бу сана бежиз танланмаган эди. 1492 йил 12 октябрь Христофор Колумбнинг Америка қитъасига биринчи бор қадам қўйган куни ҳисобланади. Ўйинларнинг тантанали очилиш маросимида, ҳам ёзги Олимпиадалар тарихида илк бор «Эстадио Олимпико» стадионидаги машъалани ёқиб шарафи аёлга — енгил атлетика бўйича мамлакат чемпиони 20 ёшли Энреките Басилио Сотелога насиб этди.



Марина Лобач.



Татьяна Гуцу.

Ана шу зиддиятларга қарамасдан Мехико Олимпиадаси кўлами ва спорт натижаларга кўра аввалгилардан ижобий жиҳатлари билан ёдда қолди. Мексика пойтахтига 112 давлатдан 5531 спортчи, шу жумладан, 781 аёл ташриф буюрди. Ўйинларга биринчи марта таклиф қилинганлар орасида Барбадос, Британия Гондураси, Виргин ороллари, Гвинея, Гондурас, Конго (Киншас), Кувайт, Ливия, Никарагуа, Парагвай, Сальва-

Мехико Олимпиадасида биринчи марта мусобақалар ҳакамлари беллашувларга ҳолис ҳакамлик қилиш тўғрисида қасамёд қабул қилдилар. Бу маросим ўз спортчиларига нисбатан ҳакамлар томонидан кўп ҳолларда ноҳолислик қилинаётганлигидан норози бўлаётган собиқ Иттифоқ таклифига биноан жорий этилди.

Ўн тўққизинчи олимпия ўйинлари мусобақалари дастури ҳам кенгайтирилди. Спортчи-

лар 172 та, аввалги Ҳўинлардагидан 9 та кўп олимпиада медаллари жамланмаси учун кураш олиб бордилар. Мехикода 84 та олимпия, шу жумладан, 27 та жаҳон рекорди янгиланганлиги беллашувлар нақадар кескин ва мурасасиз ўтганлигидан далолат бериб турибди.

Америка Қўшма Штатларининг яна бир енгил атлетикачиси Ричард Фосберининг баландликка сакрашда Мехикода ўрнатган жаҳон рекорди — 2 метр 24 сантиметрлик натижа Боб Бимоннинг ўта ҳайратомуз кўрсаткичи соясида қолган бўлса ҳам унинг кейинчалик «фосбери флоп» деб атала бошланган чалқанча сакраш усули спортнинг бу турида ҳеч муболағасиз ўзига хос инқилоб ясади.

Ўн тўққизинчи олимпия ўйинларига «спорт юлдузлари беқиёс натижалари» таърифи ортиқчалик қилмайди. Сухумилик Виктор Санеев бу ерда уч ҳатлаб сакрашда 17 метр 39 сантиметр кўрсаткичи билан янги жаҳон рекорди ўрнатди. Янада эътиборлиси, унинг навбатдаги Ҳўинлардаги галабалари шу ердан бошланган. Исми жисмига монанд (Виктор—галаба дегани) Санеев бундан кейинги 1972 ва 1976 йиллардаги олимпиадалар чемпиони, бу учта олтин медали ёнига 1980 йилги Москва Олимпиадасининг кумуш медали ҳам қўшилган. Бу Олимпиадада уч ҳатлаб сакрашда олти спортчининг 17 метрдан юқори натижа кўрсатгани ҳам диққатга моликдир.

Америкалик Альфред Ортер эса Мехикода тўртинчи олтин медалини қўлга киритди. Бу диск улоқтирувчи 1956, 1960, 1964 йиллардаги олимпиадалар чемпиони бўлиб, Мексика пойтахтида ҳам олимпия рекордини ўрнатишга эришди. Ҳўинларда спортнинг муайян турида чемпионлик миқдори бўйича у билан фақат даниялик яхтаци Пауль Элвстремгина баҳслаша олади. У 1948—1960 йиллардаги тўртта Олимпиада чемпиони. Лекин Пауль бу Ҳўинларда яхтаси тоифасини алмаштирган. Тўрт карра Олимпиада чемпиони номи билан, шунингдек, италиялик чавандоз Раймондо, Инцео ва Буюк Британиядан яхтаци Дервуд Ноулз ҳам фахрлана оладилар.

Чехословакиялик гимнастикачи Вера Чаславская эса Мехико Олимпиадасининг ўзида нафақат тўртта олтин, балки бунга қўшимча яна

иккита кумуш медаллар билан ҳам тақдирланди. Агар унинг аввалги Ҳўинлардаги учта олтин ва битта кумуш медали ҳам қўшиб ҳисобланса, Вера Чаславскаянинг спорт жасорати тегишли баҳосини олади.

Жаҳонда ўта машҳур бу спортчилар қаторида ўзбекистонлик Сергей Диомидов билан гурурлансак арзийди. У Токио Олимпиадасидаги кумуш медалига Мехикода кумуш ва бронза медалларини қўша олди. Тошкентлик гимнастикачи ўн тўққизинчи олимпия ўйинларида энг номдор спортчилар Михаил Воронин, Виктор Клименко, Валерий Карасев, Виктор Лициский, Валерий Ильиних билан бирга жамоа биринчилигида японлардан сўнг иккинчи ўринни олди.

Спорт гимнастикаси бўйича кўпкурашда собиқ Иттифоқ жамоаси етакчиси ҳисобланган Михаил Воронин кумуш медаль совриндори



Александр Дитятин.

бўлган бўлса, Сергей Диомидов фахрли олтинчи ўринга кўтарилди. Яъни у жамоадошлари ўртасида Михаил Ворониндан кейинги, жамоага қимматли очколар келтирадиган ўринни олди. У, шунингдек, ҳалқада машқ бажаришда бронза медали билан тақдирланди ҳамда спорт гимнастикаси шахсий биринчилигида яна бир машқни бажаришда бешинчи ўринни эгаллади.

Асли Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманидан бўлган Сергей Диомидов спорт гимнастикаси билан 13 ёшидан бошлаб илк устози Роберт Саркисов бошчилигида шуғулланган. Сергей Диомидов спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпиони ҳам эди. Унинг бетакрор, бошқа гим-

настикачилар бажаришнинг уддасидан чиқа олмаган машқлари спорт ихлосмандларини лол қолдирарди.

Ўзбекистонлик яна бир спортчи Вера Дуюнова (Галушка) волейбол бўйича терма жамоа аъзолари билан бирга ўн тўққизинчи олимпия ўйинларининг чемпиони бўлди. У 1972 йилги Олимпиадада ҳам жамоадош дугоналари билан фахрий шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарила олди ва икки карра Олимпиада чемпиони фахрий унвонига сазовор бўлди.

Мехико Олимпиадасида ўзбекистонлик велосипедчи, икки карра жаҳон чемпиони Михаил Колюшев ҳам иштирок этди. У россиялик Станислав Москвин, Владимир Кузнецов, латвиялик Дзинтарс Лацис билан бирга 4000 метрга жамоа таъқиб пойгасида тўртинчи ўринни олди.

Брасс усулида сузиш бўйича жаҳон рекордини Тошкент сув спорти саройида ўрнатган Светлана Бабанова Мексика пойтахтида 100 метр масофада 1.17,2 дақиқалик натижа билан еттинчи ўринни эгаллади. Унинг дугонаси Наталья Усти-

нова 100 метрга эркин усулда сузишда 1.04,2 дақиқалик натижа кўрсатди. Натижада у 21-ўринни эгаллади.

Икки карра Олимпиада чемпионлари қаторида россиялик боксчи Борис Лагутин, оғир атлетикачи Леонид Жаботинский, байдаркачи Людмила Пинаеваларни келтириш мумкин. Улар Токиодаги олтин медалларига Мехикода ҳам худди шундай қимматга эга олий нишонларни қўшишди.

Венгрия футболчилари эса тўрт йил аввалги ютуқларини такрорладилар. Улар олимпия турнири финалида болгарларни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, яна чемпион бўлдилар. Учинчи ўрин учун баҳсда Япония футболчилари мезбонлар — Мексика олимпия жамоасидан 2:0 ҳисобида устун келдилар.

1968 йилнинг 6—18 февраль кунлари Франциянинг Гренобль шаҳрида Х қишки Олимпиада мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 37 мамлакатдан келган 1158 спортчи, шу жумладан, 202 аёл етти спорт тури бўйича 35 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борди.



Спортнинг олимпия турлари

СУЗИШ

Сузиш — Олимпиада ўйинлари мусобақалари дастуридаги энг оммавий спорт турларидан бири. Халқаро ҳаваскор сузиш федерацияси — ФИНА 1908 йилда ташкил топган. У сузиш бўйича 189 та миллий федерацияни бирлаштиради. Олимпия ўйинлари мусобақалари дастурига 1896 йилда киритилган. Олимпиадаларда аёллар ўртасида сузиш мусобақалари 1912 йилдан бошлаб ўтказила бошланди.

Олимпия ўйинлари дастуридаги замонавий сузиш мусобақаларининг 6 тури бўлиб, спортчилар уларда 32 та (16 та эркаклар ўртасида ва 16 та аёллар ўртасида) медаллар жамланмаси учун кураш олиб борадилар:

- эркин усул — 50, 100, 200, 400, 800, 1500 (фақат эркаклар ўртасида) метр масофага;
- чалқанча усул — 100, 200 метр масофага;
- брасс — 100, 200 метр масофага;
- баттерфляй — 100, 200 метр масофага;
- комплекс сузиш — 200 (50 метрдан эркин, чалқанча, брасс ва баттерфляй усулларида), 400 (100 метрдан эркин, чалқанча, брасс ва баттерфляй усулларида) метр масофага;
- эстафета — 4x100 ва 4x200 метрга.

Олимпия ўйинларида сузиш мусобақаларининг ҳар бир турида малака (квалификация) нормативларини бажармасдан ҳар бир мамлакатдан биттадан, малака нормативларини бажарган ҳолда иккитадан спортчи қатнашиш ҳуқуқига эга. Эстафета мусобақаларида ҳар мамлакатдан фақат битта жамоа қатнашиши мумкин.

Олимпия ўйинларида сузиш мусобақаларининг саралаш, ярим финал ва финал босқичлари ўтказилади. Финал мусобақаси қатнашчилари спортчиларнинг саралаш ва ярим финалда эгаллаган ўрниларига қараб эмас, балки кўрсатган вақтига қараб сараланади.

1984 йилги Олимпиададан бошлаб фақат аёллар ўртасида синхрон сузиш мусобақалари ҳам ўтказилмоқда. 1952 йилда Халқаро ҳаваскор сузиш федерацияси — ФИНА ҳузурида Синхрон сузиш кўмитаси ташкил этилган. Уша йилги олимпия ўйинларида синхрон сузиш бўйича кўргазмали мусобақалар ташкил қилинган.

XXIII Олимпиадада синхрон сузиш бўйича якка ва жуфт (дуэт)ликлар мусобақалари ўтказилган. 1996 йилги олимпия ўйинлари мусобақалари дастурига синхрон сузиш бўйича гуруҳий машқлар ҳам киритилди.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

JEUX DE LA XVII OLYMPIADE


ROMA



25.VIII-11.IX



ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ ПЛАКАТЛАРИ



1968 йил халқаро олимпия ҳаракати янги тузилмалар билан бойиди. Халқаро Олимпия Қўмитаси шу йили Миллий олимпия қўмиталари уюшмаси — АНОКни тан олди. Мазкур уюшманинг мунтазам равишда ўтказиб келинадиган Бош ассамблеяларида турли мамлакатлар спортчилари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Кичик давлатлар миллий олимпия қўмиталарини қўллаб-қувватлаш АНОКнинг яна бир муҳим вазифаси ҳисобланади. Уюшма ҳозирги вақтда ана шундай 45 та кичик давлатларнинг ҳар бирига халқаро спорт федерациялари белгилаб қўйган малака меъёрларидан қатъий назар олтидан спортчисини олимпия

ўйинларида иштирок этишларини кафолатлайди. Маълумки, бу малака меъёрлари Олимпиадаларда иштирок этадиган спортчилар сони 10 мингтадан ошиб кетмаслиги мақсадида ўрнатилади.

Халқаро спорт федерацияларининг Бош ассамблеяси — ГАИСФ замонавий олимпия ҳаракатининг яна бир ташкилий тузилмаси ҳисобланади. У 1967 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда. У халқаро спорт федерациялари билан ХОҚ ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашни ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб билади. Олимпия ўйинлари, халқаро спорт мусобақаларини ўтказишни муттасил такомиллаштириб бориш ҳам ГАИСФ зиммасидадир.



Спортнинг олимпия турлари

ВЕЛОСИПЕД СПОРТИ

Велосипед спорти — велосипедда трек ва шосседа пойга, тоғ велосипед спорти (маунтейбайк)ни мужассамлаштирган спорт тури.

Биринчи велосипедлар XIX аср бошларида пайдо бўлган. 1869 йилда биринчи расмий — 120 километрга Париж — Руан пойгаси ўтказилган. Унинг ғолиби инглиз Мур бу масофани соатига ўртача 11 километр тезликда босиб ўтган.

Халқаро велосипедчилар уюшмаси — УСИ 1900 йилда ташкил топган. У 163 та миллий велоспорт федерацияларини бирлаштиради.

Велосипед спорти мусобақалари эркаклар ўртасида олимпия ўйинлари дастурига 1896 йилдан, аёллар ўртасида эса 1984 йилдан киритилган. 1896—1924 йиллардаги олимпия ўйинларида велосипед спорти мусобақалари дастури ўзгариб турган. Велосипед пойгалари 1900, 1904 йилларда фақат трекда, 1912 йилда эса фақат шосседа ўтказилган.

1972 йилгача олимпия ўйинларида ҳар бир мамлакатдан 15 тагача велосипедчи мусобақаларнинг хоҳлаган турида (фақат трекдаги мусобақаларда биттадан ва жамоа биринчиликларида тўрттадан) қатнашиши мумкин эди. Ҳозирги вақтда Олимпиада мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун малака (квалификация) нормативларини бажариш талаб этилади.

1996 йилдан Олимпиадаларда велосипед спорти бўйича 14 та медаллар жамланмаси учун (эркаклар ўртасида — шосседа гуруҳий ва шахсий ҳамда вақт учун пойга, жойидан 1000 метрга гит, спринг пойгаси, шахсий ва жамоа таъқиб пойгаси, очколар учун пойга, маунтенбайк — кросс-кантри; аёллар ўртасида — шосседа гуруҳий ва шахсий

ШОҲСУПАДА — ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР

Ўн икки йиллик танаффусдан сўнг ёзги олимпия ўйинларига мезбонлик қилиш шарафи Европа шаҳри — Мюнхенга берилди. 1972 йил 26 август — 11 сентябрь кунлари бўлиб ўтган XX Олимпиадада 121 давлатдан 7147 спортчи, шу жумладан, 1070 аёл иштирок этди. Жаҳон спорти ҳамжамияти биринчи бор олимпия ўйинларида иштирок этиш таклифини олган Албания, Юқори Вольта, Габон, Корея Халқ Демократик Республикаси, Лесото, Саудия Арабистони, Того, Дагомея, Малави, Свазиленд, Родезия ҳисобига янада кенгайди.

Шу йили бўлиб ўтган Халқаро Олимпия Қўмитасининг сессиясида ХОҚ Президенти Э.Брэндеж истъефога чиқди. Сессияда Халқаро Олимпия Қўмитасининг олтинчи Президенти этиб лорд Майкл Моррис Килланин сайланди.

Мюнхен Олимпиадасида спортчилар 195, аввалги ўйинлардагидан 23 та кўп медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар. Мусобақалар дастурига киритилган спорт турларидан ташқари бадминтон ва сув чанғиси бўйича кўргазмалари беллашувлар ҳам ўтказилди.

Йигирманчи олимпия ўйинларида спортчилар кўрсатган натижаларни 0,01 секунд аниқлик

билан ўлчайдиган электрон асбоблардан фойдаланилди. Ўйинларнинг тантанали очилиши ва ёпилиши, шунингдек, бевосита спорт мусобақаларини курраи заминимиздаги 1 миллиард томошабин телевидение орқали кўриш имкониятига эга бўлди.

Ўйинлар тарихида дастлабки марта спортчилар номидан аёл — ГФР етакчи енгил атлетикачиларидан бири, Кельн университети талабаси Хайди Шюллер қасамёд қилди.

Бу Олимпиадада сузувчилар ҳаммани лол қолдирдилар. Улар 23 та жаҳон рекорди ўрнатдилар. Ҳаммадан ҳам Америка Қўшма Штатларидан Марк Спитц ақл бовар қилиши қийин бўлган натижалар кўрсатди. У 100 ва 200 метрга эркин ва баттерфляй усулларида сузишда ҳамда жамоадошлари билан 4x100 ва 4x200 метрга эркин ҳамда 4x100 метрга аралаш усулда эстафетада голиб чиқиб, бир олимпия ўйинларида етти та (!) олтин медални қўлга киритди.

Бу бутун Олимпиадалар тарихида энг юксак кўрсаткич ҳисобланади ва шу пайтгача ҳеч ким уни ўзгартира олгани йўқ. Агар Марк Спитцнинг бундан тўрт йил илгариги Олимпиадада ҳам 4x100 ва 4x200 метрга эркин усулда эста-



ҳамда вақт учун пойга, спринт пойгаси, шахсий таъқиб пойгаси, очколар учун пойга, маунтенбайк — кросс-кантри) кураш олиб борилади.

Шосседа гуруҳий пойга эркаклар учун 239, аёллар учун 120 километрга ўтказилади. Ҳар бир велосипедчига 90 секунд оралиқда алоҳида-алоҳида старт бериладиган пойгада эркаклар 46,8, аёллар эса 31,2 километр масофада беллашадилар.

Трекда вақт учун пойга масофаси эркаклар учун — 1000, аёллар учун 500 метр. Спринт пойгада велосипедчи трекни уч марта айланиб чиқиши керак, лекин бунда унинг охириги 200 метрда кўрсатган вақти ҳисобга олинади. Эркаклар учун 1000 метрга жойидан гитда икки пойгачи беллашади, маррага биринчи етиб келган голиб ҳисобланади. Шахсий таъқиб пойгасида спортчиларга старт трекнинг қарама-қарши томонларидан берилади. Мақсад — рақибига етиб олиш, ёки энг яхши вақт кўрсатиш. Эркаклар 4, аёллар 3 километр масофада беллашадиган бу мусобақада биринчи даврада иштирок этганлар орасида энг яхши вақт кўрсатган 4 велосипедчи ярим финалга йўланма олади, бу босқич голиблари финалда беллашадилар. Жамоа таъқиб пойгаси фақат эркаклар ўртасида 4 километр масофага ўтказилади. Ҳар жамоа 4 аъзосидан энг яхши вақт кўрсатган учтасининг натижаси ҳисобга олинади.

Очколар учун пойгада (эркаклар 40, аёллар 25 километрга) пойгачилар сони чекланмайди. Биринчи давра пойгасидан кейин ҳар оралиқ марра голибларига очко (1-ўринга — 5; 2-ўринга — 3; 3-ўринга — 2; 4-ўринга — 1) лар берилади. Якуний пойгада бу очколар миқдори икки бараварга кўпайтирилади ва энг кўп очко тўплаган голиб бўлади.

Маунтенбайк — тоғ велосипеди бўлиб, 1996 йилдан Олимпиадалар дастурида. Унда тоғлик, нотекис жойда эркаклар ўртасида 40—50, аёллар ўртасида 30—40 километрга вақт учун пойга — кантри-кросс ўтказилади.

Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси УСИ аъзоси. Ўзбекистонлик Александр Панфилов велосипед спорти бўйича XXII Олимпиаданинг кумуш совриндоридир.

фетада иккита олтин ҳамда 100 метрга баттерфляй усулида сузишда кумуш, шу масофага эркин усулда сузишда бронза медали соҳиби эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, америкалик сузувчининг спорт шухрати беқиёслиги ойдинлашади.

Мюнхен яна бир спорт юлдузи — кубалик боксчи Теофило Стивенсонни «кашф этди». У бу Олимпиада рингида энг нуфузли — огир вазнда рақибларини нафақат ўта кучли зарбалари, шу билан бирга такомилига етган юксак техникаси билан таслим қилди. Шу боисдан унга



Моҳир чавандоз Мамажон Исмоилов.

ҳаваскор боксчиларнинг энг олий Вэл Баркер кубоги тақдим этилганлиги беқиёс маҳоратининг муносиб баҳоси бўлди.

Теофило Стивенсон Мюнхендан кейин 1976 ва 1980 йиллардаги Ҳинларда ҳам ғолиб чиқиб, афсонавий Ласло Паппдек кетма-кет уч Олимпиада чемпиони бўлди. Кубалик «чарм қўлқоп қироли» бокс бўйича огир вазнда 1974, 1978 ва 1986 йилги жаҳон чемпиони ҳамдир. У АҚШнинг Рино шаҳрида бўлиб ўтган 1986 йилги, ўзи учун сўнгги, жаҳон биринчилигида жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчисига бериладиган Редьяр Рассел кубоги билан ҳам тақдирланган.

Ўзбекистонлик олимпиадачилар Мюнхенда тўртта олтин медални қўлга киритдилар. Тошкентлик Вера Дуюнова волейболчи жамоадош дугоналари билан Мюнхенда бундан тўрт йил илгари Мехикодаги зафарларини такрорлашлари учун ўта қийин, ҳаяжонли, айна пайтда чиройли финал учрашувида жуда кучли Япония спортчиларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратишларига тўғри келди. Вера Ўзбекистонга икки карра Олимпиада чемпиони сифатида қайтиб келган бўлса, Алжан Жармухамедов баскетбол бўйича терма жамоа таркибида Мюнхенда фариш шоҳсура юқори поғонасига дастлабки марта кўтарилди. Бу галаба ўзбекистонлик спортчи учунгина эмас, балки барча баскетбол ўйини мухлислари учун унутилмас, тарихий бўлиб қолган.

Гап шундаки, эркаклар ўртасида баскетбол Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган 1936 йилдан бери ўтказилган еттита турнирда Америка Қўшма Штатлари спортчилари бирор марта чемпионликни ҳеч кимга бермай келаётган эдилар. Олтин медаль тақдири ҳал бўлаётган Мюнхен Олимпиадасидаги учрашув ниҳояланаётган вақтда америкалик баскетболчилар бутун ўйин давомида ҳисобда олдинда борган собиқ Иттифоқ терма жамоаси аъзоларининг кетма-кет хатоларидан моҳирона фойдаланишди. Ўйин тугашига бор-йўғи уч сония қолганда Дуглас Каллинс томонидан аниқ бажарилган иккита жарима тўпи уларни ниҳоят олдинга олиб чиқади — 50:49. Собиқ Иттифоқ баскетболчилари устози Владимир Кондрашин шу пайт ўйинчиларни сўнгги ҳужумга чорлаш учун танаффус олади.

АҚШ спортчилари эса бу пайтда бир-бирларини галаба билан табриклашни бошлаб юборишган эди. Ҳакамлар ўйинни охирига етказиш учун уларни яна майдонга тушириш учун роса ҳаракат қилишларига тўғри келди. Ўйинни бошлаш учун ҳуштак чалиниши билан собиқ Иттифоқ баскетболчилари тўпни бутун майдон узра рақиб тўри томон узатишади. Бу ерда ҳозир нозир бўлган Александр Белов икки рақибига чап бериб, тўпни тўрга туширади ва бу билан жамоадошларига галаба келтиради. Америкалик баскетболчилар ҳакамлар билан баҳслашиб, мағлубиятларини тан олмасликка уриниб кўрадилар. Аммо бундан бирор натижа чиқмади.

Умуман олганда Олимпиада дастуридан ўрин олган спорт ўйинлари санокли. Қизиғи шундаки, уларнинг айримларида бир мамлакат спортчилари узоқ йиллар давомида бошқалардан

яққол устун бўлганлар. Хусусан, эркаклар ўртасида баскетболда бу АҚШ бўлса, чим устида хоккейда 1928 йилдан 1972 йилгача Ҳиндистон спортчилари етти марта Олимпиада чемпионлари бўлганлар. Бу спорт ўйинида олтин медаллар фақат 1960 ва 1968 йилларда Покистон, 1972 йилда эса Германия Федератив Республикаси хоккейчиларига насиб бўлган.

Сув полоси олимпия ўйинлари дастурига киритилган энг дастлабки спорт ўйинлари туридан биридир. Аммо унда ғолиблар тез-тез

Яна бир ўзбекистонлик, Тошкент Давлат университети талабаси, Тошкентнинг «Динамо» жамиятидан Эльвира Саади аёллар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича терма жамоа таркибида Олимпиада чемпиони бўлди. У жамоадошлари россиялик Людмила Туришчева ва Любовь Бурда, белоруссиялик Ольга Корбут, Тамара Лазкевич ва Антонина Кошель билан бирга олтин медалларга муносиб топилди. Эльвира Саади кўпкураш бўйича шахсий биринчиликда 75,075 балл тўплаб, саккизинчи ўринни олди.



Икки карра олимпия чемпиони Александр Курлович.



Нелли Ким.

алмашиб турган. Сув полосида дастлаб Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси олимпиадачилари пешқадамлик қилган бўлсалар, кейинчалик тўрт марта венгрлар, икки марта италияликлар ғолиб чиққанлар. 1968 йилда сув полоси бўйича югославлар, Мюнхенда эса собиқ совет спортчилари Олимпиада чемпионлари бўлдилар.

Спорт ўйинларидан регби 1920 ва 1924 йиллардаги, поло эса 1920—1928 йиллардаги Олимпиадалар дастуридан урин олган эди.

Мюнхен Олимпиадасида ҳали ўн саккизинчи баҳорини ҳам нишонламаган Ольга Корбут учта олтин медални қўлга киритиб, мисли кўрилмаган нафис сакрашлари ва юксак маҳорати учун «қокилли мўъжиза» таърифини олди.

Эркин кураш беллашувларида эса Александр Медведь олимпия ўйинларидаги учинчи олтин медалини олди. Спортнинг бу турида ҳеч ким унингдек натижага эриша олмаган.

Украиналик Валерий Борзов эса 100 ва 200 метрга югуришда Олимпиада чемпиони бўлди.

Қисқа масофаларга югуришда ҳамиша америкалик энгил атлетикачилар пешқадамлик қилиб келишарди. Валерий Борзовнинг Мюнхенда икки қисқа масофага югуришдаги ғалабаси кўпчилик учун кутилмаган эди. Львовлик спортчи бундан ташқари Мехикода 4x100 метрга эстафетада кумуш, 1976 йилги Олимпиадада эса 100 метрга югуриш ва эстафетада бронза медалларга сазовор бўлган.

Рустам Казаков ўзбекистонлик спортчилар ўртасида йигирманчи олимпия ўйинлари тўртинчи олтин медалининг соҳибидир. У Мюнхенга йўл олар экан, республика журналистларининг бу ўйинлардаги режалари ҳақидаги саволларига: «Германиядан албатта медаль билан қайтаман. Эҳтимол кумуш бўлар. Лекин олтин бўлса нур устига нур бўларди», деган эди.

Ўзбекистонлик полвон олимпия ўйинлари олтин медалини ҳал этадиган учрашувга қадар афғонистонлик Алам Мир, болгариялик Христо Трайков, польшалик Юзеф Липень, юнонистонлик Отон Мосхидес, япониялик Икун Ямамато венгриялик Янош Варга билан беллашиб, кучлилигини намойиш қилди. Аммо Рустам мезбонлар вакили Ханс Юрген Вайль билан финал беллашувида гиламга тушар экан, ҳисобида 4,5 жарима очко бор эди. Олимпиада чемпиони бўлиш учун Рустам албатта ғалаба қозониши зарур эди.

Германиялик курашчи ҳам юртдошлари олдида уялиб қолмаслик учун тиришарди. Шунга қарамасдан ҳакамнинг мусобақа якунланишидан дарак берадиган ҳуштаги чалинишига атиги икки сония қолганида — улар гиламга тушганла-



Спортнинг олимпия турлари

ЧАНГИ СПОРТИ

Турли масофаларга чанги пойгалари, трамплиндан чангида сакраш, чанги қўшқураши, биатлон, фристайл, сноубординг чанги спортининг олимпия турлари ҳисобланади.

Тарихий манбалар чанги VI—VII асрларда ишлатила бошланганлигидан далолат беради. 960 йилдан Норвегияда зодагонлар чангида юришга ўргатила бошланган.

Чанги спортининг кўпгина турлари ҳам Норвегияда шаклланган. 1733 йилда норвегияликларнинг Ганс Эмазунен қўшинларида чангида юриш жорий этилган. 1767 йилда бу мамлакатда чанги спортининг деярли барча турлари — биатлон, слалом, тепаликдан тез тушиш, пойгалар бўйича мунтазам мусобақалар ўтказила бошланган.

1877 йилда Норвегияда биринчи чанги спорти жамияти тузилган. Кейин бундай жамиятлар Финляндияда ҳам пайдо бўлди.

Чанги спорти бўйича 1883 йилдан Норвегияда Холменколлен ўйинлари, 1922 йилдан Финляндияда Лахти ўйинлари, Швецияда эса «Васалоплет» олимпия чанги пойгаси ўтказиб келинади.

1910 йилда Ослода 10 та мамлакат иштирокида ўтказилган халқаро чанги спорти конгрессида Халқаро чанги спорти комиссияси тузилган. У 1924 йилда Халқаро чанги спорти федерацияси — ФИСГа айлантирилди. У 102 та миллий чанги спорти федерациясини бирлаштиради.

Чанги пойгалари 1924 йилдан бери қишки Олимпиада дастурларида. Даставвал эркаклар ўртасида 18, 50 километрга пойгалар ўтказилган, Ўйинлар дастурига 1936 йилдан 4x10 километрга эстафета, 1956 йилдан 30 километрга пойга (шу Олимпиадада 18 километрга пойга масофаси 15 километрга ўзгартирилган), 1992 йилдан 10 километрга пойга киритилган. Қишки Олимпиадаларда аёллар ўртасида чанги пойгалари (10 километрга) мусобақалари 1952 йилдан ўтказилади. Бу дастурга 1956 йилдан 3x5 (1976 йилдан 4x5) километрга эстафета, 1964 йилдан 5, 1984 йилдан 20, 1992 йилдан 30 километрга пойга киритилган.

Ҳозирги вақтда қишки Олимпиадалар дастуридан эркаклар ўртасида — 1,5 километрга спринт, 10 километрга таъқиб пойгаси, 15, 30 (оммавий старт), 50 километрга пойга, 4x10 километрга эстафета, аёллар ўртасида 1,5 километрга спринт, 5 километрга таъқиб пойгаси, 10, 15, 30 (оммавий старт) километрга пойга, 4x5 километрга эстафета ўрин олган.

Қишки Олимпиадаларда чанги пойгаларининг ҳар бир турида ҳар мамлакатдан 4 спортчи, эстафетада битта жамоа иштирок этишига руҳсат берилади.

Трамплиндан чангида сакраш 1924 йилдан қишки Олимпиадалар дастурида. Даставвал 70, 1964 йилдан 90 метрлик, 1992 йилдан шахсий биринчиликда 90 ва 120, жамоа биринчилигида 120 метрлик трамплиндан чангида сакраш мусобақалари ўтказилади.

Чанги қўшқураши трамплиндан чангида сакраш ва чанги пойгасидан иборатдир. 1924 йилдан қишки Олимпиа-

ридан сўнг 2 дақиқа 58 сония ўтганида Рустам ўзининг машҳур усулини қўллаб, Ханс Вайлнинг курагини ерга теккиза олди.

У ўн йил муқаддам «Динамо» жамиятининг юнон-рим кураши бўйича спорт секциясига дастлабки машққа келганида олдига бундай оламшумул мақсадлар қўймагани, албатта. Спортнинг бу турини танлаши ҳам аслида тасодифан рўй бергани. Рустамни тенгдошлари билан Тошкент асбобсозлик заводи клубига полвонларнинг кўргазмали чиқишларига таклиф этишди. Ўша вақтда юнон-рим кураши бўйича чемпионлар бўлган ака-укалар Курсат, Рефат ва Абдумажит Аблаевларнинг алпона қоматлари, пўлат мушаклари Рустамда катта таассурот қолдирди.

Корхонада курашга қизиқмайдиганларнинг ўзи йўқ эди, ҳисоб. Ҳатто завод фахри, Меҳнат

Қаҳрамони Алексей Ефимов биринчи разрядли полвон эди. Икки карра чемпион Рефат Аблаев шогирдининг тиришқоқлигини дарҳол пайқади. Рустам мактабни тугаллаганидан сўнг заводга ишга кириб, кураш билан астойдил шуғулланишини давом эттирди. У бир йилдан кейиноқ ўсмирлар ўртасида чемпион бўлди, кейинги йил бу муваффақиятини такрорлади.

Рустам Казаков 1969—1973 йилларда юнон-рим кураши бўйича жаҳон биринчиликларида олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланган.

Мюнхен Олимпиадасида самарқандлик боксчи Николай Анфимов 81 килограмм вазни рақиблари — болгариялик Георгий Станков, мисрлик Азмед Маҳмуд Алини мағлубиятга уратди. Бироқ нигериялик боксчи Исаак Инкху-



далар дастурида. Мусобақалар фақат эркаклар ўртасида ўтказилади. Қишки Олимпиадаларда ҳар бир мамлакатдан 4 тагача спортчи иштирок этишига руҳсат берилади.

Тоғ чанги спорти 1936 йилдан қишки олимпиадалар дастурида. Даставвал Альп қўшкураши — тоғ қиялигидан тез тушиш ва слаломдан иборат эди. 1948 йилдан Альп қўшкураши, тоғ қиялигидан тез тушиш ва слалом, 1952 йилдан тоғ қиялигидан тез тушиш, слалом ва слалом-гигант, 1988 йилдан Альп қўшкураши, тоғ қиялигидан тез тушиш, слалом, слалом-гигант ва супер гигант. Слаломда трасса узунлиги 450—500 метр бўлади, эркаклар учун 60—75 та, аёллар учун 50—55 та дарвоза ўрнатилади. Тоғ қиялигидан тез тушишда трасса узунлиги кўпи билан 3800, ками билан 2435 метр бўлади, 11—25 та назорат дарвозаси ўрнатилади. Гигант слаломда трасса узунлиги кўпи билан 2600, ками билан 1034 метр бўлади, 56—75 та назорат дарвозаси ўрнатилади.

Қишки олимпиадаларнинг тоғ чанги спорти мусобақаларида ҳар бир мамлакатдан 14 (кўпи билан 8 та эркак ёки аёл) спортчи, мусобақалар ҳар бир турида кўпи билан 4 та спортчи иштирок этишига руҳсат берилади.

Биатлон (милтиқ билан чанги пойгаси ва ётган ҳолда ҳамда тик туриб нишонга ўқ узиш) қишки Олимпиадалар дастурида эркаклар ўртасида 1960, аёллар ўртасида 1968 йилдан.

Замонавий биатлон эркаклар ўртасида 10 (аёллар 7,5) километрга спринт, 12,5 (аёллар 10) километрга таъқиб пойгаси, 20 (аёллар 15) километрга пойгада шахсий биринчилик, 4x7,5 километрга эстафетадан иборатдир.

Биатлон мусобақалари 1948 йилда ташкил толган Халқаро замонавий бешкураш ва биатлон уюшмаси — УИМПБ томонидан ўтказиб келинади. 1993 йилда Халқаро биатлон уюшмаси — ИБУ ташкил топди. У 1998 йилдан Халқаро биатлон федерацияси — ИБУ деб юритилади. У 62 миллий биатлон федерациясини бирлаштирган.

Фристайл — тоғ балети, чанги акробатикаси ва могулдан иборат тоғ чанги спорти кўпкурашидир.

Қишки олимпиадалар дастурида 1992 йилдан. Шу йили эркаклар ва аёллар ўртасида фақат могул бўйича мусобақалар ўтказилган, 1994 йилдан дастурга чанги акробатикаси қўшилган.

Могул — 250 метрлик, қиялиги 27 даража бўлган қор уюмларидан тушиш пайтида албатта икки марта чанги билан сакраш машқини бажаришдан иборат тоғ чанги спорти тури.

Чанги акробатикаси — махсус трамплин (катта — 3,5 метр баландлик, 65 даража қияликли, ўртача — тегишли равишда — 3,2 ва 63, кичик — 2,1 ва 55)дан акробатика усулларидан фойдаланган ҳолда машқлар бажариб тушиш.

Могул — қияликдан мусиқа жўрлигида балет усулларини қўллаган ҳолда тушиш, бунда албатта иккита сакраш машқини бажариш.

Сноубординг — умумий узунлиги 120 метр бўлган махсус тайёрланадиган ярим овал трасса — халфпайдан чанги тахтаси — сноубордда акробатика машқларини бажарган ҳолда тушиш. Қишки олимпиадалар дастурида 1998 йилдан. Эркаклар ва аёллар ўртасида сноубордингнинг гигант слалом ва халфпайн турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Гигант слаломда трасса узунлиги 800—1000 метр, эни камида 20 метр бўлади, трассада камида 20 та дарвоза (оралиғи камида 10 метр) ўрнатилади, бунда дарвоза таёқлари оралиғи 4—8 метр бўлиши керак.

Ўзбекистонда тоғ чанги спорти ва фристайл миллий федерациялари ташкил этилган. Ўзбекистонлик Лина Черязова фристайл бўйича 1994 йилги XVIII қишки Олимпиада чемпиони. Мамлакатимиз спортчилари қишки Олимпиадаларда тоғ чанги спорти мусобақаларида ҳам иштирок этадилар.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

рия билан деярли тенг жангда ҳакамлар 3:2 ҳисобида унинг рақиби тарафига овоз бердилар. Натижада у 5 ўрин билан кифояланди. Николай Анфимов бир неча бор қатор нуфузли халқаро мусобақалар ғолиби ҳисобланади.

1972 йилги олимпия ўйинларида тошкентлик Мамажон Исмоилов от спортининг учқураш,

Собиқ Иттифоқ олимпиадачилари Мюнхенда 50 та олтин медални қўлга киритиб, норасмий умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни нақд қилиб қўйдилар. АҚШ жамоси иккинчи, Германия Демократик Республикаси учинчи ўринни олди.

Мюнхен Олимпиадасида ўзини «Қора сентябрь» номи билан атаган террорчилар томони-



Александра Тимошенко.



Евгений Кафельников.

термизлик Александр Юдин эса велосипед спорти буйича мусобақаларда иштирок этди.

Футбол буйича олимпия турнирида бир неча бор ғалаба нашидасини сурган Венгрия жамоасига бу сафар иккинчи ўрин билан чегараланишига тўғри келди. Олимпиаданинг олтин медаллари Польша футболчиларига топширилди.

дан Исроил спортчиларини гаровга олиш билан боғлиқ нохуш ҳодиса рўй берди. Улар Исроил қамоқхоналаридаги фаластинликларни озод қилиш талаби билан чиқдилар. Бунинг оқибатида олимпия қишлоғига ГФР ҳарбийлари — бундесвер махсус қисмлари киритилди. Қисқа муддат олимпия ўйинлари дастуридаги айрим мусо-



бақаларни тўхтатиб туришга тўғри келди. Бу ерга ГФР канцлери В. Брандт ҳам дарҳол етиб келди. Гаровга олиш бир неча исроиллик олимпиадачининг ҳалок бўлишига олиб келди. Бу фавқулодда ҳодисага қарамасдан мезбонлар томонидан умуман юқори савияда ташкил этилган жаҳон спорт байрами белгиланган режа асосида давом этди.

намоиш қилиш мақсади ётарди. Саппорога 35 мамлакатдан 1006 спортчи, шу жумладан, 206 аёл билан бирга бутун дунёдан 4000 журналист келганлиги худди ана шундан далолат берарди.

Шундай бўлса ҳам «ўз майдонлари», тўғрироғи «ўз тоғлари» мезбонлар учун қўшимча рағбат бўлди. Жумладан, япон спортчилари Юкио Каса, Акицуту Конно, Сейдзи Аосининг



Аёллар ўртасида 100 метрга эркин усулда сузиш.

XI қишки Олимпиада биринчи марта Осиё қитъаси — Саппорода 1972 йил 3 — 13 февралда бўлиб ўтди. Мезбонлик қилишни зиммасига олган Япония қишки олимпиадалар бутун тарихи давомида фақат битта нишон — кумуш медаль олган эди, холос. Бу давлатнинг ана шу жаҳон спорт байрами пойтахти бўлиш истаги негизда Қишки Олимпиада ўйинларида голибликка даъвогарлик эмас, балки ўзининг сўнгги йилларда эришган ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги оламшумул муваффақиятларини

70 метрли трамплиндан чанғида сакрашда фахрий шоҳсупани тўлалигича эгаллаганликлари катта шов-шувга сабаб бўлди.

Лекин Саппоро Олимпиадаси, ҳеч шубҳасиз, голландиялик Адрианус Схенкники бўлди, дейиш мумкин. У конькида 1500, 5000, 10000 метрга югуришда голиб чиқиб, бирданига уч карра Олимпиада чемпиони бўлди. Ўз ватанида миллий қаҳрамонга айланган, номи янги ўсимлик навларидан бирига берилган Схенк, шунингдек, 1970—1972 йиллардаги уч карра мутлақ

лина Кулакова биринчи бор 1968 йилги қишки Олимпиадада иштирок этиб, ўшанда 5 километрга пойгада кумуш, 3х5 километрга эстафетада бронза медаллари билан тақдирланган эди. Унинг ҳисобида, шунингдек, 1976 йилги қишки Олимпиадада 10 километрга пойгада бронза ва 1980 йилги қишки Олимпиадада 4х5 километрга эстафетада кумуш медаллари бор.

Саппородаги хоккей бўйича олимпия турнирида собиқ Иттифоқ жамоаси навбатдаги ғалабасини нишонлади. Бу сафар иккинчи ўринга

АҚШ, учинчига эса Чехословакия хоккейчилари кўтарилдилар.

Норасмий умумжамоа ҳисобида 120 очко ва 16 та (8 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза) медални қўлга киритган собиқ Иттифоқ пешқадамлик қилди. Дастлабки бор иккинчи ўрин Германия Демократик Республикаси олимпиадачиларига (83 очко ва 14 та, шу жумладан, 4 та олтин, 3 та кумуш, 7 та бронза медаль) насиб этди. Норвегия жамоаси учинчи ўрин билан кифояланди.

МАШЪАЛА КОИНОТГА КЎТАРИЛДИ

...1976 йил 13 июль. Юнонистоннинг муқаддас Олимпия шаҳрида кўзгулар орқали ўт олдирилган XXI олимпия ўйинларининг машъаласи спортчилар томонидан бир-бирларига эстафета тарзида қўлдан қўлга берилиб, пойтахт Афинага келтирилади. Бу ерда у лазер орқали коинотдаги сунъий йўлдошга узатилади. Сунъий йўлдош эса қабул қилиб олган аланганинг учкунлари билан Канаданинг пойтахти Оттавадаги машъалани ёндиради. Олимпиада машъаласи яна тўрт кундан сўнг йигирма биринчи олимпия ўйинлари мезбони — Монреаль стадионида порлаш учун мамлакат бўйлаб йўлга тушади.

Инсоният тафаккури учкунни бир неча лаҳза ичида коинот орқали минглаб километр масофага етказиб беришга қодир бўлганлигига қойил қолган ҳолда унинг ўз курраи заминдаги муаммоларни ҳал этишда баъзан ожизлик қилишидан ажабланмасликнинг иложи йўқ. Монреаль Олимпиадаси атрофида ҳам кескин сиёсий танглик юзага келди. Бунга Канада ҳукуматининг 1975 йилда Тайвань ороли спортчиларига Олимпиадада иштирок этишларига ружсат бермаслиги тўғрисидаги баёноти сабаб бўлди. Тайванликлар бу ўйинларда «Хитой Республикаси» вакиллари сифатида иштирок этишларини билдирган эдилар.

Канаданинг энг йирик савдо шериги ҳисобланган Хитой Халқ Республикаси, табиийки, бунга йўл қўйилишига қатъий қарши эди. Биргина 1975 йилда ХХРга 307 миллион АҚШ доллари миқдорида дон экспорт қилган Канада бу эътироз билан ҳисоблашмаслиги мушкул эди. Ўз навбатида Тайвань ороли олимпия қўмитасини тан олган Халқаро Олимпия Қўмитаси Канада ҳукуматининг бу баёноти олимпия хартияси

тамойилларига зид эканлиги, ўйинларда спортчилар ирқий, диний ёки сиёсий сабабларга кўра камситилишига йўл қўйиб бўлмаслигини билдирди. ХОҚ Президенти Майкл Килланин, ҳатто агар Канада ҳукумати ўз қарорини қайта кўриб чиқмаса, Монреаль Олимпиада мезбони ҳуқуқидан маҳрум этилиши ҳақида огоҳлантирди.

АҚШ, бир қатор бошқа миллий олимпия қўмиталарининг ХОҚ нуқтаи назарини қатъий қўллаб-қувватлашлари Канада ҳукуматини мурасасозлик қилишга мажбур қилди. Тайвань ороли олимпиадачиларига Монреаль ўйинларида иштирок этишларига, ўз голиб спортчилари шарафига мадҳияларини ижро қилишлари, байроқларини кўтаришларига ружсат берилди. Аммо тайванликлар Олимпиадада «Хитой Республикаси» номида иштирок этишлари мумкин эмасди. Бу эса Тайвань ороли вакилларини қаноатлантирмади.

Тайванликлар Монреални тарк этишга улгуришмасдан Нигерия, Уганда, Замбия миллий олимпия қўмиталари агар Янги Зеландия спортчиларига бу ўйинларда иштирок этиш ҳуқуқи берилса, улар аввалроқ Танзания ва Маврикия томонидан Монреаль Олимпиадасини бойкот қилиш чақириғига қўшилишларини билдирдилар. Бунга Янги Зеландиянинг ирқчи сиёсати учун халқаро олимпия ҳаракатидан четлаштирилган Жанубий Африка Республикасига ўзаро мусобақалар ўтказиш учун ўз регби жамоасини юборгани сабаб қилиб кўрсатилди.

ХОҚ регби олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олмаганлиги учун Янги Зеландияга нисбатан жазо чораларини қўллашдан воз кечдилар. Бу қарор билан келишмаган қатор Африка дав-

латлари Олимпиадада иштирок этишдан воз кечдилар. Бунинг устига Монреалга келган қитъанинг яна 21 давлати мусобақалар бошланганига қарамасдан Канадани тарк этди. ХОҚ Президенти Майкл Килланин кейинроқ битган «Менинг олимпия йилларим» хотира китобида: «Бу — фожиа. Шу ҳафта ҳаётимдаги энг мусибатли кунлар бўлса керак. Бу сиёсат, эҳтимол, спортчиларнинг жонига тегиб кетгандир», деб қайд этган эди. Аммо кейинги олимпия ўйинларидан ҳам, таассуфки, сиёсат спортга ўз таъйи-

енгил ва оғир атлетикачилар, мерганлар, камончилар энг катта ҳисса қўшдилар.

Ўйинлар дастуридан ўрин олган спортнинг бир қатор турларида собиқ Иттифоқ вакиллари устунликларини тўла намоиш этдилар. Жумладан, улар юнон-рим ва эркин кураш бўйича жами 20 олтин медалнинг 12 тасини қўлга киритдилар. Мусобақалар дастлабки марта янги тартибда, аввалги уч машқ ўрнига икки машқ (жим машқи бекор қилинди) ўтказилган оғир атлетикада эса собиқ шўро спортчилари етти бор, бол-



Эшкак эшувчилар маррага интилмоқда.

қини доимо ўтказиб келганлигига беҳисоб гувоҳликлар келтириш мумкин.

Юқоридаги сабабларга қўра Монреаль Олимпиадасида 88 давлатдан 6189 спортчи, шу жумладан, 1274 аёл иштирок этди. Шундай бўлсада, унинг спорт натижалари юқори бўлди: бу ерда 82 та олимпия, шу жумладан, 34 та жаҳон рекорди ўрнатилди. Бунга, одатдагидек, сузувчилар,

гарлар икки гал фахрий шоҳсупа энг тўрига кўтарилдилар.

Саратовлик Татьяна Казанкинага 800 ва 1500 метр масофаларга югуришда бас келадиганлар топилмади. У кейинги Ўйинларда 1500 метрга югуришда ҳам голиб чиқиб, уч карра Олимпиада чемпиони бўлган.

Монреалда аёллар ўртасида спорт гимнасти-

касида руминиялик 15 ёшли Надя Комэнэч ҳеч муболағасиз мисли қўрилмаган машқлари билан ҳаммани лол қолдирди. У мутлақ биринчилик, алоҳида машқларда уч қарра Олимпиада чемпиони бўлиш билан бир қаторда спорт гимнастикаси бўйича битта мусобақада беш марта ҳакамларнинг олий — 10 балл баҳосини олди. Бу натижа ҳалигача бирор гимнастикачи томонидан такрорлай олингани йўқ.

Россиянинг Владимир шаҳридан бўлган Николай Андриановнинг олимпия ўйинларида

анов жами 15 та — 7 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медали эгаси ҳисобланади.

XXI олимпия ўйинлари тожикистонлик Нелли Ким учун ҳам жуда омадли бўлди. У спорт гимнастикаси бўйича аёллар ўртасида жамоа биринчилиги ҳамда алоҳида машқ учун иккита олтин, кўпкурашда эса кумуш медаль билан тақдирланди. 1980 йилги олимпия ўйинларида бу нишонлари яна иккита — жамоа биринчилигида ҳамда алоҳида машқ учун олган олтин медаллари билан бойиди.



Олимпия регатаси.

эришган зафарлари руминиялик гимнастикачиникидан қолишмайди. У 1972 йилги ёзги Олимпиададаёқ уч — олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлган эди. Канадада эса у бир йўла тўртта олий нишонни мутлақ биринчиликда ҳамда алоҳида машқларда қўлга киритди. 1980 йилги Олимпиадада уларга иккита олтин ва битта кумуш медали қўшилиб, Николай Андри-

Ўзбекистонлик Эльвира Саади спорт гимнастикаси бўйича аёллар терма жамоаси таркибида Монреалда иккинчи бор Олимпиада чемпиони бўлди. У, шунингдек, спорт гимнастикаси бўйича 1974 йилги жаҳон чемпиони ҳам ҳисобланади.

Тўрт қарра Олимпиада чемпионлари сафида москвалик Виктор Кривопусков ҳам бор. У

кечган бу беллашувда ўзбек олимпиадачиси ўз маҳоратини исботлай олди. Ярим финал босқичига етиб келган беш нафар терма жамоа боксчиларидан фақат Руфатгина чемпионлик учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Лекин у бундан аввалги ўзи учун ўта оғир кечган учрашувда ғоят толиққанганлиги сабабли АҚШлик Майкл Спинксга имкониятни бой бериб, олимпия ўйинларининг кумуш совриндори бўлди. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Руфат Рискиев олимпия рингига лат еган ўнг қўли билан чиққан эди. Аммо у ҳақиқий спорт жасорати кўрсатиб, Монреаль Олимпиадаси фахрий шоҳсупасига кўтарилди.

«Пахтакор» ҳужумчиси Владимир Фёдоров Канадада олимпия терма жамоаси таркибида майдонга тушди. У жамоадорларининг Канада (2:1), Корея Халқ Демократик Республикаси (3:0), Эрон (2:1) футболчилари устидан галаба қозонишларига муносиб ҳиссасини қўшди. Аммо терма жамоа футболчилари ярим финалда ГДР жамоасига 1:2 ҳисобида ютқизиб қўйдилар. Учинчи ўрин учун бўлиб ўтган ўйинда эса улар Бразилия футболчилари устидан 2:0 ҳисобида галаба қозониб, бронза медаллари билан тақдирландилар. Жамоадорлари каби Владимир Фёдоров ҳам олимпия ўйинларининг бронза медали совриндори бўлди.

Ана шундай бронза медали билан Олимпиада чемпиони Алжан Жармуҳамедов ҳам тақдирланди. Бу ўйинлардаги турнирда унинг жамоадорлари АҚШ ва Югославия баскетболчиларини олдинга ўтказиб юбордилар. Аёллар ўртасида дастлабки марта ўтказилган олимпия турнирида эса собиқ Иттифоқ баскетболчи қизлари голиб чиқдилар.

Жаҳон кубоги соҳиби Собир Рўзиев ўзининг биринчи Олимпиадасида қиличбозлик беллашувларида терма жамоа таркибида тўртинчи ўринни эгаллади. Яна бир ўзбекистонлик олимпиадачи Валерий Дворянинов от спортининг учкураш мусобақаларида жамоадорлари билан бешинчи ўринни олди. Шахсий биринчиликда эса йигирма биринчи ўринни эгаллади.

Йигирма биринчи олимпия ўйинларининг норасмий умумжамоа ҳисоби яна собиқ Иттифоқ спортчиларининг устунлигини кўрсатди. Улар 792,5 очко ва 125 та (49 та олтин, 41 та кумуш ва 35 та бронза) медални қўлга киритдилар. Бу Олимпиадада Америка Қўшма Штатлари спортчилари иккинчи ўринни ГДР жамоаси аъзоларига бўшатиб бериб, учинчи ўрин билан кифояланишларига тўғри келди.

Австриянинг Инсбрук шаҳрида эса 1976 йил 4—15 февраль кунлари XII қишки Олимпиада мусобақалари ўтказилди. 37 давлатнинг 1123 спортчиси, шу жумладан, 231 аёл бу мусобақаларда иштирок этишди. АҚШ спорт делегацияси 94, собиқ Иттифоқ—79, Австрия—74 нафардан иборат бўлса, Венгрия, Сан-Марино, Корея Республикаси жамоалари таркибида атиги иккитадан олимпиадачи бор эди, холос.

Қишки Олимпиада дастури янада кенгайтирилди. Эркаклар қишки спортнинг 8 — биат-



Олимпиада чемпиони Флоренс Гриффит Жойнер.

лон, бобслей, чанги спорти, коньки, фигурали учиш, чана спорти, хоккей турлари бўйича мусобақалашдилар. Аёллар эса 5 та — тоғ чангиси, чанги спорти, коньки, чана спорти ва фигурали учишда Олимпиада медаллари учун кураш олиб бордилар. У ёки бу қишки спорт турининг жаҳонда қанчалик оммалашганидан уларнинг ҳар бирида иштирок этганлар сони яққол далолат берарди. Хусусан, Инсбрукда чанги спорти мусобақаларида 106 эркак ва 42 аёл спортчи иштирок этган бўлса, Олимпиада чемпионлиги учун 100 эркак ва 42 аёл тоғ чангичилар кураш олиб борди.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

Улар орасида комилик Раиса Сметанина номини келтирмасликнинг иложи йўқ. У Австрияда 10 километрга пойга ҳамда 4x5 километрга эстафетада олтин, 5 километрга пойгада эса кумуш медалларга сазовор бўлди. Чангичининг спортдаги умрбоқийлиги ҳам ҳайратланарлидир. Раиса Сметанина 1980 йилги қишки Олимпиадада 5 километрга пойгада олтин, 4x5 километрга эстафетада кумуш, 1988 йилда — 10 километрга пойгада кумуш, 20 кило-

Умуман бу спортчи тоғ чангисиди шу пайтгача ҳеч ким эриша олмаган тезлиги, шу билан бирга мард ва жасурлиги билан ном қозонди. Беш мавсум давомида Франц Кламмер жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақаларнинг 23 тасида голиб чиқди.

Америкалик Шила Янг Инсбрукда қишки Олимпиада шоҳсупаси барча поғоналарига кўтарилиш имконини берадиган олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлди. Аммо бу муко-



Олимпия ўйинларида от спорти мусобақалари.

метрга — бронза, ниҳоят 1992 йилги (!) мусобақаларда 4x5 километрга пойгада олтин медалларни қўлга киритди. Бошқача қилиб айтганда Раиса Сметанина тўрт карра Олимпиада чемпиони. Унинг қишки Олимпиадада олган бошқа медалларини ўзингиз санаб олаверинг.

Тоғ чангичилари ўртасида эса австриялик Франц Кламмер фавқулодда тезлиги билан ҳаммани ҳайратга солди. У масофани соатига ўртача 102,8 километр тезликда босиб ўтди.

Фотлар унга қишки спортнинг уч тури — 500, 1500 ва 10000 метрга конькида югуришдаги муваффақиятлари учун берилди. Қизиги шундаки, Шила Янг ўша йили велоспорт бўйича жаҳон чемпиони ҳам бўлди.

Ўн иккинчи қишки Олимпиадада фигурали учиш бўйича мусобақалар дастурига илк бор муз устида рақс жуфтлиги киритилди. Унда Людмила Пахомова ва Александр Горшков голиб чиқдилар.

Чанги мусобақаларида собиқ Иттифоқ спортчилари тўртта олтин медални қўлга киритган бўлсалар, ГДР олимпиадачилари ҳам бобслей ва чана спортида худди шундай натижага эришдилар. Шайбали хоккей мусобақаларида бу сафар ҳам собиқ Иттифоқ жамоасига тенг келадиганлар топилмади.

Норасмий умумжамоа ҳисобида собиқ Иттифоқ спортчилари бутун қишки Олимпиадалар тарихида рекорд — 135 очко тўплаб ҳамда 27 та (13 та олтин, 6 та кумуш ва 8 та бронза) медал билан мутлақ биринчиликни қўлга киритдилар. ГДР жамоаси қишки Олимпиада ўйинларида ҳам америкаликларни учинчи ўринга суриб қўйди.

СПОРТ ҒАЛАБАСИ

Халқаро Олимпия Қўмитаси қатъият кўрсатмаганида XXII олимпия ўйинлари барбод бўлиши мумкин эди. Чунки Америка Қўшма Штатлари 1979 йилда собиқ шўро қўшинларининг Афғонистонга киритилиши муносабати билан Москва Олимпиадасини бойкот қилишга чақирди.

«Совуқ уруш» жазаваси авжига чиққан шундай сиёсий танглик вазиятида ХОҚ олимпия ўйинлари пойтахтини танлаш бўйича ўз қарорини ўзгартирмаслигини қатъий баён этди. Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1980 йил июль ойида бўлиб ўтган 83-сессиясида, шунингдек, ташкилий масала ҳам кўрилди. 60 ёшли Хуан Антонио Самаранч ХОҚнинг еттинчи Президенти этиб сайланди.

Москва Олимпиадасида жами 5748 спортчи, шу жумладан, улардан 1124 нафари аёлларни ташкил этди. Олимпия ўйинларидаги мусобақаларда 76 та олимпия, шу жумладан, 36 та жаҳон рекорди ўрнатилди.

Лужники стадионидаги олимпия машғаласини ёндириш шарафи Олимпиада чемпиони Сергей Беловга берилди. Спортчилар номидан афсонавий гимнастикачи Николай Андрианов, ҳакамлар ва расмий шахслар номидан эркин кураш бўйича уч карра Олимпиада чемпиони Александр Медведь қасамёд қилдилар.

Олимпия ва жаҳон рекордларини янгилашни одатдагидек енгил атлетикачилар бошлаб бердилар. Юрий Седих томонидан улоқтирилган молот 81 метр 80 сантиметрга бориб тушди. ГДРлик Герд Вессинг баландликка сакрашда 2 метр 36 сантиметрни забт этди. Польшалик Владислав Казакевич лангарчўп билан 5 метр 78 сантиметр баландликка сакради.

Москванинг Крилатский мавзесида барпо этилган олимпиада треки «рекордлар зарбхонаси» таърифига сазовор бўлди. Бу бежиз эмасли-

гидан мазкур трекда велосипедчилар аввалги жаҳон рекорди натижасини 41 марта ўзгартира олганликлари яққол далолат беради.

Улар қаторида ўзбекистонлик велосипедчи Александр Панфилов ҳам бор эди. У жойидан туриб 1000 метрга гитда 1 дақиқа 04,845 секунд натижа кўрсатди. Бу жаҳон рекордидан юқори-роқ тезлик эди. Аммо ана шундай юксак кўрсаткич ҳам унга олимпия ўйинларида фақат иккинчи ўринни олиш имконини берди.

Александр Сирдарё қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида ўқиб юрган кезлари устози Э. Турсунбоев бошчилигида велосипед спорти билан шуғуллана бошлаганди. Сўнг у ҳарбий спорт клуби таркибида мамлакат ва халқаро мусобақаларда катта муваффақият билан иштирок этиб келди.

Йигирма иккинчи олимпия ўйинларида терма жамоалар таркибига 16 ўзбекистонлик спортчи киритилган эди. Улар 4 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза медални қўлга киритдилар. Жумладан, Эркин Шагаев сув тўпи, Тошкентнинг «Автомобилист» жамоаси ўйинчиси Лариса Павлова волейбол, Ольга Зубарева эса қўл тўпи бўйича терма жамоа сафида Олимпиада чемпионлари бўлдилар.

Сув тўпи бўйича олимпия турнирида Эркин Шагаев Италия, Испания, Швеция жамоалари дарвозасига биттадан, венгрияликларникига эса иккита — жами бешта тўп киритишга муваффақ бўлди. Сув полоси бўйича хизмат кўрсатган спорт устаси Эркин Шагаев 1982 йилги жаҳон, 1981 йилги Европа чемпиони, 1981—1983 йилги жаҳон кубоги соҳибидир.

Москва Олимпиадасида ўзбекистонлик спортчилардан Тошкентнинг «Спартак» кўнгилли спорт жамияти аъзоси Юрий Ковшов, айниқса, катта ютуққа эришди. У белорус Виктор Угрюмов, украиналик Вера Милевич билан бир-

га от спорти бўйича жамоа биринчилигида олтин медаль билан тақдирланди. Шахсий биринчиликда эса у 1588 очко билан фахрий шоҳсултаннинг иккинчи погонасига кўтарилди.

Собир Рўзиев эса қиличбозлик бўйича жамоа биринчилигида украиналик Владимир Смирнов, белоруссиялик Александр Романьков ва Владимир Лапицкий билан бирга рапирада кумуш медаль соҳиби бўлди. Биринчи ўрин эса Франция қиличбозларига насиб этди. Собир Рўзиев рапирада шахсий биринчиликда тўртинчи ўринни эгаллади. Олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори ҳисобланган юртдошимиз қи-

личбозлик бўйича уч карра жаҳон чемпиони ҳамдир.

Спортнинг бу турида узоқ йиллар давомида пешқадамлик қилиб, кейин мавқеларини бериб қўйган французлар Москва Олимпиадасида 4 та олтин, биттадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, бежиз мушкетёрлар ватанидан эмасликларини намойиш этдилар.

Ёзги ўйинлар дастуридаги ўқ отиш мусобақалари ҳам кескинлиги билан ажралиб турди. Европа кубоги соҳиби бўлган ўзбекистонлик «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти аъзоси Рустам Ямбулатов ўқ отишда аксарият ҳолларда 25

Спортнинг олимпия турлари

ЗАМОНАВИЙ БЕШКУРАШ

Замонавий бешкураш — отда тўсиқлардан ўтиш, қиличбозлик, ўқ отиш, сузиш ва енгил атлетика кроссидан иборат спорт кўпкурашидир.

XIX асрда Швецияда, кейин бошқа давлатларда ҳам ҳарбий зобитларни тайёрлаш учун спорт мажмуалари барпо этила бошланди. Уларда спортнинг қатор турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар асосида замонавий бешкураш шаклланди.

Бу спорт кўпкураши «зобитлар бешкураши» номи билан 1912 йилги олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олди. Ун тўртинчи Олимпиадагача бу шахсий биринчилик мусобақаларида фақат зобитлар иштирок этган. 1948 йилдагина у ҳозирги — замонавий бешкураш номи билан атала бошланди. 1952 йилдан олимпия ўйинларида замонавий бешкураш бўйича шахсий ва жамоа биринчиликлари ўтказилади.

1948 йилда Лондонда Халқаро замонавий бешкураш уюшмаси ташкил этилди. У 1969 йилдан Халқаро замонавий бешкураш ва биатлон уюшмаси — УИПМБ деб номланди. 1998 йилдан Халқаро замонавий бешкураш федерацияси деб атала бошланди. УИПМБ 102 та миллий замонавий бешкураш федерациясини бирлаштиради.

Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси УИПМБ аъзосидир.

Олимпия ўйинларида замонавий бешкураш мусобақалари дастури ўзгариб турган. 1912—1962 йилларда отда тўсиқлардан ўтиш масофаси 5000 метргача эди, 1962 йилдан бу масофа 1000—1500 метр қилиб белгиланди.

1996 йилдан Олимпиадаларда замонавий бешкураш мусобақалари аввалги 4—6 кун ўрнига 2 кунда ўтказиладиган, эркалар ва аёллар ўртасида фақат шахсий биринчилик ўтказиладиган бўлди. Мусобақаларда ҳар бир мамлакатдан кўпи билан икки спортчи қатнашишига руҳсат берилади. Замонавий бешкураш куйидаги мусобақалардан иборат:

— *ўқ отиш.* 4,5 мм калибрли пневматик пистолетда 10 метр масофадан 20 та ўқ билан 20 та нишон мўлжалга олинади. Спортчиға битта ўқ узиш учун 40 сек. вақт берилади;

— *қиличбозлик.* Мусобақа барча қатнашчилари бир-бирлари билан шпагада жанг қиладилар. Биринчи бўлиб рақибига шпагасини санча олган голиб чиқади. Ҳар бир жангга 1 дақиқа вақт ажратилади. Ҳеч ким шу вақт ичида шпага билан рақибини санча олмаса, ҳар икки спортчи ҳам ютқазган ҳисобланади;

— *сузиш.* 200 метрга вақт ҳисобга олинандиган ҳолда эркин усулда сузиш;

— *чавандозлик.* Спортчилар 350—450 метр масофадаги турли баландликдаги 12 та тўсиқдан ўтадиган отларни қуръа ташлаш натижаларига қараб оладилар;

— *кросс.* 3000 метрга (750 метрдан 4 давра) югуриш. Аввалги тўрт тур мусобақалари бўйича энг кўп очко тўплаган кроссда биринчи, ундан кейингиси иккинчи ва шундай тартибда бошқаларга старт берилади.

Кросс маррасига биринчи бўлиб келган чемпион бўлади, иккинчи — кумуш, учинчи — бронза медали билан тақдирланади.

имкониятдан 25 очко олиши билан ном чиқарганди. Лекин Москва Олимпиадасида беллашувларнинг биринчи куни мўлжали уч марта хато кетиб, тўртинчи ўринга тушиб қолди.

Аммо иккинчи куни у бутун иродасини ишга солиб, 196 очко тўплади. Лекин Германия Демократик Республикасидан Йорг Дамме, чехословакиялик Йозеф Тайне ҳисобларидаги очколар уники билан бир хил эди. Ўқ отиш мусобақалари қоидаларига кўра бундай вазиятда кўрсаткичлари тенг бўлган мерганлар ўртасида қайта отиш ўтказилади. Худди ана шу қайта отишларда Рустам Ямбулатов ҳамиша асаби мустаҳкамлиги, мўлжални аниқ олишини намойиш этиб келарди. Москва Олимпиадасида ҳам шундай бўлди ва у кумуш медални қўлга киритишга эришди.

Ўзбекистонлик Наталья Бутузова Москва ўйинлари дастуридаги Халқаро камондан отиш федерацияси — ФИТА икки давра мусобақасида жамоадоши Кетеван Лосаберидазе билан муросасиз кураш олиб борди. Бироқ чемпионликни қўлга киритиш учун унга ўн тўрт очко етмади. Натижада, у Олимпиаданинг кумуш совриндори бўлди.

Олимпия ўйинлари дастурига киритилган чим устида хоккейда андижонлик қизлар жуда маҳоратли эканликларини кўп марта намойиш этган эдилар. Шунинг учун аёллар ўртасида чим устида хоккей бўйича олимпия терма жамоаси таркибига бир йўла тўрт андижонлик — Лейла Ахмерова, Нелли Горбатикова, Валентина Заздравних ва Алина Хон киритилди. Улар олимпия турнирида учинчи ўринни олиб, бронза медаллари билан тақдирландилар.

Тошкентнинг 175-мактабида таҳсил олган, жисмоний тарбия институти талабаси бўлган Татьяна Бирюлина йигирма иккинчи олимпия ўйинлари арафасида найзасини 70 метр 8 сантиметрга улоқтириб, жаҳон рекорди ўрнатган эди. Лекин Олимпиада мусобақаларида 65 метр 8 сантиметр натижа билан олтинчи ўринда қолди.

Ўзбекистонлик енгил атлетикачилардан Анатолий Димов, Замира Зайцева, Александр Харловларга ҳам совриндорлар сафидан жой олиш насиб этмади. Жумладан, Александр Харлов 400 метрга тўсиқлар оша югуришда саралаш мусобақаларининг ярим финал босқичидан ўта олмади.

Собиқ Иттифоқ гимнастикачиси Александр Дитятин бир олимпия ўйинларида энг кўп медалларга сазовор бўлган спортчидир. У юксак

маҳорати эвазига йигирма иккинчи ўйинларда саккизта — 3 та олтин, 4 та кумуш ва битта бронза медаль билан тақдирланди.

Унинг жамоадоши сузувчи Владимир Сальников ҳам Москва Олимпиадаси қаҳрамонларидан ҳисобланади. У эркин усулда сузишда 1500 метр масофани босиб ўтиш учун жаҳонда биринчи бўлиб 15 дақиқадан кам вақт сарфлади. Эртасига у 4x200 метрга эстафетада жамоадошлари билан ғолиб чиқди. Яна бир кундан сўнг эса 400 метрга сузишда ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келиб, уч кунда учта олтин медални қўлга киритди.

Москва Олимпиадасида бошқа давлатлар спортчилари ҳам оламшумул натижалар кўрсатдилар. Кубалик боксчилар олтин олтин медал соҳиби бўлдилар. Уларнинг етакчиси Теофило Стивенсон учун бу кетма-кет учинчи Олимпиаданинг олтин нишони эди.

Эфиопиялик Мидус Йортер 5000 ва 10000 метрга югуришда рақибларига бирор имконият қолдирмади. Германия Демократик Республикасидан Вольдемар Церпинск аввалги Монреаль ўйинларидаги ютугини такрорлаб, марафонда икки карра Олимпиада чемпиони сифатида спорт тарихидан ўрин олди.

Рекордлар ўрнатишда оғир атлетикачилар ҳаммага ибрат бўлдилар. Улар Москвадаги мусобақаларда 23 та олимпия, шу жумладан, 13 та жаҳон рекордини янгиладилар. Айниқса, кубалик Даниэль Нуньес, болгариялик Янко Русев ҳамда Леонид Тараненко, Юрий Варданян кўрсатган натижалар ҳайратланарли эди.

Бу Олимпиадада ҳам турли қитъа ва мамлакатлардаги спортчиларнинг куч, маҳоратда устунликни спорт майдонларида аниқлаш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш хоҳиши ва иродаси намоён бўлди. Бу ерда пировард натижада спорт ғалаба қозонди.

Норасмий умумжамоа ҳисобида собиқ Иттифоқ спортчиларининг устунлиги катта бўлди. Улар 195 та (80 та олтин, 69 та кумуш, 46 та бронза) медаль олдилар. ГДР иккинчи (126 та медаль), Болгария учинчи (41 та медаль) ўринларни эгалладилар.

1980 йил 13—24 февраль кунлари эса АҚШнинг Лейк-Плэсид шаҳрида XIII қишки Олимпиада мусобақалари бўлиб ўтди. Бу ерда 49 мамлакатнинг 1283 спортчиси 38 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борди.

Мезбонлар вакили Эрик Хейденнинг коньки мусобақаларида эришган натижасини таърифлашга тил ожизлик қилади. У бу спорт туридаги


ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

барча масофалар — 500, 1000, 1500, 5000 ва 10000 метрга конькида югуришда ғолиб чиқиб, бешта (!) олтин медаль соҳиби бўлди.

Тетапоя пайтидаёқ конькида муз устига чиққан Эрик 1976 йилги қишки Олимпиадада ҳам иштирок этган эди. Бироқ ўшанда конькида 1500 метрга югуришда еттинчи, 5000 метрга эса ўн тўққизинчи ўрин билан кифояланган бу ўсмирнинг тўрт йилдан сўнг спорт оламини лар-

Аммо 1980 йилда 53 ёшни уриб қўйган Эриксон олтита қишки Олимпиада ўйинларида иштирок этган ягона спортчи эди!

Биатлончи Александр Тихонов Эриксондан иккита кам — тўртта қишки Олимпиада ўйинларида иштирок этди. Аммо у шведдан фарқли равишда бу олимпиадаларнинг ҳар бирида биттадан, хусусан, Лейк-Плэсидда ҳам — жами тўртта олтин медаль олди!



Майкл Жордан.

зага солиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Шуниси ҳам қизиқки, Эрик Хейден велосипед спортида профессионаллар ўртасида АҚШ чемпиони, машҳур «Тур де Франс» велопойгаси иштирокчисидир.

Лейк-Плэсид Олимпиадасида швед Эриксон Хейдендек шода-шоода олтин медаллари билан мақтана олмасди. Умуман у бобслейда жамоадолшлари билан жуфтлик чанада ўн тўққизинчи, тўртликда эса йигирма биринчи ўринни олди.



Олимпиада чемпиони Зулфия Забирова.

Унинг жамоадоши чанғичи Николай Зимятов бу ердаги мусобақаларда 30 ва 50 километрга пойгада ҳамда 4x10 километрга эстафетада ғолиб чиқиб, учта олтин медаль билан тақдирланди. Тўрт йилдан кейин эса у яна 30 километрга чанғида пойгада биринчиликни эгаллади ҳамда 4x10 километрга эстафетада кумуш медаль совриндори бўлди.

Миллионлаб фигурали учиш мухлисларининг муҳаббатини қозонган Ирина Роднина ҳам


Лейк-Плэсидда қишки Олимпиадаларда учинчи олтин медалга лойиқ топилди. У ўзининг биринчи Олимпиадасида Алексей Уланов, кейингиларида Александр Зайцев билан жуфтликда юксак маҳоратини намоиш этди.

Ўн учинчи қишки Олимпиада кутилмаган натижалар билан ҳам ёдда қолди. Шайбали хоккей бўйича собиқ Иттифоқ терма жамоаси зафарли юришини давом эттирарди. У сўнги 23 учра-

Муъжазгина Лихтенштейн тоғ чангичилари эса қишки Олимпиада дастурида энг нуфузли ҳисобланган спорт турида иккита олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлиб, роса шов-шув кутардилар. Янада эътиборлиси, тоғ чангиси мусобақаларида бу мамлакат вакиллари қўлга киритган нишонлардан иккита олтин ва битта кумуш медал олимпиадачи аёл Ханни Венцелга, қолган биттаси Андреас Венцелга тегишли эди.



Леван Тедиашвили.



Сувга синхрон сакраш.

шувнинг 22 тасида голиб чиқиб, фақат бир ўйинни бой берди. Аммо шу ягона — Лейк-Плэсидда Америка университетлари ва коллежлари талабаларидан ташкил топган, айна пайтда қишки Олимпиада турнирига жуда пухта тайёргарлик кўрган АҚШ хоккейчиларидан мағлубият уларни бу мусобақаларда ўзлари учун анъанавий бўлиб қолган олтин медаллардан маҳрум этди.

Германия Демократик Республикасининг вакиллари спортдаги юксак натижалари билан ҳаммани лол қолдиришда давом этиб, Лейк-Плэсидда ниҳоят норасмий умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўринга кўтарилдилар. Улар 154,5 очко ва 24 та (10 та олтин, 7 тадан кумуш ва бронза) медал олдилар. Собиқ Иттифоқ олимпиадачилари иккинчи, АҚШ спортчилари учинчи ўринлар билан кифояландилар.

КАШФ ЭТИЛГАН ИСТЕЪДОДЛАР

Америка Қўшма Штатларининг Лос-Анжелес шаҳрида 1984 йил 28 июлдан 12 августгача бўлиб ўтган навбатдаги олимпия ўйинларида 6797 спортчи, шу жумладан, 1567 аёл иштирок этди. Лекин бу фақат миқдор кўрсаткичи эди, холос.

Йигирма учинчи олимпия ўйинлари мусобақалари дастурига киритилган спорт турларининг кўпчилигида Америка Қўшма Штатларининг вакиллари ғалаба қозондилар. Уларнинг 83 та олтин медални қўлга киритганликлари худди шундан далолат беради.

Лос-Анжелес Олимпиадаси фавқулодда истеъдодли спортчиларни «кашф» этди. Улар орасида Америка Қўшма Штатларидан Карлтон Льюис алоҳида ўрин тутди. У Лос-Анжелесда енгил атлетика бўйича мусобақаларда тўртта олтин медални қўлга киритди. Янада муҳими, бу спортчи кўрсатган натижаларининг юқорилигидир.

Карлтон Льюис 100 метрга югуришда 9,99 секунд, 200 метрга — 19,8 секунд натижа билан

голибликни қўлга киритган бўлса, узунликка сакрашдаги кўрсаткичи 8 метр 54 сантиметрни ташкил қилди. Бу рақиблариникидан анча юқори эди. Хусусан, Олимпиадада узунликка сакрашда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган австралиялик Гари Хони ва италиялик Жовани Эванжелити 8 метр 24 сантиметр натижа билан кифояландилар. Йигирма учинчи олимпия ўйинларидаги тўртинчи олтин медаль унга жамоадошлари билан 4x100 метрга эстафетадаги ғалабаси учун топширилди.

Энг эътиборлиси эса Карлтон Льюиснинг ўз ватанидаги Ўйинлардан кейинги яна учта Олимпиадада ҳам иштирок этиб, уларнинг ҳар бирида голиблик шоҳсупасига кўтарилганидир. 1988 йили у 100 метрга югуриш ва узунликка сакрашда олтин, 200 метрга югуришда кумуш медаль соҳиби бўлди. Шу билан бирга 100 метрга югуришда 9,92 секунд, узунликка сакрашда 8 метр 72 сантиметр, яъни Лос-Анжелесдагидан яхшироқ натижа кўрсата олди.



Спортнинг олимпия турлари

ФИГУРАЛИ УЧИШ

Фигурали учиш 1908 ва 1920 йиллардаги олимпия ўйинлари, 1924 йилдан қишки Олимпиадалар дастурида.

Фигурали учишнинг ватани Голландия ҳисобланади. XIII—XIV асрларда темир конькиларнинг пайдо бўлиши билан қишки спорт бу турининг ривожланишига асос солинди.

1742 йилда Англиянинг Эдинбург шаҳрида биринчи конькичилар клуби ташкил топди, бу ерда фигурали учишнинг дастлабки қоидалари ишлаб чиқилди. 1882 йилда Венада фигурали учиш бўйича биринчи халқаро мусобақалар ўтказилди. 1896 йилда Петербургда фигурали учиш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди.

Фигурали учиш бўйича биринчи чемпионлар Сальхов, Лутц, Риттбергер, Аксель ва бошқалар ўз сакрашларини ўйлаб топганлар. Ҳозир фигурали учишда кўп қўлланиладиган бу сакрашлар уларнинг номлари билан юритилади.

Даставвал фигурали учиш фақат эркаклар ўртасидаги яккалик мусобақаларидан иборат бўлган. 1906 йил январь ойида Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган аёллар ўртасидаги жаҳон биринчилигида аёллар яккалиги расман шаклланди. 1908 йилда Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро мусобақаларда спорт жуфтлиги намоёниш этилди. Спорт рақслари анча кеч Англияда пайдо бўлди. Спорт рақси бўйича биринчи халқаро мусобақалар 1952 йилда Парижда ўтказилди.

Олимпиадаларда ҳар бир мамлакатдан эркаклар ва аёллар ўртасида биттадан яккалик, шунингдек, биттадан спорт жуфтлиги ва спорт рақсчилари иштирок этиши мумкин. Қишки Олимпиада ўтказиладиган йилдан бир йил аввалги жаҳон биринчилигида 1—5-ўринларни эгаллаган мамлакатлардан учтадан яккалик ва жуфтликлар, 6—10-ўринларни олганлардан эса иккитадан яккалик ва жуфтликлар иштирок этиши мумкин.



Яна тўрт йилдан сўнг ҳам унга узунликка сакрашда тенг келадиганлар топилмади. Шу билан бига Карлтон Льюис жамоадослари билан 4x100 метрга эстафетада голиб чиқди. Ниҳоят у 1996 йилги Ўйинларда ҳам узунликка сакрашда биринчи ўринни эгаллаб, тўққиз карра (!) Олимпиада чемпиони бўлди. Карлтон Льюис айна пайтда етти карра жаҳон чемпиони, 10 марта жаҳон рекорди ўрнатган спортчи ҳисобланади.

Яна бир америкалик спортчи — Валери Бриско-Хукс аёллар ўртасида 200 ва 400 метрга югуриш ҳамда 4x400 метрга эстафетадаги ғалабалари учун учта олтин медаль билан тақдирланди. Аёллар ўртасида 100 метрга югуришда мезбонларнинг яна бир вакили — Ивлин Эшфорд марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Аммо олис масофаларга югуришда бошқа мамлакатлар олимпиадачилари пешқадамлик қилдилар. Чунончи эркаклар ўртасида 1500 метрга югуришда Буюк Британия вакили Себастьян Коэ голиб чиққан бўлса, аёллар ўртасида шу масофада италиялик Габриэлла Деро дугоналарини ортда қолдирди. 10000 метр масофага югуришда Аппенин ярим оролидан яна бир енгил атлетикачи Альберто Кова рақибларини догда қолдирди, марафонда эса олтин медаль португалиялик Карлуш Лопешга насиб этди.

20 километрга спортча юришда мексикалик Эрнесто Канто голиб чиқди. Бу масофада кумуш медаль билан тақдирланган шу мамлакатнинг яна бир вакили Рауль Гонсалес 50 километрга спортча юришда маррага биринчи бўлиб келди.

Баландликка сакраш мусобақаларида Германия Федератив Республикаси спортчилари ўз маҳоратларини тўла намоиш қила олдилар. Эркаклар ўртасида Дитмар Бегенбургга бунинг учун 2 метр 35 сантиметр баландликини забт этиш талаб этилган бўлса, аёллар ўртасида Ульрике Мейфарт 2 метр 2 сантиметр натижа билан фахрий шоҳсупанинг энг тўрига кўтарилди.

Сузиш мусобақаларида ҳам Америка Қўшма Штатлари спортчилари билан баб-баравар беллашадиганлар кам эди. Аёллар ўртасида Мэри Мигер батгерфляй усулида 100 ва 200 метрга сузишда ҳамда 4x100 метрга аралаш эстафетада учта олтин медаль эгаси бўлди. Унинг жамоадос дугонаси Трейси Колкинз 200 ва 400 метрга аралаш сузишда голиб чиқди. Йигирма учинчи олимпия ўйинлари мезбонларидан Ричард Кэри эркаклар ўртасида 100 ва 200 метрга чалқанча сузишда, Грегори Луганис эса трамплин ва минорадан сувга сакрашда қўш ғалабаларини нишонладилар.

Лос-Анжелесда спорт гимнастикаси бўйича беллашувларда руминиялик **Экатерина Сабо** ўз ватани вакиллари анъаналарининг муносиб да-

вомчиси эканлигини намоиш этди. У аёллар ўртасида жамоа ва шахсий биринчиликларда тўртта олтин ва битта кумуш медаль билан тақдирланди. Эркаклар ўртасидаги беллашувларда эса хитойлик Лу Нинг икки карра Олимпиада чемпиони бўлди.

Йигирма учинчи олимпия ўйинларида хитойлик спортчилар бир қатор мусобақалардаги юксак натижалари билан огизга тушдилар. Жумладан, бу мамлакатнинг оғир атлетикачилари тўртта, мерганлари учта олтин медални қўлга киритдилар.

Қиличбозликда эса италияликлар ўз мавқеларини тиклай бошлаганликларини кўрсатдилар. Спортнинг мазкур турида узоқ йиллар давомида пешқадамликни қўлдан бермай келган бу мамлакат олимпиадачилари Лос-Анжелесда уч марта фахрий шоҳсупа тўрига кўтарилдилар. Франциялик қиличбозлар иккита олтин медални қўлга киритдилар.

XXIII олимпия ўйинлари дастурига биринчи марта бадий гимнастика бўйича мусобақалар ҳам киритилган эди. Спортнинг бу турида фақат шахсий биринчилик беллашувлари бўлиб ўтди. Канадалик Лори Фанг нафис машқлари билан спорт мухлисларининг ҳам, ҳакамларнинг ҳам эътиборига сазовор бўлиб, бадий гимнастика бўйича биринчи Олимпиада чемпиони бўлди.

Америка Қўшма Штатлари спортчилари елканли қайиқларда ўтказилган мусобақаларда ҳамда милтиқ ва пистолетдан ўқ отишда учтадан олтин медаль эгаси бўлдилар.

Олимпиада мусобақалари дастуридан ўрин олган спорт ўйинларида мезбонлар эркаклар ва аёллар ўртасида баскетбол, эркаклар ўртасида волейбол, югославияликлар эркаклар ва аёллар ўртасида гандбол, эркаклар ўртасида сув поло-си, хитойликлар аёллар ўртасида волейбол, покстонликлар эркаклар ўртасида чим устида хоккей бўйича турнирларда голиб чиқдилар. Аёллар ўртасида чим устида хоккей бўйича мусобақаларда олтин медаллар голландияликларга топширилди.

Футбол бўйича олимпия турнирида омад Франция терма жамоасига кулиб боқди, бразилияликлар эса иккинчи ўрин билан чегараландилар. Учтинчи ўрин учун учрашувда югославиялик футболчилар италияликлардан устунликларини исботладилар.

Лос-Анжелес Олимпиадасида мезбонлар — Америка Қўшма Штатлари норасмий умумжамоа ҳисобида мутлақ биринчиликни қўлга киритишди. Улар ҳисобида 174 (83 та олтин, 61 та кумуш, 30 та бронза) медаль бор эди. Таққослаш учун иккинчи ўринга кўтарилган Руминия олимпиадачилари жами 53 та, учинчи ўриндаги

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

канадаликлар эса 44 та медалга сазовор бўлганликларини келтириш мумкин.

1984 йил 8—23 февраль кунлари Югославиянинг Сараево шаҳрида XIV қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда 49 мамлакатнинг 1581 спортчиси, шу жумладан, 368 аёл иштирок этди. Улар қишки спортнинг ўн та турида 39 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.


Сараево Қишки Олимпиадаси финляндиялик Марья Лииса КирвесниEMI (Хямялайнен) учун жуда омадли кечди. У аёллар ўртасида 5, 10 ва

Кирвесниемиларни чинакамига олимпиадачилар оиласи деса бўлади. Марьянинг отаси Кавели Николаи Хямялайнен чангида 50 километрга пойгада 1960 йилги қишки Олимпиада чемпиони ҳисобланади. Турмуш ўртоғи Харри Тапани КирвесниEMI 1980, 1984, 1990, 1994 йиллардаги қишки Олимпиадаларда 4x10 километрга эстафетада, 1984 йилда 15 километрга чангида пойгада бешта бронза медалига сазовор бўлган.



МДХ Бирлашган жамоаси XVI қишки Олимпиаданинг тантанали очилиш маросимида.

20 километрга чангида пойгада ғолиб чиқиб, уч карра Олимпиада чемпиони бўлди, шу билан бирга жамоадoshлари билан 4x5 километрга эстафетада бронза медалини қўлга киритди. Марья 1988 йилги қишки Олимпиадада ҳам эстафетада бронза медали билан тақдирланди. Шундан кейин чангичи икки фарзанд кўрганлигига қарамасдан яна спортга қайтди ва 1989 йилда икки карра жаҳон чемпиони, 1994 йилги қишки Олимпиада ўйинларида эса чангида 5 ва 30 километрга пойгада совринли учинчи ўринни эгаллади.



Фристайл-акробатика.

Ўн тўртинчи қишки Олимпиадада швед Гунд Андерс Сван ҳам юксак натижа кўрсатди. У чангида 15 километрга пойгада ҳамда 4x10 километрга эстафетада ғолиб чиқиш билан бир қаторда 50 километрга пойгада кумуш, 30 километр масофада эса бронза медаллари эгаси бўлди.

Конькида югуриш мусобақаларида эркаклар ўртасида канадалик Газтан Буше, аёллар ўртасида эса Германия Демократик Республикасидан Карин Энке иккитадан олтин медаллар билан

тақдирландилар. Гаэтан Буше конькида 1000 ва 1500 метрга югуришдаги ғалабалари билан бир қаторда 500 метр масофада бронза медалини олган бўлса, Карин Энке 1000 ва 1500 метрга конькида биринчи ўринни олгани ҳолда 500 ва 3000 метр масофада кумуш медаллар соҳибаси бўлди.

Икки карра Олимпиада, тўрт карра жаҳон чемпиони Германия Демократик Республикасидан Катарина Витт дастлабки олтин медалини Сараевода фигурали учиш мусобақаларининг

даль билан кифояланиб қолмасдан, қишки спортнинг мазкур турида яна иккита кумуш медални ҳам олишга эришдилар.

Сараево қишки Олимпиадасида норасмий умумжамоа ҳисобида яна собиқ Иттифоқ спортчилари 167 очко ва 25 та (6 та олтин, 10 та кумуш ва 9 та бронза) медаль билан пешқадамлик қилдилар. Бу зафарга чанғичи Николай Зимятов 30 километрга пойгада, конькичилар Сергей Фокичев ва Игорь Мальков 500 ва 10000 метрга югуришда, Елена Валова ва Олег Васильев фи-



Слалом.

шахсий биринчилигидаги ишонarli ғалабаси учун олди. У тўрт йилдан сўнг навбатдаги қишки Олимпиадада Югославиядаги муваффақиятини такрорлади.


Ун тўртинчи қишки Олимпиада дастуридаги тоғ чанғиси мусобақаларида Америка Қўшма Штатлари спортчиларининг ғалабаси кутилмаган эди. Аммо эркаклар ўртасида Уильям Жонсон ва Филипп Мейр, аёллар ўртасида эса Дебби Армстронг намоиш этган катта тезлик ва маҳорат уларга биринчиликни таъминлади. Америкалик тоғ чанғичилари бу учта олтин ме-

гурали учиш мусобақаларида спорт жуптлигидаги, биатлончилар 4x7,5 километрга эстафетадаги ҳамда хоккейчилар Чехословакия жамоаси билан ўта қийин кечган ҳал қилувчи ўйинда 2:0 ҳисобидаги ютуқлари билан энг муносиб улушларини қўшдилар.

Германия Демократик Республикаси олимпиадачилари Сараевода собиқ Иттифоқ жамоасидан 3 та кўп — 9 та олтин медаль олган бўлсалар ҳам очколар ҳисобига иккинчи ўринда қолдилар. Учтинчи ўринни Финляндия жамоаси аъзолари эгалладилар.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ




 Los Angeles 1984 Olympic Games





Montréal 1976



ШАВКАТ ВА ФАХР

«Жанубий Корея аҳолиси 1964 йилда Токиода ўтказилган Ҳўинлар Японияга қанчалик бебаҳо наф келтирган бўлса, Сеулдаги XXIV Олимпиада ҳам уларнинг мамлакатига шунчалик фойдали бўлишидан умидворлар».

1988 йилда жаҳоннинг кўпгина оммавий ахборот воситаларида шу тахлитдаги фикрларга дуч келиш мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам Корея Республикаси ёзги олимпия ўйинлари мезбонлигига ўз пойтахти номзодини кўрсатар экан, жаҳон спортнинг бу байрами Осиёдаги қўшниси нуфузини янада юксакликка кўтарганлигини, иқтисодиёти ривожланишини жадаллаштиришга ижобий таъсирини ҳисобга олган эди, албатта. Аслини олганда жанубий корейликлар Ҳалқаро Олимпия Кўмитаси Сеул фойдасига қарор чиқаришига тўла-тўқис ишонмас ҳам эдилар. Олимпиада пойтахти бўлиш учун олиб борилаётган тарғибот ҳеч бўлмаганда Сеулнинг

Осиё ўйинларига мезбонлик қилиш нияти амалга ошишига кўмаклашади, деб ҳисоблардилар.

Кўпинча бўлганидек, ҲОҚ кутилмаганда Жанубий Корея номзодини ёқлаб чиқди. Чунки аввалги — Москва ва Лос-Анжелес Олимпиадаларида икки қарама-қарши тузумга тааллуқли мамлакатлар бир-бирлари шаҳарларидаги Ҳўинларни бойкот қилиш сиёсатини амалга оширганликларини ҳеч ким унутмаган эди. Бу сафар ҳам Ҳалқаро Олимпия Кўмитаси ўз қарорини эълон қилиши биланоқ Корея Ҳалқ Демократик Республикаси ва Куба миллий олимпия кўмиталари ҲОҚка уни бекор қилиш талабини қўйдилар. Бунинг устига 1983 йилда собиқ Иттифоқ ҳудудида Жанубий Корея йўловчи самолётининг уриб туширилиши бу икки давлат ўртасидаги муносабатларни ниҳоятда кескинлаштириб юборди. Жаҳондаги ўттизга яқин давлатнинг Корея Республикаси билан дипломатик алоқа-



Спортнинг олимпия турлари

БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШИШ

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш спорт тури сифатида XVIII аср охирида шаклланди. Аммо қадимий даврлардан эскимосларнинг сувда эшкак билан ҳаракатлантирадиган каяк, ҳиндуларнинг эса пирога қайиқлари бўлганлиги яхши маълум.

1924 йилда Копенгагенда Ҳалқаро каноэ ваколатхонаси — ИРК очилиб, у спортнинг бу тури бўйича халқаро мусобақалар ўтказишни ўз зиммасига олди. 1933 йилда Прагада Европа, 1939 йил Ваксхольм (Швеция)да жаҳон биринчиликлари ўтказилди. 1946 йилда ИРК Ҳалқаро байдарка ва каноэда эшкак эшиш федерацияси — ИКФга айлантирилди. 131 та байдарка ва каноэда эшкак эшиш миллий федерацияси ИКФ аъзосидир.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш 1936 йилдан Олимпиадалар дастурида. Берлин Олимпиадасида эркаклар ва аёллар ўртасида фақат байдаркада эшкак эшиш мусобақалари бўлиб ўтган. 1948 йилда каноэда фақат эркаклар ўртасида 500, 1000, 10000 метр масофаларга мусобақалар ўтказилди. Кейинчалик 10000 метр масофага пойга мусобақалар дастуридан чиқарилди.

Ҳозирги вақтда олимпия ўйинларида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 12 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борилади. Эркаклар ўртасида байдаркада 500 ва 1000 метр масофаларга яккалик, жуфтлик ва тўртлик қайиқларида, каноэда 500 ва 1000 метр масофаларга яккалик ва жуфтлик қайиқларида, аёллар ўртасида эса фақат байдаркада 500 метр масофаларга яккалик, жуфтлик ва тўртлик қайиқларда мусобақалар ўтказилади.

Олимпия ўйинларида байдарка ва каноэда эшкак эшиш мусобақалари ҳар бир турида ҳар бир мамлакатдан фақат битта экипаж, жами 17 экипаж (шу жумладан, 4 та захира экипаж) иштирок этишига рухсат берилади. Финал қатнашчилари икки марта ютқизган мусобақадан чиқиб кетиши тамойили асосида саралаш ва ярим финал натижалари асосида аниқланади.

Ўзбекистон Байдарка ва каноэда эшкак эшиш миллий федерацияси ИКФ аъзосидир.




лари йўқлиги ҳам қўшимча муаммоларни келтириб чиқарганди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси бундай вазиятда ўз қарори узил-кесил эканлигини қатъий баён этди. «*Йигирма тўртинчи олимпия ўйинлари ё Сеулда ўтказилади, ё умуман ўтказилмайди*», деб баёнот берди ХОҚ Президенти Хуан Антонио Самаранч.

Сеул эса Халқаро Олимпия Қўмитасининг бундай қўллаб-қувватлашига таяниб, олимпия ўйинларини энг юксак даражада ўтказиш учун

ларда фильмлар намойиш этилиши олдидан ана шу тартиб-қоидалар батафсил баён қилинган реклама ролиги кўрсатилиши шарт қилиб қўйилди. Жанубий корейликлар бу даврда том маънода телевидение ва радио орқали ҳеч бир истисносиз узлуксиз бериб бориладиган «*Табас-сум қилинг!*», «*Хушмуомала бўлинг!*», «*Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этинг!*», «*Озодаликни сақланг!*», «*Инглиз тилини ўрганинг!*» каби сўзлар билан уйқуга кетиб, шу сўзлар билан уйғонардилар.



Казекуси Фунаки.

мисли кўрилмаган саъй-ҳаракатларни бошлаб юборди. Олимпиада ҳеч бир муболагасиз ҳар бир жанубий корейликнинг шон-шараф иши, фахри ва ғурурига айланди. Бунда гап мезбонларнинг ўйинларни ўтказиш учун рекорд миқдорда — 3 миллиард АҚШ доллари сарф қилганликлари тўғрисидагина кетаётгани йўқ.

Энг аввало, мамлакат аҳолисининг Олимпиадани ўтказиш вақтида ўзини қандай тутиши лозимлиги тўғрисида жуда мукамал дастур ишлаб чиқилди. ўйинлар бошлангунга қадар етти йил (!) давомида мамлакатдаги барча кинотеатр-

Корея Республикаси пойтахтида энг замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Биргина олимпия қишлоғида 122 та — олти қаватлидан йигирма тўрт қаватлигача кўркам бинолар барпо қилинди. Амалда бу қишлоқ иккита — спортчилар, улар устозлари, расмий шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларига мўлжалланган турар жойлар, шунингдек, тиббиёт муассасалари, маданий марказ ва бошқа ижтимоий-кўнгилочар бинолардан ташкил топган эди.

Мислсиз саъй-ҳаракатлар ўз самарасини кўрсатмай қолмади, албатта. Сеул Олимпиадасида

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

8645 спортчи, шу жумладан, 2185 аёл иштирок этганлиги яккаю ягона рекорд эмасди. Мамлакат ҳукумати Ўйинлар вақтида хавфсизликни таъминлаш учун 120 минг нафардан кўпроқ ҳуқуқ-тартибот ходимларини жалб этганлиги, мусобақаларни 20 мингдан кўпроқ журналист ёритиб борганлиги, Олимпиадани дунёнинг 139 мамлакатигаги 3 миллиарддан ортиқ спорт ихлосмандлари томоша қилганликлари ҳам тарихда бўлмаган эди.



Фристайл-могул.

XXIV олимпия ўйинларининг 17 сентябрдаги тантанали очилиш маросими ҳам ўзгача бўлди. Даставвал бу ердаги Ханган дарёсида сув байрами ўтказилди. Турли даврларга мансуб бўлган, шунга мувофиқ антиқа безатилган 458 та кема ва қайиқларнинг дарё узра сузиши тарих саҳифаларини жонлантириб, бетакрор манзара касб этди.

Сеулдаги стадионда олимпия ўйинлари тантанали очилишига бағишланган театрлаштирил-

ган томошада 13 минг нафардан кўпроқ артистлар ва спортчилар иштирок этдилар. Ўйинлар машғаласини ёқиш шарафи Жанубий Кореянинг уч ёш иқтидорли спортчиси — Сун Ман Чун, Вон Так Ким ва Мин Сонга берилди.

Йигирма тўртинчи Олимпиаданинг спорт натижалари ҳам юқори бўлди. Бу ерда 104 та олимпия, шу жумладан, 30 та жаҳон рекорди ўрнатилганлиги худди шундан далолат беради.

Америка Қўшма Штатлари енгил атлетикачиси Флоренс Гриффит Жойнер Сеул Олимпиадасида ҳайратомуз натижалар кўрсатди. У аёллар ўртасида 100 ва 200 метрга югуриш, 4x100 метрга эстафетада олтин, 4x400 метрга эстафетада кумуш медаллар билан тақдирланибгина қолмасдан, бу қисқа масофаларда ҳали қайд этилмаган тезлик ҳам кўрсатди. Хусусан, унинг 100 метрни 10,54 ва 200 метрни 21,34 секундда босиб ўтиши спорт мухлисларини ҳам, мутахассисларини ҳам ларзага солди.

Флоренс етти ёшиданоқ енгил атлетика билан шуғуллана бошлаган, 1984 йилда Лос-Анжелес Олимпиадасида 200 метрга югуришда кумуш медаль совриндори бўлган эди. Сеулдаги Ўйинлардан сўнг эса у «дунёдаги энг тез чопар аёл» таърифига сазовор бўлди.

Олис масофаларга югуришда эса Кения енгил атлетикачилари катта шов-шувларга сабаб бўлдилар. Улардан Пол Эренг 800, Питер Роно 1500, Жулиус Кариуни 3000, Жон Нугли 5000 метрга югуришда марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтган бўлсалар, Дуглас Вакиихури марафонда кумуш медаль совриндори бўлди.

Германия Демократик Республикасидан Кристин Отто эса, ҳеч шубҳасиз, Сеул Олимпиадасининг қаҳрамонидир. У аёллар ўртасида 50 метрга эркин, 100 метрга эркин, чалқанча ва баттерфляй усулида сузишда ҳамда 4x100 метрга эркин ва 4x100 метрга аралаш усулда эстафетада олтин (!) олтин медални қўлга киритди. Жанубий Корея оммавий ахборот воситалари унга ўзлари таъсис этган «Энг буюк спортчи» мукофотини ҳам топширдилар.

Руминиялик Даниель Силиван ҳам бешта — учта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритиб, бу мамлакат аёл гимнастикачиларининг шонли анъаналарини давом эттирди. Эркак гимнастикачилар ўртасида собиқ Иттифоқдан Владимир Артемов тўртта олтин ва битта кумуш, Дмитрий Билозерчов иккита олтин ва битта бронза, Валерий Люкин иккита олтин медал билан тақдирландилар.

Венгриялик олимпиадачилардан Т.Дарньи 200 ва 400 метрга комплекс сузишда, Ж.Дьюлаш

эшкак эшишда қозонган галабалари шарафига икки мартадан улар давлатлари байроқлари кўтарилди ва мадҳиялари ижро этилди.

Германия Федератив Республикаси қиличбозлари тўртта, от спорти чавандозлари ҳам шунча олтин медални қўлга киритдилар.

Сеул Олимпиадасида иштирок этган Ўзбекистон вакиллари иккита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медаль соҳиби бўдилар. Эркин кураш бўйича 68 килограмм вазни спортчилар билан беллашган Арсен Фадзаев мезбонлар вакили Парк Янг Сун, Америка Қўшма Штатларидан Натаниэль Карр, Япониядан Косей

лари билан кескин курашда қўлга киритди. Махарбек Хадарцев эркин кураш бўйича 1992 йилги Олимпиада чемпиони ҳамдир.

Тошкент тиббиёт институти талабаси, ўн тўртинчи Бутунжаҳон студентлар ўйинлари ғолиби Родион Гатаулин Сеулда лангарчўп билан баландликка сакраш бўйича мусобақаларда иштирок этиб, 5 метр 85 сантиметрлик маррани забт этди. Бу унга олимпия ўйинларининг кумуш медалини келтирди. Афсуски, Родион Гатаулин Корея Республикасида ўз шахсий рекорди — 5 метр 95 сантиметрлик баландликни забт эта олмади. Шу сабабли олтин медаль 5 метр 90 сан-



Синхрон сузиш бўйича гуруҳий машқлар.

Акаси, Канададан Дэвид Мак-Кей, Финляндиядан Юкка Раухала каби кучли полвонлардан усунлигини ишонарли исботлай олди.

Ўзбекистонлик Махарбек Хадарцев ҳам эркин кураш бўйича 90 килограмм вазни спортчилар ўртасида Олимпиада чемпиони бўлди. У бу шарафли унвонни Япониянинг Акира Ота, Корея Республикасининг Ким Тае Ву, Венгриянинг Табор Тот, АҚШнинг Жеймс Шерр, Болгариянинг Румен Алабаковдек номдор спортчи-

тиметр баландликка сакраган, кейинчалик мисли кўрилмаган жаҳон рекордлари билан ҳамма-ни қўйил қолдирган афсонавий енгил атлетикачи Сергей Бубкага насиб этди.

Оғир атлетика бўйича мусобақаларда 90 килограмм вазнилар ўртасида беллашган яна бир ўзбекистонлик Наиль Мухамедьяров кўшкурашда 400 килограмм натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни олди. Икки машқда 412,5 килограмм натижа кўрсатган унинг жамоадоши

Анатолий Храпатий Олимпиада чемпиони бўлди.

Сузиш бўйича мусобақаларнинг 4x100 метрга аралаш эстафетасида иштирок этган Тошкент жисмоний тарбия институтининг талабаси, икки карра Европа чемпиони, «Универсиада—83» ғолиби Сергей Заболотнов йигирма тўртинчи олимпия ўйинларида бронза медали билан тақдирланди. Ўзбекистонлик олимпиадчи 100 ва 200 метрга чалқанча сузиш бўйича шахсий биринчиликда эса маррага тўртинчи бўлиб келди.

Тошкентлик олимпия ўйинларининг кумуш совриндори камончи Наталья Бутузова Корея Республикасида украиналик Людмила Аржанникова ва Татьяна Мунтян билан бирга жамоа биринчилигида тўртинчи ўринни эгаллади. Яна бир тошкентлик Анатолий Танков олимпия терма жамоаси сафига киритилган эди. Андижоннинг «Звезда» жамоасидан Игорь Давидов,

Фарғонанинг «Химик»идан Николай Санковц ҳам чим устида хоккей бўйича олимпия терма жамоаси таркибида Сеул мусобақаларида қатнашдилар.

Сеул Олимпиадаси мусобақалари дастурига спортнинг яна бир қанча турлари киритилди. Улардан бири катта теннис эди. Маълумки, теннис бейсбол, регби каби олимпия хартиясида белгилаб қўйилган ҳаваскорлар спорти мақоми талабларига жавоб бермаётганлиги сабабли 1924 йилда олимпия ўйинлари дастуридан чиқарилган эди.

Замонавий олимпия ҳаракати асосчиси Пьер де Кубертен, унинг издошлари, ХОҚ Президентлари Анри де Байе-Латур, Юханнес Зигфрид Эдстрем, Эйвери Брэндеж ва бошқалар спорт профессионал фаолият тури бўлиши мумкин эмас, деган фикрларида қатъий эдилар. Хусусан, Эйвери Брэндеж ва унинг тарафдорлари ХОҚнинг 1962 йилги сессиясида олимпия хар-



Спортнинг олимпия турлари

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ

Шайбали хоккей — муз устидаги спорт ўйини. Даставвал муз устида тўп билан ўйналадиган ўйин XVI асрдаёқ Голландияда маълум эди. Кейин у Англия ва Скандинавияга ҳам ёйилиб, XIX асрда муз устида тўп билан хоккей — бенди сифатида мустақил спорт ўйини ривожланди.

Шайбали хоккей замонавий спорт ўйини сифатида Канадада шаклланди. Бунга ушбу мамлакат табиати — узок давом этадиган қиш, ана шу фаслда суви музлайдиган беҳисоб қўллар жуда мос келганлиги ҳам сабаб қилиб кўрсатилади. «Британия солдатлари Кингстон бандаргоҳида 1843 йилда шинни ўйнашарди», деб қайд қилинади Кингстон хоккей шон-шўхрати музейига қўйилган ҳужжатда.

Шайбали хоккей 1870 йилдан Канадада ўтказиладиган барча қишки спорт байрамлари дастуридан ўрин олди. Бу ўйиннинг биринчи қоидалари Монреалдаги Мак-Гилл университети толиблари томонидан ишлаб чиқилган. Шайбали хоккей бўйича биринчи расмий мусобақа 1875 йил 3 мартда Монреалда «Виктория» яхмалагида ўтказилган. Ўшанда шайба ёғочдан тайёрланган, биринчи марта дарвоза авваллари бўлганидек яхмалак ташқарисига эмас, бевосита хоккейчилар ўйнайдиган майдончага ўрнатилган.

1879 йилда канадалик У.Робертсон бирмунча такомиллаштирилган ўйин қоидаларини ишлаб чиқди, ёғоч ўрнига резина шайба билан ўйнаш таклифини киритди. 1885 йилда Монреалда Ҳаваскор хоккей ассоциацияси тузилди. 1886 йил нашр этилган расмий қоидаларга кўра ҳар бир жамоада 9 тадан хоккейчи бўлиб, уларнинг 7 таси (дарвозабон, олд ва орқа ҳимоячи, марказий ҳамда чап ва ўнг қанот ҳужумчилари, «ровер» — «қароқчи») майдонга тушарди. «Ровер» жамоадаги энг кучли хоккейчи бўлиб, майдончадаги вазиятга қараб эркин ҳаракат қиларди. Майдончадаги ўйинчилар фақат жароҳат олган бўлсаларгина алмаштирилишлари мумкин эди.

Шайбали хоккей бўйича Канада билан Англия жамоалари ўртасидаги биринчи халқаро учрашув 1886 йилда ўтказилди.

1889 йилда Монреалда шайбали хоккей мусобақалари ўтказишга мўлжаллаб биринчи сунъий муз яхмалаги бўлган усти ёпиқ стадион қурилди.

1908 йилда Буюк Британия, Богемия, Швейцария, Франция ва Бельгия Халқаро хоккей федерацияси — ЛИХНИ ташкил этдилар. У кейин Халқаро шайбали хоккей лигаси — ЛИХГ, деб ўзгартирилди. 1979 йилдан эса у янги — Халқаро шайбали хоккей федерацияси — ИИХФ номи билан аталади. ИИХФ 63 та шайбали хоккей миллий федерацияларини бирлаштиради.

Шайбали хоккей 1920 йилги олимпия ўйинлари, 1924 йилдан қишки Олимпиадалар дастурида. 1998 йилдан қишки Олимпиада мусобақаларида шайбали хоккей бўйича аёллар жамоалари ҳам иштирок этмоқдалар.

ётган бошқа миллий олимпия жамоалари аъзолари эга бўлган барча ҳуқуқларга эга эдилар.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси спортчилари ҳам жаҳон спорт майдонларида, халқаро спорт мусобақаларининг энг олийси ҳисобланган — Олимпиадада ўз давлатлари номини жаҳонга танитиш бахтига муяссар бўлдилар. Барселонадан бошлаб Олимпиада ўйинлари голиби бўлган спортчиларимиз шарафига Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи кўтарилиб, давлат мадҳияси ижро этила бошланди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жисмоний тарбия ва спортни, шу жумладан, спортнинг олимпия турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Давлатимиз парламенти томонидан энг биринчилар қатори «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши худди шундан далолат беради.

Мамлакатда миллий спорт турлари ва халқ

ўйинларини тиклаш, уларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. 1994 йилда биринчи марта Жиззах вилоятининг Фориш туманида I халқ ўйинлари фестивали ўтказилди. У ўшандан бери мунтазам равишда, ҳар икки йилда бир марта (1998 йилдан «Алпомиш» миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали номи билан) бўлиб ўтмоқда.

Натижада халқимизнинг «Минди», «Бўрон», «Чавандоз», «Елкада кураш», «Тортишмачоқ», «Чунка шувоқ», «Олиб қочар», «Қирқ тош» ва бошқа турлари тикланиб, ривожлантира бошланди. Бевосита ана шу фестиваль доирасида Жиззахликларнинг «Қўриқчи», қорақалпоғистонликларнинг «Бургут келди», «Айланма дурра», «Зим-зим», сурхондарёликларнинг «Бобол», «Чақа», сирдарёликларнинг «Қулоқ чўзма», навойликларнинг «Авваллакам-дуваллакам», «Ларти-лигар», «Палоҳмон» ҳамда бошқа халқ ўйинлари мусобақалар дастуридан ўрин олди.



Спортнинг олимпия турлари

ЧАНА СПОРТИ

Қишки Олимпиадаларда чана спорти бобслей ва скелетон мусобақаларини қамраб олади.

Бобслей (инглизча «bobsleing» — «тез тушиш» сўзидан) — махсус тайёрланган қиялик муз трассадан бошқариладиган чана — бобларда тез тушиш спортидир. Чаналар металлдан тайёрланган бўлиб, унинг олд томонига сирпанувчан ҳаракат қиладиган, орқа томонига эса ҳаракат қилмайдиган тормозли конькилар маҳкамланади.

Бобслей ватани Швейцариядир. Бу ерда 1888 йилда инглиз сайёҳи Уилсон Смит икки чанани бирлаштириб, уни Санкт-Морицдан бу шаҳардан пастликда жойлашган Челеринага қорли тоғ қиялигидан тушишда фойдаланган.

Жаҳонда биринчи бобслей клуби ҳам Санкт-Морицда XIX аср охирида ташкил этилди. Бобслейда мусобақалаштириш қоидалари ҳам шу ерда ишлаб чиқилди. Ўша пайтда 3 нафар эркак ва 2 нафар аёл жойлашадиган беш ўринли чаналарда мусобақалашилган. Кейинчалик 2, 4, 5, баъзан 8 ўринлик чаналарда ҳам мусобақалар ўтказилган. Замонавий чана — боб 1904 йилда лойиҳалаштирилган.

Халқаро бобслей ва тоболтан федерацияси — ФИБТ 1924 йилда ташкил топган. У 56 та миллий федерацияни бирлаштиради.

Бобслей 1924 йилдан қишки Олимпиада мусобақалари дастурида. Даставвал мусобақалар 4 ўринли чаналарда ўтказилган. 1928 йилдан — 5 ўринли чаналар. 1932 йилдан мусобақалар 2 ва 4 ўринли чаналарда ўтказилади.

2002 йилгача бобслей мусобақалари фақат эркаклар ўртасида ўтказилган. Солт-Лейк-Сити қишки Олимпиадасидан аёллар ўртасида 2 ўринли чаналарда мусобақалар ўтказиляпти.

Бобслей трассаси узунлиги 1500 — 2000 метрни ташкил этиб, унда 15 та бурилиш жойлари мавжуд.

Тоболтан — Канада ҳиндулари ўртасида тарқалган ёғоч чаналардир. XX аср бошларида тоболтан бўйича халқаро мусобақалар ҳам ўтказилган. Шунинг учун унинг номи ФИБТдан ўрин олган.

Скелетон — махсус тайёрланадиган муз тарновлардан чанада тез тушиш бўйича мусобақа тури. XIX асрда чанада қорли тоғ қияликларидан тушиш кенг тарқалган. 1883 йилда Швейцариянинг Давос шаҳрида ана шундай биринчи мусобақа ташкил этилган. 1887 йилда ҳаваскор спортчи Маккарник қорли тоғ қиялигидан чанада ётган ҳолда тушишни намойиш қилган. 1890 йилда Санкт-Мориц шаҳрида ўтказилган мусобақаларда унинг бу усули ишлатилган. 1906 йилда Австрияда скелетон бўйича биринчи миллий чемпионат ўтказилган.

Скелетон 1928 йилда қишки Олимпиада дастурига киритилган. Спортнинг бу турида биринчи Олимпиада чемпиони АҚШлик Женнесон Хитондир. Шундан 20 йил узиб яна Санкт-Морицдаги қишки Олимпиадада скелетон мусобақалар дастурига киритилди.

Фестивалларда халқ ўйинлари бўйича мусобақалар билан бир қаторда илмий-амалий анжуманлар ҳам ўтказилади.

1999 йилдан эса хотин-қизлар ўртасида «Тумарис» миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали ҳам ўтказила бошланди.

1992 йил 21 январда Тошкентда Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1993 йил сентябрида бўлиб ўтган 101-сессиясида Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси Халқаро Олимпия Қўмитаси томони-

ўтказадиган спорт базалари бу пайтда турли янги мустақил давлатларга тегишли эди. Олимпиада ҳар бир спорт турида МДҲ Бирлашган жамоаси таркибида иштирок этадиган спортчилар, уларга мураббийлик қиладиган мутахассисларни танлаш ҳам осон кечмади.

Ана шу муаммолар ва табиий қийинчиликларга қарамасдан МДҲ Бирлашган жамоаси Барселона Ўйинларида бошқа давлатлар олимпиадачилари, мутахассислари, қолаверса, спорт ихлосмандлари учун ҳеч кутилмаганда пешқадам бўлдилар. Улар норасмий умумжамоа ҳисо-



Оғир атлетика — паҳлавонлар спорти.

дан ХОҚнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тан олинди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бирлашган жамоасини 1992 йил 8—23 февраль кунлари Франциянинг Альбервиль шаҳрида бўлиб ўтган XVI қишки Олимпиадага, кейин XXV олимпия ўйинларига тайёрлаш ва муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш жуда мураккаб муаммоларни ҳал этишни талаб қиларди. Олимпиадачилар Ўйинларга тайёргарлик машқларини

бида 112 та (45 та олтин, 38 та кумуш ва 29 та бронза) медални қўлга киритиб, биринчи ўринни олдилар.

Испанияда спорт гимнастикаси бўйича мусобақаларда 6 та Олимпиада олтин медали (!) соҳиби бўлган белоруссиялик Виталий Шчерба, сузиш бўйича мусобақаларда уч карра чемпион россиялик Евгений Садовий, иккитадан олий нишонни қўлга киритган унинг ватандошлари Александр Попов ҳамда мерган Мария Лог-

виенко-Добранчева ва бошқалар зафар кучдилар.

Йигирма бешинчи олимпия ўйинлари иштирокчилари сони, спорт мусобақалари кўлами билан бошқалардан кескин ажралиб туради. Барселонага бутун олимпия ўйинлари тарихи давомида биринчи марта 172 давлатдан 10563 спортчи, шу жумладан, 3008 аёл келди. Улар 257 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бирлашган жамоаси таркибига Ўзбекистон Республикаси-

тада голиб чиққан МДХ Бирлашган жамоаси сафидаги тошкентлик Марина Шмониёнага берилди.

Нукуслик Сергей Сирцовнинг ҳам Олимпиада чемпиони бўлиш учун ҳамма имконияти бор эди. У 90 килограммгача вазнга эга бўлган оғир атлетикачилар ўртасидаги беллашувларда штангани силтаб кўтаришда 190, даст кўтаришда 222,5 килограмм, қўшкураш бўйича жами 412,5 килограмм натижа кўрсатди. Грузиялик Кахи Кахиашвилининг қўшкурашдаги кўрсаткичи ҳам худди шундай эди. Лекин унинг вазни Сер-



Гиламда Абдулла Тангриев.

нинг 17 нафар спортчиси киритилди. Улар Барселона Олимпиадасида учта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритдилар.

Аёллар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича жамоа биринчилигида Олимпиада чемпиони бўлган МДХ Бирлашган жамоаси таркибида бир йўла икки юртдошимиз — тошкентлик Оксана Чусовитина ва олмалиқлик Розалия Галиева бор эди. Яна бир олтин медаль 4x400 метрға эстафе-

гей Сирцовникига нисбатан 200 грамм енгил бўлганлиги сабабли олтин медаль Кахига насиб этди. Нукуслик оғир атлетикачимиз эса Барселона Олимпиадасининг кумуш совриндори бўлди.

Яна бир кумуш медаль Тошкентнинг «Старт» клуби мергани Анатолий Асрабаевга топширилди. У пневматик бешотар милтиқда «югурувчи қобон»ни мўлжалга олишда Олимпиада чемпиони немис Михаэль Якосичдан

Югославияга) бериб қўйган эдилар. «Орзу жамоаси» баскетболчилари эса Барселонада рақибларини камида 40 очко фарқ билан мағлубиятга учратиб, олтин медалларга сазовор бўлди.

Аёллар Олимпиада мусобақалари дастурига киритилган барча спорт турларида эркаклар билан баб-баравар иштирок этиш учун саъй-ҳаракатларини давом эттирдилар. Испанияда дастлабки бор марафонда аёллар ҳам қатнашиб, 42,195 километрлик масофани россиялик Валентина Егорова биринчи бўлиб босиб ўтди. Спортчи қизлар татамига ҳам чиқиб, франциялик Сесиль Новак ва Катрин Флери, испаниялик Альмудино Муньос Мартини ва Мариам Бласко Сото, кубалик Одалис Реве Хименес, Жанубий Кореядан Ким Ми Юнг, Хитойдан Чуанг Ксаоянь чапдаст дзюдочи эканликларини намоиш этдилар ва Олимпиада фахрий шоҳсупасининг энг турига кўтарилдилар.

Барселона Олимпиадаси бокс кубаликлар учун миллий спорт турига айланиб бораётганлигини уларнинг 12 вазн тоифасидан 7 тасида ғолибликни қўлга киритганликлари яққол ис-

ботлади. Бу мамлакат «чарм қўлқоп» усталаридан Хоэль Косомайор Жонсон, Роберто Балладо Мендес, Ариэль Эрнандес Аскю, Феликс Савон Фабре, Хуан Карлос-Лемус Гарсия, Эктор Винет Чарен, Рахелио Марсело Гарсия Олимпиада чемпиони бўлдилар.

Йигирма бешинчи олимпия ўйинларида норасмий умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни олган АҚШ спортчилари (108 та, шу жумладан, 37 та олтин, 34 та кумуш ва 37 та бронза медаль) ўзлари анъанавий устун бўлиб келган енгил атлетика, сузиш ва синхрон сузиш, елканли қайиқлар мусобақалари, баскетбол (эркаклар), теннис ҳамда эшкак эшиш слаломиди зафар кўчдилар.

Учинчи ўринни эгаллаган Германия олимпиадачилари эса (82 та, шу жумладан, 33 та олтин, 21 та кумуш, 28 та бронза медаль) академик, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, от спорти, чим устида хоккей, велоспортда пешқадамлик қилдилар.

XVI қишки Олимпиада ўйинлари ҳам кенг қўламлиги билан эътиборни тортди. Франция-



Спортнинг олимпия турлари

КАМОНДАН ОТИШ

Камондан отиш — камон билан нишонга отиш бўйича спорт тури.

Камондан отиш спорт тури сифатида Швейцарияда XV асрдаёқ маълум эди. Уша вақтларда афсонавий Вильгельм Телль шарафига мусобақалар ўтказилган. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг ёйи билан Миррих — Марсни беҳато нишонга олиши лавҳалари бу спорт тури қадимдан Шарқда ҳам машҳур бўлганлигидан далолат беради.

Камондан отишнинг замонавий қоидалари XIX аср охирида шаклланди.

Камондан отиш 1900 йилдан Олимпиада дастурида. 1900, 1904, 1908 ва 1920 йиллардаги олимпиадаларда камондан отиш мусобақалари дастурини ташкилотчиларнинг ўзлари белгиланганлар. 1912, 1916, 1924 — 1968 йилларда камондан отиш олимпиадалар дастурига киритилмаган.

Халқаро камондан отиш федерацияси — ФИТА 1931 йилда ташкил топган. У 139 та миллий федерацияни бирлаштиради.

1972 — 1984 йиллардаги олимпия ўйинларида камондан отиш мусобақалари «ФИТА икки давраси» дастури асосида ташкил этилган. Унга мувофиқ спортчилар тўрт кун давомида камон билан тўрт масофа (эркаклар — 30, 50, 70, 90 метр, аёллар — 30, 50, 60, 70 метр)даги нишонни 72 мартадан — жами 288 марта мўлжалга олганлар. Уларнинг ҳар масофада тўплаган очколари жамланиб, ғолиблар аниқланган.

1988 йилдан олимпия ўйинларида камондан отиш бўйича шахсий ва жамоа биринчиликлари ўтказилмоқда. Шахсий биринчиликда финал қатнашчилари тўрт — дастлабки, нимчорак, чорак ва ярим финал, жамоа биринчилигида эса дастлабки ва ярим финал натижаларига қараб аниқланади. Финалда шахсий биринчиликда 8 спортчи ҳамда 8 энг кучли жамоа Олимпиада чемпионлиги учун кураш олиб борадилар.

1996 йилдан олимпия ўйинларида шахсий биринчиликда 64 тадан (эркак ва аёл) спортчи ҳамда 16 тадан (эркаклар ва аёллар) жамоа камондан 70 метр масофадаги нишонни мўлжалга олишда куч синашмоқдалар.

Ўзбекистон камондан отиш федерацияси ФИТА аъзосидир. Ўзбекистонлик Наталья Бутузова камондан отиш бўйича 1980 йилги XXII олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндоридир.

нинг Альбервиль шахрига 65 мамлакатдан келган 1804 спортчи, шу жумладан, 492 аёл 12 спорт турида 57 та медаллар жамланмаси учун беллашдилар. Мусобақалар дастурига аёллар ўртасида биатлон бўйича шахсий биринчилик ва 3x7,5 километрга эстафета, 1000 ва 5000 метрга шорт-трек, фристайл киритилди. Шунингдек, аёллар ўртасида 20 километрга чанғида пойга 30 километрли масофага, 70 метрлик трамплиндан чанғида сакраш 120 метрлик трамплинга алмаштирилди.

Қишки Олимпиадада шўролар давлати парчалангандан сўнг ташкил топган янги мустақил давлатлар спортчилари МДХ Бирлашган жамоа-



МДХ Бирлашган жамоаси 1992 йилги Олимпиада ўйинлари очилиши маросимида.

си таркибида иштирок этдилар. Улар орасида россиялик Любовь Егорова чанғида 10 ва 15 километрга пойгада ҳамда 4x5 километрга эстафетада учта олтин, 5 ва 30 километрга пойгада бронза медаллари билан тақдирланиб, энг юксак натижа кўрсатди. У 1994 йилги қишки Олимпиадада ҳам 5, 10 километрга пойга ва 4x5 километрга эстафетада ғолиб чиқиб, жами олтинта олимпиада олтин медалига сазовор бўлди. Спортдаги бу юксак натижалари учун Любовь Егорова «Россия Қаҳрамони» унвонига ҳам сазовор бўлган.

Ўзбекистон Республикаси спортчилари Лина Черязова ва Лариса Удодова қишки Олимпиада

дастурига биринчи марта киритилган фристайл бўйича мусобақаларда иштирок этдилар. Спортнинг бу турида биринчи Олимпиада чемпионлари эркаклар ўртасида француз Эдгар Гроспирон, аёллар ўртасида эса америкалик Д.Уайт-брехт бўлдилар. Лина Черязова ўзи учун биринчи қишки Олимпиадада фристайлнинг акробатик сакраш усулида фахрли бешинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Альбервилда чанғи пойгаларида шу вақтгача қўлланиб келинган анъанавий — классик усул билан бирга эркин — мутахассислар томонидан «коньки юриши» таърифи берилган усул бўйича ҳам мусобақалар ўтказилди. Норвегиялик чанғичилар эркаклар ўртасидаги бу пойгаларнинг ҳаммасида ғолиб чиқдилар. Жумладан, Вегард Ульванг 10,30 километрга пойгада ҳамда 4x10 километрга эстафетада олтин, 15 километр пойгада кумуш медаль билан тақдирланди.

Айниқса, норвегиялик чанғичи Бьерн Дэлиннинг Қишки Олимпиада ўйинларидаги зафарлари ҳайратланарлидир. У Альбервилда 15 ва 30 километрга пойгада ҳамда 4x10 километрга эстафетада, навбатдаги Лиллехаммер қишки Олимпиадасида 10 ва 15 километрга пойгада, ниҳоят Нагано Қишки ўйинларида 10, 50 километрга пойга ва 4x10 километрга эстафетада 9 та олтин медаль (!) соҳиби бўлди. Шунинг учун Бьерн Дэли расмий равишда «XX асрнинг энг яхши чанғи пойгачиси», деб эътироф этилган.

Тоғ чанғиси бўйича мусобақаларда олтин олтин медални Италия ва Австрия спортчилари теппа-тенг — учтадан бўлиб олдилар. Финляндиялик Тони Ниеминин чанғида трамплиндан сакраш бўйича жамоа ва шахсий биринчиликларда иккита олтин ва битта бронза медаль соҳиби бўлди.

Францияда немис Г.Нейман ҳам конькида 3000 ва 5000 метрга югуришда олтин, 1500 метр масофада эса кумуш медални қўлга киритди. Германиянинг у каби олимпиадачилари, хусусан, биатлонда учта олтин медаль билан тақдирланган «мерган чанғичилар» ўз мамлакатларининг норасмий умумжамоа ҳисобидаги ғалабасини (181 та очко ҳамда 26 та, шу жумладан, 10 тадан олтин ва кумуш, 6 та бронза медаль) таъминладилар.

Бу пайтда ХОҚ XXVII ёзги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилиш хоҳишини билдирган шаҳарлар буюртмаларини олаётган эди. 2000 йилдаги бу ўйинлар пойтахти бўлишга Берлин, Бразилия, Истамбул, Манчестер, Милан, Пекин ва Сидней шаҳарлари билан бирга Тошкент ҳам ўз номзодини қўйди. Ўзбекистон пойтахтининг

меzbонликка даъвогарлиги мустақил давлатимизнинг қисқа муддатда халқаро олимпия ҳаракатининг фаол аъзосига айланганлигининг ёрқин намоёниши бўлди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси ёзги ва қишки олимпия ўйинларини шу пайтгача бир йилда эмас, балки турли йилларда ўтказишга қарор қилганлиги сабабли Альбервиль қишки Олимпиадасидан икки йил ўтиб — 1994 йилнинг 12—27 февралда Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида XVII «Оқ Олимпиада» бўлиб ўтди. Бу ерга 67 давлатдан 1923 спортчининг, шу жумладан, 522 аёлнинг келганлиги, мусобақаларнинг ташкилий жиҳатдан бекаму кўст ташкил этилиши, Лиллехаммердаги дўстлик, ҳамжиҳатлик руҳи ХОҚ Президенти Хуан Антонио Самаранчга ҳам жуда маъқул тушиб, у ўн еттинчи қишки Олимпиада ана шу ўйинлар ўтказила бошлангандан бери энг яхшиси бўлди, деб эълон қилди.

1994 йилнинг 12 февралда Лиллехаммернинг олимпия стадионида «**Хуш келдингиз, Ўзбекистон!**» табриги янгради. Ўн еттинчи Олимпиаданинг тантанали очилишини телевидение орқали томоша қилаётган жаҳондаги 150 мамлакатнинг 2 миллиард томошабини бу хитобни эшитди, улар эътиборини давлатимизнинг мағрур ҳилпираётган байроғи, шахдам одим отиб борётган мустақил мамлакатимиз вакиллари — фристайлчилар Л.Черязова ва Л.Удодова, фигурали учишнинг рақс жуфтликлари — Л.Стергиаду ва Ю.Разгуляев ҳамда Л.Нурбоева ва М.Сатторовлар тортди.

Яна бир неча кундан кейин эса Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти Хуан Антонио Самаранч шахсан ўзи Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи кўтарилиб, давлат мадҳиямиз ижро этилгани ҳолда фристайл бўйича Олимпиада чемпиони Лина Черязовага олтин медални топширди.

Лиллехаммер Олимпиадаси америкалик Бонни Блейр учун ҳам жуда омадли кечди. Бу ерда у беш карра Олимпиада чемпиони фахрий номига сазовор бўлди. Бонни Блейр 1988 йилдаги Калгари қишки Олимпиадасидаёқ аёллар ўртасида 500 метрга конькида югуришда янги жаҳон ва Олимпиада рекорди ўрнатиб, биринчи олтин медал билан тақдирланган эди. Орадан тўрт йил ўтгач, у Альбервилда 500 ва 1000 метрга конькида югуришда Олимпиада чемпиони бўлди. Норвегияда ҳам у худди шу масофаларда тўртинчи ва бешинчи олтин медалларини қўлга киритди.

Норасмий умумжамоа ҳисобида бу сафар Норвегия олимпиадачилари ғалабаларини байрам қилдилар. Улар 176 очко ва 26 та (10 та ол-

тин, 11 та кумуш ва 5 та бронза) медални қўлга киритдилар. Иккинчи ўринни Россия (172 очко ва 23 та, шу жумладан, 11 та олтин, 8 та кумуш, 4 та бронза медал), учинчини эса Германия (161 та очко ва 24 та, шу жумладан, 9 та олтин, 7 та кумуш, 8 та бронза медал) олимпиадачилари эгалладилар.

Ўзбекистон Республикаси спортчилари эса 68 давлат иштирок этган ўзларининг биринчи — Лиллехаммер қишки Олимпиадасида 14 ўринни олдилар.

Мамлакатимиз спортчилари 1994 йилда биринчи марта Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган XII Осиё ўйинларида иштирок этдилар. Қитъа спортчиларининг бу мусобақалари 1951 йилдан ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиб келинар эди. Хиросимада Осиёдаги 42 давлатнинг 7300 нафар спортчиси 34 спорт тури бўйича 337 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борди.

Республикаимиз терма жамоаси 120 нафар спортчидан иборат бўлиб, улар спортнинг 17 тури бўйича мусобақаларда жами 41 та (10 та олтин, 11 та кумуш ва 20 та бронза) медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида Осиё мамлакатлари ўртасида 5-ўринни эгалладилар. Осиё ўйинларида эшқак эшиш мусобақаларида кўш олтин медалга сазовор бўлган И. Киреев, бешта нишон соҳиби мерган Ш. Аҳмедов, бокс бўйича чемпионлар А. Аvezбаев ва О. Маскаев, Осиё рекорди ўрнатиб, фахрий шоҳсупа биринчи поғонасига кўтарилган ўн курашчи Р. Фаниев, найза улоқтирувчи О. Яригина, баландликка сакрашда ғолиб чиққан С. Мункова, айниқса, футбол бўйича Осиё ўйинлари чемпионлигини қўлга киритган терма жамоамиз аъзолари салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

1995 йил 2—9 сентябрда эса Тошкентда биринчи Марказий Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Унинг тантанали очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов нутқ сўзлади. Бу минтақавий мусобақаларнинг тантанали очилишида иштирок этиш учун махсус келган Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч ҳам сўзга чиқди.

Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон спортчилари биринчи Марказий Осиё ўйинларида 158 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар. Жами 180 та (65 та олтин, 66 та кумуш ва 49 та бронза) медални қўлга киритган Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи, қозоғистонликлар иккинчи, қирғизистонликлар учинчи ўринни эгалладилар.

ОЛИМПИАДА — ЖАҶОН СПОРТИ БАЙРАМИ



ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ ПЛАКАТЛАРИ



ЮЗ ЙИЛЛИК ҲЙИНЛАРИ

1996 йилнинг 19 июлида Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида «Юз йиллик Ҳйинлари» номини олган XXVI ёзги Олимпиада тантанали равишда очилди. Кўпчилик замонавий олимпия ҳаракатига юз йил тўлганлиги са-

бати билан олимпия сулҳи тўғрисида махсус резолюция қабул қилинган ҳамда 1994 йил «Халқаро спорт ва олимпия идеаллари йили», деб эълон қилинган эди.

Ана шу «Юз йиллик Ҳйинлари»нинг тантана-



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч.

бабли мазкур Ҳйинларни ўтказиш шарафи худди I Олимпиададагидек бу жаҳон спорти байрамлари ватани пойтахти Афинага берилади, деган фикрда эди. Лекин Халқаро Олимпия Қўмитаси бошқача қарорга келди.

1994 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида замонавий олимпия ҳаракатининг юз йиллиги муноса-

ли очилишида Атлантанинг олимпия стадионига 197 давлатнинг 11224 спортчилари билан бирга мустақил давлатимиз вакили Темур Иброҳимов баланд кўтариб олган Ўзбекистон Республикаси байроғи остида мамлакатимизнинг 74 нафар олимпиадачилари шахдам одим отиб кириб борганларида томошабинлар олқишлари тугамайдигандек эди.

Ўтган бир аср давомида олимпия ўйинларида 140,5 минг спортчи иштирок этган бўлса, уларнинг 227 нафари ўзбекистонлик эди. Улардан 15 нафари Олимпиада чемпиони, 12 таси кумуш медаль соҳибдорлари бўлган, 9 таси эса бронза медаллари билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро олимпия ҳаракатига қўшилгандан сўнг ўтган қисқа вақт ичида унинг энг фаол аъзосига айланди. Тош-

Олимпия Қўмитасининг қароргоҳи — Швейцариянинг Лозанна шаҳрида ХОҚ Президенти Хуан Антонио Самаранч Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовга жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда олимпия ўйинларини қайта тиклаган Пьер де Кубертен ишлаб чиққан олимпия идеалларига садоқати учун Олимпия Олтин орденини тантанали вазиятда топширди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Осиё Олимпия Кенгаши Президенти Ал-Аҳмад Ал-Сабоҳ.

кент Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилиш таклифи билан чиқди, давлатимиз пойтахтида биринчи Марказий Осиё ўйинлари ўтказилди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси Ўзбекистоннинг бу эътиборга молик саъй-ҳаракатларини муносиб баҳолади. Бевосита «Юз йиллик Ҳаёти» ўтказиладиган 1996 йил 6 февралда Халқаро

Давлатимиз раҳбари И. А. Каримов жаҳон спортини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун, шунингдек, 1997 йилда Осиё Олимпия Кенгашининг Олтин ордени, 1999 йилда Халқаро ҳаваскор кураш федерацияси — ФИЛАНинг «Олтин маржон» нишони, 2001 йилда эса Миллий Олимпия қўмиталари ассоциациясининг Олтин ордени билан ҳам тақдирланган.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти Хуан Антонио Самаранч 1994—1996 йилларда Ўзбекистонда уч марта ташриф билан бўлди. 1994 йилда у Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти Марио Васкес Рака, ХОҚ вакили Фекру Кидендан иборат Халқаро Олимпия Қўмитасининг расмий делегациясига раҳбарлик қилиб, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни, олимпия ҳаракатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар билан танишди. 1995 йилда эса у Тошкентда бўлиб ўтган биринчи Марказий Осиё ўйинларига ташриф буюрди.

1996 йилда ХОҚ Президенти Тошкентда Олимпия шон-шухрати музейи очилишида қатнашди. Халқаро Олимпия Қўмитаси муассасала-

ри таркибида 1993 йилда Швейцариянинг Лозанна шаҳрида ташкил этилган Олимпия музейи ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда олимпия ҳаракати, олимпиада ўйинлари, ХОҚ фаолиятига оид жуда ноёб ҳужжатлар, ашёлар тўпланган. У 1995 йилда Европадаги энг яхши музей, деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Тошкентда ҳам Олимпия шон-шухрати музейи ташкил этилди. Бу ерда замонавий олимпия ҳаракати, олимпия ўйинлари, шунингдек, юртимизда спорт тарихи, мустақиллик йилларида спортни ривожлантириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги, ўзбекистонлик Олимпиада, жаҳон, халқаро мусобақалар чемпионлари ва



Спортнинг олимпия турлари

ВОЛЕЙБОЛ

Волейбол (инглизча «volley» — «учаётган» ва «ball» — «тўп» сўзидан) — жамоавий спорт ўйини.

Волейболни 1895 йилда Массачусетс штатидаги Холион шаҳри коллежининг ўқитувчиси Вильям Морган ўйлаб топган. Бу ўйинга волейбол — учаётган тўп номини Спрингфильд коллежи ўқитувчиси доктор Альфред Холстед берган. 1897 йилда волейбол ўйини қоидалари АҚШда нашр этилди.

Волейбол 1900 йилда Канадага, 1906 йилдан Куба, Пуэрто-Рика, Перу, Бразилия, Уругвай, Мексика ва бошқа мамлакатларга тарқалди.

1913 йилда Паносиё ўйинларида Япония, Хитой, Филиппин жамоалари иштирокида волейбол турнири ўтказилди. Волейбол ватанида биринчи расмий мусобақа 1922 йилда ташкил этилди. Ўшанда АҚШ волейболни Олимпиада дастурига киритиш таклифини киритди, аммо бу ташаббус қўллаб-қувватланмади. 1924 йилги Олимпиадада волейбол бўйича фақат кўргазмали мусобақалар ташкил қилинди.

Халқаро волейбол федерацияси — ФИВБ 1947 йилда ташкил этилган. 1948 йилда Римда олти жамоа иштирокида волейбол бўйича биринчи марта Европа, 1949 йилда эса Прагада 10 жамоа қатнашган жаҳон биринчиликлари ўтказилди.

Волейбол 1957 йилда ХОҚнинг 53-сессиясида спортнинг олимпия тури, деб тан олинди. У 1964 йилда Токио Олимпиадаси мусобақалари дастурига киритилди. Ўшанда волейбол турнирида 10 та эркаклар ва 6 та аёллар жамоалари иштирок этган.

Ҳозирги вақтда волейбол бўйича олимпия турнирида 12 та эркаклар ва 12 та аёллар жамоалари иштирок этади. Улар саралаш мусобақалари орқали танланади. Олимпия турнири уч босқичда ўтказилади. Жамоалар даставвал икки гуруҳга бўлиниб куч синашадилар. Ўз гуруҳларида 1-ва 2-ўринларни олганлар яна гуруҳда энг кучли икки жамоани аниқлаш учун баҳс олиб борадилар. Улар ҳал қилувчи учрашувда Олимпиада чемпиони унвони учун куч синашадилар.

1996 йилдан олимпия ўйинлари дастурига *пляж волейболи* бўйича мусобақалар ҳам киритилди. 1920 йилда Калифорнияда пайдо бўлган, ўтган асрнинг 70-йилларида спорт тури сифатида шаклланган бу ўйин сўнгги йилларда жуда оммалашиб кетди. Пляж волейболи кум тўшалган майдончада, ҳар жамоада икки ўйинчи билан ўйналади.

Ўзбекистонда волейбол бўйича биринчи мусобақа 1927 йил 26 апрелда Тошкент шаҳридаги Чернишевский номли мактаб билан «Металлчи» жамоалари ўртасида ўтказилганлиги, унда мактаб ўқувчиларининг 3:0 ҳисобида голиб чиққанлиги қайд қилинган. Бу ажабланарли эмасди. Волейбол шу мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан оммалаша бошлади. Чернишевский номли мактаб волейболчилари 9 та жамоа иштирок этган 1927 йилги биринчи Тошкент шаҳри чемпионатида ҳам голиб чиққанлар. Волейбол 1927 йилги биринчи Бутунўзбек спартакиадаси мусобақалари дастурига ҳам киритилган. Ўзбекистон волейболчилари 1935 йилда Афғонистон жамоаси билан биринчи халқаро учрашув ўтказган.

Ўзбекистон волейбол федерацияси ФИВБ аъзосидир. Ўзбекистонлик Вера Дуюнова икки карра — 1968 йилги XIX ҳамда 1972 йилги XX, Лариса Павлова эса 1980 йилги XXII олимпия ўйинлари чемпионларидир.

совриндорлари тўғрисида 2400 тадан кўпроқ экспонатлар мавжуд. Улар орасида Халқаро Олимпия Қўмитаси, Осиё Олимпия Кенгаши, Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси, Халқаро ҳаваскор кураш федерацияси — ФИЛА томонидан Президентимиз И.А. Каримовга топширилган ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан музейга совға қилинган олий нишонлари алоҳида ўрин тутди.

Замонавий олимпия ҳаракатининг юз йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1996 йил 29 августдаги Фармони билан Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти Хуан Антонио Самаранч олимпия ҳаракатини ривожлантириш, давлатлараро ҳамкорликни, тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашдаги хизматлари ҳамда Ўзбекистон спортини қўллаб-қувватлаш ва унинг халқаро майдонда ўз ўрнини эгаллашга қўшган улкан ҳиссаси учун «Буюк хизматлари учун» орденни билан мукофотланди.

Атланта Олимпиадасида спортчилар 26 спорт турида 271 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар. 1996 йил 22 июлда Атлантада йигирма еттинчи олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Жаҳондаги миллиардлаб спорт ихлосмандлари афсонавий «бокс қироли» Муҳаммад Али титраётган қўлла-

ри билан стадиондаги олимпия машғаласини ёқаётган онларни кузатдилар.

Бу стадионга Ўзбекистон Республикаси давлат байроғини спортчимиз Армен Багдасаров баланд кўтарган ҳолда олиб кирди. Вакиллари- миз Ўйинлар дастурига киритилган ўн уч спорт тури бўйича беллашувларда иштирок этдилар. Улар орасида Армен Багдасаров энг яхши натижага эришди. У Атлантада дзюдо бўйича мусобақаларда 86 килограммгача вазнга эга бўлган спортчилар билан татамига чиқди.

Ўзбекистонлик дзюдочи ўзининг дастлабки уч учрашувини соф ғалаба билан якунлади. Туртинчи беллашувда ҳам рақибдан устун келди. Финалда унга икки карра жаҳон чемпиони Жанубий корейлик Чжон Ки Йонг билан курашишга тўғри келди. Мурасасиз кечган бу беллашувда ҳакамлар устунлик жаҳон чемпиони томонида, деган қарорга келдилар. Армен Багдасаров йигирма олтинчи олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори бўлди.

Олимпиадачимиз Карим Тўлаганов 71 килограммгача вазнга эга бўлган боксчилар билан жанг олиб борди. У мусобақаларнинг ярим финалига қадар барча рақибларини мағлуб қилди. Аммо Атлантада олтин медални қўлга киритган АҚШлик Дэвид Рид ва кубалик Альфредо Дуврхель (иккинчи ўрин) юртдошимиздан анча тажрибалироқ эдилар. Шунинг учун Карим



Спортнинг олимпия турлари

ДЗЮДО

Дзюдо (японча «дзю» — «юмшоқ» ва «до» — «йўл» сўзидан) — спортнинг яккакураш тури.

Дзюдонинг асосчиси япон маърифатпарвари ва педагоги Дзигаро Кано (1860—1938) ҳисобланади. Кано Токио университетига ўқишга киргунга қадар спорт гимнастикаси, эшкак эшиш, бейсбол билан шуғулланган. У Японияда биринчи бейсбол клубини ташкил этган. Шундан сўнг у хитойларнинг жиу-житси яккакурашини такомиллаштириш асосида дзюдони яратган.

Кано дзюдони руҳий ва жисмий уйғунлик спорти, деб атарди. Ўзи 1882 йил ташкил этган «Кодокан» дзюдо мактабида шуғулланувчиларнинг ана шу уйғунликка эришишларини асосий мақсад ҳисобларди. Кано фикрича, дзюдо тарбия воситасидир. «Кодокан» кейинчалик дзюдо кураши бўйича етук мутахассислар тайёрланадиган жаҳондаги энг йирик марказга айланди.

Халқаро дзюдо федерацияси — ФИД 1951 йилда ташкил топган. У 187 та миллий федерацияларни бирлаштиради.

Дзюдо 1964 йилдан (1968 йилдан ташқари) Олимпиадалар дастурида. Ушанда уч, 1976 йилдан беш, 1980 йилдан етти вазн тоифасида мусобақалар ўтказилган.

Ҳозирги вақтда олимпия ўйинларида эркаклар ўртасида 60 килограммгача, 60—66, 66—73, 73—81, 81—90, 90—100 ҳамда 100 килограммдан ортиқ, аёллар ўртасида эса 48 килограммгача, 48—52, 52—57, 57—63, 63—70, 70—78 ва 78 дан ортиқ вазнларда мусобақалар ўтказилади.

Ўзбекистон дзюдо федерацияси ФИД аъзосидир.

Тўлагановнинг Атланта рингида қўлга киритган бронза медали алоҳида салмоққа эгадир.

Бу Ўйинлардаги бокс мусобақалари спортнинг мазкур тури кўп сонли ихлосмандларига жаҳоннинг бўлажак энг машҳур «чарм қўлқоп» усталари номларини ошкор қилди. Улардан бири профессионал бокс бўйича кўп марта жаҳон чемпиони Артур Григоряндр. У бу Олимпиадада фахрий шоҳсупага кўтарилмаган бўлсада, шундан кўп вақт ўтмай Пуэрто-риколик Антонио Риверонини маглубиятга учратиб, Бутун-

профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони унвонини 15 марта муваффақиятли ҳимоя қилган америкалик Муҳаммад Али номи турарди.

Атланта Олимпиадаси украиналик машҳур боксчи, профессионаллар ўртасидаги жаҳон чемпиони Владимир Кличко учун ҳам у иштирок этган биринчи Ўйинлар бўлди.

АҚШнинг бу шаҳри рингида ватандошларимиздан Дилшод Ёрбеков, Наримон Отаев 5—8 ўринларни, юнон-рим курашида Григорий Пуляев 6-ўринни эгаллашиб, жамоамизга қиммат-



Ўзбекистон спортчилари мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида.

жаҳон бокс ташкилоти — WBO олтин камарини тақди. Шу йилнинг ўзида у иккинчи раундаёқ АҚШлик Жон Ридни таслим қилди ва икки қарра жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Артур Григорян умуман профессионал рингда WBO йўналишида ўзининг жаҳон чемпиони унвонини 17 марта муваффақиятли ҳимоя қилиб, «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олди. Унгача жаҳондаги энг юксак натижалар қайд этиб бориладиган бу жуда машҳур китобда

ли очколар келтирдилар ва бу билан Ўзбекистоннинг XXVI ёзги Олимпиадада иштирок этган 197 мамлакат ўртасида 58-ўринни олишига улушларини қўшдилар.

Яна бир ўзбекистонлик Рамил Фаниев Атланта Олимпиадасида ўнкурашда Осие рекорди ўрнатган бўлишига қарамасдан, бу натижа унга фақат саккизинчи ўринни таъминлади. Эркин кураш бўйича беллашувларда юртдошларимиздан Атҳамжон Одилов ва Рамил Исломов еттин-



Афсонавий Муҳаммад Али XXVI Олимпиада машғаласи билан.

чи, спорт гимнастикасида Оксана Чусовитина кўпқурашда ўнинчи ўринни эгаллади.

Йигирма олтинчи олимпия ўйинларида канадалик Донован Мейли 100 метрга югуришдаги ғалабасини янги жаҳон рекорди — 9,84 секунд кўрсаткичи билан безади. АҚШлик Майкл Жонсон эса шу пайтгача ҳеч учрамаган: ҳам қисқа — 200 метр, ҳам ўрта — 400 метр масофага югуришда олтин медалларни қўлга киритди.

Футбол бўйича олимпия турнирида Африка қитъаси вакили — Нигерия дастлабки бор



Йигирма саккизинчи олимпия ўйинларида Ватанимиз делегацияси.



Ўзбекистон байроғи Олимпиада ватани — Афинада.

Олимпиада чемпиони бўлди. Финал учрашувда нигериялик футболчилар Аргентина жамоасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Учинчи ўрин учун ўтказилган ўйинда Бразилия «чарм тўп» усталари португалияликларни таслим этдилар — 5:0.

Атлантада биринчи марта футбол бўйича аёллар ўртасида ҳам мусобақалар ўтказилиб, уларда майдон эгалари — АҚШ жамоаси ғалаба нашидасини сурди.

Новосибирсклик тўққиз карра жаҳон ва ўн бир карра Европа чемпиони А.Карелин Сеул ва Барселонадаги зафарларини давом эттириб, Атлантада юнон-рим кураши бўйича олимпия ўйинларидаги учинчи олтин медалини олди. Россиялик полвон 2000 йилги Сидней Олимпиадасида ҳам қатнашиб, бу ўйинларнинг кумуш совриндори бўлган.

Америка Қўшма Штатлари олимпиадачилари сузиш мусобақаларида ҳар қачонгидан ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Уларнинг спортнинг бу турида 13 та (!) олтин медаль олганликлари бунинг ёрқин далолатидир. Улар, шунингдек, енгил атлетиканинг кўпгина турларида, спорт гимнастикаси бўйича аёллар ўртасидаги жамоа биринчилигида, эркин курашда, Олимпиада дастурига дастлабки марта киритилган софтболда голиб чиқиб, норасмий жамоа ҳисобида биринчилики (44 та олтин медаль) таъминладилар.

Россиялик спортчи Денис Панкратов 100 ва 200 метрга баттерфляй усулида сузишда, Светлана Мастеркова эса 800 ва 1500 метрга югуришда кўш олтин медаль билан тақдирландилар. Бу мамлакат спортчиларининг аёллар ўртасида спорт гимнастикасида, оғир атлетикада ва спортнинг бошқа турларида қўлга киритган 26 та олтин, 21 та кумуш ва 16 та бронза медалла-

ри уларга норасмий жамоа ҳисобида иккинчи ўринни келтирди.

Германия олимпиадачилари учинчи ўрин (20 та олтин медаль) билан чегараландилар.

Хитой олимпиадачилари стол тенниси бўйича эркалар ва аёллар ўртасидаги мусобақалар барча турларида голиб чиқиб, 4 та олтин медаль билан бир қаторда, шунингдек, 3 та кумуш ва 2 та бронза нишонни ҳам қўлга киритдилар. Бу мамлакат вакиллари сувга сакрашда ҳам 4 та олтин медалдан учтасини Пекинга олиб кетдилар.

Афсуски, Атланта Олимпиадасида халқаро террор жирканчли башарасини кўрсатди. 27 июлга ўтар кечаси замонавий олимпия ҳаракатининг бир асрлик тантаналарига багишлаб махсус асос солинган «Юз йиллик ўйинлари» богида бомба портлатилиши оқибатида бегуноҳлар — 44 ёшли америкалик аёл ва Туркия телевидениесининг 40 ёшли шарҳловчиси ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар жароҳатландилар. АҚШ Президенти Билл Клинтон бу террорчилик ҳаракатини қоралади. Халқаро Олимпия Қўмитаси юз берган ҳодисага қарамасдан спортчиларни мусобақаларни давом эттиришга чақирди.

Нагано 1998 йил 7—22 февраль кунлари бўлиб ўтган XVIII қишки Олимпиада ўйинларининг мезбони бўлди. Япониянинг бу шахрига 72



Спортнинг олимпия турлари

ТЕННИС

Ўрта асрларнинг бошларида Италияда теннисга ўхшаш копток ўйини маълум эди. Бу ўйинда иштирок этувчилар тўпни тўрдан қўлларининг кифти билан уриб ўтказардилар. Тарихий манбалар теннисга ўхшаш ўйинлар қадимий Юнонистон, Миср ҳамда Форс кўрфази ва араб давлатларида мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Кейинчалик тўпни тўрдан ўтказиш учун тахтачага жун иплардан тўқилган саватсимон тўрли ракеткага ўхшаш мосламадан фойдалана бошлашди.

Теннис Англияга XIV асрда кириб келди. Лекин фақат 1858 йилдагина Бирмингемда корт барпо этилиб, лаун-теннис (аввал у шундай номланарди) қоидалари ишлаб чиқилди. Тенниснинг спорт ўйини сифатида шаклланиши бадминтон туфайли амалга ошди.

Теннис 1896 йилдан Олимпиадалар дастурида. Ўша йили теннис бўйича фақат эркалар ўртасида, 1900 йилдан эса аёллар ўртасида ҳам мусобақалар ўтказилган. Теннисчиларнинг ҳаваскор спортчилар мақомига тўла жавоб бермаслиги сабаби билан спортнинг бу тури 1928—1984 йиллардаги Олимпиадалар дастурига киритилмади.

Халқаро теннис (у 1972 йилга қадар халқаро лаун-теннис деб номланарди) федерацияси — ИТФ 1913 йилда ташкил топган. У 203 та миллий теннис федерацияларини бирлаштиради.

Олимпия ўйинларида ҳозирги вақтда теннис бўйича мусобақалар эркалар ва аёллар ўртасида яккалик ва жуфтликлар ҳамда аралаш (эркак ва аёл) жуфтликлар ўртасида ўтказилади.

Олимпиадаларда расмий жамоа мусобақалари, шу жумладан, Дэвис кубоги ва Федерация кубогида иштирок этган спортчилар қатнашишларига рухсат берилади.

Ўзбекистон теннис федерацияси ИТФ аъзосидир.

мамлакатдан келган 2338 спортчи, шу жумладан, 810 аёл 14 қишки спорт турида 67 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Бу қишки Уйинларда Ўзбекистон миллий олимпия терма жамоаси сафида фристайлчилар Лина Черязова ва Сергей Бренер, фигурали учиш бўйича якка учиш мусобақалари иштирокчилари Татьяна Малинина ва Роман Скорняков, тоғ чангичиси Комил Урумбаев бор эдилар.

Лина Черязова Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлган Лиллехаммердаги мусобақалардан сўнг оғир жароҳат олганига қарамасдан ҳақиқий спорт жасорати кўрсатиб, фристайл бўйича беллашувларнинг дастлабки кунда кучли саккизлик сафида эди. Аммо иккинчи кун унинг акробатика сакрашлари у қадар муваффақиятли чиқмасдан, бу сафар ўн учинчи ўрин билан чегараланишига тўғри келди. Сергей Бренер фристайл бўйича мусобақаларнинг финал қисмига йўлланма ололмади.

Татьяна Малининанинг Наганода фигурали учиш бўйича мусобақаларнинг яккаликлар баҳсидаги саккизинчи ўрнини муваффақиятли, деб ҳисоблаш мумкин. Яна бир фигурали учиш бўйича вакилимиз Роман Скорняков 19, тоғ чангичи Комил Урумбоев эса 29-ўрин билан кифояланишди.

Ўзбекистон вакилининг қишки Олимпиадада тоғ спорти мусобақаларида иштирок этишининг ўзи жуда эътиборга моликдир. Чимён қишки спортнинг «қироли» ҳисобланадиган тоғ чангиси мусобақалари ўтказиш учун энг мақбул жойлардан биридир. Фазалкентлик Комил Урумбоев ҳам шу ерда тоғ чанги спорти билан шуғулланиб, 1992 йилда Осиё чемпиони, 1996 йилда эса қишки Осиё уйинлари совриндори бўлган.

Наганодаги Хакуба тоғи ён бағирлари Чимёндан фарқли равишда чанги пойгалари ўтказиш учун жуда мураккаблигига қарамасдан Россия Федерацияси аёл спортчилари спортнинг бу турида бешта олтин медалнинг бирортасини ҳам бошқалар билан баҳам кўришни истамадилар.

Карелиялик Лариса Лазутина қишки Олимпиаданинг ҳақиқий қаҳрамонига айланди. У 1992 йилда Альбервилда ва 1994 йил Лиллехаммерда 4x5 километрга эстафетада, 1998 йил Наганода эса чангида 5 ва 10 километрга пойгада ҳамда 4x5 километрга эстафетада беш карра Олимпиада чемпиони бўлди. Японияда у чангида 15 километрга пойгада кумуш, 30 километрга эса бронза медаллари билан тақдирланди.

Олимпиада, жаҳон биринчиликларидаги бу галабалари учун Лариса Лазутинага Россия



Спортнинг олимпия турлари

БАДМИНТОН

Бадминтоннинг пайдо бўлиши тарихи Ҳиндистонга бориб тақалади. Бу мамлакатда унга ўхшаш «пунэ» уйини машҳур эди. Юнонистон, Хитой ва Японияда ҳам шу каби уйинлар мавжуд бўлган. XIV асрда Японияда сакура да-нагига гоз патлари тиқилиб, офтобда қуритилган ва у туп вазифасини ўтаган.

Бадминтон XVI аср охирларида Англияда деҳқонлар уйини ҳисобланган. XVII асрда эса у зодагонлар уйинига айланди.

Замонавий бадминтоннинг пайдо бўлиши инглиз герцоги Бофорт номи билан боғлиқ. У 1872 йилда Ҳиндистондан ўзи туғилиб ўсган Бадминтон (уйин шу шаҳар номи билан аталади) шахридаги эгалик қиладиган кўргонига во-лан ва ракетка олиб келади. Шундан бир йил кейин бадминтон кенг оммалашиб, унинг янги тури — теннис ҳам пайдо бўлди.

1887 йилда Англияда биринчи бадминтон клуби ташкил этилади. 1893 йилда жаҳонда биринчи бадминтон ассо-циацияси тузилади.

1905 йилда Англияда бадминтон федерацияси бу уйин қоидаларини тасдиқлаган, шундан сўнг бадминтон бўйи-ча Англия очиқ биринчиликлари ўтказила бошланди.

Халқаро бадминтон федерацияси — ИБФ 1934 йилда ташкил топди. Ҳозирги пайтда у 156 та миллий федера-цияни бирлаштиради.

Бадминтон 1992 йилдан Олимпиадалар дастурида. Ўшанда эркаклар ва аёллар ўртасида бадминтон бўйича якка-лик ва жуфтликлар ўртасида мусобақалар ўтказилди. 1996 йилдан бадминтон мусобақалари дастурига аралаш (эр-как ва аёл) жуфтлиги мусобақалари ҳам киритилди.

Ўзбекистон бадминтон федерацияси ИБФ аъзосидир.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

Қаҳрамони унвони берилган. У 2002 йилда Солт-Лейк-Сити қишки Олимпиадасида ҳам иштирок этиб, 10 километрга пойгада кумуш медаль олди, 30 километр масофада эса маррага биринчи бўлиб келди. Бироқ россиялик чанғичига олти карра Олимпиада чемпиони унвонига эга бўлиш насиб этмади. У допингдан

га, Нина Гаврилюк эса 1994 йилда 15 километрга пойгада бронза медалларига сазовор бўлганлар.

Конькида югуришда голландияликлар бешта, эркаклар ўртасида чанғи пойгаларида норвегиялик спортчилар тўртта, шорт-трекда Жанубий Корея олимпиадачилари учта олтин медаллар



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил.

фойдаланишда айбланиб, сўнги ғалабасидан маҳрум этилди.

Магаданлик Елена Вяльбе 1992, 1994, 1998, Санкт-петербурглик Нина Гаврилюк 1988, 1994, 1998 йилги «Оқ Олимпиада»ларда чанғида 4x5 километрга учтадан олтин медаль соҳиби ҳисобланадилар. Шу билан бирга Елена Вяльбе 1992 йилги Қишки Ўйинларда 5, 10, 15, 30 километр-

билан мукофотландилар. Шунингдек, австриялик Марио Райтер ва Герман Вайер, немис Катя Зайцингер Наганодан тоғ спорти мусобақаларида қўлга киритган қўш олий нишонлари билан қайтдилар.

Ўн саккизинчи қишки Олимпиада мусобақалари дастурига биринчи марта киритилган керлинг (ҳар бирининг таркибида тўрттадан

уйинчи бўлган икки жамоа махсус спорт снаряди — гранитдан тайёрланган «тош»ни муз устида сирпатиб, белгилаб қўйилган жой — «уй»га киритишга ҳаракат қиладиган уйин)да эркаклар ўртасида швейцарияликлар, аёллар ўртасида эса канадаликлар галаба нашидасини сурдилар. Наганода тоғ спортининг ўзига хос тури — сно-

фрестайл, тоғ чанги спорти ва фигурали учиш мусобақаларида иштирок этдилар. Вакилларимиздан Татьяна Малинина фигурали учишнинг шахсий биринчилигида кумуш, Сергей Бренер эса фрестайлда бронза медалларини қўлга киритдилар.

Иккинчи Марказий Осиё уйинлари 1997 йилда Олмаота шаҳрида ўтказилиб, Ўзбекистон



Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримов Олимпиада ғолиб ва совриндорлари билан.

убординг бўйича ҳам дастлабки бор мусобақалар бўлиб ўтди. Уларда эркаклар ўртасида канадаликлар ва французлар, аёллар ўртасида эса швейцарияликлар ва немислар Олимпиада чемпионлари бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси спортчилари 1996 йил Хитой Халқ Республикасининг Харбин шаҳрида бўлиб ўтган учинчи Осиё қишки уйинларида

Республикаси спортчилари 157 та (35 та олтин, 63 та кумуш ва 59 та бронза) медаль билан мезбонлардан сўнг иккинчи ўринни олдилар.

Таиланд пойтахти Бангкокда 1998 йил бўлиб ўтган XIII Осиё уйинларида Ўзбекистон спортчилари 40 та (6 та олтин, 22 та кумуш ва 12 та бронза) медаль билан умумжамоа ҳисобида қитъада ўнинчи ўрин билан чегараландилар.

Фахрий шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилган боксчиларимиздан С.Михайлов, 8278 очко тўплаб Осиё рекорди ўрнатган ўнкурашчи О.Вертельников, найза улоқтирувчи С.Войнов, эшкак эшувчилар В.Казанцев, К.Яшин, Р.Исломов, А.Шилинлар умумжамоа ҳисобига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Кореянинг Кенгвон провинциясида бўлиб ўтган IV қишки Осиё ўйинларида 23 мамлакат вакиллари спортнинг 14 турида беллашдилар. Бу мусобақаларда ўзбекистонлик фигурали учувчилар жуда муваффақиятли қатнашиб, биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар. Яккалик мусобақаларида Татьяна Малининанинг олий, Роман Скорняковнинг кумуш, спорт жуфтлигида Наталья Пономарева ва Евгений Свиридовларнинг бронза медаллари республикамик спортчиларига умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллашлари имконини берди.

Учинчи Марказий Осиё ўйинлари 1999 йилда Бишкекда бўлиб ўтди. Лекин 2001 йил Ашхободда ўтказилиши мўлжалланган тўртинчи Марказий Осиё ўйинлари муайян сабабларга кўра қолдирилди.

Давлатимиз вакиллари жаҳон спорт майдонларида маҳоратларини намойиш этиб бораётган бир пайтда миллий спорт турларимиз курраи заминимизда оммалашини сари ҳам дадил сазй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Ўзбек кураши бўйича Халқаро ассоциациянинг тузилиши худди шунинг далолатидир. Бунда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 февралдаги «Халқаро «Кураш» ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунда жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда ўзбек кураши федерациялари тузилган, бу миллий спорт туримиз бўйича жаҳон, қитъа ва халқаро мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.



Спортнинг олимпия турлари

БАДИЙ ГИМНАСТИКА

Бадий гимнастиканинг спорт тури сифатида шаклланиши француз педагоглари Жорж Демени ва Франсуак Дельсарт номлари билан боғлиқ. Улар биринчи бўлиб қизларни жисмоний тарбиялашда мусиқа журлигида бадий гимнастика билан шуғулланишнинг аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаб берганлар. Франсуа Дельсартнинг бадий гимнастикага оид ғоя ва тамойиллари машҳур раққоса Айседора Дункан латофатли рақсларида ўз ифодасини топди. Бу рақсларни замонавий бадий гимнастиканинг ўзига хос кўриниши сифатида талқин этиш мумкин.

XX аср бошларида Женева консерваториясининг профессори Жак Далькроз ритмик гимнастика асосларини яратди. Аслида бу машқлар мусиқачилар ва артистлар учун мўлжалланган эди. Лекин кейинчалик у оммалашиб, оммабоп жисмоний тарбия воситасига айланди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Халқаро гимнастика федерацияси — ФИЖ бадий гимнастикани спорт тури сифатида тан олди.

Бадий гимнастика 1984 йилдан Олимпиадалар дастурида.

Бадий гимнастика машқлари уч гуруҳ ҳакамлари томонидан баҳоланиб борилади. Ижро техникасини баҳоловчи ҳакамларнинг биринчи гуруҳи машқлар мураккаблиги даражасини, бадий ижро ҳакамлари гуруҳи эса гимнастикачилар композицияларининг бадийлигини ва ниҳоят ижро этилаётган машқларнинг мукамаллиги ҳамда уларнинг мусиқага мослигини ижро маҳорати ҳакамлари гуруҳи баҳолаб борадилар.

Ўзбекистон бадий гимнастика федерацияси Халқаро гимнастика федерацияси — ФИЖ аъзосидир.

ҲАММА СИДНЕЙГА ЙЎЛ ОЛДИ

«Ҳамма йўллар Римга элтади!» Ушбу империя куч-қудрати чуққисига кўтарилган даврларда муомалага киритилиб, кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган мазкур жумла икки — XX ва XXI асрлар чорраҳасида мавзумиз нуқтаи назаридан, таъбир жоиз бўлса, «Ҳамма Сиднейга йўл олди» тарзида талқин этилишига ҳамма асослар бор. Бу фақат 2000 йилги XXVII олимпия ўйинларига 199 давлатдан 10651, шу жумладан, 4069 аёл спортчи ташриф буюрганлиги билангина изоҳланмайди.

Сидней Олимпиадасини 16 минг журналист, шу жумладан, 11 минг электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари ёритдилар. Ўйинларнинг тантанали очилиши ва ёпилиши, мусобақаларнинг бориши тўғрисида 220 мамлакатга узатилган телевидение кўрсатувларини 3,7 миллиард киши томоша қилиб борди. 25 миллион одам эса Интернет орқали хоҳлаган пайтда хоҳлаган спорт мусобақасини кузатиш имкониятига эга бўлди.

Сидней Олимпиадаси мусобақалари дастури янада кенгайди. Курраи заминимизнинг энг

кучли спортчилари 300 та, шу жумладан, эркеклар 168 та, аёллар 120 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар. Яна 12 медаллар жамланмаси эса эркеклар ва аёллар бирга иштирок этган мусобақалар ғолибларига топширилди.

Мазкур Ёзги Ўйинларга Ўзбекистон олимпиадачилари жуда пухта тайёргарлик кўрдилар. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил 7 июндаги «Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимиз спортчиларига олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилди.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси спортчилари Сидней Олимпиадасида бундан тўрт йил илгариги Ўйинлардагига қараганда анча муваффақиятли иштирок этиб, битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритдилар. Умуман мамлакатимиз терма жа-



Спортнинг олимпия турлари

РЕГБИ

Регби — жамоавий спорт ўйини.

Регби туғилган аниқ сана мавжуд. 1823 йил 7 апрелда Регби (ўйин номи ундан олинган) шаҳри коллежида Ватерлоо устидан қозонилган ғалаба кунига бағишлаб футбол мусобақаси ўтказилаётган эди. Кутилмаганда ўйинчилардан бири — 16 ёшли Уильям Вэббэллис майдон ўртасида тўпни қўлига олиб рақиб дарвозаси томон югуради. Бу футбол қоидасига хилоф эди. Аммо коллеж талабасининг бундай ўзбошимчалиги янги спорт ўйини пайдо бўлишига олиб келди.

Регби Англияда жуда тез оммалашиб кетди. 1846 йилда бу ўйиннинг қоидалари нашр этилди. Бироқ футбол ва регби ўйинлари ихлосмандлари ўртасида ана шу қоидалар тўғрисида баҳс давом этаверди. Ниҳоят 1863 йил 26 октябрда футбол ва регби алоҳида-алоҳида спорт ўйинлари эканлиги, шу сабабдан ҳам улар қоидалари бир-биридан фарқ қилиши тўғрисида бир тўхтамга келинди.

1871 йилда Англиядаги 21 та регби клуби бирлашиб, Регби уюшмасини ташкил этдилар. 1873 йилда Шотландия, 1875 йилда Ирландия регби уюшмалари тузилди. 1890 йилда улар Халқаро регби кенгашига бирлашдилар, кейин унга Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка ҳам қўшилди.

1934 йилда Халқаро ҳаваскор регби федерацияси — ФИРА ташкил топди.

Регби 1900, 1908, 1920, 1924 йилги Олимпиадалар дастуридан ўрин олган. Кейин регби миллий жамоаларида ҳаваскорлик спорти мақоми талабларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги сабабли регби олимпия ўйинлари дастурига киритилмай қўйди. 2000 йилги XXVII Олимпиадада регби бўйича кўргазмалар мусобақалар ўтказилди. Афина Олимпиадасида регби яна Ўйинлар дастуридан жой олди.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва шахмат буйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов.

моаси сафидаги 77 нафар олимпиадачи мусобақалар дастуридан ўрин олган спортнинг 13 турида иштирок этдилар. Улар норасмий умумжамоа ҳисобида 41-ўринни олдилар, яъни Атланта Олимпиадасига нисбатан 17 поғона юқорига кўтарилишга муваффақ бўлдилар.

Узоқ «яшил қитъа» олимпия рингида боксчиларимиз эришган зафар, айниқса, қувонарли бўлди. Улар йигирма еттинчи олимпия ўйинлари дастуридаги спортнинг бу тури мусобақаларида иштирок этган 199 та мамлакат ўртасида тўртинчи (!) ўринни эгаллашга эришдилар.



Футбол бўйича ногиронлар ўртасида жаҳон чемпиони — Ўзбекистон миллий терма жамоаси.



Миллионлаб ватандошларимиз ҳақиқий ўзбек ўғлини Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг Сиднейда Олимпиада фахрий шоҳсупасининг энг юқорисига кўтарилиб, давлатимиз байроғи ҳилпираб, мадҳиямизнинг тантанавор оҳанглари янграб турган бир пайтда кўксига олтин медаль тақилган онларни асло унутмайдилар.

63,5 килограммгача вазнли боксчилар ўртасида Олимпиада чемпиони бўлишга даъвогарлар орасида кубалик Диогенес Лунаартинес, италиялик Свен Парис, жазоирлик Муҳаммад Аллалу, белорус Сергей Буковский, мисрлик Абдул Мақсуд Солиҳ, россиялик Александр Леонов каби жаҳоннинг манаман деган «чарм қўлқоп» усталари бор эди. Миллатдошимиз улардан маҳоратлироқ эканлигини исботлай олди.

Ҳал қилувчи финал жангида эса Муҳаммадқодир Америка Қўшма Штатларидан Рикардо Уильямсга рўбарў келди. Бундан тўрт йил муқаддам Атланта Олимпиадасида Рикардога ўз ватани ринги омад келтирган эди. Сиднейда эса ҳакамлар Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг ишончли галабасини қайд этдилар — 27:20!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов халқимиз муносиб фарзандининг Сидней Олимпиадасидаги спорт жасоратига юқори баҳо берди: «**Муҳаммадқодир кўксидаги олтин медали билан шоҳсупанинг юқори поғонасида фахр-ғурурга тўлиб турар экан, унинг шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз юқорига кўтарилаётган чоғда унинг тимсолида халқимизнинг кучи, ғайрат-шижоатга тўла жасорати ва мардлиги намойиш этилгандек бўлди**».

Ўзбекистонлик Олимпиада чемпиони галабасини Рустам Саидов билан Сергей Михайлов қўллаб-қувватладилар. Рустам 91 килограммгача вазнли боксчилар ўртасида, Сергей эса 81 килограммгача вазнли спортчилар орасида бронза медаллари совриндорлари бўлдилар.

Эркин кураш бўйича 130 килограмм вазнга эга полвонлар билан баҳсларда Артур Таймазов дастлабки барча беллашувларни ишонарли галаба билан якунлади. Ярим финалда туркиялик Айдин Пулатчини билан курашни ҳам 3:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Фақат финалда ҳакамлар россиялик Давид Муссельбес фаол кураш олиб борганлиги учун 5:2 ҳисобини қайд этиб, унинг қўлини юқорига кўтардилар.

Эркин кураш мусобақаларида полвонлари-

миздан Дамир Захириддинов (58 кг) фахрли тўртинчи, Руслан Хинчалов (76 кг) бешинчи ўринларни олдилар. Вакилларимиздан Баҳодир Қурбонов (63 кг)га юнон-рим кураши, пистолетдан ўқ отишда мерганимиз Дилшод Мухторов, дзюдода Алишер Мухторов (60 кг)ларга ҳам бешинчи ўрин насиб этди.

Батутда сакраш йигирма саккизинчи ёзги Олимпиада дастуридан биринчи бор ўрин олди. Унда россиялик Александр Москаленко ҳамда Ирина Караваева Ўйинлар чемпионлари бўлдилар. Ўзбекистонлик Екатерина Хилко 36,6 балл тўплаб, тўртинчи ўринга кўтарилганлиги спортчимизнинг муваффақияти ҳисобланади.

Сидней Олимпиадаси нишонларининг энг кўпи — 88 тадани Америка Қўшма Штатлари ва Россия Федерацияси олимпиадачиларига насиб этди. Америкалик олимпиадачилар 40 та, россияликлардан 8 та кўп олтин медаль соҳиби бўлганликлари учун улар норасмий жамоа ҳисобида биринчи ўринга кўтарилдилар. 59 та, шу жумладан, 28 та олтин медалга сазовор бўлган Хитой Халқ Республикаси олимпиадачилари норасмий умумжамоа ҳисобида биринчи марта учинчи ўринни олдилар.

Умуман Австралияда 80 та мамлакат олимпиадачилари медаллар билан тақдирландилар. 51 давлат спортчилари эса абадий бериладиган Олимпиада чемпиони юксак унвонига мушараф бўлдилар.

Бу рақамлар, улар қанчалик салмоқли ёки жозибали кўринмасин, ортида ташкилотчиларнинг неча йиллик беқиёс саъй-ҳаракатлари,



Спортнинг олимпия турлари

СТОЛ ТЕННИСИ

Стол тенниси — спортнинг энг оммавий тури. Бугунги кунда стол тенниси билан дунёда 40 миллиондан кўпроқ спортчи шуғулланади.

Европада стол тенниси «пинг-понг» номи билан машҳур эди. Даставвал унга кўнгилочар ўйин сифатида қараларди.

Стол тенниси XIX аср бошларида спорт тури сифатида шакллана бошланди. Лекин фақат 1926 йилдагина Буюк Британия, Германия ва Венгрия Халқаро стол тенниси федерацияси — ИТТФни туздилар. 1927 йилда стол тенниси бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди.

Стол тенниси 1988 йилдан олимпия ўйинлари дастурида. Мусобақалар яккалик ва жуфтликлар ўртасида ўтказилади. Яккалик мусобақаларида 64 та эркак ва 64 та аёл, жуфтликларда эса 128 та теннисчи иштирок этади. Ҳозирги вақтда стол тенниси бўйича мусобақаларда хитойликлар музлақ устунликларини намойиш этиб келмоқдалар.

Ўзбекистон стол тенниси федерацияси ИТТФ аъзосидир.

спортчиларнинг тинимсиз машаққатли машқлари, улар устозларининг бетиним изланишлари ётганлиги кўпроқ ўзларига маълум. Жумладан, Буюк британиялик Стив Редгрейв Сиднейда академик эшкак эшиш бўйича мусобақаларда 1984, 1988, 1992, 1996 йилги олимпиадаларда бўлгани каби кетма-кет бешинчи марта олтин медаль билан тақдирланди.

Йигирма йил давомида спортнинг муайян бир турида жаҳонда энг кучли эканлигини муттасил исботлаб бориш осонми?! Шуниси қизиқки, Стив Редгрейв академик эшкак эшиш бўйича беш карра Олимпиада чемпиони, олти карра жаҳон чемпиони унвонлари билан бирга бобслей бўйича 1989 йилги жаҳон чемпиони ҳамдир. Буюк Британия қироличаси ҳам 2000 йилда унга бежиз рицарь унвонини марҳамат қилмаган.

Россиялик гимнастикачи Алексей Немов билан қиличбоз Станислав Поздняков инглиз рицаридан атиги биттадан кам олтин медалга эга бўлсаларда, «Тўрт карра Олимпиада чемпиони» унвони уникдан қолишмайдиган даражада тантанавор жаранглайди. Мордова гимнастика мактабига мансуб Алексей Немов иккита олтин медалини 1996 йилги Ўйинларда, қолган иккитасини Сиднейда қўлга киритган. Бундан ташқари ушбу олимпиадаларда у иккита кумуш ва олти бронза медаллари билан ҳам тақдирланган.

Умуман, Россия гимнастикачилари йигирма еттинчи олимпия ўйинларида жуда муваффақиятли қатнашдилар. Уларнинг 15 та — бештадан олтин, кумуш ва бронза медалларига сазо-

вор бўлганликлари буни яққол кўрсатиб турибди.

Новосибирсклик Станислав Поздняков эса қилич бўйича шахсий ва жамоа биринчиликларида 1992, 1996 (икки марта) ва 2000 йилги Олимпиада чемпиони, битта кумуш медаль (1992 йилги Олимпиада) соҳибидир. Яна бир россиялик машҳур гандболчи Андрей Лавров «яшил қитъа»да жамоаси билан навбатдаги ғалабани нишонлаб, уч карра Олимпиада чемпиони (1988, 1992 ва 2000 йиллардаги) бўлди.

Сиднейда эришилган энг юксак натижаларга голландиялик Питер ван Хугенбанднинг сузиш бўйича мусобақаларда иккита олтин медалини янги жаҳон рекордлари ўрнатган ҳолда қўлга киритганлигини кўрсатиш мумкин. У, шунингдек, Австралияда иккита бронза медали билан ҳам мукофотланди. АҚШ энгил атлетикачиси Мерион Жонс эса аёллар ўртасида 100 ва 200 метрга югуришда қўш зафар кучди.

XXVII ёзги Олимпиада мусобақалари дастурига биринчи бор киритилган триатлон (учқураш — 1,5 километр масофага сузиш, 40 километрга велосипед пойгаси ва 10 километрга югуриш)да эркаклар ўртасида канадалик Саймон Витфилд, аёллар ўртасида Бригиттаак Махон, пляж волейболида америкаликлар ва мезбонлар ғолиб, деб топилдилар.

Таэквандода эркаклар ва аёллар ўртасида тўрттадан вазн тоифаларида учта олтин медаль Корея Республикаси, шунингдек, биттадан — АҚШ, Хитой, Куба, Греция, Австралия спортчиларига насиб этди.



Спортнинг олимпия турлари

СОФТБОЛ

Софтбол — жамоавий спорт ўйинидир.

Бейсбол ўйин турларидан бири бўлган софтбол спорт ўйини сифатида 1887 йилда шакллана бошлади. Даставвал у «mitchball» — машбол ва «kittenball» — киттенбол деб аталган. 1920 йилдан бошлаб софтбол деб номлана бошланган.

Софтболда 180 грамм вазнга эга тўп билан ўйналади. Унинг «тўпни тез улоқтириш» — «fast pitch» ва «тўпни секин улоқтириш» — «slow pitch» турлари мавжуд бўлиб, асосан ўсмирлар ва аёллар ўйини ҳисобланади.

Аёллар ўртасида жаҳон биринчилиги дастлабки марта 1965 йилда ўтказилган. Эркаклар ўртасида эса 1966 йилдан ўтказиб келинмоқда. Жаҳон биринчиликлари 4 йилда бир марта ўтказилади.

1933 йилда Софтбол ихлосмандлари ассоциацияси — АСА тузилган эди. 1952 йилда Халқаро софтбол федерацияси — ИСФ ташкил топди. У 125 та миллий софтбол федерациясини бирлаштиради.

Софтбол 1996 йилдан олимпия ўйинлари дастурида.

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

Футбол бўйича олимпия турнирида эркаклар ўртасида Камерун, аёллар ўртасида Норвегия жамоалари галаба нашидасини сурдилар.

Ўн тўққизинчи қишки Олимпиада мезбонлигига АҚШнинг Юта штати пойтахти — Солт-Лейк-Ситининг танланиши Халқаро Олимпия Қўмитаси айрим аъзоларининг коррупцияга

мезбонлар томонидан қопланаётганлиги ошкор бўлиб қолди.

Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1999 йилги 110-сессияси бу можародан тегишли хулосалар чиқарган ҳолда ХОҚни янада демократлаштириш, унинг фаолияти ошкоралигини таъминлашга қаратилган жиддий қарорлар



Велопойгадан сўнг.



Осиё чемпиони Миржалол Қосимов.

алоқадорликлари билан боғлиқ мисли кўрилмаган жанжални келтириб чиқарди. Уларнинг мазкур қишки Олимпиада ташкилотчиларидан жуда қимматли совғалар олганликлари, фарзандларининг АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқишлари билан боғлиқ харажатлари ҳам

қабул қилди. Уларда Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзолигига ҳамда Президентлигига сайлаш, Ўйинларни ўтказишга номзодларни танлашда туб ўзгаришлар кўзда тутилиши билан бирга 2004 йилдаги Олимпиададан бошлаб спорт турлари бўйича медаллар жамланмаси

энг кўпи билан 280 та бўлиши белгилаб қўйилди.

Маълумки, Сидней Олимпиадасида 300 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борилди. Таққослаш учун замонавий олимпия ўйинларининг биринчиси (Афина)да уларнинг сони 43 та бўлганлигини келтириш мумкин. Шунингдек, ёзги олимпия ўйинлари мусобақалари кўпи билан 16, қишқилари эса 10 кун муддатда ўтказилиши шарт қилиб қўйилди.

2001 йил июль ойида бўлиб ўтган Халқаро Олимпия Қўмитасининг 112-сессиясида йигирма тўққизинчи олимпия ўйинлари пойтахти танланди. Мезбонликка Осака, Париж, Истамбул, Пекин ва Торонто шаҳарлари номзод эди. Осака овоз беришнинг биринчи босқичидаёқ номзодлар рўйхатидан тушиб қолди. Иккинчи босқичда Пекин ҳаммадан кўп — 50 овозга эга бўлиб, 2008 йили жаҳон спортчиларини Хитойда кутиб олиш шарафини қўлга киритди.

Сессияда, шунингдек, ХОҚнинг саккизинчи Президенти этиб бельгиялик Жак Рогге сайланди. У бу юксак лавозим учун номзодларини қўйган америкалик ҳуқуқшунос Анита Дафрантц, корейлик дипломат Ким Ёонг Ун, канадалик иқтисодчи Ричард Паунд ва собиқ венгр қиличбози Пал Шмитлардан кўпроқ овоз олишга муваффақ бўлди.

2002 йил 8—24 февраль кунлари АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида бўлиб ўтган XIX қишқи Олимпиадада 78 мамлакатдан келган қарийб 4500 спортчи ўн беш спорт тури бўйича 78 та медаллар жамланмаси учун беллашдилар. Норвегиялик чанғичи Оле-Эйнар Бьорндален, ҳеч шубҳасиз, ушбу «Оқ Олимпиада» қаҳрамони ҳисобланади. 1998 йилда 10 километрга пойгада Олимпиада чемпиони, эстафетада кумуш медаль совриндори бўлган Оле-Эйнар Бьорндален Солт-Лейк-Ситида 10, 20 километрга пойга, 12,5 километрга жамoa таъқибиди ҳамда эстафетада ғолиб чиқиб, тўртта олтин медалга ва беш карра Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Шайбали хоккей бўйича мусобақалар финалида мезбонлар Канада спортчиларига қарши майдонга тушдилар. Спортнинг мазкур тури ватанидан келган хоккейчилар бу учрашувда америкаликларни 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим асрдан кейин яна Олимпиада чемпионлари бўлдилар. Учинчи ўрин учун белла-

шувда Россия хоккейчилари Беларусь жамоасидан устунликларини расмийлаштирдилар — 5:2.

Афсуски, спортчиларнинг допингдан фойдаланишлари билан боғлиқ кетма-кет можаролар, ҳакамларнинг ноҳолислиги юзасидан беҳисоб шикоятлар бу ўйинларга 1,9 миллиард доллар сарфлаган Солт-Лейк-Сити қишқи Олимпиадасининг яна бир ўзига хослиги бўлди.

Норасмий умумжамоа ҳисобида эса 245,75 очко ва 35 та (12 та олтин, 16 та кумуш ва 7 та бронза) медалга эга Германия олимпиадачиларининг олдига тушадиганлар топилмади. АҚШ иккинчи (237 очко ва 34 медаль), Норвегия учинчи (169 очко ва 24 та медаль) ўринни олди.

Жанубий Корейнинг Пусан шаҳрида 2002 йил 29 сентябрь — 14 октябрь кунлари XIV Осиё ўйинлари ўтказилди. Унда спортнинг 38 тури бўйича 43 мамлакатнинг 11 минг нафардан кўпроқ спортчиси чемпионлик учун кураш олиб борди. Улар сафида спортнинг 23 тури бўйича беллашишга чиққан Ўзбекистоннинг энг кучли 228 спортчиси ҳам бор эди.

Ташкилотчилар Осиё ўйинлари машъаласини қитъанинг ҳар бир мамлакатидан келтирилган машъалалардан ўт олдириш ғоясини амалга оширдилар. Ўзбекистон спортчилари Жанубий Корейга Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Қуёш-Физика» мажмуасидан ўт олдирилган машъала билан келдилар.

Мамлакатимиз вакиллари Пусанда ўзларининг қитъадаги мавқеларини тиклашга эришдилар. Улар 51 та (15 та олтин, 12 та кумуш ва 24 та бронза) медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида яна бешинчи ўринга кўтарилдилар. Осиё ўйинлари чемпиони юксак унвонига сазовор бўлган гимнастикачи Оксана Чусовитина, велосипедчи Сергей Крушевский, боксчиларимиз Дилшод Маҳмудов, Ўткирбек Ҳайдаров, Икром Бердиев, Сергей Михайлов, Рустам Саидов, юнон-рим курашчи Александр Чегланов, езувчи Равиль Начаев, эркин курашчилар Дилшод Мансуров ва Артур Таймазовлар маҳоратлари таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистонда «Спортда оммавийликдан — маҳорат сари» шиорини изчиллик билан амалга оширишда давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил этилаётган уч босқичли мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицейлар ва касб-хунар

коллежлари талабаларининг «Баркамол авлод», студент ёшларнинг «Универсиада» оммавий мусобақалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Биринчи «Универсиада» мусобақаларининг финал қисми 2000 йилда Наманганда ўтказилди. Шундан кейин Бухорода «Универсиада—2002», Самарқандда «Универсиада—2004» ва

йили улардан бири ўтказилади) бўлиб ўтмоқда. Уларнинг нақадар оммавий эканлигини, жумладан, «Умид ниҳоллари» мактаб, туман ва шаҳарлараро ҳамда вилоятлараро босқичларида 6,5 миллиондан ортиқ мактаб ўқувчилари, «Баркамол авлод»да эса 538 минг талаба ёшлар иштирок этаётганликлари яққол кўрсатиб турибди.



Теннис юдузларини тақдирлаш.

Тошкент шаҳрида «Универсиада—2007» финал мусобақалари ташкил этилди. 2001 йилдан «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда «кичик олимпиадалар» номини олган бу уч босқичли мусобақаларнинг финал қисми ҳар уч йилда бир мартадан (ҳар

Ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма шарт-шароитларни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 31 октябрдаги бу жамғарма фаолиятини ташкил этишга қаратил-

ган қарори жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига давлат бюджетидан ажратилган ҳамда ҳомийлардан келиб тушаётган маблағлар ҳисобидан республикамиз шаҳар ва қишлоқларида энг замонавий спорт иншоотлари барпо этилмоқда, спорт анжомлари, бошқа зарур буюмлар харид қилиняпти.

2003 йил 1—8 февралда Япониянинг Аомори шаҳрида V қишки Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон спортчилари кунчиқар давлатида

қишки спортнинг тоғ чанғиси, гигант слалом ва фигурали учиш турларида қатнашдилар. Улардан Мария Аганина ва Артем Князев фигурали учишда жуптликлар баҳсида бронза медаль совриндорлари бўдилар. Тоғ чанғи спортининг гигант слаломда Қайрат Эрматов 15-ўринни олди. Умумжамоа ҳисобида эса юртдошларимизга 6-ўрин насиб этди.

Бешинчи Марказий Осиё ўйинлари 2003 йил 15—19 октябрь кунлари Душанбеда бўлиб ўтди.



Машҳур теннисчимиз Ирода Тулаганова.



ГАЛИНА ШАМРАЙ

Шамрай Галина Яковлевна — 1931 йил 5 октябрда Тошкентда тугилган. Спорт гимнастикаси билан Тошкентдаги ўсмирлар спорт мактабида шуғуллана бошлаган. 1949 йилда спорт устаси, 1954 йилда хизмат кўрсатган спорт устаси бўлган.

Кўп марта Ўзбекистон, Урта Осиё спартакиадалари, Берлиндаги ўн биринчи умумжаҳон студентлари ўйинлари чемпиони.

1952 йилги ўн бешинчи олимпия ўйинлари чемпиони ҳамда кумуш медали совриндори. Спорт гимнастикаси бўйича 1954 йилги жаҳон биринчилигининг мутлақ чемпиони ҳамда жамоа биринчилигининг олтин медали соҳибаси. 1975 йилдан спорт гимнастикаси бўйича халқаро тоифадаги ҳакам.

ВЕРА ДУЮНОВА

Дуюнова Вера Илларионовна (1945 йил 11 апрель, Краснодар) — волейбол бўйича икки карра Олимпиада чемпиони.

1965—1978 йилларда волейбол бўйича Тошкентнинг «Автомобилчи» ва Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси.

Волейбол бўйича терма жамоа таркибида 1968 йилги XIX ва 1972 йилги XX олимпия ўйинларининг чемпиони.

1970 йилги жаҳон чемпиони, 1973 йилги Жаҳон кубогининг ҳамда Бутунжаҳон универсиадасининг ғолиби, 1974 йилги жаҳон биринчилигининг кумуш медали совриндори.

1968 йилда хизмат кўрсатган спорт устаси унвонига сазовор бўлган.

1975 йилда Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тугаллаган.

1982 йилдан 6-болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактабининг директори.

1995 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» фахрий унвонига, 1997 йилда биринчи даражали «Соғлом авлод учун» орденига сазовор бўлган.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг вице-президенти.



АЛЖАН ЖАРМУҲАМЕДОВ

Алжан Мусурбекович Жармухамедов (1944 йил 2 октябрь, Тошкент вилояти, Товоқсой қишлоғи) — баскетбол бўйича Олимпиада чемпиони.

Алжан Жармухамедов 1967 йилда Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини тугаллаган. 1972 йилда терма жамоа таркибида баскетбол бўйича XX олимпия ўйинлари чемпиони, 1976 йилда XXI Олимпиаданинг бронза медали совриндоридир.

Алжан Жармухамедов 1967, 1971 йилларда терма жамоа таркибида баскетбол бўйича Европа чемпиони бўлди.

1979 йилда хизмат кўрсатган спорт устаси унвонига сазовор бўлган.



ЭЛЬВИРА СААДИ

Эльвира Фуадовна Саади (1952 йил 2 январь, Тошкент) — спорт гимнастикаси бўйича икки карра Олимпиада чемпиони.

1974 йилда Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини тугаллаган. Спорт гимнастикаси бўйича терма жамоа таркибида 1972 йилги XX ва 1976 йилги XXI олимпия уйинлари, 1974 йилги жаҳон чемпионидир.

1976 йилда Эльвира Саадига хизмат кўрсатган спорт устаси унвони берилган.

РУСТАМ КАЗАКОВ

Рустам Абдуллаевич Казаков (1947 йил 2 январь, Тошкент) — юнон-рим кураши бўйича Олимпиада чемпиони.

Рустам Казаков 1977 йилда Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини тугаллаган. 1969 йилда хизмат кўрсатган спорт устаси унвонига сазовор бўлган. 1972 йилги XX олимпия уйинларида юнон-рим кураши бўйича 57 кг вазнли спортчилар ўртасида чемпион бўлган.

Рустам Казаков 1969, 1971 йилларда юнон-рим кураши бўйича жаҳон чемпиони.



ЭРКИН ШАГАЕВ

Эркин Мақсудович Шагаев (1959 йил 12 февраль, Тошкент) — сув тўпи бўйича Олимпиада чемпиони.

1981 йилда Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини тугаллаган.

Сув тўпи бўйича терма жамоа таркибида 1980 йилги XXII олимпия уйинларининг чемпиони бўлган.

Сув полоси бўйича 1982 йилги жаҳон чемпиони, 1981 ва 1983 йиллардаги Жаҳон кубоги соҳиби, 1983 йилги Европа чемпиони, 1984 йилги «Дўстлик» турнирининг ғолибидир.

1980 йилда хизмат кўрсатган спорт устаси унвонига сазовор бўлган.

1977—1984 йилларда «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг спорт йуриқчиси, 1984—1989 йилларда сув полоси бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг бош мураббийи.

1990 йилда педагогика фанлари номзоди илмий унвонини олган.

1991 йилда Австралия терма жамоаси мураббийи бўлган.



ЛАРИСА ПАВЛОВА

Лариса Михайловна Павлова (1952 йил, 13 ноябрь) — волейбол бўйича Олимпиада чемпиони.

Лариса Павлова волейбол билан Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида шуғуллана бошлаган. Биринчи устози М.Фролик. Кейинчалик А.М.Лопатин, А.Н.Израилов, В.Н.Козлов мураббийлигида маҳоратини ошириб борган.

Лариса Павлова волейбол бўйича 1977 йилги Умумжаҳон универсиадаси ғолиби. Волейбол бўйича терма жамоа таркибида 1980 йилги XXII олимпия ўйинларининг чемпиони бўлган.

Лариса Павлова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» орденига сазовор бўлган. У халқаро тоифали ҳакамдир.



АРСЕН ФАДЗАЕВ

Арсен Сулейманович Фадзаев (1962 йил, 5 сентябрь) — эркин кураш бўйича икка карра Олимпиада чемпиони.

Арсен Фадзаев эркин кураш билан Тошкентда хизмат кўрсатган устоз Казбек Дедегкаев раҳбарлигида шуғулланиб, дастлабки салмоқли ютуқларга эришди. Кейинчалик терма жамоа бош мураббийи машҳур Иван Яригиннинг кўрсатмалари асосида маҳоратини ошириб борди.

Арсен Фадзаев 1981 йилда Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шу йили Канаданинг Ванкувер шаҳрида ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида ғолиб чиқди.

Арсен Фадзаев 1983—1988 йиллардаги олти карра жаҳон чемпиони.

Арсен Фадзаев эркин кураш бўйича 68 килограмм вазнда 1988 ва 1992 йиллардаги олимпия ўйинлари чемпиони. У 1983 ва 1984 йиллардаги Европа чемпиони, шунингдек, Жаҳон кубоги ва «Гран-при» турнирларининг ғолиби.

1988 йилда Арсен Фадзаевга хизмат кўрсатган спорт устаси унвони берилган.



МАХАРБЕК ХАДАРЦЕВ

Махарбек Хазбиевич Хадарцев (1964 йил, 2 октябрь) — эркин кураш бўйича икки карра Олимпиада чемпиони.

Махарбек Хадарцев 17 ёшлигида эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида чемпионликни қўлга киритди. Шундан сўнг у Тошкентда эркин кураш билан Казбек Дедегкаев ва Михаил Бекмурзов устозликларида маҳоратини ошира бошлади. У 1988 йилда Европа чемпиони бўлди.

Махарбек Хадарцев эркин кураш бўйича 90 килограмм вазнда 1988 ва 1992 йиллардаги олимпия ўйинларининг чемпиони, 1996 йилги Олимпиаданинг кумуш медали совриндоридир.

Махарбек Хадарцев 1986—1994 йиллардаги беш карра жаҳон чемпиони.

У 1987 йилда Тошкент Давлат университети юридик факультетини тугаллаган. 1988 йилда хизмат кўрсатган спорт устози унвонига сазовор бўлган.



РОЗАЛИЯ ГАЛИЕВА

Розалия Ильфатовна Галиева (1977 йил, 28 апрель, Тошкент вилояти) — спорт гимнастикаси бўйича Олимпиада чемпиони.

Розалия Галиева 1991 йилги Европа чемпионидир.

1992 йилда Розалия Галиева спорт гимнастикаси бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бирлашган жамоаси таркибида Олимпиада чемпиони бўлди. У спорт гимнастикаси бўйича 1996 йилги олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори ҳамдир.

Розалия Галиева 1992 йилда хизмат кўрсатган спорт устаси унвонига сазовор бўлди.



ОКСАНА ЧУСОВИТИНА



Оксана Александровна Чусовитина (1975 йил, 19 июнь, Бухоро) — спорт гимнастикаси бўйича Олимпиада чемпиони.

Оксана Чусовитина 7 ёшидан спорт гимнастикаси билан шуғуллана бошлаган. 1994 йилда Тошкентдаги Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти, 2000 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугаллаган. Дастлабки устози — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Светлана Кузнецова.

Оксана Чусовитина 1992 йилда спорт гимнастикаси бўйича жамоа биринчилигида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бирлашган жамоаси таркибида Олимпиада чемпиони бўлди.

Оксана Чусовитина 1994 йили Осиё ўйинларида иккита бронза, 1995 йили Жаҳон кубогида битта олтин ва иккита бронза, 1997 йили «Жаҳон юлдузлари» халқаро мусобақасида иккита кумуш медаль совриндоридир.

Оксана Чусовитина спорт гимнастикаси бўйича 4 та — 1992, 1996, 2000, 2004 йиллардаги олимпия ўйинларининг ягона иштирокчисидир.

Оксана Чусовитина 1992 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонига сазовор бўлган. 1996 йилда «Дўстлик», 2000 йилда «Меҳнат шухрати» орденлари билан мукофотланган.

ЛИНА ЧЕРЯЗОВА

Лина Анатольевна Черязова (1968 йил, 1 ноябрь, Тошкент) — фристайл бўйича Олимпиада чемпиони.

Лина Черязова 7 ёшидан гимнастика, 12 ёшидан акробатика билан шуғуллана бошлаган. У акробатика бўйича Ўзбекистон чемпионидир.

Лина Черязова 18 ёшидан қишки спортнинг янги тури — фристайл билан шуғуллана бошлади. У 1990 йилда фристайл бўйича Европа биринчилигида бронза медали билан тақдирланди. 1993 йили эса жаҳон чемпиони ҳамда Жаҳон кубоги соҳиби бўлди.

1994 йилги қишки Олимпиадада Лина Черязова фристайл бўйича Олимпиада чемпиони бўлди. У қишки спорт тури бўйича ўзбекистонлик биринчи Олимпиада чемпионидир. Лина Черязова 1998 йилги қишки Олимпиада қатнашчиси ҳамдир.

Лина Черязова 1996 йилги Осиё ўйинлари чемпиони.

Лина Черязова 1994 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугаллаган. У 1994 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи», 1998 йилда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонларига сазовор бўлди.





МУҲАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВ

Муҳаммадқодир Абдуллаев (1973 йил, 15 ноябрь, Андижон) — бокс бўйича Олимпиада чемпиони.

Муҳаммадқодир Абдуллаев 13 ёшидан бокс билан шуғулланади. Андижондаги олимпия ўринбосарлари билим юртида аввал Лочинбек Қўчқоров, сўнг Марс Қўчқоров ва Александр Размахов раҳбарлигида ўз маҳоратини оширган.

Муҳаммадқодир Абдуллаев 1995 йилда Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё ўйинлари голиби, Осиё биринчилигининг қумуш медали совриндоридир. У 1997 йилги Осиё чемпиони, 1998 йилги Жаҳон кубоги соҳиби, XIII Осиё ўйинлари голибидир.

Муҳаммадқодир Абдуллаев 1999 йилги жаҳон ва Осиё чемпионидир.

Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича 2000 йилги Олимпиада чемпионидир. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи», «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонлари, «Эл-юрт хурмати» ордени ҳамда «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

1999 ва 2000 йилларда Муҳаммадқодир Абдуллаев Ўзбекистон Республикасининг энг яхши спортчиси, деб топилган.

Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳозир профессионал бокс билан шуғулланмоқда.



Спортнинг олимпия турлари

ТРИАТЛОН

Триатлон — сузиш, велосипед пойгаси ва узоқ масофага югуришдан иборат спорт учкураши.

Триатлон 1974 йилда АҚШда пайдо бўлди. 1978 йилда Гавай оролларида триатлон бўйича ўтказилган биринчи мусобақада спортчилар ниҳоятда мураккаб ва қийин мусобақалар — 3,85 км га сузиш, 179 км га велосипед пойгаси ва 42,195 км марафонда беллашганлар.

1989 йилда Халқаро триатлон уюшмаси — ТИТУ ташкил топди. У ҳозирги вақтда триатлон бўйича 106 та миллий федерацияни бирлаштиради.

Триатлон 2000 йилда олимпия ўйинлари дастурига киритилди. Бугунги кунда учкураш барча иштирокчиларга оммавий старт берилган ҳолда 1,5 км га сузиш, 40 км га велосипед пойгаси ва 10 км га югуришдан иборатдир.

Спортчилар сузиш мусобақаларида хоҳлаган усулларидан фойдаланишлари мумкин. Улар сув ҳавзасида махсус белгилар билан белгилаб қўйилган учбурчак шаклидаги йўналишлар бўйича сузадилар. Белгиланган йўналишларда масофани қисқартириш жарима очколари билан жазоланади.

Триатлончилар сузиш бўйича белгиланган маррага етиб келишлари билан велосипед пойгасини бошлайдилар. Шундан сўнг югуриш мусобақалари ўтказилади. Учкураш мусобақаларида триатлончиларга бир спорт туридан иккинчисига ўтилаётганда танаффус берилмайди.

Эркак ва аёл спортчилар бир хил масофада мусобақалашадилар. Триатлончилар сузиш, велосипед пойгаси ва югуришда бир-бирларига халақит бермасликлари керак.

Ўзбекистонда ҳам триатлон миллий федерацияси ташкил этилган.



АРТУР ТАЙМАЗОВ

Артур Борисович Таймазов (1979 йил, 20 июль) — эркин кураш бўйича Олимпиада чемпиони.

Артур Таймазов 2000 йилги олимпия ўйинларининг, 2001 йилги жаҳон биринчилигининг кумуш медаллари совриндоридир. У эркин кураш бўйича 2003 йилги жаҳон чемпиони бўлди. У, шунингдек, Осиё чемпиони, халқаро турнирлар ғолибидир.

Артур Таймазов 2002 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи», 2004 йилда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонларига сазовор бўлди.

АЛЕКСАНДР ДОКТУРАШВИЛИ

Александр Доктурашвили (1980 йил, 22 май) — юнон-рим кураши бўйича Олимпиада чемпиони.

Александр Доктурашвили 2004 йилги Ўзбекистон ва Осиё чемпионидир.

2004 йилги олимпия ўйинларида Александр Доктурашвили юнон-рим кураши бўйича Олимпиада чемпиони бўлди. У 2004 йилда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонига сазовор бўлди.



Спортнинг олимпия турлари

ТАЭКВАНДО

Таэквандо — корейс миллий яккакураш спорт тури.

I—V асрлардаги қоялардаги суратларда таэквандо яккакурашига оид тасвирларни учратиш мумкин. Аммо унинг спорт тури сифатида шаклланишида генерал Хон Хи Чойнинг хизматлари каттадир. Бевосита унинг ташаббуси билан 1966 йилда Халқаро таэквандо федерацияси — ИТФ ташкил этилди. Унинг биринчи президенти этиб Хон Хи Чой сайланди.

1973 йилда Кореяда Умумжаҳон таэквандо федерацияси — ВТФ тузилди. Бугунги кунда 179 та таэквандо миллий федерацияси ВТФ аъзосидир. ИТФ ва ВТФ таэквандо бўйича мусобақаларни бир-бирдан мустақил равишда ташкил этади.

Таэквандо 2000 йилдан олимпия ўйинлари дастурида. Таэквандода эркаклар (58 кг гача, 68 кг гача, 80 кг гача, 80 кг дан ортиқ) ва аёллар (49 кг гача, 57 кг гача, 67 кг гача, 67 кг дан ортиқ) ўртасида тўрт вазн тоифасида мусобақалар ўтказилади.

АФИНА ЁҒДУСИ

25 март Грецияда муқаддас, миллий байрам нишонланадиган кундир. 1896 йилнинг 25 мартада замонавий олимпия ўйинлари туғилди. 2004 йилнинг 25 мартада муқаддас Олимпия шаҳридаги Гера мақбараси олдида XXVIII олимпия ўйинларининг машғаласи ўт олдирилиб, юнон энгил атлетикачиси Хостас Гациу-

Шундан сўнг олимпия машғаласи 27 давлатнинг 34 шаҳри бўйлаб ўттиз беш кунлик сафарга чиқди. Даставвал аввалги ёзги Олимпиада пойтахти Сиднейга келтирилган машғала Мельбурн — Токио — Сеул — Пекин — Деҳли — Қоҳира — Кейптаун — Рио-де-Жанейро — Мехико — Лос-Анжелес — Сент-Луис — Атланта —



Ўзбекистон Республикаси миллий олимпия жамоаси аъзолари Афинада бўлиб ўтган XXVIII олимпия ўйинлари тантанали очилиши маросими пайтида.

дис у билан Алфа дарёси соҳилидаги Зевс мақбараси томон йўл олди.

Бу ердан у етти кун мобайнида антик давр олимпия ўйинлари билан боғлиқ Пеллепоннес ярим ороли шаҳарлари ҳамда яқин орадаги ороллар бўйлаб олиб ўтилиб, мамлакат пойтахти Афинага етказиб келинди. Биринчи замонавий олимпия ўйинлари ўтказилган тарихий Мармар стадионидаги улкан идиш ана шу машғаладан ўт олиб, ёна бошлади. У 4 июнга қадар порлаб турди.

Нью-Йорк — Монреаль — Антверпен — Брюссель — Амстердам — Женева — Лозанна — Париж — Лондон — Барселона — Рим — Мюнхен — Берлин — Стокгольм — Хельсинки — Москва — Киев — Истамбул — София — Никосия орқали 13 август — Ўйинлар тантанали очиладиган кунда яна Афинага қайтиб келди. Ана шу шаҳарлар бўйлаб пиёда олиб ўтилган 1500 километрлик эстафетада 11 минг 300 нафар киши қатнашди. Улар орасида, жумладан, Бразилияда «футбол қироллари» Пеле ва Роналдо бор

эди. Машъала йўналиши ХХРда Буюк Хитой девори орқали ўтди...

Афина олимпия ўйинлари ёғдуси, ҳеч бир муболагасиз, бутун жаҳонни нурафшон этди, дейиш мумкин. Йигирма саккизинчи олимпия ўйинлари тантанали очилиши пайтида стадионни тўлдирган томошабинлар, ўз телевизорлари

олдига тўпланган курраи заминимиздаги 4 миллиарддан ортиқ киши Грециянинг энг истеъдодли 4000 нафардан кўпроқ артистлари, спортчилар иштирокидаги бир умр ёдда қоладиган театрлаштирилган саҳна кўринишларидан ҳайратга тушар эканлар, олимпия руҳининг, унинг қадриятларининг барҳаётлиги, спортнинг бугун-



Ўзбекистон спортчилари
Осиё ўйинларида.





Ғалаба онлари.



Афина Олимпиадаси ғолиби
Артур Таймазов (ўртада).



Ўткирбек Ҳайдаров ва Баҳодир Султонов —
Афина Олимпиадасининг бронза медали
совриндорлари.

ги кунда инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳам мушоҳада юритган бўлсалар ажабланарли эмас.

Руҳан ва жисмонан комил инсонни тарбиялашнинг қудратли воситасига айланган спорт олимпия ўйинларидек ноёб оламшумул байрам-

рини кенг тарғиб этиш, давлатимиз спортчиларининг бу ўйинларда муваффақиятли иштирок этишларини таъминлашга жуда катта аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги «Ўзбекистон Республикаси спортчиларини



Унутилмас дақиқалар.



Шахмат бўйича жаҳон чемпиони
Рустам Қосимжонов.

лар орқали бу уйғунликни гоят таъсирчан тарғиб этиш билан бирга турли давлатлар, миллатларга мансуб ёшларни дўстлик, биродарлик ришталари билан жипслаштириш олижаноб вазифасини ҳам ўтамоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини ривожлантириш, унинг қадриятла-

Афина шаҳри (Греция)да ўтказиладиган 2004 йилги XXVIII ёзги олимпия ўйинларида муносиб иштирок этишларини таъминлаш тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир далолати бўлди.

Олимпиада ватани пойтахтидаги стадионга ўйинлар тантанали очилиши пайтида Ўзбекистон Республикаси спортчилари делегацияси шах-

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

дам одимлар билан кириб келдилар. Йигирма саккизинчи Олимпиада машъаласини ёқиш шарафи грек яхтачиси Николас Какламанисга насиб этди.

Афина Олимпиадасида мамлакатимиздан 69 спортчи Ўйинлар дастурига киритилган спортнинг 37 туридан 15 тасида қатнашди. Спорт гимнастикасида Оксана Чусовитина, эшкак эшишда Руслан Наурзалиев ва Сергей Богданов, Владимир Черненко, Елена Ўсарова, сузишда

сида энг кучли эканлигини ишонарли равишда тасдиқлади. У барча учрашувларни галаба билан яқунлаб, Олимпиада чемпиони бўлди.

Миллий жамоамизга иккинчи олтин медални юнон-рим кураши бўйича 74 килограмм вазнли спортчилар билан бирга гиламга чиққан Александр Доктурашвили олиб келди. У саралаш мусобақаларининг ўзида жаҳон биринчилигининг кумуш медали совриндори Тамаз Берзицианини мағлубиятга учратди. Озарбойжонлик Вугар



Спорт билан дўстлашинг.

Ирина Шлемова ва Мария Бугакова, дзюдода Санжар Зокиров, мерганликда Вячеслав Скромнов ва бошқалар, афсуски, саралаш мусобақаларида финалга йўлланма ола олмадилар. Велоспортда шосседга гуруҳ пойгасида Сергей Лагутин маррага 56-бўлиб етиб келди.

Бироқ полвонларимиз ва боксчиларимиз анъана бўйича бу ёзги Олимпиадада ҳам жуда қувонарли ютуқларга эришдилар. Ўзбекистонда хизмат курсатган спорт устаси Артур Таймазов эркин курашда энг оғир вазнли рақиблари ўрта-

Арсланов ҳамда грек Алексис Колитсопулос ҳам у билан курашда мағлубиятларини тан олишга мажбур бўлдилар.

Александр Доктурашвили ярим финалда энг номдор полвон — Сидней Олимпиадасининг голиби ва жаҳон чемпиони россиялик Валтерез Самургашевни таслим қилди. Ўзбекистонлик спортчи ҳал қилувчи беллашувда яна бир жаҳон чемпиони фин Марко Или-Ханнукселагни мағлубиятга учратиб, Олимпиада чемпиони бўлди.

Эркин кураш бўйича 96 килограмм вазнли спортчилар ўртасида яна бир ватандошимиз — Магомед Ибрагимов йигирма саккизинчи олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори бўлди.

Боксчиларимиздан Ўткир Ҳайдаров 81 килограмм, Баҳодир Султонов эса 51 килограмм вазнли «чарм қўлқоп» усталари ўртасида бронза медалларига сазовор бўлдилар.

чилари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида бешинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринга чиқдилар.

Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти Жак Рогге ҳам Ўзбекистон спортчилари эришган муваффақиятларни юқори баҳоламоқда. «Мамлакатингизда олимпия ҳаракати жўшқинлик билан ривожланиб бормоқда», деб таъкидлади у Ўзбекистон Миллий олимпия



«Сизлар ҳеч кимдан кам эмассизлар!»

Кўп жиҳатдан ана шу спортчиларимизнинг зафарлари Ўзбекистон Республикаси миллий олимпия жамоасига Греция пойтахтидаги Ўйинларда иштирок этган 202 давлат ўртасида 34-ўринни эгаллаш имконини берди. Яъни, мамлакатимиз вакиллари норасмий умумжамоа ҳисобида Сидней Олимпиадасига нисбатан яна етти, 1996 йилги Атлантадаги Ўйинлардагига қараганда эса йигирма тўрт (!) поғона юқорига кўтарилишга эришдилар. Йигирма саккизинчи ёзги Олимпиада якунлари бўйича Ўзбекистон спорт-

қўмитаси раҳбарияти билан Афина Олимпиадасидан кейин ХОҚнинг Лозаннадаги қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон жаҳонда спорт жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Буни фақат боксчиларимиз, курашчиларимиз олимпия ўйинлари билан бир қаторда муттасил равишда жаҳон, қитъа биринчиликлари ғолиблари қаторидан ўрин олаётганликларигина эмас, шунингдек, Ирода Тулаганова энг нуфузли Уимблдон турнирида

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

голиби чиққанлиги, 2004 йилда Рустам Қосимжонов Жаҳон шахмат федерацияси — ФИДЕ йўналиши бўйича жаҳон тожини қўлга киритганлиги ҳам тўла тасдиқлаб турибди.

Афинада эса олимпия ўйинларида ҳеч қутилмаганда юнонлар Николаоу Сиранидис ва Томас Биниснинг 3 метрли трамплиндан синхрон сакрашда 353,34 балл тўплаб, олтин медални қўлга киритишлари сал бўлмаганда 5000 томошабинга мўлжалланган спорт залини остин-ус-

ки Яна Клочкованинг Афинадаги олий нишонларига Сидней Олимпиадасида худди шу масофаларга сузишда голиб чиққанлиги учун тақдирланган икки олтин медални ҳам қўшиб қўйиш керак бўлади. Ахир тўрт карра Олимпиада чемпиони бўлиш осонми?! Шунинг учун ҳам унга Украина Қаҳрамони унвони берилиши спортдаги жасоратининг муносиб баҳоланиши бўлди.

Россиялик Оксана Емакова Афинадаги Ўйинлардан сўнг уч карра Олимпиада чемпиони



Голибларга гуллар ярашади.

тун қилиб юборишга олиб келаёзди. Бу ерга тўпланган барча юнонлар ватандошлари ғалабасидан ғоят руҳланиб, энг катта шодиёналар пайтидагидек ёппасига «сиртаки» рақсини бошлаб юбордилар.

Греция пойтахтида Яна Клочкова аввал 200, сўнг 400 метрга комплекс сузишда голиб чиқиб, қўш олтин медални қўлга киритганида бутун Украина гопакка тушиб кетди, деб ишонтира олмаимиз. Аммо унинг ўз ватандошларининг бошини осомнга етказганлигига шак-шубҳа йўқ. Чун-

унвони билан фахрлана оларди. У бу олтин медалларининг иккитасини Греция пойтахтида шпагада қиличбозликда жамоа ва шахсий биринчиликларда қўлга киритган бўлса, биттасига Сиднейда мушарраф бўлган эди.

Афина Олимпиадасида учинчи олтин медал соҳиби бўлганлар орасида япониялик дзюдочи Тадахиро Номура, туркиялик оғир атлетикачи Халил Мутлу ҳам бор. Халил Мутлу йигирма саккизинчи олимпия ўйинларида 56 килограмм вазнли оғир атлетикачилар билан баҳсда икки-

курашда 295 килограмм натижа билан ғолиб чиқди ва юртдоши, уч карра Олимпиада чемпиони Наим Сулаймон ўглининг спорт жасоратини такрорлай олди.

Япониялик Риоко Тани дзюдода икки карра Олимпиада чемпиони бўлган ягона аёлдир. У аввалги Ўйинлардагидек Афина татамисида ҳам дугоналаридан маҳоратлироқ эканлигини кўрсатди.

Чилилик Николас Массу эса Эллада юртида

Улар жамоа биринчилиги ҳамда алоҳида машқларни бажаришда шода-шода медаллар соҳиби бўдилар.

Ҳар доимдагидек Америка Қўшма Штатлари олимпиадачилари енгил атлетика, сузиш, бошқа спорт турларида пешқадамлик қилиб, яна но-расмий умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни олдилар. Улар ҳисобида 103 та, шу жумладан, 35 та олтин, 39 та қумуш ва 29 та бронза медаллари бор эди.



«Ўзбекистон» спорт мажмуасида.

бир йўла икки олтин медални қўлга киритди. У катта теннисда даставвал шахсий биринчилик ғолиби бўлди. Иккинчи олий нишон унга шахсий биринчиликда бронза медали совриндори бўлган ватандоши Фернандо Гонсалес билан жуфтликлар ўртасидаги беллашувлардаги биринчи ўрин учун топширилди.

Аёллар ўртасида спорт гимнастикаси мусобақаларида Каталина Понор етакчилигидаги румин спортчилари шонли анъаналарининг муносиб давомчилари эканлигини исботлашди.

Иккинчи ўринни Хитой Халқ Республикаси, учинчини эса Россия спортчилари эгалладилар.

Олимпия ўйинларида спортчиларнинг ман этилган дори-дармон воситаларидан фойдаланишларига қарши кураш янада кучайтирилди. Жумладан, допингда айбланган россиялик енгил атлетикачи Ирина Коржаненконинг ядро улоқтиришдаги натижаси ҳам, олган олтин медали ҳам бекор қилинди. Греция миллий олимпия қўмитаси эса мусобақалар олдидан ўзи мустақил равишда допинг назорати ўтказиб,

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ





Oly Siro Millie

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

ноқонуний дори воситаларини ишлатган икки энгил атлетикачисини терма жамоа таркибидан чиқарди.

XX қишки Олимпиада ўйинлари 2006 йил 10—28 февраль кунлари Италиянинг Турин шаҳрида ўтказилди. Унда 85 мамлакатдан келган

Бу «Оқ Олимпиада»да Ўзбекистондан тоғ чанги спортида Қайрат Эрматов, фигурали учишда яккалик мусобақаларида Анастасия Гимазетдинова, жувфтликда эса Марина Аганина ва Артем Князев қатнашдилар. Улар совринли ўринларни эгалламаган бўлсаларда қуёшли ўл-



Ёш акробатлар.



Олимпиада чемпиони Лина Черзова.



Ҳужумда Ўзбекистон футболчилари.

2600 дан кўпроқ спортчи қиш спортининг 15 тури бўйича ўзаро беллашдилар. Уларда Жазоир, Кения, Сенегал, Эфиопия, Марокаш, Жанубий Африка Республикаси каби қиш спорти тўғрисида яқин-яқингача умуман тасаввурлари бўлмаган мамлакатлар вакилларининг ҳам иштирок этганлиги эътиборга моликдир, албатта.

камизда спортнинг қишки олимпия турларини ҳам ривожлантиришга берилаётган эътиборни таъкидлаш ўринлидир.

Турин қишки Олимпиадасида норасмий умумжамоа ҳисобида 29 та (11 та олтин, 12 та кумуш ва 6 та бронза) медалларни қўлга киритган Германия спортчилари биринчи ўринни олдилар.

25 та (9 тадан олтин ва кумуш ҳамда 7 та бронза) медаль билан АҚШ иккинчи, 22 та (9 та олтин, 7 та кумуш ва 6 та бронза) медаль билан Австрия учинчи ўринни эгалладилар. Россия жамоасига бу сафар тўртинчи ўрин билан чегараланишга тўғри келди.

лакатимиз спортчилари Дохада 40 та, шу жумладан, 11 та олтин, 14 та кумуш ва 15 та бронза медалини қўлга киритдилар.

2007 йил Ўзбекистон дунёнинг 162 мамлака-тидаги жисмоний ва интеллектуал қобилияти чекланган деярли 2 миллион спортчини қамраб



Ватан шарафи учун.

2006 йил 1—15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Дохада навбатдаги Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 246 спортчиси Ўйинлар дастуридан ўрин олган спортнинг 32 турида голиблик учун кураш олиб бордилар. Вакилларимиздан боксчилар Рустам Саидов, Баҳодир Султонов, Элшод Расулов, эркин курашда Дилшод Мансуров ва Артур Таймазов, каратэчи София Каспулатова, эшкак эшишда Юлия Борзова, Вадим Меньков, Руслан Наурзалиев, Владимир Черненко, Зарина ва Севара Ғаниевалар Осиё ўйинлари чемпионлари бўлиб, олтин медаль соҳиби бўлдилар. Мам-



ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

олган «Махсус Олимпиада»нинг «Иккинчи миллий махсус очиқ Олимпиада ўйинлари» мезбони ҳам бўлди. Бухорода шу йил 11—18 май кунлари ўтказилган бу мусобақаларда Афғонистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Польша, Тожикистон, Туркия, Туркменистон ва

чарм қўлқоп усталари иштирок этган жаҳон биринчилигида ўз вазнида курраи заминимизда унга тенг келадиганлар топилмаганлигини ишонarli тарзда исботлаб, чемпион бўлди ҳамда Пекин Олимпиадаси рингига чиқиш ҳуқуқини қўлга киритди.



ХОҚ Президенти Жак Рогге Пекин Олимпиадаси иншоотлари макети билан танишмоқда.

бошқа давлатлардан 350 дан ортиқ спортчилар қатнашдилар.

Ўзбек бокс мактабининг ёш ва ёрқин намояндаси Аббос Атоев эса 2007 йил 23 октябрь — 3 ноябрь АҚШнинг Чикаго шаҳрида 120 мамлакатдан келган 700 нафардан ортиқ энг моҳир

2007 йил ўзбек футболни тарихи саҳифаларига жасорат ва ирода намунаси сифатида ёзрилиши шубҳасиздир. Мамлакатимизнинг чинакамига матонатли футболчилари Туркияда бўлиб ўтган ногиронлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида яшил майдонда Бразилия ва Эрон, Украина ва



Туркия, Россия каби номдор миллий терма жамоаларидан устунликларини намойиш этдилар. Улар ҳам жаҳон чемпиони юксак унвонига сазовор бўлдилар.

Пекин эса XXIX Олимпиада ўйинлари иштирокчиларини кутиб олишга тайёр. Хитой пойтахти ёзги Олимпиадалар мезбони бўлиш шарафига эга бўлган жаҳондаги йигирма иккинчи, Осиёда эса учинчи шаҳардир.

мўлжаллаб «Укэсун» («Беш қарағай») спорт зали қад ростлади. Биргина олимпия қишлоғида 2000 квартирали турар-жойлар пайдо бўлди.


Лекин бу жуда улкан сарф-харажатлар беҳудага кетмайди. Пекинда барпо этилган ва этилаётган энг замонавий 22 та стадион, бошқа спорт иншоотлари, турар жойлар, инфратузилмалар ўйинлардан сўнг хитойликларнинг узларига хизмат қила бошлайди. Айти пайт-




Аҳолиси дунёда энг кўп — 1,3 миллиард кишидан иборат бўлган, иқтисодиёти жадал суръатларда тараққий этаётган Хитой Халқ Республикаси расмий маълумотларга қараганда бу Олимпиадани ўтказиш учун шу пайтгача тасаввур этиш қийин бўлган миқдорда сармоя сарфлади. Пекинда метро янги йўналишлари, транспорт инфратузилмалари қурилди, йўлдош шаҳарчалар барпо этилди. Шаҳар ғарбида баскетбол бўйича олимпия турнирини ўтказишга


да ташкилотчилар Олимпиада сарф-харажатларини қоплабгина қолмай, балки камида 1,5 миллиард доллар соф фойда олиш ниятида ҳамлар.

Ҳозир 2012 йилги ёзги ва 2014 йилги қишки Олимпиада ўйинлари мезбонлари ҳам маълум. Уларга Лондон ва Сочи тайёргарликни бошлаб юборишган. Ҳа, антик давр юнонлари бизга мерос қолдирган Олимпиада ўйинлари — жаҳон спорт байрами давом этаверади!









МУНДАРИЖА

Кириш 7

АНТИК ДАВР ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ

Минг йиллик анъаналар	20	Мард бўлсанг майдонга туш	28
Комил инсон орзуси	22	Ғолибсан — миллий қаҳрамонсан	34

ЗАМОНАВИЙ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ

Олимпия Хартияси	44	Яшил қитъада	109
Харқаро Олимпия Қўмитаси	45	Бутун дунё нигоҳида	117
Олимпиаданинг «иккинчи баҳори»	46	Тўла устунлик	123
Асосчи — «уйиндан ташқари»	53	XXI аср натижалари	128
«Маҳаллийлаштирилган» уйинлар	57	Шоҳсупада — узбекистонликлар	137
Излаган имконият топади	60	Мащъала коинотга кутарилди	145
Спорт ва санъат уйғунлиги	66	Спорт ғалабаси	151
Қитъалар бирлиги ва дўстлиги рамзи	71	Кашф этилган истеъдодлар	156
Париж яна мезбон	78	Шавкат ва фахр	162
Эркалар билан баробар	85	Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси	169
Рекордлар «ёмғири»	89	Бирлашган жамоа таркибида	170
Жиддий синов	95	Юз йиллик уйинлари	180
Ўн икки йилдан сунг	101	Ҳамма Сиднейга йўл олди	191
Рақобатнинг кескинлашиши	106	Афина ёғдуси	206

Эркин ЭРНАЗАРОВ

ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

*(Китобда республика Олимпия шон-шухрати музейи архивидан муаллиф
томонидан тақдим этилган суратлардан
ҳамда Ф. Қурбонбоев, Р. Шарипов, А. Тўраев ва А. Зувев
олган суратлардан фойдаланилди.)*

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2008

Муҳаррир Қодиржон Қажумов
Балиий муҳаррир Музаффар Аъламов
Техник муҳаррир Диана Габдрахманова
Саҳифаловчи Любовь Бацева
Мусаҳҳиҳлар: Маъмура Зиямухамедова, Шарофат Хуррамова

Босишга рухсат этилди 03.07.2008. Бичими 60x90¹/₈. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 28,0. Нашриёт-ҳисоб табоғи 28,2. Адади 1000 нусха. Буюртма № 4628. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.